

# Agroiqtisodiyot

илмий – амалий агроиқтисодий журнал  
(Махсус сон)

## Мундарижа

- |     |  |     |   |
|-----|--|-----|---|
| 4.  | USENOV AZAMAT, SUYUNOV SARDOR<br>Occimum basilicum (rayhon) o'simligidan ekstrakt olish<br>uchun konvektiv quritishni tahlil qilish  | 40. | Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, Т. СУЛТАНОВ,<br>Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, Б.Ж. МУСУРМОНОВ,<br>М.И. ДЖАЛИЛОВ<br>Сувнинг лойқалик даражасини аниқловчи<br>иқтисодий самарадорлиги      |
| 7.  | М.Б. ХАЛИКОВА, <u>Х. САЙДАЛИЕВ</u> ,<br>Э.У. МАТИЯҚУБОВА, Н.Қ.РАЖАБОВ<br>Ингичка толали коллекция намуналари ва f <sub>1</sub><br>дурагайларнинг<br>тола узунлиги кўрсаткичлари  | 43. | Л.С.СУВОНОВА, М.А.МАМАТКОСИМОВ, Б.М.КАМАНОВ<br>1700°C ҳароратда ишловчи электр иситувчиларни<br>ишлаб чиқариш   |
| 10. | Г.Р. МУРТАЗАЕВА<br>Ишлаб чиқаришдаги шовқинларнинг инсон<br>саломатлигига таъсири  | 49. | А.А.КАРИМОВ, Б.Ф.ҚОДИРОВ, М.А.МАМАТКОСИМОВ<br>Заргарлик тошларини тайёрлашда шпинель ва<br>серпентин минералларини танлашни асослаш   |
| 12. | Н.Қ.РАЖАБОВ, Т.А.ҲАЙДАРОВ<br>Типик бўз тупроклар шароитида “Андижон-37”<br>ғўза навининг ҳосилдорлигига ўғит ва сугориш<br>меъёrlарининг таъсири   | 56. | Қ.Ў.КОМИЛОВ, А.Д.КУРБАНОВА, С.Л.СУВОНОВА,<br>А.А.КАРИМОВ, М. ДЖАЛИЛОВ<br>Кимёвий мелиорантларни сугориш сувини тежашдаги<br>роли  |
| 15. | АТАЖАНОВ А.У<br>Экономное использование водных ресурсов на<br>эксплуатируемом<br>участке орошаемой по бороздам   | 58. | Қ.У.КОМИЛОВ, А.Д.КУРБАНОВА, С.Л.СУВОНОВА,<br>М.ДЖАЛИЛОВ.<br>Фосфогипсдан ернинг структурасини яхшиловчи<br>сифатида фойдаланиш  |
| 19. | Т.А.ҲАЙДАРОВ, А.А.ХОЖИЕВ, Н.Қ.РАЖАБОВ<br>Қишлоқ ва сув хўжалигида жароҳатланиш ҳамда<br>қасбий касалланиш сабаблари ва уни камайтириш<br>йўллари   | 60. | И.А.БЕГМАТОВ, Ш.А.АЙНАКУЛОВ, ЕРГАШОВА Д.Т.,<br>Моделирование режима капельного орошения<br>сельскохозяйственных культур   |
| 23. | ХОЖИЕВА Ш.А., МУРТАЗАЕВА Г.Р<br>Сув омборларидан фойдаланишда ва<br>хавфсизлигини таъминлашда сел оқимлари<br>трансформациясининг аҳамияти   | 65. | БОТАБАЕВА А.Е, МУТАЛИЕВА А.Ш, АЛИЕВА А.К,<br>ЖАХОНОВА.Н.Ш.<br>Национальное семейное воспитание, как современный<br>тренд развития молодежи  |
| 27. | ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н, МУХИДДИНОВ Т.И.<br>Ғўза ўсимликларида бўйи ва бош поядаги бўғимлар<br>сонининг юқори f <sub>6-7</sub> авлодларидағи қиёсий таҳлили   | 69. | Ш.Ч.БОТИРОВ<br>Сугориш сувини тежаш йўли  |
| 30. | ЧОРИЕВ А.Х, ХОДЖИБЕКОВ С.Н.<br>Ғўза ўсимликларида умумий кўсаклар ва пишган<br>кўсаклар сонларининг юқори f <sub>6-7</sub> авлодларидағи<br>қиёсий таҳлилини ўрганиш   | 72. | У.З. МАХМУДОВА<br>Иқлим ўзгариши шароитида Куйи Туямўйин<br>гидроузели худудидаги экологик муаммолар  |
| 32. | Ж.Б. САПАЕВ, И.Б. САПАЕВ, А.М. АРИФЖАНОВ,<br>Л.С. СУВОНОВА, Б.М. КАМАНОВ, А.Я. БАХРОМОВ,<br>М.И. ДЖАЛИЛОВ<br>Тупроқ ва сувнинг шўрланиш даражасини<br>аниқловчи оптималлаштирилган<br>кондуктометрнинг иқтисодий самарадорлиги | 76. | Ж.А.ҚОСИМОВ<br>Чизмачилик фанини ўқитишида муаммоли вазият<br>яратиш орқали дарс самарадорлигини ошириш   |
| 35. | J.B. SAPAEV, I.B. SAPAEV, A.A. KARIMOV, L.S.<br>SUVONOVA, B.M. KAMANOV, G.SH. XOLIQULOVA, A.Y.<br>EGAMBERDIEVA<br>Xonadagi namlik va haroratni aniqlovchi<br>optimallashtirilgan termogigrometr                                | 80. | Ж.А.КОСИМОВ<br>Организация моделирования виртуальных образцов<br>разработок и технологий в 3d формате   |
|     |  | 85. | КОДИРОВ О, ЖАХОНОВ А, МАТКАРИМОВ О,<br>МУТАЛИБОВ М<br>Техническое состояния сооружений канала   |
|     |  | 93. | DILAROM F. KUCHKAROVA, BAFO U. KHAITOV,<br>DILNOZA A. ACHILOVA,<br>Geometric modeling of the surface of the avancamera of<br>pumping stations according to the present conditions |

97. M.RADJAPBAEV, Z.ABDDURAKHMONOV, S.MELIKUZIYEV, J.ABDULLO.  
To the question of the topographic survey of reservoirs
100. ASLANOV I.M. JUMANOV.N. KHASANOV S.S.  
Gis based mapping of farmers for sustainable land management
103. РАЖАПБОЕВ М.Х, ИСЛОМОВ Ў.П,  
ХИКМАТУЛЛАЕВ С.И.  
Ер кадастрини юритища аэро-космосуратлардан фойдаланиш ва уларнинг афзаликлари
105. МУХТОРОВ Ў.Б  
Иқлим харитасини тузишида замонавий гис технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги ва статистик маълумотларнинг аҳамияти
112. А.Н.ЖУМАНОВ, А.Ф.АШУРОВ  
Мероприятия по улучшению мелиоративного состояния земель в узбекистане
115. А.Н.ЖУМАНОВ  
Сервигут асосида ердан фойдаланишни такомиллаштириш
119. А.МУҚУМОВ, К.ХУЖАКЕЛДИЕВ  
ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЕР ТУЗИШНИНГ РОЛИ
122. А.Р. БАБАЖАНОВ, Р.Д. АБДИРАМОНОВ  
Геоахборот тизимлари технологияларига асосланган лойихаларни назорат қилиш ва мониторингини юритиши
126. БАБАЖАНОВ А.Р, САДУЛЛАЕВ С.Н  
Холати бузилган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариши ва қайта тиклашнинг муҳим ташкилий тадбiri
130. А.Р. БАБАЖАНОВ, З.Т. ТОЖИЕВ  
Ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнида уларни инвентаризациялаш тажрибаларидан фойдаланиш
135. АБДУЛЛАЕВА Р.М., ЖУРАЕВ А.Ю., ХОЛИКОВА Ё. А., ЖАХОНОВА Н.Ш.  
Служебные обязанности практического психолога
139. ИНАМОВ А.Н., АБДИСАМАТОВ О.С., ИСЛОМОВ Ў.П.  
Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳдилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиши методлари
145. КАРИМБОЕВ К.К., РАХИМОВА М.Х., ШАМСИЕВА Н.М., АБДУРАХМОНОВ З.З.  
Применение четырехэтапных гис-технологий для прогнозирования последствий опасных геомеханических процессов на хвостохранилищах обогатительных фабрик
151. КУБАЕВ Д.А.  
Республика қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш масалалари
154. МАЖИТОВ Б.Х.  
Ўзбекистонда ер мониторингини юритища замонавий технологияларни кўллаш
159. А.Х. РАХМАТУЛЛАЕВ  
Некоторые геометрические и топологические свойства геометрически плотных подпространств тестового пространства  $Z(X)$ , определенном в стратифицируемом пространстве  $X$ .
164. S.MUSAYEV, I.MUSAEV  
Feasibility of rain water harvesting in different climate zones
168. НИКАДАМБАЕВА Ҳ.Б., РЎЗИҚУЛОВА О.Ш.  
Регионал география фанидан талабаларнинг мустақил иш топшириклиарини тайёрлашда “кузатиш, баҳсласиши, ишонтириши” стратегиясидан фойдаланиш методикаси
173. АБДУРАХМОНОВ С.Н.  
Демографик карталарни яратиш технологиясини ишлаб чиқиши
178. АБДУРАХМОНОВ С.Н., АЛЛАНАЗАРОВ О.Р.  
Электрон рақами карталарни яратиш методикаси ва технологияси
182. ҲАМИДОВ Ф.Р., АБДИСАМАТОВ О.С.  
Земельный участок - как первичный источник земельного кадастра
185. УСМАНОВ Ю.А.  
Ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиши
190. N.N.ABDUG'ANIYEV, O.G.QILICOV, A.Q.DAVIROV  
Qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash va energiya olish usullari tahlili: gazlashtirish/piroliz
193. N.N.ABDUG'ANIYEV, O.G.QILICOV, A.Q.DAVIROV  
Qattiq maishiy chiqindilardan issiqlik va elektr energiyasi olishning nazariy matematik hisobi (o'rta chirchiq tumani misolida)
196. БАРАТОВ Р.Ж., МУЗАФАРОВ Ш.М., ЭРКИНОВ Б.Н.  
Электрофильтрнинг технологик разряд оралигини магнит кучайтиргич ёрдамида бошқаришнинг энерго-информацион модели
200. ERKINOV B.N, BOTIROV A.N.  
The efficiency improvement of squirrel cage induction motor by variable frequency drive
203. А.АНАРБАЕВ, У.ВОХИДОВ, Д.КОДИРОВ, Н.АБДУГАНИЕВ  
Определение эффективности установки испарительного охлаждения воздуха в теплице по температурно-влажностному режиму
208. Ш.МУЗАФАРОВ, А.БАБАЕВ, О.ҚИЛИЧОВ  
Тўсиқли озонаторларини технологик ҳисоблаш
213. БАРАТОВ.Р.  
Энергия ва сув ресурсларини тежашда smart технологияси асосида ишлаб чиқилган датчикларнинг хусусиятлари
216. БЕГМАТОВ М.Т, ПАРДАЕВ А.И, ВАЛИХОНОВА Ҳ.С  
Электр занжирларида токларнинг носинусоидал холатидан фойдаланган ҳолда юқори кучланиш ускуналарининг ишонлилигини баҳолаш
221. Х.МУРАТОВ, Д.ҚОДИРОВ  
Қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари энергия таъминотида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиши
227. Х.МУРАТОВ, Д.ҚОДИРОВ  
Қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари энергия таъминотида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишга тизимли ёндашув
235. Давиров А.Қ., Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н.  
Критерии статической апериодической устойчивости установившихся режимов энергосистем
238. А.Қ.ДАВИРОВ, И.И.ИБРАГИМОВ  
Условия оптимальности покрытия графиков нагрузок электропотребителей с учетом потерь в сетях
242. Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н., Давиров А.Қ.  
Микротурбинали электростанциялар учун сувни тайёрлаш элекктротехнологик мосламаси
245. Қиличов О.Г., Абдуганиев Н.Н., Давиров А.Қ.  
Ростланувчи насос агрегатини электр юритмасининг қурилмаларини танлаш
248. Ишназаров О.Х., Ҳошимов У.Ҳ., Хушев С.М.  
Ҳаволи совитиш қурилмасини гурухларга ажратиб бошқариш ёрдамида энергия тежакорликка эришиш

251. **МУЗАФАРОВ Ш.М., ЭРКИНОВ Б.Н., ПАРДАЕВ А.И.**  
Даврий импульс күчланиши машина генератори характеристикаларини экспериментал тадқиқоти
254. **Ш. МУЗАФАРОВ, А. БАБАЕВ, О. ҚИЛИЧОВ**  
Тўсиқли-юза разрядда озон ишлаб чиқарилиши ва концентрациясини аниқлаш
261. **А.М. МУСТАФОҚУЛОВ**  
Шамол электр қурилмаларининг энергетик кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар
265. **А. МУХАММАДИЕВ, А. САНБЕТОВА**  
“Уруғ, тупроқ ва ўсимликка электротехнологик таъсир этиш ҳисобига экологик соғ, касаллик ва зааркунандаларга чидамли картошка етиштириш”
268. **Н.Т.ТАШПУЛАТОВ**  
Применение электрического тока при лечении, ускорение роста и развития растений
273. **ДЕНМУХАММАДИЕВ А.М., ДЖАЛИЛОВ А.У., НАЗАРОВ О.А.**  
Расчет экономической эффективности предпосевной электроискровой обработки семян и учет изменений форм собственности хозяйств в Узбекистане
277. **А.Д. РАХМАТОВ**  
Электр таъминоти тизимида трансформаторлар ишончлиларини ошириш
281. **А. МУХАММАДИЕВ, А. САНБЕТОВА, С.А. МУХАММАДИЕВА**  
О перспективах защиты сложного биологического объекта «семя, почва и растение» от болезней с использованием электрического воздействия
285. **ДАВИРОВ А.Қ., ҚИЛИЧОВ О.Г. АБДУҒАНИЕВ Н.Н.**  
Алгоритм оптимизации электрических сетей методами дискретного программирования
287. **С.М.ХУШИЕВ, У.Х.ХОШИМОВ**  
Асинхрон электр моторларининг ишдан чиқиш ҳолатларини камайтириш
291. **ИШНАЗАРОВ О.Х., ҲОШИМОВ У.Х., ХУШИЕВ С.М.**  
Электр узатмали компрессор станцияларини газ трубинали турлари билан техник имкониятларини баҳолаш
294. **ИМОМОВ Ш.Ж., УСМОНОВ К.Э., АЗИМОВ З.Х., МАРУПОВ И.**  
Парранда органик чиқиндиларини қайта ишлаш қурилмасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари
298. **САЛИМОВ О.У., ЭРГАШОВ З. Ж., ҚАЮМОВ Т. Х., ИМОМОВ Ш.Ж.,**  
Органик чиқиндиалрани анаэроб ишлов беришдаги эҳтиёткорлик кўрсаткичлари
302. **КОМИЛОВ А.И., ЭРМАТОВА Д.И., МАРУПОВ И.**  
Тажриба – синов трактори учун конструктив асосланган демпфер қурилмаси устида олиб борилган дала тажрибаси
307. **НУРИТОВ И., МУСТАФОЕВА Д., ЖАХОНОВА Н., НУРИТОВА И.**  
Қишлоқ хўжалик таълим йўналишида амалиётларини ташкил этиш
309. **О.САЛИМОВ, З. АЗИМОВ, Х. ҚУРБНОВА, Ш.ИМОМОВ**  
Органик чиқиндиларини қайта ишлов беришнинг иқтисодий кўрсаткичлари
313. **ТАГАЕВ В.И., ҲАЖИЕВ М.Х., ҲАКИМОВ Б.Б., Ш.Ж.ИМОМОВ, МАРУПОВ И.**  
Тикланадиган энергия манбаларидан ички ёнувдвигателларида фойдаланиш
317. **Б.Б.ҲАКИМОВ, Б.Г.ГАНИЕВ, В.И. ТАГАЕВ**  
Тикланадиган энергия манбаларидан ёнилғи сифатида фойдаланишнинг таҳдили
319. **Э.ШОДИЕВ, З.МАМАДАЛИЕВА, Н.ИМОМОВА, Ж. МАЖИТОВ, Б. ГАНИЕВ**  
Биореакторлар дозаторининг бижгиш жаёнига таъсири хакида
321. **З.АЗИМОВ**  
Агросаноат мажмуаси тармогидаги муаммолар Бухоро вилояти мисолида
323. **Ф.Б. КИЛИЧЕВА**  
Метод проектов при обучении русскому языку
327. **ИСЛОМОВ И., ҚУРБНОВА Х., ХУДОЙБЕРДИЕВ А., МАЖИТОВ Ж.**  
Экономическая эффективность сочетания режимов орошения люцерны в условиях бухарской области
330. **У.Р.САНГИРОВА**  
Особенности использования рыночного механизма освоения инноваций в зарубежных стран
333. **А.МАКСУМХАНОВА, Н.Б.КАСИМОВА**  
Қишлоқ жойларида меҳнат бозорини ривожланишда кичик бизнеснинг ўрни
337. **Ш.МУРАТОВ**  
Обзор современного состояния производства плодовоощной продукции и необходимость развития сельскохозяйственных кооперативов в Республике Узбекистан
340. **О.Б.САТТОРОВ**  
Интенсив борғдорчиликда маҳсулотни истемолчиларга етказиб бериш тизимини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари
342. **ШАНАСИРОВА Н.А., НОРОВ А.Р.**  
Соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий-хуқуқий асослари
347. **Х.У.ДУСТМУХАММАД**  
Бюджетное финансирование системы народного образования
354. **С.Р.МАНСУРОВ, Б.М. КАМАНОВ**  
Сурхондарё вилояти сув омборларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланиши
359. **И.А. БЕГМАТОВ , Ш.А. АЙНАКУЛОВ, К.Э.КУБЯШЕВ**  
Моделирование режима капельного орошения сельскохозяйственных культур
364. **КАРИМОВА Х.Х., ЗИЯЕВА Ш.К., КУБЯШЕВ К.**  
Некоторые решения проблем эффективного развития фермерских хозяйств
367. **ШАКИРОВ Б.М., АЙНАКУЛОВ Ш.А., ЗИЯЕВА Ш.**  
Струенаправляющая стенка с нанососмывающим устройством в водоприёмном сооружении насосной станции
370. **АБДУЛЛАЕВ З.С., ЗИЯЕВА Ш.К., КУБЯШЕВ К.Э.**  
Потребности к глобальным электронным образованиям
375. **АБДУЛЛАЕВ З.С., ШАДМАНОВА Г., КАРИМОВА Х.Х.**  
Перспективы развития цифровой экономики в узбекистане

## OCCIMUM BASILICUM (RAYHON) O'SIMLIGIDAN EKSTRAKT OLISH UCHUN KONVEKTIV QURITISHNI TAHLIL QILISH

Usenov Azamat, - assistant TDTU.,  
Suyunov Sardor – assistant TIQXMMI.

### ANNOTATSIYA

Maqolada rayhon o'simliklaridan biofaol moddalarni ajratib olish uchun quritish jarayoni tasvirlangan. Quritish uskunasi turlari va ulardan foydalanish haqida ma'lumot keltirilgan. Quritish jarayoni quyoshli va soya joyda amalgalash oshirilib solishtirilgan. Rayhon barglari quritilganida, vaqt o'tishi bilan massa o'zgarishi jadvali tuzilgan.

### ABSTRACT

The article describes the drying process to separate bioactive substances from basil plants. Information on the types of drying equipment and their use. The drying process was carried out in a sunny and shady place and compared. When the basil leaves were dried, a table of mass change over time was drawn up.

### АННОТАЦИЯ

В статье описан процесс сушки для отделения биологически активных веществ из растений базилика. Информация о типах сушильного оборудования и их использовании. Процесс сушки проводился в солнечном и тенистом месте и сравнивался. Когда листья базилика были высушены, составлялась таблица изменения массы во времени.

**Kalit so'zlar:** Quritish, rayhon, konvektiv, namlik, quritish tezligi, fruktoza, saxaroza

**Ключевые слова:** сушка, базилик, конвекция, влажность, скорость сушки, фруктоза, сахароза.

**Keywords:** Drying, basil, convective, moisture, drying speed, fructose, sucrose

**R**ayhon o'simligini haqli ravishda xonaki dori-darmonlar manbai deb atash mumkin. Agar u gultuvakda xonangiz derazasida o'sayotgan bo'lsa, infeksiya va turli shamollash kasalliklaridan himoyangiz ta'minlangan deb hisoblash mumkin. Viruslarga, infeksiyalarga va mikroblarga qarshi kurashuvchanlik xossalari tufayli, u tabiiy antibiotik vosita deb tan olingan. Bu tabiiy shifobaxsh vosita kishi og'iz bo'shilg'iда mavjud bo'lgan mikroblarning 99 % ini yo'q qilish xususiyatiga ega. U tishlarda yig'ilgan tosh, kariesga qarshi kurashchan sinalgan vositadir. Uning qaynatma va damlamasi milklarni ham mustahkamlaydi. Tarkibidagi foydali va shifobaxsh moddalar sababidan u kishidagi turli bosh og'riqlarni davolaydi. Bunday bosh og'rig'i migrenmi, qon bosimi natijasimi yoki shamollashdan kelib chiqqanmi, buning farqi yo'q. Rayhon damlamasi yo'talni qoldirishda, aymiqsa ko'kyo'talda, chiroyli kutilgan natija beradi. Rayhon insonda o'pka va nafas yo'llaridagi turli xastaliklarni davolashda ham yaxshi vosita. Undan hatto sil kasalligini davolashda foydalaniladi.

Rayhonda mavjud bo'lgan shifobaxsh moddalar yomon xolesterinni bartaraf qiluvchi vositadir. Shuning uchun bu o'simlikni yurak xastaligi bor kishilar uchun ovqat tarkibiga qo'shish tavsiya etiladi. Rayhon yordamida buyrakdagagi toshlarga qarshi kurashish ham mumkin. Uning tarkibidagi moddalar peshob haydash xususiyatiga ega bo'lib, o'tkazilgan tadqiqotlar buyraklarda paydo bo'lgan toshlarni eritib yuborishini isbotlagan. O'simlikning og'riq qoldirish xossasi buyrak sanchib og'rishini bartaraf etadi. Rayhon barglari qaynatib tindirilgan damlamasi gastrit, kolit, meteorizm (qorin dam bo'lishida) ichiladi va bu yaxshi natija beradi. U asab tizimini tinchlantiradi, tushkunlikka barham beradi, immun tizimini mustahkamlaydi. O'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar rayhon iste'mol qilish yomon shishlar o'sishini va OITS rivojlanishini to'xtatishini ko'rsatgan. Bu ajoyib o'simlik radiatsiya ta'siri oqibatlarini davolashda ham qo'l keladi. Uni muntazam iste'mol qilish, hatto chechakka qarshi vaksina sifatida xizmat qiladi [9].

Rayhon bir yillik o'simlik ekanligini inobatga olsak, bu o'simlikni qish mavsumida topish qiyin hisoblanadi. Bu o'simlikdan ekstrakt olgan holda iste'mol qilinsa, ko'p miqdorda biofaol modda organizmga ta'sir etadi. Ekstraksiya jarayonini amalgalash oshirish uchun quritilgan rayhon barglari tavsiya etilgan [1].

Rayhon o'simligining shifobaxshlik xususiyatlarini o'rgangan holda quritish jarayonini tahlil qilamiz.

Oziq-ovqat sanoatida mahsulotlarni saqlash eng muhim omil hisoblanadi. Mahsulotlarni saqlashning eng qadimiy va ommabop usullaridan biri bu quritib saqlashdir. Ilm-fan taraqqiyot etgan sari quritish uskunalarini ham ishlab chiqarila boshlandi. Hozirgi kunda quritish uskunalarini ko'plab turlari mavjud. Uskunlarning vazifalari shundaki, quritilayotgan mahsulotning tabiiy rangini, hidini, ta'mini va kerakli moddalarni saqlagan holda namligini yo'qotishdir.

Qattiq va pastasimon materiallar tarkibidagi namlikni bug'latish va hosil bo'layotgan bug'larni chetga olish chiqishga quritish jarayoni deyiladi.

Qattiq, nam materialga issiqlik ta'sir etish usuliga qarab quritish quydagi turlarga bo'linadi:


- 1) konvektiv quritish – bunda nam material bilan qurituvchi eltkich bevosita o'zaro ta'sirda bo'ladi. Odatda, qurituvchi eltkich sifatida qizdirilgan havo yoki tutun gazlari ishlataladi;
- 2) kontaktli quritish – issiqlik tashuvchi eltkich va nam material orasida ajratuvchi devor bo'ladi. Materialga issiqlik shu devor orqali uzatiladi;
- 3) radiastion quritish – nam materialga issiqlik infraqizil nurlar orqali uzatiladi;
- 4) dielektrik quritish – nam material yuqori chastotali tok maydonida uzatiladi;
- 5) sublimastion quritish – nam material muzlagan holatda, yuqori vakuum ostida quritiladi [1].

Konstruktiv tuzilishiga ko'ra quritish apparatlari har xil bo'ladi. Sanoatda shkaflı, kamerali, tunelli, shaxtalı, barabanlı, trubali, shnekli, silindrsimon, turbinali, kaskadli, karuselli, konveyrli, pnevmatik, sochib beruvchi va shu kabi bir qator quritkichlar ishlataladi [1-8].

Konvektiv quritish shkaflari oziq-ovqat sanoatida keng qo'llaniladi. O'simliklar va meva-sabzavotlarni quritish uchun maxsus konvektiv quritish shkaflari ishlab chiqarilgan. Bunday shkaflarda quritish tezligi ancha yuqori, lekin quritilayotgan mahsulotning foydali moddalarini saqlanib qolishi uchun mahsulotning fizik-kimyoviy xususiyatlariga e'tibor berish kerak [2].

Masalan, rayhon barglarini quritish uchun 40-60 °C harorat tanlangan, chunki rayhon o'simligida efirlar, rang beruvchi moddalar, hid beruvchi moddalar miqdori ko'p va bu moddalar yuqori haroratda suv bug'i bilan birikib chiqib ketadi [3-12].

Quritish shkaflarining avzalligini aniqlash uchun quyoshli va soyda joyda quritish amalga oshirildi. Soyada quritish amalga oshirilganda o'rtacha 7 kun, quyoshli muhitda quritishda o'rtacha 4 kun davom etganligi aniqlandi. Natijalar grafik shaklga keltirilgan (1-rasm). Ammo ochiq joyda quritishda tashqi muhit ta'siri kuzatildi. Havoning namligi ham o'zaro ta'sirlashib mahsulotning sifatiga ta'sir qildi.



1-rasm. Rayhon bargini quyoshda va soyada quritish grafigi.

Quritish shkaflarida o'tkazilgan eksperiment natijalari quyidagi tartibda amalga oshirildi: Buning uchun rayhon o'simligi barglari uzib olinib yuvib tozalandi. Ma'lum vaqtgacha suvsizlantiriladi va ma'lum miqdorda (100 g) olinib, IIC-80-01 СТУ markali quritish shkafida 40-60 °C haroratga qo'yib quritishga qo'yildi. Xuddi shu tartibda qora rayhonni ham joylashtirildi. 40 minut vaqtga qo'yilib massa miqdori o'lchab borildi. Namligi 19-20% bo'lgunga qadar quritiladi. Chunki rayhon bargidan ekstraksiya olish uchun 19-20% namlikda bo'lgan rayhon bargi yaxshi erishi kuzatilgan. Olingan natijalar asosida vaqt birligida massaning o'zgarish jadvali tuzildi.


1-jadval

Quritish shkafiga 60 °C harorat berilganda rayhon bargining vaqt o'tishi bilan  
massa o'zgarishi ko'rsatkichlari

Oddiy rayhon		Qora rayhon	
Vaqt, minut	Massa, gramm	Vaqt, minut	Massa, gramm
0	100	0	100
40	95	40	87
80	81	80	74
120	66	120	62
160	55	160	54
200	47	200	46
240	41	240	37
280	32	280	32
320	22	320	23
360	19	360	20

Olingan natijalar asosida grafik shakllantirilib (2-rasm), natijalarni solishtirib ko'ramiz. Shakllangan grafikdan ma'lumki har ikki turdag'i rayhonning qurish jarayoni ikki xil, lekin namlik darajasi 15-20% bo'lgan mahsulot olish uchun bir xil vaqt ketadi. Bu ma'lumotni tasdiqlash uchun qayta 4 marta tajriba o'tkazildi. Xona temperaturasini hisobga olmagan holda bir xil natijaga erishildi. Demak, rayhonning bu ikki turdag'i navi namlik darajasi juda yaqin degan xulosa olish mumkin.

Tajriba natijalarini aniq olish uchun yangi uzilgan barglarni yuvishdan oldin va yuvilgandan keyingi massalarini aniqlab olinishi zarur.



2-rasm. Rayhon barglarini quritish grafigi.

Quritilgan rayhon bargidan olingen ekstrakt tarkibida fruktoza va saxaroza uchrab, fruktozaning ulushi turli ekstragent yordamida olingen 1,3-2,1 barobar ziyod. Binobarin ushbu mahsulot qand diabedi, ateroskleroz, insult, infarkt kabi kasalliklari mavjud insonlarda parhezlash maqsadida qo'llanilishi mumkin [1].

Konvektiv quritish yopiq shkafda amalga oshirilganligi sababli tashqi muhit mahsulotga ta'sir etmadi, ya'ni, xona temperaturasi va chang zarralarining massslari inobatga olinmagan holda eksperiment amalga oshirildi.

Yuqori haroratda quritilganda rayhon barglarining xususiy moddalari kamaganligi kuzatildi. Quritish jarayonining harorati qanchalik past bo'lsa, shunchalik tabiiy xususiyatlar saqlanib qolishi kuzatildi va tahlil qilindi. Lekin past haroratda jarayon uzoq davom etganligi sababli iqtisodiy samaradorlikka erishilmadi. Shuning uchun optimal harorat 40-60 °C deb qabul qilib oldik.

Kuzatishlar shuni ko'rsatdiki, quyoshda quritishdan quritish shkafida quritish ancha samarali amalga oshirildi. Quritish tezligi ham ancha yuqori bo'ldi.

#### Foydalanilgan adbiyotlar:

1. Usmonjonova H. Atkhamova S., Dodaev Q. *Occimum basilicum l. lamiaceae o'simligi bo'yoq moddalarini ajratish jarayonini tadqiq etish. Chemistry and chemical engineering*, 2020, no. 13, pp. 61-65.
2. Норкулова К.Т., Умаров В.Ф., Сафаров Ж.Э. Вакуумная сушка с инфракрасным нагревом – безотходная технология: Сборник научных статей «Инновация–2009». –Ташкент, 2009. –С.125–126.
3. Жумаев Б.М., Султанова Ш.А., Сафаров Ж.Э. Исследование и описание экспериментальных лабораторных установок. // Universum: технические науки. –Москва, 2019. №10(67).
4. Сафаров Ж.Э., Зулпанова Ш.У., Самандаров Д.И., Эркинов Д.Д. Использование упругих волн в процессе первичной переработки живых коконов. Республиканский научно-технической конференции “Проблемы и перспективы инновационной техники и технологии”. Ташкент, 2019. С.25–26.
5. Султанова Ш.А., Сафаров Ж.Э., Жумаев Б.М. Оптимальное расположение инфракрасного излучения в сушильной установке. Республиканский научно-технической конференции “Проблемы и перспективы инновационной техники и технологии”. Ташкент, 2019. С.354–356.
6. Попов В.М., Афонькина В.А. Инфракрасная сушка зеленных культур. // Межвузовский научный сборник «Энергообеспечение и энергосбережение на предприятиях АПК». – Уфа. – 2011. – №6. – С. 72–74
7. Салимов З., Тўйчиев И. Химиявий технология ва аппаратлари. Тошкент, Ўқитувчи, 1987.
8. Fayziyya D., Zokirova M.S., Zokirov S. Dynamics of Microorganisms' Productive Separation in Nutritional Environment. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering*, 2019, pp. 709-711. [https://www.ijitee.org/wp-content/uploads/Souvenir\\_Volume-July\\_2019](https://www.ijitee.org/wp-content/uploads/Souvenir_Volume-July_2019).
9. Boltov V.M., Shichkina Ye.S., Savvin P.N., Khripushin V. Features of the technology of joint extraction of carotenoid and anthocyanin pigments. *Vestnik VGUIT*, 2012, no. 2, pp. 110–112.
10. Scotter.M.J. Metodhods for the determination of European Union permitted added natural colours in foods: a review. *Food Additives & Contaminants*, 2011, no. 15, pp. 527–596.
11. Zokirova M.S., Khozhieva S.N., Rakhimjonov M.T., Suyundikov U.A. Investigation of the effect of temperature on hydrolysis and the use of acid- rich fruit juices in the hydrolysis of Topinambur inulin (Artichoke). *International Journal of Bio-Science and Bio-Technology (IJBSBT)*, Октябрь, 2019, pp. 26–30.
12. Aripova S.Sh., Zokirova M.S. Inulin separation from Jerusalem artichoke. *Science, research, development. Monografiapokonferencyjna*. Berlin, Январь, 2019, pp. 192–195. 17. Cosio M.S., Buratti S., Mannino S., Benedetti S. Use of an electrochemical method to evaluate the antioxidant activity of herb extracts from the Labiate family. *Food Chemistry*, 2006, no. 97, pp. 725–731.

## ИНГИЧКА ТОЛАЛИ КОЛЛЕКЦИЯ НАМУНАЛАРИ ВА F<sub>1</sub> ДУРАГАЙЛАРНИНГ ТОЛА УЗУНЛИГИ КҮРСАТКИЧЛАРИ

М.Б.Халикова - қ.х.ф.д., катта илмий ходим,  
Х. Сайдалиев - Академик,  
Э.У. Матяқубова - таянч докторанти, ПСУЕАИТИ,  
Н.Қ.Ражабов- доцент, қ.х.ф.ф.д (PhD), ТИҚХММИ.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Пахта селекцияси, уругчили ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг коллекциясидаги ингичка толали намуналари ва F<sub>1</sub> дурагайларниң тола узунлиги күрсаткичлари ва уларниң таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье приведены данные о материалах тонковолокнистого хлопчатника в коллекции Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка и показатели длина волокна гибридов F<sub>1</sub> и их анализы.

**Калит сўзлар:** тола узунлиги, ингичка толали коллекция намуналари, статистик таҳлиллар

### КИРИШ

Республикамизда етиштирилаётган пахта хом-ашёсидан олинадиган толанинг муҳим күрсаткичларидан бири унинг саноатдаги егирилиш хусусиятидир. Толанинг мустаҳкам егирилишида унинг узунлиги ҳамда пишиқлиги катта аҳамиятга эга. Тола қанчалик узун бўлса шунчалик қимматбаҳо ва саноатбоп ҳисобланади. Ёзга ўсимлигига толанинг узунлиги тур, нав каби шаклларда ирсий жиҳатдан генетик таъминланганлигига ва етиштириш шароитларидан келиб чиқсан ҳолда 10 мм дан 50-55 мм гача бўлиши мумкин [1]. Тола узунлиги бўйича барча ёзга навлари калта толали (27-30 мм), ўрта толали (32-33 мм), узун толали (34-36 мм) ва ингичка толали (37-42 мм) типларга ажратилади.

Турлараро ва тур ичди чатиштириш натижасида олинган дурагайларниң биринчи бўғинида тола узунлиги оралиқ ирсийланиш табиатига эга бўлиб, кўпроқ узун толали ота-она шаклининг устунлиги намоён бўлади. Узун толали навлар чатиштирилганда дурагайларда бу белтига нисбатан гетерозис кузатилиди, яъни уларниң толаси ота-онасиликдан ҳам узун бўлиши мумкин. Иккинчи бўғиндаги дурагайларда толанинг узунлиги ота-она шаклнинг нисбатан оралиқ ўринни эгаллайди. Одатда ўртacha күрсаткичларга қарагандা, F<sub>2</sub> дурагайлар толаси F<sub>1</sub> дурагайларниң нисбатан калтароқ бўлади [2].

**Адабиётлар таҳлили.** Б.Х.Аманов, Ф.Р.Абдиевлар олган тадқиқот натижаларига кўра, *G. barbadense L.* туричи хилма-хилликларини ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F<sub>4</sub> ўсимликларида қимматли хўжалик белгилари, жумладан тола узунлиги ва тола чиқими каби белгилар параллел равишда ортишини кузатган ва бунга асосан F<sub>4</sub> ўсимликлари орасидан ўзида бир қатор қимматли хўжалик белгиларини мужассамлаштирган ноёбманбаларни ажратиб олиш мумкинлигини такидлаб ўтишиди [5].

Д.Д.Ахмедов, В.А.Автономов олиб борган илмий тадқиқотларида, ёззанинг ингичка толали тизма ва навларини ўзаро чатиштириш натижасида F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> ўсимликларининг тола узунлиги белгиси бўйича доминантлик күрсаткичлари ва ирсийланиш коэффициентини таҳлил қилиш жараёнида белгиларниң устунлик (hp) күрсаткичлари салбий, тўлиқ устунликдаги гетерозисгача намоён бўлган ва наслдан-наслга ўтиш коэффициенти F<sub>2</sub> дургайларда генотипик ўзгарувчанлик  $h^2=40,0\%$  дан  $h^2=90,0\%$  гача намоён бўлганлигини кузатишган [6].

Кейинги йилларда ишлаб чиқарилаётган газламалар ва тўқимачилик буюмларининг сифатларига қараб пахта толаси узунлиги, пишиқлиги ва метрик номерига кўра типларга ажратиладиган бўлди.

Узун тола берадиган ёзга турлари ичди ингичка толали навлар етакчи ҳисобланади.

**Тадқиқот обьекти ва услубиёти.** Шуларни инобатга олган ҳолда, биз ўз тадқиқотларимизда Пахта селекцияси, уругчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) ёзга коллекциясида мавжуд бўлган *G. barbadense L.* турига мансуб намуналарни ва улар иштироқида чатиштириб олинган F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларини тола узунлиги белгиси бўйича ўргандик. Тадқиқотларимиз ПСУЕАИТИ нинг марказий тажриба хўжалигига олиб борилди. Ажратиб олинган намуналарниң тола узунлиги лаборатория шароитида териб олинган 20 та кўсакли намунавий терим асосида летучка ҳосил қилиш усулида аниқланди (1-жадвал).

**Тадқиқот натижалари ва уларниң муҳокамаси.** Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ота-она шаклларида тола узунлиги мос равища 37,4-41,1 мм күрсаткичлари оралиғида бўлди. Тола узунлиги бўйича ота-она шакллари ичди бошқа шаклларга нисбатан энг баланд кўрсаткич Иолатанъ-14 навида (41,1 мм) эканлиги қайд этилди. Бошқа шаклларга нисбатан паст кўрсаткич Термиз-202 навида (37,4 мм) аниқланди. Шу ўринда Карнак 1038 намунасида тола узунлиги 40,2 мм, Сурхон-102 намунасида 40,5 мм, Термиз-31 намунасида 40,7 мм, Рима S4 намунасида 40,4 мм, Сурхон-9 намунасида 40,8 мм эканлиги қайд этилди.

Дурагай комбинацияларда эса тола узунлиги мос равища 38,9–41,0 мм кўрсаткичлари оралиғида эканлиги аниқланди. Белгининг ўзгарувчанлик даражаси комбинациялар бўйича 2,6–4,7% ни ташкил қилди.

Тола узунлиги бошқа дурагайларга нисбатан энг баланд бўлган комбинацияда 41,0 мм (Сурхон-102 x Карнак 1038) ва тола узунлиги бошқа дурагайларга нисбатан паст бўлган комбинацияда 38,9 мм (Термиз-31 x CNW 487-65) эканлиги қайд этилди.

F<sub>1</sub> дурагайлардан Сурхон-102 x Карнак 1038 комбинациясида тола узунлиги 41,0 мм ни, ота-онадан фарқланиш даражаси 4,3 ни, Карнак 1038 x Сурхон 102 комбинациясида 40,9 мм ни, ота-онадан фарқланиш даражаси эса 3,7 ни ташкил этиб, бу комбинацияларда ота-онага нисбатан “ўта доминантлик” мавжуд эканлиги қайд этилди.

Сурхон-9 x Термиз-202 дурагай комбинациясида тола узунлиги 40,8 мм ва белгининг ота-онага нисбатан фарқланиш даражаси 1,0 эканлиги қайд этилди.

#### Коллекция намуналари ва F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларининг тола узунлиги кўрсаткичлари, мм

1-жадвал

Nº	Каталог рақами	Ота-она шакллари ва F <sub>1</sub> дурагай комбинациялари	M±m	G	V	Нр
Ота-она шакиллари						
1.	07906	Карнак 1038	40,2±0,5	2,3	5,8	-
2.	012240	Сурхон-102	40,5±0,3	1,3	3,2	-
3.	07913	CNW 487-65	39,7±0,4	1,4	3,5	-
4.	010874	Термиз-31	40,7±1,5	2,5	6,2	-
5.	011936	Pima S4	40,4±0,5	2,1	5,3	-
6.	термиз	Термиз-202	37,4±0,4	1,9	5,2	-
7.	012236	Сурхон-9	40,8±0,3	1,5	3,6	-
8.	Иолата	Иолатань-14	41,1±0,5	1,5	3,6	-
9.	010880	ML-120	38,9±0,7	2,3	6,0	-
F <sub>1</sub> дурагайлар						
10.		Карнак 1038 x Сурхон 102	40,9±0,3	1,9	4,7	3,7
11.		Сурхон-102 x Карнак 1038	41,0±0,2	1,1	2,6	4,3
12.		CNW 487-65 x Термиз-31	39,3±0,2	1,1	2,7	-1,8
13.		Термиз-31 x CNW 487-65	38,9±0,2	1,0	2,7	-2,6
14.		Pima S4 x Термиз-202	40,6±0,2	1,3	3,1	1,1
15.		Термиз-202 x Pima S4	40,7±0,2	1,4	3,3	1,2
16.		Сурхон-9 x Термиз-202	40,8±0,3	1,5	3,6	1,0
17.		Термиз-202 x Сурхон-9	39,4±0,2	1,4	3,4	0,2
18.		Иолатань-14 x ML-120	40,6±0,3	1,3	3,3	0,5
19.		ML-120 x Иолатань-14	40,9±0,2	1,2	3,0	0,8

Термиз-202 x Сурхон-9 дурагай комбинациясида тола узунлиги 39,4 мм, Иолатань-14 x ML-120 дурагай комбинациясида 40,6 мм, ML-120 x Иолатань-14 дурагай комбинациясида 40,9 мм, ўзгарувчанлик даражаси 3,0%, 3,3%, 3,4%, белгиниг ота-онадан фарқланиш даражаси 0,2, 0,5, 0,8 эканлиги аниқләнди.

F<sub>1</sub> дурагайлардан Термиз-31 x CNW 487-65 комбинациясида тола узунлиги 38,9 мм ни, белгининг ота-онадан фарқланиш даражаси -2,6 ни, CNW 487-65 x Термиз-31 комбинациясида тола узунлиги 39,3 мм ни, белгиниг ота-онадан фарқланиш даражаси -1,8 ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ота-она шаклларига нисбатан салбий эканлигини кўрсатди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тадқиқотларда айрим тола узунлиги бўйича аҳамиятга эга бўлмаган шаклларда ҳам тола узунлигининг асосан тўлиқ устунлиқда авлоддан авлодга ўтиши аниқланган [3].

Бундан ташқари тола узунлиги юқори полимерли хусусиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, дурагайларнинг тола узунлиги VI–VII авлодига қадар ортиб бориши ва ота-она шаклларнинг тола узунлигидан анча ошиб кетиши мумкин [4].

**Хулоса.** Тадқиқотларимизда ўрганилган ингичка толали коллекция намуналари ичида тола узунлиги белгиси бўйича узун бўлган намуналар мавжуд бўлиб, бу намуналарни амалий селекция жараёнларига жалб қилиб, бошқа қимматли хўжалик белгилар билан уйғунлаштириб, янги генетик манбага эга бўлган истиқболли дурагайларда жамлаш орқали аҳамиятга эга бўлган узун толали манбаларни яратиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Коренев Г.В., Подгорный П.И. и др. Растениеводство с основами селекции и семеноводства. М.:Агропромиздат, 1990. -С.330–351.
2. Симонгулян Н.Г., Мухаммадхонов С., Шафрин А. Ёзга генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги. – Тошкент:Ўқитувчи, 1974. -215 б.

3. Халикова М.Б. Основные хозяйственныe признаки межвидовых гибридов высокого поколения с участием *G.tomentosum* Nutt. ex Seem. // Ж. Актуальные проблемы современной науки. -Москва, 2016. -№3. -С.192-195.
4. Дадабоев А.Д., Симонгулян Н.Г. Fўзанинг янги навларини етиштириш ва қўпайтириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 1971. -61 б.
5. Аманов Б.Х., Абдиев Ф.Р.*G.barbadense* L. ғўза тола узунлиги ва тола чикимини оширишга хизмат қиливчи янги донорлар олиш. // “Fўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.-Тошкент, 2017. – Б.105-107.
6. Ахмедов Д.Д., Автономов В.А Изменчивость, наследование и наследуемость признака “штапельная длина волокна”, у линейно-экологически отдаленных сортов и гибридов F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> хлопчатника вида *G.barbadense* L. на искусственно инфицированном фоне *Xanthomonas malvacearum* Smith.//Ўзбекистон биология журнали. Тошкент. 2015. Б. 39-42

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ШОВҚИНЛАРНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Муртазаева Гулноза Рахмат кизи, асистент, gulnoza.murtazayeva91@mail.ru. Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Ташкент, Узбекистан

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ишлаб чиқаришдаги шовқинларнинг инсон саломатлигига таъсири ва уни олдини олиш ҳамда камайтириш тадбирлари баён этилган. Шовқинлар таснифига кўра пассив хисобланниб маълум бир даврлардан кейин инсон организмига таъсир қилишини инобатга олсан уларни камайтириш учун ўз вақтида тадбирларни белгиламаслик келажакда аянчли оқибатларни келтириб чиқаради.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье описывается влияние промышленного шума на здоровье человека и меры по его предотвращению и снижению. Учитывая, что классификация шума является пассивным риском и влияет на человеческий организм через определенные периоды, непринятие своевременных мер по их снижению будет иметь трагические последствия в будущем.

### ABSTRACT

*This article discusses the effects of interventions on human health and its prevention and mitigation. If noise is classified as a passive hazard, taking into account that after a certain period of time it will affect the human body, the timely action to minimize them will cause disastrous consequences.*

**З**амонавий сивилизацияни шовқинсиз тасаввур қилиш қийин. Биз шу шовқин шароитида ишлаймиз, яшаймиз ва дам оламиз. Шовқин катта–катта шаҳарларнинг мураккаб муаммоларидан биридир. У нафақат инсонга, балки, фауна ва флораларга ҳам таъсир қиласди.

Шовқинларнинг зарарли оқибатлари аллақаочон маълум бўлган. У биринчи навбатда ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган кишиларни руҳий толиктиради, ишлаб чиқариш воситалярига хизмат кўрсатаётган ишчилар ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқараётган операторлар ишига ҳалақит бериди, уларни хатоликларга йўл қўйишига сабаб бўлади. Бундай ташқари шовқин ишлаб чиқаришда жароҳатланишларни келтириб чиқарадиган асосий манба ҳамдир.

Катта шовқин таъсирида инсоннинг асаб системалари зиркиллайди, эшитиш органининг фаолияти пасайиши қузатилади. Шу сабабли ишлаб чиқаришда шовқинни камайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шовқинларнинг характеристига қараб инсонларга тартифа таъсир қиласди: баъзиларнинг асаб системасини издан чиқарса, баъзиларга психик таъсир қиласди, қон босимини ошириб юборади, яъни холестерин миқдорини ўзгартиради; буйрак фаолиятини бузади, ошқозон фаолиятини ҳам бузади ҳамда ошқозон яралари ҳосил қилиб кучли оғриқ пайдо қиласди. Канадалик олимлар тадқиқотининг натижаларини 1- жадвалда келтирамиз:

### Шовқин кучнинг инсон организмига таъсири

1-жадвал

Шовқиннинг кучи, ДБ	Ишчилар эшитиш органларининг ёшига қараб ишдан чиқиши, %	
	30 – 39 ёш	50 – 59 ёш
Кичик шовқинлар	5	20
70	5	24
88	15	39
97	21	57

Франция Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш агентлигининг 1982 йилги маълумотига кўра ишлаб чиқаришда шовқин ўша йил учун 11 % иш жойида бахсиз ҳодисага, 20% одам психик касаллик туфайли касалхоналарга ётқизилган. Маълумки шовқин А шкаласи бўйича децибалларда (ДБ) ўлчанади. Инсоннинг эшитиш қобилияти 17 Hz (инфратовушлар) дан 20000 Hz (ултратовушлар) гача бўлган тўлқинларни қабул қиласди. Бу товушлар паст ёки баланд бўлса инсон уни қабул қилмайди. Инсон учун одатдаги нормал товушлар 50-2000 Hz ҳисобланади. Бундан паст бўлса паст товушлар, баланд бўлса шовқинли товушлар ҳисобланади [1].

Қишлоқ хўжалик техниклари ишлаши жараёнида ҳосил бўладиган шовқинлар, аҳоли яшаш жойлари яқинидан ўтган автомобиль йўлларидағи шовқинлар ҳам киши организмига салбий таъсир кўрсатади. Куйидаги 2-жадвалда шовқин даражаси юқори бўлган ишлаб чиқариши фаолият кўрсатадиган ишчилар эшитиш қобилиятынинг пасайиши даражалари келтирилган.

### Шовқин даражаси юқори бўлган ишлаб чиқариши фаолият кўрсатадиган ишчилар эшитиш қобилиятынинг пасайиши

2-жадвал

Иш стажи	Нормал эшитадиган кишиларнинг сони, % да
1 йилгача	99,0
1-4 йилгача	76,3
5-9 йилгача	50,0

10-14 йилгача	33,0
15-19 йилгача	20,0
20-24 йилгача	10,0
25-29 йилгача	8,7
30 йил ва ундан ортиқ	4,7

Шовқин даражаси күтарилиши билан унда ишчиларнинг ишлаш муддати кескин камаяди. Агар шовқин 90 ДБ даражасида бўлса, унда ишчи 8 соат ишлаши мумкин. Шовқин даражасини ҳар 5 ДБ га ортиши билан ишчиларнинг ишлости 2 баробарга камая боради. 115 ДБ шовқинда ишчи 15 дақиқа бўлиши мумкин.

Агарда шовқин даражаси 140 ДБдан ортиб кетса, бу инсон учун хавфли ҳисобланади ва одам қулогида оғриқ пайдо бўлади ҳамда жароҳатланиши мумкин, бундай шароитда ишлаш таъсиқланади.

Инсонни доимий юқори интенсивликдаги шовқин таъсирида бўлиши учун соғлигига таъсир этади, у тез чарчайди, руҳий реакция тезлиги камаяди, хотираси сусаяди. Шунингдек, шовқин инсонга диккатини бир жойга жамлашига ҳалақит қиласи, ҳаракатида мувозанатни бузади, товуш ва ёруғлик сигналларини қабул қилиш қобилиятини сусайтиради ва натижада турли хил баҳтсиз ҳодисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ташқари шовқин қон босимининг ошишига, кўз қораҷигининг кенгайишига, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишига, юрак ва томир уришининг тезлашишига, асаб системасининг бузилишига, уйқусизликка ва эшитиш қобилиятининг бузилишига ҳам олиб келади. Айниқса инсон қулоғи эшитмайдиган шовқинлар-инфратовушлар (товуш частотаси 16 Гц дан кичик шовқинлар) ва ультратовушлар (товуш частотаси 20000 Гц дан катта) инсон соғлигига катта таъсир кўрсатади.

Кишлоқ ҳўжалиги машиналари ва автомобиллардан чиқаётган шовқин таъсирида ҳайдовчининг иш қобилияти сусаяди, реаксия вақти кўпаяди ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиши эҳтимоли ортади.

Иzlанишлар шуни кўрсатди, 88 ДБ шовқинда («ЛАЗ-660» автобуси кабинасида) ҳайдовчининг фикрлаш қобилияти 10 % га, агар 95 ДБ бўлса 20 % га камаяди [2].

Кишлоқ ҳўжалиги машиналари ва автомобилларнинг асосий шовқин чиқариш манбаи двигател ва сўндиригич ҳисобланади, кейинги манба шиналарнинг ишлости ҳисобланади. Шинага тушадиган юк ошган сари шовқин ҳам баландлашиб боради.

Кишлоқ ҳўжалиги машиналари ва автомобиллардан чиқадиган шовқинни камайтириш асосан уларнинг двигателларини такомиллаштиришдан иборатdir. БМТнинг Европа комиссияси шовқини 82-92 ДБ дан кам бўлган автомобиллар ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилишни таклиф қиласи. Масалан, Англияда шовқини 85-92 ДБ бўлган юк автомобилларидан фойдаланишга рухсат берилмаган. Бу юк кўтариш қобилияти 12 т бўлган автомобилларга тегишилди. Японияда эса 1971 йилдан бошлаб юк ташувчи автомобилларга 80 ДБ, енгил автомобилларга 70 ДБ меъёр жорий қилинган. АҚШ да юк ташувчи автомобиллар учун 86 ДБ меъёр қўйилган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики шовқин ишлаб чиқаришда ҳам ағоли яшаш жойларида ҳам инсон организимида заарли таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан шовқинни олдини олиш ва унинг даражаларини пасайтириш аниқ белгиланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишини тақазо этади.

Шовқиндан ҳимоялаш усуллари турлича бўлиб, у биринчи навбатда шовқин манбасига ҳамда шовқин даражасига боғлиқ ҳолда қуидидаги тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

- шовқинни унинг манбасида камайтириш;
- шовқиннинг тарқалиш йўналишини ўзгартириш;
- бинонинг акустик ҳолатини яхшилаш;
- ишлаб чиқариш бинолари ва участкаларини жойлашишини оқилона режалаштириш;
- шовқинни тарқалиш йўлида камайтириш.

Ушбу усуллар ичida шовқинни унинг манбасида камайтириш энг самарали йўл ҳисобланади. Шовқиннинг келиб чиқишига асосий сабаб машина ва механизм ёки унинг айрим қисмлари ҳаракати натижасида ҳавода эластик тўлқинлар ҳаракатини вужудга келтиради.

Шовқинни инсон соғлигига ва иш қобилиятига таъсирини ўрганишда ва уларни таъсирини камайтиришда шовқин ҳосил бўлишига олиб келадиган ҳаракатланувчи қисмларни ўз навбатида механик, аэродинамик, гидродинамик ва электродинамик турларга бўлиб қарашиб ҳамда шовқинларнинг салбий таъсирини бир усул орқали бартараф этиш мушкул бўлганлигини инобатга олиб амалда комплекс усуллардан фойдаланиланиш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Н. Отабоев ва бошқ. Автомобиллар ҳосил қилаётган шовқин ва унинг инсон организимида таъсири. “Замонавий ишлаб чиқаришнинг иш самарадорлиги ва энерго-ресурс тежамкорлигини ошириш муаммолари” халқаро конференция материаллари тўплами 2018 й., 915 б

2. X.Турсунов. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т: “Саодат”, 1997 й, 54 б.

3. С.Газиназарова ва бошқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Т.ТИМИ-2014, 186 б.

## ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА “АНДИЖОН-37” ГЎЗА НАВИНИНГ ХОСИЛДОРЛИГИГА ЎҒИТ ВА СУГОРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Н.Қ.Ражабов – доцент, қ.х.ф.ф.д (PhD),  
Т.А.Ҳайдаров – доцент, т.ф.н., Тошкент  
ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш мухандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида «Андижон-37» гўза навининг мақбул сугориш ва ўғитлаш (NPK) меъёрларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Мақолада вилоятнинг типик бўз тупроқлари шароитида сув-ўғит (NPK) лари меъёри бир мунча камайтирилган ҳолда сугориш тартиблари сонини, тизими-схемасини, сугоришлар давомийлигини, амал-сувлари ва мавсумий сугориш меъёрларини мақбул норма-метъёрларини ўрганилган гўзанинг Андижон-37 навида маъқбул сугориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибда 1-2(3)-1(2) тизимда 4-5 марта сугорилганда 4795-5140 м<sup>3</sup>/га меъёрда сугориш ҳамда минерал ўғитлар меъёрини N<sub>190</sub> P<sub>133</sub> K<sub>95</sub> кг/га меъёрда кўлланилганда йиллар давомида 44,8-48,3 ц/га юқори сифатли ҳосил олишга эришилди.

Андижон-37 гўза навини сугоришни май ойининг охири, июнь ойи биринчи ўн кунликларида бошланиши, охирги сугоришни эса август ойининг учинчи ўн кунлиги ва биринчи ўн кунликларида ўтказиш, сугоришлар давомийлиги гўзанинг ривожланиш фазалари бўйича гуллашгача 22-24 соатгача; гуллаш-ҳосил тўплашда 22-32 соатгача; пишиш-қўсакларнинг очилиши фазасида эса 21-30 соатни ташкил этиши, ҳар бир сугоришлар оралиги 17-25 кунни ташкил этилиши тавсия этилган.

### АННОТАЦИЯ

Научно-исследовательские работы по изучению оптимальных режимов орошения и нормы минеральных удобрений (NPK) для сортов хлопчатника «Андижон-37» проводились в условиях типичных сероземных почв Ташкентской области. В статье для сорта хлопчатника «Андижан-37» в условиях типичных сероземных почв при предполивной влажности почвы 65-65-60% от ППВ рекомендовано проводить орошение 4-5 раз по схеме 1-2(3)-1(2) при предполивной влажности почвы 65-65-60% от ППВ с оросительной нормой 4795-5140 м<sup>3</sup>/га и внесением минеральных удобрений для обоих сортов нормой N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га.

Рекомендуется начинать орошение хлопчатника сорта «Андижан-37» в конце мая, в первой декаде июня, а завершить орошение в последний декаду августа. Продолжительность орошения до фазы цветения должна составлять до 22-24 часов; во время фазы цветения-набора урожая – 22-32 часов, созревания-раскрытия коробочек – 21-30 час, а межполивной период – 17-25 дней.

### ABSTRACT

Research work on the study of the optimal irrigation scheduling and the rate of mineral fertilizers (NPK) for Andijon-37 cotton types were carried out in the conditions of typical sierozem soils of the Tashkent region. In the conditions of typical sierozem soils of the region, the norm of NPK was slightly reduced. The number of irrigation procedures, the system-scheme, the duration of irrigation, the applicable waters and the acceptable norms of seasonal irrigation were studied. So, when the Andijan-37 cotton type was irrigated 4-5 times according to the scheme 1-2 (3) -1 (2), the pre-irrigation soil moisture in the order of 65-65-60%, and when irrigation is applied at the rate of 4,795-5,140 m<sup>3</sup>/ha and mineral fertilizers at the rate of N<sub>190</sub> P<sub>133</sub> K<sub>95</sub> kg/ha, 44.8-48.3 cwt/ha of high quality yield was achieved over the years.

It is recommended to start irrigation of the Andijan-37 cotton type at the end of May, in the first ten days of June, and complete irrigation in the last ten days of August. The duration of irrigation before the flowering phase should be up to 22-24 hours; during the flowering-harvest phase – 22-32 hours, ripening-opening of the bolls – 21-30 hours, and the irrigation intervals – 17-25 days.

**Калит сўзлар:** сугориш тартиби, минерал ўғит меъёрлари, сугориш давомийлиги, сугориш оралиғи, типик бўз тупроқлар.

### КИРИШ

Хозирги кунда этиштирилаётган пахта толасининг ички ва ташқи бозор талаблари инобатга олинган ҳолда гўза навлари ҳосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш, мінтақалар, худудлар мисолида навлар парваришини ишлаб чиқиш, ҳамда амалиётга жорий этиш жуда муҳим бўлиб, бу каби масалаларни ҳал этишда экилаётган янги районлаштирилган ва истиқболли гўза навларини биологик, индивидуал хусусиятларига кўра мінтақалар-вилоятлар мисолида маълум тупроқ-иқлим-мелиоратив шароитидан келиб чиқиб ўрганилиши зарур. Шунингдек, экилаётган ёки экиш учун тавсия этилган янги гўза навларининг сув-ўғит (NPK) меъёрлари ва сугориш тартибини ўрганилган ҳолда уларни сув танқислигига-қурғоқчиликка, озиқага талабини аниқлаш айниқса сув танқислиги кузатилаётган кейинги йилларда амалий аҳамиятга эгалиги сезилиб қолди.

Республикамизда охирги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги гўза навлари яратилмоқда. Мазкур гўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб

чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўёжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усусларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир минтақа тупроқ-иклим шароити учун яратилган янги ғўза навлари учун етиштиришнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот обьекти ва услубиёти.** Тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларида, ер ости сувлари 18-20 метрдан чуқур жойлашган ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкаси далаларида ўтказилиши таъминланди.

Тажрибага кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун далада белгиланган изланишлар ўтказилди, уларда ўрта толали “С-6524” (андоза), “Андижон-37”, ғўза навларининг озиқа (NPK) меъёрлари ва суғориш тартиблари ўрганилди. Ўрганилган ғўза нави асосий экин сифатида экилиб, дастур асосида парваришланди [1,2,3,4].

Тажриба варианtlари 3та такрорланишдабиряруслажойлаштирилди. Ҳарбирабўлакча 8 қатордан эни-4,8 м, бўйи 100 м, майдони 480 м<sup>2</sup>, шунданхисобмайдони 240 м<sup>2</sup> ташкил этди. Районлаштирилганваўртатолали Андижон-37 ғўзанавинингхосилдорлигиикки хил ўғит меъёрларида (N-190, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-133, K<sub>2</sub>O-95 кг/га ва N- 220, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-154, K<sub>2</sub>O-110 кг/га) ва учта суғориштартибларида ЧДНСганисбатан(65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60%) да ҳамда шу суғориш режимларига нисбатан қиёсий таҳдил қилиниб ўрганилди. Тажрибатизими 1-жадвалда келтирилган [5,6,7,8].

1-жадвал

#### ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Ғўза навлари	суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, % да	маъдан ўғитлар меъёри, кг\га		
			N	P	K
1	С-6524	70-70-60	200	140	100
2		65-65-60	190	133	95
3			220	154	110
4		70-70-60	190	133	95
5			220	154	110
6		70-75-60	190	133	95
7			220	154	110

2-жадвалдаги маълумотлар фақаттинга бир кундаги атмосфера босими тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Бу маълумотлар сафига ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тупроқ ҳарорати ва бошқа иқлим маълумотларини киритишмиз мумкин. Албатта бу маълумотлар иқлим картасини яратишида катта аҳамиятга эга ва юқорида таъкидланганидек маълумотларнинг аниқлиги таҳлилнинг аниқлигига таъсир кўрсатади.

Метеостанциялардан олинган маълумотларни Microsoft Excel дастурида жадвалга тушириб оламиз. Шундан кейин юқорида метеостанцияларнинг координаталари туширилган нұктали қатламимизнинг атрибут маълумотлар жадвалига атмосфера ҳарорати тўғрисидаги маълумотларни қўшиб олишимиз керак. Албатта бу ишни ArcMapнинг тегишли вазифалар асбоблари ёрдамида амалга оширамиз. Лекин бизда асосий масала атмосфера босими маълумотларни тегишли ҳудудларда жойлашга метеостанциялар бўйича таҳлил қилиш ва картасини яратищдан иборат. Бунинг учун ArcMapда нұктали қатламимизнинг атмосфера босими бўйича “kriging” таҳлилини амалга оширамиз. Ва дастур бизга автоматик холатда атмосфера босими маълумотларини растр таҳлили асосида унинг даражалари қийматларини ранглар асосида визуаллаштириб беради.




7-расм. Метеостанция маълумотлари  
“kriging” таҳлил



8-расм. Ўзбекистон Республика  
метеостанциялари атмосфера босими картаси

Бужараёнлар растр таҳлили натижаларини маъмурий ҳудуд бўйича чегараланиб Ўзбекистон Республикасининг 7, 8-расмлардаги каби атмосфера босими ўзгариши картаси яратилади.

Албатта иқлим кўрсаткичлари ўзгарувчан ва уларни карталаштириш жадвал маълумотларига нисбатан ҳудудлар бўйича визуаллаштириш тушунарли ва бир мунча тасвирли ифодалайди. Бу фойдаланувчилар учун тасаввурларини анча ойдинлаштиради. Иқлим кўрсаткичлари ўзгарувчан бўлғанлиги учун иқлим кўрсаткичлари карталарини яратишни узлуксиз ва давомли амалга ошириб боришини тақозо этади. Бу жараённи амалга оширишда комплексли ёки мажмуали ёндашиш анча самарали ҳисобланади. Бунинг керакли кетма-кетликда вазифаларни бажариш ва тизимли тармоқни ташкил этиш лозимдир. Бу тизимли тармоқни амалга ошириш ГАТ лабораториялари орқали амалга ошириш бизнингча энг оптималь ечим бўла олиши мумкин. Бунда белгиланган вазифани амалга ошириш кетам-кетлиги маълумотларни манбаадан олишдан тортиб маълумотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва карталаштиришга бўлган жараённи ўзида қамраб олиши керак. Уни қуйидаги 9-расмда кўришимиз мумкин.



9-расм. Иқлим карталарини тузиш тизими

Бизга маълумки сунъий йўлдош тизимлари орқали космик суратлар билан биргалиқда позитирлаш аълумотларини олиш мумкин. Лекин шу билан биргалиқда иқлим маълумотларини ҳам online муҳитда

олиш имкониятини беради. Иқлимин карталаштириш тизимда сунъий йўлдош маълумотлари орқали метеостанцияларни биринчи навбатда позитирлаймиз ва иқлим маълумотларини ерда маҳсус ГАТ лабораторияларида таҳлил қиласиз. Албатта таҳлил жараёнида тажрибали мутаҳассислар меҳнати анча сарали бўлади. Сабаби бу жараёнда иқлим кўрсакичларини ажратиб чиқиши, синфлаш ишлари бажарилади. Бу жараёнда ГАТ мутаҳассисларининг меҳнати етарли бўлмайди. Сабаби метериология бўйича малакали мутаҳассисларнинг меҳнати талаб этилади. Тизимнинг бу босқич асосий босқич бўлиб, маълумотларнинг сифатлилиги ҳамда аниқлиги мана шу жойда белгиланади. Тайёр маълумотлар таҳлилдан сўнг карталаштирувчи мутаҳассислар визуаллаштирилди ёки талабга қараб рақамли ва анолог карталаб яратилади. Бу жараённинг узлуксизлиги аниқ ва замонавий иқлим карталарини яратишида энг самарали тизим бўла олади.

**Хулоса.** Қоғоз карталардан фарқли ўларок, электрон картада керак бўлганда яратилиши мумкин бўлган қўшимча маълумотлар мавжуд. Бунинг сабаби, ҳар бир қатламда маълум бир мавзу бўйича маълумотлар ўрин эгалаган. Электрон хаританинг бир қатламида минтақанинг ҳудудий чегаралари, иккинчисида маълум бир ҳудуддаги иқлим тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин.

Рақамли харитада обьектларни намойиш қилиш учун қатламсиз обьектга йўналтирилган ёндошув янада истиқболли ҳисобланади. Унга мувофиқ, обьектлар, обьект соҳалари орасидаги маълум мантиқий муносабатларни акс эттирадиган таснифлаш тизимларига киритилган. Турли хил синфлар обьектларини гурухлаш (кўрсатиш ёки таҳлил қилиш) янада мураккаб усулда амалга оширилади. Аммо обьектга йўналтирилган ёндошув қатламли принципга қараганда инсон тафаккурининг табиатига яқинроқдир.

ArcGis дастурий таъминотидан фойдаланиб атмосфера босими харитаси тузилди. Ушбу харитани тузиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган метеостанцияларнинг маълумотлари келтирилган Microsoft Excel да тузилган ва ишлов берилган атмосфера босими кўрсаткичларини олдик.

Иқлим карталарини яратишининг замонавий услуги сифатли ва аниқ иқлим маълумотларини самарали визуаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга экан.

Иқлим маълумотларини карталар орқали визуаллаштиришни тизимли ташкил этиш ҳамда ГАТ лабораториялари асносида ташкил этиш иқлимининг барча кўрсаткичлар ҳамда об-ҳаво маълумотларини визуаллаштиришда самарали воситадир. Иқлим бўйича илмий тадқиқот олиб лораётганлар учун тадқиқот натижаларини визуаллаштиришда самарали восита саналади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Е.А.Божилина, А.К.Суворов, Выбор временных интервалов и комплексирование информации из баз данных для создания климатических карт, Географический факультет МГУ имени М.В.Ломоносова
2. Abdurakhmonov Sarvar, Allanazarov Olimjon, Mukhtorov Uzbekkhon,Mirjalalov Nuriddin, Abdurakhmonov Zoirjon. Integration and visualization of information into the database when compiling electronic digital demographic maps, International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-X, Issue-X, July 2019
3. България географски атлас. София:ТАНГРА ТанНакРа, Алианс прнт, 2010.- 220c.
4. The National Atlas of Korea. National Geographic Information Institute, Ministry of Construction & Transportation, 2007 - 281 c.
5. Hungary in Maps. Budapest: Geographical Research Institute, Akademy of Sciences, 2009. - 211 c.
6. N.R.Kaye, A.Hartley, and D.Hemming, Mapping the climate: guidance on appropriate techniques to map climate variables and their uncertainty, Geoscientific Model Development.
7. Геоинформатика и геоинформационные системы: история их развития и способы применения. Электронный ресурс URL:<https://www.scienceforum.ru/2016/1587/24624>
8. Геоинформационные системы, электронная картография Электронный ресурс [http://geolike.ru/page/gl\\_2781.htm](http://geolike.ru/page/gl_2781.htm).
9. <http://cliware.meteo.ru/meteo/CliWareDoc.html>.
10. <http://gis-lab.info/.ga/meteo-station-sources.html>.
11. <http://ru.wikipedia.org/wiki>.
12. <https://gis-lab.info/qa/vmap>
13. [meteo.ru/data](http://meteo.ru/data)
14. [meteo.uz](http://meteo.uz)
15. [geoportal.uz](http://geoportal.uz)

## МЕРОПРИЯТИЯ ПО УЛУЧШЕНИЮ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ЗЕМЕЛЬ В УЗБЕКИСТАНЕ

А.Н.Жуманов – ассистент,  
А.Ф.Ашурев старшие  
преподаватель. ТИИИМСХ.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются вопросы по защите земель, сохранение плодородных почв, деградации земель, улучшение качества орошаемых земель а также аграрное отношение, которое помогают улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель в Узбекистане.

### Annotation

In this article, the matters of lands protection, saving the soil, degradation of lands, improving the quality of irrigated lands and also the agrarian relations, which help the increasing melioration conditions of irrigated Lands in Uzbekistan are observed.

**Ключевые слова:** Защита земель, продуктивность, орошаемых аграрный сектор, экономическая реформа, сельское хозяйство, земельные отношения, народное хозяйство, мелиоративное состояние, коллекторно-дренажная сеть, дренаж, колодца, мелиорация земель, коллектор, гидротехнические сооружения, мероприятия, почва, оросительная система, технология, расход, повышение, ресурсы.

**Key words:** protection of lands, productiveness, irrigated, agrarian sector, economic reform, agriculture, land relations, public economy, ameliorative condition, collector-drainage net, drainage, well, melioration of lands, collector, hydro-technical constructions, measures, soil, Irrigation system, technology, output, increasing, recourses .

### ВВЕДЕНИЯ

Процесс модернизации и реформирования национальной экономики республики Узбекистан в области сельского хозяйства неразрывно связан с развитием и благополучием сел. Ни для кого не секрет, что на сегодняшний день одними из наиболее актуальных задач аграрного сектора, в условиях ограниченности земель, являются задачи, связанные с землей, так как она не только огромный дар природы, но и фактор, определяющий будущее нашего государства. Основными, из которых являются: защита земель, сохранение плодородия почв, его восстановление и повышение, сформировывать аграрные отношения, соответствующие требованиям нашего времени.

Деградация земель напрямую влияет на уровень жизни сельского населения, снижая продуктивность земель и, как следствие приводит к значительным потерям в сельскохозяйственном производстве. Правительство Республики Узбекистан определило задачу улучшения качества орошаемых земель как одну из самых приоритетных для развития страны. Сегодня, реформирование аграрного сектора, ускорение процесса улучшения. Осуществление мероприятий по внедрению программ будущего, углубление и усовершенствование экономических реформ в сельском хозяйстве в соответствии с законодательными документами в области земельных отношений, вместе с тем, использование современной техники и технологии, отвечающей требованиям времени, глубокий анализ социальных, экономических и правовых основ развития сельского хозяйства являются основными факторами и источниками экономики. Очень важно достичь создания необходимых условий для сельского населения, улучшения уровня жизни, в процессе внедрения реформ в области сельского хозяйства поэтапное повышение доходов и благосостояния людей, пояснение на местах сути и смысла внедряемых реформ, а также нахождения практического их отражения. Усовершенствование и развитие реформ во всех отраслях народного хозяйства, в том числе в отрасли сельского хозяйства, осуществление экономических и правовых реформ, будучи крепко-накрепко связаны между собой, остаются одной из наиболее актуальных задач экономики республики.

В Узбекистане имеет огромное значение улучшение мелиоративного состояния земель, выделение земель для строительства образцовых домов в сельской местности и их использование, перевод государственного имущества в общественное, развитие форм ведения хозяйства, укрепление фермерских (дехканских) хозяйств и защита их прав. Законы Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Постановления Президента Республики Узбекистан, законы Кабинета Министров Республики Узбекистан, законы министерств, государственные комитеты и ведомства, а также хокимиятов обеспечивают в Узбекистане бережное, разумное и эффективное использование земельных ресурсов, в правовом отношении приводят в порядок земельные отношения, приводят земельное законодательство до уровен, соответствующего требованиям времени, приводят в порядок социальные отношения служат особо важными нормативными документами.

В настоящее время решение особо важной проблемы повышения продуктивности сельского хозяйства в Узбекистане неразрывно связано с задачами улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель и повышения их плодородия. В настоящее время мелиоративное состояние около 9,6 процентов орошаемых земель ухудшено, это произошло в первую очередь из-за высокого уровня засоления почв и повышения уровня залегания подземных вод.

В результате проведенного мониторинга состояния земель по Республике со стороны специалистов соответствующих министерств, государственных комитетов и ведомств было выявлено, что мелиоративное состояние всего **413,7 тыс. га** орошаемых земель плохое.

Сегодня улучшение мелиоративного состояния земель, увеличения их плодородия, интенсивное развитие сельского хозяйства и повышение его производительности является необходимым резервом и решающим фактором, а самое главное является залогом и обязательным условием повышения материального благосостояния сельского населения. Для решения вышеупомянутой проблемы со стороны правительства в 2008-2012 годах была принята Государственная программа направленная на улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель.

Разделение земель ухудшенного мелиоративного состояния по Республике Каракалпакстан и областям, показаны в табл. 1

Распределение по Республики Каракалпакстан и по областям Республики Узбекистан орошаемых земель ухудшенной мелиоративной состояния (в тыс. га )

Таблица 1

№	Название Республик, городов и областей	Всего орошаемых земель	Из них, всего земель неудовлетворительного мелиоративного состояния	В процентах от орошаемых земель
1	Республика каракалпакстан	515,3	134,9	26,2
2	Андижан	273,5	18,6	6,8
3	Бухара	275,1	19,9	7,2
4	Жиззак	301,2	37,4	12,5
5	Кашкадарья	515,7	38,7	7,5
6	Навои	123,4	10,5	8,5
7	Наманган	282,5	16,8	5,9
8	Самарканд	379,2	20,6	5,4
9	Сурхандарья	325,8	19,6	6,0
10	Сырдарья	286,9	16,7	5,7
11	Ташкент	396,8	14,3	3,6
12	Фергана	366,2	38,5	10,5
13	Хорезм	266,2	27,1	10,2
14	г.Ташкент	5,3		
	Всего:	4313,1	413,7	9,6

Для осуществления Государственной программы по улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель в 2011 году из фонда мелиорации было выделено 150 млрд сум, из них за год было потрачено 60 млрд сум на осуществление 107 проектов, в том числе на строительство 627 открытых коллекторно-дренажных сетей и 139 км закрытых дренажных систем, 193 вертикальных дренажных колодца, 6 мелиоративно насосных станций, и 200 штук наблюдательных колодцев, а также на постройку и реконструкцию других мелиоративных объектов.

По данным Управления мелиорации земель Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан в Республике в 2012 году на мелиоративные мероприятия было выделено в общей сложности 209,8 миллиарда сумов (\$104,1 млн. по курсу Центробанка Республики Узбекистан).

В течение прошлого года мелиораторы успешно завершили строительство и реконструкцию 137 объектов во всех регионах республики. Работы были проведены на магистральных, межрайонных и межхозяйственных коллекторах общей протяженностью 903,6 километра.

Новые и реконструированные мелиоративные объекты расположены в районах с обширными сельскохозяйственными угодьями. К примеру, обновленный коллектор «Аблкуль» в Янгиарыкском районе Хорезмской области протяженностью 19,5 километра пролегает через территорию с 750 гектарами орошаемых земель, на которых выращивается зерно, хлопчатник и другие сельскохозяйственные культуры. А в Кошкупирском районе этой же области только один межрайонный коллектор «Гозовот-Довдон» обслуживает 1 700 гектаров земель, где расположены многие фермерские хозяйства. Благодаря строительству новых коллекторов будет существенно улучшена ситуация с состоянием земель и в Сырдарьинской области. Так, в прошлом году в Сардобинском районе построено сразу несколько межхозяйственных коллекторов общей протяженностью более 24,3 километра».

Повышению плодородия земель способствует и планомерная работа по ремонту и восстановлению действующих мелиоративных систем.

«В 2012 году было реализовано 256 подобных проектов. Проведена очистка 13,1 тысячи километров коллекторно-дренажных сетей, промыто 470,7 километра закрытого дренажа, отремонтировано 815 скважин вертикального дренажа, 11 насосных агрегатов. В работах было задействовано 311 экскаваторов,

свыше 80 бульдозеров, другая специальная вспомогательная техника. По имеющимся данным, за последние пять лет на площади приблизительно в 1 200 тысяч гектаров орошаемых земель достигнут оптимальный уровень залегания грунтовых вод. От этого показателя напрямую зависят условия для нормального развития сельскохозяйственных растений. При этом существенно сократилась доля сильно - и среднезасоленных земель. Такие территории общей площадью более 81 тысячи гектаров теперь относятся к слабозасоленным и незасоленным. В среднем балл- бонитет почв по Республике стабилизировался, а в Джизакской, Навоийской, Самаркандской и Сырдарьинской областях наблюдается заметный рост этого показателя». По официальным данным, с начала реализации Государственной программы мелиоративного улучшения орошаемых земель на 2008–2012 годы построено и реконструировано около 3,7 тысячи километров коллекторно-дренажных сетей и других гидротехнических сооружений. За этот же период проведены работы по ремонту и восстановлению свыше 67,2 тысячи километров мелиоративных сетей.

В Узбекистане расходы на мелиоративное улучшение орошаемых земель на 2013 году были определены в размере 227,5 млрд. сум, в том числе, на строительство и реконструкцию — 104,4 млрд. сум, на ремонтно-восстановительные работы — 95,0 млрд. сум, на приобретение мелиоративной техники и оборудования — 26,1 млрд. сум

В результате проведенных мелиоративных мероприятий, улучшились мелиоративного состояния свыше 264 тыс. га орошаемых земель.

В 2013 году построены 823,0 км открытых, 92,0 км закрытых коллекторно-дренажные сети, 15 мелиоративные насосные станции, 111 шт. скважины вертикального дренажа, 50 шт. гидротехнические сооружение и 1665 шт. мелиоративные наблюдательные скважины.

По 107 объектам 2014 года проведены тендерные торги, заключены договора с проектными организациями и в настоящее время на объектах закончены проектно-изыскательские работы и ведутся строительные работы.

В Республике Узбекистан выполняются большие работы по улучшению мелиоративной состоянию земель, и требуется усовершенствовать их качества. Современные научно-методологические основы улучшения мелиоративного состояния и повышения плодородия новоорошаемых почв. Узбекистана разработаны на базе системного подхода к решению проблемы, учитывающей взаимосвязь основных эколого-генетических факторов почвообразования и свойств, почв с комплексом мелиоративных и агротехнических мероприятий, отвечающих почвозащитным и водосберегающим требованиям.

Ухудшение мелиоративного состояния новоорошаемых земель происходит из-за большой неравномерности увлажнения почв при поливах по длинным бороздам, местами усугубляемой сложным микрорельефом солей, на фоне плохой дренированности территории. Довольно часто это приводит к локальному подъему уровня грунтовых вод и возникновению очагов вторичного засоления.

Совершенствование орошения в Узбекистане должно опираться на применение высокой культуры земледелия, внедрение водосберегающих, водоохраных и почвозащитных технологий. Переход на такие технологии при реконструкции действующих оросительных систем потребует дополнительных больших затрат и прежде всего на поливную технику, способную значительно уменьшить расход оросительной воды на вегетационные поливы и сократить до минимума коллекторно-дренажный сток, что позволит направить дополнительные объемы высвободившихся оросительных и очищенных коллекторно-дренажных вся в Аральское море. Следовательно, генеральная стратегия развития орошающего земледелия в Узбекистане, отвечающая почвенно-экологическим требованиям, - повышение плодородия почв в условиях необходимого плодосмена, экономное расходование поливной воды, минимизация коллекторно-дренажного стока и его деминерализация.

## Литература

- 1.Земельный фонд Республики Узбекистан. Т., Госкомземгеодезкастр, г.2012.с-205
- 2.Узбекистон Республикасининг «Мех,натКодекси», Т.: «Адолат», 1996 й
- 3.Узбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик түгрисидаги Кодекси», Т.: «Адолат», 1995 й
4. Узбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хужалиги түгрисида»ги конуни, «Халқ сузи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
5. Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳдон хужалиги түгрисида»ги қонуни, «Узбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва урта бизнесни куллаб-куватлаш буйича қонунчиликх, ужжатлари туплами», Т.: «Узбекистон», 2002 й.
6. М.Х.Хамидов, Х.И.Шукурлаев, А.Маматалиев “қишлоқ хужалик гидротехник мелиорация, (дарслик) Т.“Шарқ;” г.2009 с-380 бет.
7. Узбекистон Республикасининг «Фуқролик Кодекси», “Тадбиркорликка оид конун хужжатлари туилами”, Т.: “Шарқ;”, 2002 й

## СЕРВИТУТ АСОСИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Н.Жуманов, асистент, ТИҚХММИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Республикаизда жумладан, Тошкент вилоятида хозиргача сервитут шартномалари ишлаб чиқилмаган ва амалиётда жорий этилмаган. Шунинг учун ўзганинг ер участкасидан чекланган равишда фойдаланиш хуқуқи (сервитут)нинг мавжуд холатини ўрганиши, намунасини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этиши бугунги кунда соҳа олдида турган энг долзарб муаммолардан бирига қаратилган.

### АННОТАЦИЯ

По данной статье договоры сервитута не разрабатывались и не внедрялись в республике, в том числе в Ташкентской области. Поэтому одной из наиболее актуальных проблем, стоящих сегодня перед отраслью, является изучение текущего состояния права ограниченного пользования чужой землей (сервитут), разработка модели и ее реализация.

### ANNOTATION

In this article, servitude agreements have not been developed and implemented in the Republic, including in Tashkent region. Therefore, one of the most pressing issues facing the industry today is the study of the current state of the right of limited use of another's land (servitude), the development of a model and its implementation.

**Калит сузлар:** Вилоят, Туман, Ер, худуд, участка, хуқуқ, иқтисодий, солиқ, сервитут.

### КИРИШ

Ер мамлакатимиз умуммиллий бойлигининг энг муҳим қисми, ишлаб чиқаришни юритишининг асосий негизидир. Ердан илм-фан тавсиялари асосида самарали фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, шак-шубҳасиз, иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Ернинг чекланганилиги ва унинг сифат таркибининг пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яқдөн намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда”[1, 2, 6].

Мустақилик йилларида Ўзбекистонда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Ер, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”, Фуқаролик, Жиноят, Солиқ, Мехнат, Шаҳарсозлик кодекслари, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлари ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган [1, 2, 3, 4, 5].

**Масаланинг кўйилиши:** Бугунги кунда ерга нисбатан мулк масаласи долзарб аҳамият қасб этмоқда. Сўнгги йилларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳуқуқий ислоҳотлардан асосий мақсад – аҳолининг моддий ва маънавий турмуш даражасини ҳар томонлама кўтаришдан иборат бўлиб, бунда ер бойликларидан оқилона ва унумли фойдаланишни таъминлаш, уларнинг муҳофазасини тўғри ташкил этиш ниҳоятда муҳим аҳамият қасб этади. Хусусан, ер ҳуқуқий ислоҳотлари натижасида айрим ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини белгилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сервитут замонавий ер ҳуқуқида назарий жиҳатдан ўзига хос аҳамият қасб этадиган ҳамда амалий жиҳатдан бир қанча муаммовий масалалар ечимини талаб қиласидан институттага айланди. Шуни тан олиб айтиш керакки, хорижий давлатларда сервитутни белгилаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар амалиётда жуда кўп учрайди. Шу боис айрим хорижий мамлакатларнинг ер сервитути билан боғлиқ нормаларини ўрганиб чиқиш келгусида миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш борасида истиқболи йўналишларни ишлаб чиқиши имконини беради. Ер сервитути билан боғлиқ яна бир масала бугунги кунда нафақат илмий, балки муҳим амалий аҳамият ҳам қасб этиб бормоқда. Бу – уй жойда яшаш ҳуқуқи бўлиб, ашёвий ҳуқуқ хусусиятларига эга ҳамда ҳозирда суд амалиётида ҳам кўплаб ушбу ашёвий ҳуқуқни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар учрамоқда.

Ушбу ҳуқуқий шакл орқали эҳтиёжларни қондиришдаги барқарорлик унинг ашёвийлик хусусияти билан таъминланади: яъни, сервитут ҳуқуқининг предмети муайян шахсларнинг ҳаракати эмас, балки ер участкасининг ўзи ҳисобланади. Шу боис, сервитут ҳуқуқи субъекти қўшнинг ер участкасидан чекланган фойдаланиш ҳуқуқини мулқдор ўзгаришидан қатъий назар сақлаб қолган. Сервитут ер участкасига тегишли бўлиб, мулқдорлар ўзгарган тақдирда ҳам тўла сақлаб қолинган.

Юқоридагилар асосида сервитутни ўёки бу муносабат билан бошқанинг мулқидан чекланган тарзда фойдаланиш сифатида тавсифлашимиз мумкин. Ушбу ҳуқуқ ерга нисбатан хусусий мулкчилик

белгиланган ҳамда алоҳида ер участкалари табиий қулайликлар тенг тақсимланмаганлиги сабабли юзага келадиган нокурайлик ва қийинчиликларни бартараф этиш нуқтаси назаридан муҳимдир. Сервитут юқорида таъкидлаганимиздек, моҳияттан классик шаклда Рим ҳуқуқи даврида вужудга келган бўлиб, бошқа шахсга тегишили бўлган ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи ўша даврда айнан сервитутни англатган [7, 10, 14]. “Servitus” сўзи “ашёнинг ўзга шахсга хизмат қилиши” маъносини англатиб, ушбу атамадан муайян ер участкаси ўз муклоридан ташқари бошқа шахсга ҳам хизмат қилганда фойдаланилган. Рим ҳуқуқида даставвал фойдаланиладиган ашёларга нисбатан сервитут атамаси қўлланилган бўлиб, кейинчалик ушбу атама ўзганинг ашёсидан фойдаланишни англатган ва кенг омма ўртасида тарқалган.

Сервитут (лотинча servitus; инглизча, servitude, easement) – рим ҳуқуқи давридан маълум бўлган ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи. Ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) – кўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир [8, 10, 14].

Баъзи хорижий мамлакатлар қонунчилиги сервитут ҳуқуқини бекор қилиш имкони бўлган тақдирда бу жараённи бир мунча енгиллаштиришга қаратилган бўлса-да, айни пайтда баъзи мамлакатлар қонунчилигида жамоа, оммавий манфаатлар йўлида хизмат қилиши лозим бўлган сервитутлар қонунлар билан мустаҳкамлаб кўйилади. Масалан, кўпгина мамлакатларда аэропорт яқинидаги ер участкалари эгалари ва фойдаланувчиларига ҳаво кемаларининг парвози ва қўнишига ноқурайликлар туғдирмаслиги мақсадида баланд бинолар ва қурилмаларни қуриш тақиқланган. Бундай тақиқлар ва чекловлар учун бундай ер участкаси эгалари ва фойдаланувчиларига ҳеч қандай тўлов (компенсация) назарда тутилмаган. Бундай сервитутлар одатда жамоа, омма манфаатларини химоя қилганлиги сабабли “оммавий сервитут”лар сифатида танилган. Сервитутларга тўхталигандан Швецияда сервитут ҳуқуқи ўзининг тартибига солиниши билан алоҳида ажralиб туради. Швецияда “ledningsrätt” деб номланувчи қурилмалар учун сервитут ҳуқуқи мавжуд бўлиб, унга кўра қувурлар, электр ва телефон симлари, телекоммуникация алоқа тўрлари ва ҳоказоларни ўтқазишида мажбурий сервитут белгиланади. Швеция сервитут ҳуқуқини алоҳида мулк ҳуқуқи сифатида шакллантирган мамлакатлардан биридир. Хорижий мамлакатларда сервитутлар “салбий” ёки “маъқулланган” қўринишларда бўлиши мумкин. “Салбий” сервитутлар ер участкаси мулқдорига агар сервитут мавжуд бўлмаган тақдирда тўлиқ қонуний асосларда амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлайди.

Сервитут ҳуқуқи муносабатлари борасидаги Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги асослари Рим ҳуқуқига бориб тақалар экан, сервитут доктриналари бир-бирига ўхшаш. Хорижий мамлакатларда турли хил атамалар қўлланишидан қатъий назар сервитутлар вужудга келиши, амал қилиши ва бекор бўлиши, ҳамда амал қилиш соҳасини шакллантирувчи концептуал механизмлар Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқида кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш.

**Ечиш усули:** Туманда ер ресурсларини бошқариш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ташкил этилаётган ва қайта ташкил этилаётган ёки янги пайдо бўлаётган ер мулклари, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни рўйхатта олиш, уларни ҳуқуқий хужжатлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятта эгадир.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосан давлат ер кадастрида жамланади. Унинг асосий таркибий қисми бўлган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатта олиш, ноқишлоқ ҳўжалик соҳаларидан янги ерлардан фойдаланувчи субъектлар ва амалдагиларни қайтадан рўйхатта олиш ишлари ер кадстридинг энг тезкор маълумотлар билан таъминлаб туришни тақозо этади. Шунинг учун туманда давлат ва жамоат эҳтиёжлари ва барча ердан фойдаланувчилар учун Ер ахборот тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сервитут шартномалари асосида ердан фойдаланишни чегаралаш ишлари ҳам давлат тадбирлари тизимида киради. Сервитут шартномалари ердан фойдаланувчи субъектлар фаолияти жараёнида ер участкаларини қайта ташкил этиш, янги субъектларни барпо этилиши ва бошқа қўринишлардаги ер муносабатларида тузилади. Шунинг учун таркибида рўйхатлашнинг ҳуқуқий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда сервитут шартномаларини тузишни такомиллаштиришга ёътибор қаратилган.

Сервитут шартномалари асосида ердан фойдаланишда рўйхатлашни такомиллаштириш ердан фойдаланишни чеклашга асосланган сервитут шартномалари рўйхатлашнинг алоҳида шартларини ишлаб чиқиши заруриятини келтириб чиқаради. Сервитутлар асосан чизиқли иншоотларга ер ажратиш, химоя майдонлар ва бошқа қўринишлардаги ердан фойдаланишларда қўлланилади.

**Натижалар таҳлили:** Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда амалга оширилган туб ислоҳотлар, бозор иқтисодиётига ўтилиши натижасида ерга нисбатан ижтимоий муносабатлар янгича мазмун касб этиб, бу муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий ҳолати такомиллаштирилмоқда, уларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда, ердан фойдаланишга нисбатан турли хил мулқчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларини жорий этиш учун имкониятлар яратилмоқда. Янги ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар сабабли ер, сув ва бошқа табиий ресурслар энди чекланган тарзда фуқаролик муомаласига киритилиб, унга нисбатан ҳам фуқаролик шартномалари, яъни ипотека, гаров, мерос, олди-сотди, ижара, сервитут каби шартномалар тузиладиган бўлди.

Бунда хусусий сервитут: 1) маълум бир шахс фойдасига ўрнатилиши; 2) вужудга келиш мақсади якуний характер касб этмаслиги; 3) шартнома асосида вужудга келиши; 4) давлат рўйхатидан ўтказилиши каби белгиларга эга бўлади.

Бизнинг фикримизча, бу сервитут белгиланиши мустаҳкамланган қонун ёки бошқа қонуности ҳужжати орқали амалга оширилиши бу оммавий сервитутлар вужудга келишининг ўзига хос хусусияти бўлиб, хусусий сервитутлар вужудга келишидан (шартнома ёки суд қарорига асосан) фарқланади.

Сервитутни белгилашни талаб қилган шахс ёки шахслар гурухи билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ вужудга келадиган сервитут ҳукуқига биноан бир тарафдан сервитут белгилашни талаб қилган шахс ёки шахслар гурухи ҳаракат қилса, иккинчи томондан сервитут белгиланиши талаб қилинаётган ер участкасининг эгалик ҳукуқи тегишли бўлган шахс ёки ушбу ер участкасининг фойдаланувчиси ёки ижарачиси ҳаракат қиласи ва ўзаро сервитут келишувига эришадилар.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга кўра сервитут белгиланади ва у қўчмас мулкка бўлган ҳукуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса, баҳс сервитутни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади. Оммавий сервитутларнинг вужудга келиши жамоа эҳтиёжларини инобатта олган ҳолда амалга оширилади. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг бундай жамоа эҳтиёжлари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳукуқлари одатда фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ўз ҳукуқларига оид масалаларнинг ҳал қилинишида иштирок этиш принципига асосан қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида эса ушбу фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг жамоа эҳтиёжлари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳукуқларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ерга оид ҳукуқларнинг белгиланишига оид қарорлар қабул қилиниши, жумладан оммавий сервитутлар белгиланишида иштирок этиши принципи мустаҳкамланмаган.

Бизнинг фикримизча ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда қўйидаги тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади (1-расм).

Давлат реестрига қўйидагилар киритилади:

- 1) ер участкасига бўлган ҳукуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар;
- 2) ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргалиқда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалари);
- 3) ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;
- 4) ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зonasига киритиш тўғрисидаги қарорлари;



1-расм. Сервитутларни давлат рўйхатидан ўтиш тартиби.

**Хулосава таклифлар:** Мазкур мавзуни тадқиқ этиш жараёнида қўйидагича назарий ва амалий хулоса, таклиф ва тавсиялар асослаб берилди:

1. Сервитут белгиланиши мустаҳкамланган қонун ёки бошқа қонуности ҳужжати орқали амалга оширилиши бу оммавий сервитутлар вужудга келишининг ўзига хос хусусияти бўлиб, хусусий сервитутлар вужудга келишидан (шартнома ёки суд қарорига асосан) фарқланади.
2. Фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг жамоа эҳтиёжлари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳукуқларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2-моддасида берилган ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларини фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ерга оид ҳукуқларнинг белгиланишига оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиши принципи билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ерга оид ҳукуқларнинг белгиланишига оид қарорлар қабул қилинишида иштирок

этиши принципи оммавий ер участкаси сервитутларини белгилашга оид қарорлар қабул қилинишида фуқаролар ва жамоат ташкилотлари иштирокининг ҳукуқий асосини яратиб беришда ва фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг бундай қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокини таъминлашда ҳукуқий восита сифатида хизмат қилар эди.

3. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ер участкасига бўлган ҳукуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ёки рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан белгиланган тартиба судга шикоят қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоиданинг Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 35-моддасида ҳам белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Сервитутни белгилаш учун асос бўлган ҳолатларнинг бекор бўлиши натижасида ва сервитутнинг белгиланиши ўзига нисбатан сервитут белгиланган ер участкасидан мақсадли фойдаланишини имкониз қилиб қўйиши натижасида ер сервитути бекор бўлишининг асосларини намунавий асослар рўйхати сифатида эътироф этиш мумкин. Бу рўйхат ашёвий ҳукуқлар бекор бўлишининг умумий асослари билан, шунингдек сервитут муносабатларининг табиитидан келиб чиқувчи асослар тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари ушбу санаб ўтилган асослардан баъзилари фақатгина муайян сервитут кўринишлари учунгина ўринли бўлади. Хусусан, ер сервитути ўрнатилган муддатнинг ўтиши асоси фақатгина муддати кўрсатилган муддатли сервитут фақат кўринишларигагина хосдир.

5. Ишлаб чиқилган сервитут шартномаси намунасини амалиётда қўллашасосида ерларда сервитут билан боғлиқ турли низо ва келишмовчиликларни олдини олиш ва ерлардан оқилона фойдаланишини такомиллаштиришга хизмат қилар эди.

6. Сервитут шартномаси намунаси амалиётта тадбиқ этилиши борасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ерлардан самарали фойдаланиш билан бир ер субектлари томонидан турли зиддияти холатларга бархам берилиши хамда давлат божига кўшимча даромад келиши холати вужудга келар эди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент: 2003. –№1.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 марта «2005-2006-йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-29-сонли Қарори.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилнинг 24 июлидаги фармони "Юридик шахслар ва фукароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида" Т.,2006 й.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида" Т.: Ўзбекистон, 1995.
- 6.Каримов И.А. Хафғиззлик ва барқарор тараққиёт йўлида.Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1997.–111 б.
- 7.Пухта Г.Ф. Курс Римского гражданского права. М., 1974. Т.1. – С.161.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар. / М.Ҳ.Рустамбоев умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 184.
- 9.Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолашнинг ахборот таъминоти асослари. Тошкент: «Фан», 2008.-122 б.
- 10.Бобоҷонов А.Р, Раҳмонов К.Р., Гофиров А. Ер кадастри. Укув кулланма. Т.: ТИМИ, 2008
- 11.Xodiyev B.YU., Abdullayev Z.S. Yer resurslari qiyatini baholash. Toshkent: «IQTISOD-MOLIYA», 2010.-232 b.
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишнинг илмий асослари». Дарслик. Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 13.Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Ердан фойдаланишини бошқариш. Ўқув қўлланма. Тошкент, ТИМИ,2009. - 282 б.
- 14.Волков С.Н., Жариков Ю.Г. Комментарий к Земельному кодексу РФ. – М., 2009.
- 15.Жариков Ю.Г. Земельное право. – М.: Инфра-М, 2006.
- 16.Жураев Ю.О. Вопросы право собственности на природные ресурсы в Узбекистане//Экономика и право. – 2000. – №3.
- 17.Холмўминов О. Ер участкаси сервитути: хорижий тажриба ва миллий қонунчилликни такомиллаштириш истиқболлари. // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2011. - № 2.
- 18.Ер муносабатларини тартибга солиша доир конун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1 –жилд. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Т.:2000

## ЕРЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШДА ЕР ТУЗИШНИНГ РОЛИ

А.Муқумов - катта ўқитувчи ТИҚХММИ  
К.Хужакелдиев - катта ўқитувчи ҚарМИ

### АННОТАЦИЯ

Маколада республикамизда мустакиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида ер муносабатлари мазмунининг кескин ўзгариши, янги шаклдаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ташкил этилиши, натижада ер тузиш ишлари ҳажмининг ошиши, ер тузиш лойихаларининг мазмунининг кенгайиши, усулларининг ўзгариши, такомиллашиши сабаблари ёритилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы связаннe с изменением содержания земельных отношений, в результате создания новых форм землепользования изменения содержания и увеличения объемов и совершенствования землестроительных проектов

### ABSTRACT

This article discusses the issues of changing the content of land relations, as a result of creating new forms of land use, changing the content and increasing the volume and improvement of land management works.

**Калит сўзлар:** ер тузиш, ер муносабатлари, ер тузишни лойиҳалаш, фермер хўжаликлари, ер фонди, ерларни муҳофаза қилиш, ҳудуд, ер участкаси.

### КИРИШ

Республикамиз мустакилликка эришгандан кейин бозор иктисадиётiga ўтиш даврида ўтказилган ислохотлар натижасида ер ва у билан бевосита боғланган бир қатор кўчмас мулкларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ер муносабатлари мазмунининг кескин ўзгаришига олиб келди. Республика қонунчилик тизимида асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асрash ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат бўлган Ер кодекси<sup>2</sup>, ҳамда асосий вазифалари аҳоли ва иктисадиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув обьектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, дехқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”<sup>3</sup>, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида” ва бошқа бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши натижасида ҳудудларда янги шаклдаги ердан фойдаланувчиларнинг (фермер, дехқон хўжаликлари) пайдо бўлиши ишланаётган ер тузиш лойиҳаларининг мазмунининг кенгайиши, унда қўлланилаётган усулларининг ўзгариши, такомиллашиши заруратини келтириб чиқарди.

**Тадқиқот услубияти.** Бугунги кунда республикада иктисадиёт тармоқлари таркибида ерни тақсимлаш ва кайта тақсимлаш билан боғлик катта ҳажмдаги ер тузиш ишларини ўтказилмокда. Бундай ишлар таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- махсус ер фондларини ташкил этиш;
- саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари негизида агрокластерларни ташкил этиш;
- дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалиги, томорқа ер участкаси мавжуд бўлмаган шахар ва қишлоқ ахолиси учун жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигига ер ажратиш;
- нокишлок хўжалик корхоналарига ёрдамчи хўжаликларни ташкил килиш учун ер ажратиш;
- ерга эгалик килиш, фойдаланиш ва мулк ҳукукини руйхатга олиш ҳамда ҳукукни тасдикловчи хужжатларни расмийлаштириш;
- маъмурӣ-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ер кодекси, 1998

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонуни “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, 1993

-ердан фойдаланишда сервитутларни белгилаш ва сервитутларга амал килинадиган ерларнинг жойлардаги чегараларни белгилаш.

Маълумки ер чекланган табиий ресурслардан бири ҳисобланади, шунинг учун хам у доимий муҳофазага муҳтож. Айрим ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер майдони ўлчамининг ортиши бошка ердан фойдаланувчи субъектнинг ерларининг камайиши ёки умуман тугатилиши ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин. Ердан фойдаланишнинг бир тури майдонини бошка ер турига ўтиши (масалан, ер фондининг кайсиdir тоифаси ерларини) бошқасининг қисқаришига олиб келади. Маълумки, республикамида унумдор сугориладиган ерларнинг майдони чекланган, мисол учун, сугориладиган ерлар майдони 44982,4 минг гектардан ташкил топган республика ер фондининг 329,0 минг гектарни ёки 9,6 % ни ташкил этади [5]. Янги ерларни ўзлаштириш ёки мавжудларининг унумдорлигини ошириш эса фақатгина йирик капитал харажатлар эвазига амалга оширилиши мумкин ва бу биринчи навбатда шу соҳадаги илм-фаннинг ривожланиш даражасига боғлик бўлади. Ерларнинг ишлаб чикариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўри фойдаланилса (антропоген таъсир), умуман фойдаланишга яроксиз ҳолга келиши хам мумкин. Шу сабабли ерларни ҳўяжасизларча таксимланишдан ва фойдаланишидан, бузилишидан, ифлосланишидан табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза килиниши керак [4].

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш тўғридан-тўғри ердан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлик. Шунинг учун хам ерларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ер тузиш ишлари таркибида ташкил этилилади. Табиий ресурсларни ва атроф муҳитни муҳофаза килишни ташкил этишнинг асоси ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ҳисобланади, яъни ерга эгалик қилувчи ва ундан фойдаланувчи субъектлар ишлаб чикариш фаолиятини олиб бориш жараёнида ерлардан илмий асосланган ҳолда фойдаланиши экология ва атроф муҳитни муҳофаза килишнинг хозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Шу сабабли, бизнинг фикримизча ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза килиш масалалари режалаштириш ва лойиҳаларни ишлаш жараёнларида мутахассисларнинг харакатлари иккита йўналишдан иборат бўлиши талаб қилинади:

- **биринчидан**, биосферанинг маҳсулдорлиги пасайишини келтириб чикармайдиган, хар кандай заарларга йўл қўймайдиган ва уларни максимал чеклайдиган воситаларни максадли топиш;
- **иккинчидан**, ердан фойдаланиш жараёнида унинг унумдорлиги пасайишига хамда атрофдаги худудларга заарли таъсирига йўл қўймайдиган усууллардан фойдаланиш.

Келтирилган талаблар ҳўжаликларо ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифасининг мазмунига мос маҳсус ишлар билан амалга оширилишини талаб қилади. Проф. С.Авезбоев ва С.Н.Волковлар фикрига кўра улар қўйидагиларни ўз ичига олиши зарур [3]:

- ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда, улчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.у. ер ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи барча талабларга ва шартларга риоя килиш;
- кишлок ҳўжалик корхоналари худудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, ташкилий-ҳўжалик ва бошк.) тизимини лойиҳалаш;
- химояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтакаларини, полосаларини худудларини акратиш ва улар ичida ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Ер тузиш масалаларини маъмурий туман ёки аниқ ердан фойдаланиш худудида очища, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузулишини, ер массивларининг жойлашувини, чегараларини, ахоли яшаш жойларининг чегараларини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олиниши керак. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча ер тузиш лойиҳасида килинадиган тавсиялар куйидагиларни таъминлаши керак:

- ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини саклашни;
- хар бир ер эгалиги ва ердан фойдаланишни ўраб турган худудда ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни;
- ҳўжаликлар худудини оқилона ташкил этиш учун оптималь шароит яратишни;
- худудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чикариш ва бошка объектлар чикиндилари билан ифлосланишдан химоя қилишни;
- ерларни шамол ва сув эрозиялари ҳамда антропоген таъсирдан химоялашни;
- сугориладиган ва мелиорацияланган ерларни химоялашни;
- ерларни қайта шўрланиш ва деградация ҳолатларидан химоялашни.

Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш лойиҳаларида, уларнинг ички таркибий қисмлари ва элементларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар белгиланиши ва қулай шароитлар яратилиши керак. Бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

- бириктирилган ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг оқилона майдон ўлчамларини аниқлаш ва жойлаштириш, улардаги ер турларининг нисбатини тўғри белгилаш;
- ҳўжаликлар чегараларини тупрок эрозиясига ва бошка салбий таъсирларга карши кураш талабларидан келиб чиккан ҳолда ўтказиш;
- ҳўжалик худудида сугориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган,

шўрланиш, эрозия ва бошка салбий окибатларга олиб келмайдиган килиб жойлаштириш;

- нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси худудида, балки улар атрофидаги ерларда хам экологик мувозанатни саклаш ва атроф мухитни муҳофаза килиш учун зарур шароитлар яратиш;
- ишлаб чикариш манбаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан мавжуд захира ерларини ўзлаштириш ва трансформациялаш;
- худудни ташкил этишни экологик, ижтимоий ва иқтисодий асослаш.

Маъмурий туман худудини хўжаликларо ер тузиш нуктаи назаридан ташкил этишда унинг бутун худудида табиатни муҳофаза килиш таъминлаш ва **бир томондан** қишлоқ хўжалик фаолиятини юритувчи ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари, **иккинчи томондан** маҳсус қўриқланадиган худудлар ўртасида тўғри алоқани ўрнатилиши керак булади. Бундай худудларга давлат ва буюртма қўриқхоналар, табиатнинг муҳофаза килинадиган манбаалари, муҳофаза килинадиган табиий худудлар ва сув муҳофаза минтакалари, ландшафтлар ва бошк. киради [2].

Ҳар бир муҳофаза килинадиган худуд, минтака, манбаа бўйича муҳофаза минтакасининг ўрни ва майдони, худуддан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш тартиби белгиланади. Ушбу ишларни бажариш натижасида лойиха чизмасига муҳофаза килинадиган ва белгиланган маҳсус тартиб асосида фойдаланилдиган ерлар чегаралари туширилади. Мисол учун сув муҳофазаси учун ажратилган ерлардан фойдаланиш тартиби ушбу худудда инсонларнинг ишлаб чикариш фаолияти айrim турларининг тақиқланганлиги билан тавсифланади. Сув манбалари қирғокларидаги ҳимоя полосаларида эса хўжалик фаолияти кескин чекланади. Бу ерларда: ўсимликлар касалликларига, зараркунандаларга ва ёввойи ўтларга карши захарли кимёвий моддаларни кўллаш; маданли ўғитлар ва захарли кимёвий моддаларни саклаш учун омборхоналарни, чорвачилик фермаларини, чикинди сувлар оқадиган ариқларни, кабристонларни, ишлаб чиқариш чиқинчилари ташланадиган жойларни жойлаштириш, янги саноат корхоналарини қуриш ва мавжудларини кенгайтириш; автомобиллар тўхташ жойлари, уларга ёнилғи қуийш, ювиш ва таъмирлаш жойларини қуриш ва шунга ўхшашлар умуман такикланади.

**Хулоса.** Иқтисодиёт тармоқлари учун маълум максадларга бериладиган ер участкаларининг майдони, шакли, жойлашуви, хамда бу участкалардан фойдаланувчиларнинг хукуклари ва мажбуриятлари - ер қонунчилиги ҳужжатларида белгиланади [4]. Демак, ер участкасида объектнинг яқуний жойлашуви ер тузиш натижасида аникланади. Бажарилган ер тузиш лойихаси хокимият органлари томонидан тасдиқланади ва у факат малакали хамда асосланган тарзда ишлангандагина барча зарур ерларни ва атроф мухитни муҳофаза килиш масалаларини назарда тутиш имкониятига эга бўлади. Бу масала юкорида баён этилган усуслар билан амалга оширилади, бунда кузланган асосий максад - ердан ва табиий ресурслардан ишлаб чикариш ва бошка фаолият жараёнида тўғри фойдаланиш хисобланиб, у куйидагида таъминланса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ер участкаси, объектнинг тавсифини ва унинг атрофдаги худудга ва табиий мухитга таъсирини хисобга олиб, жойлаштирилиши;
- ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун мўлжалланган ерларни қурилиш лойиҳаси чегарасида ерларни максимал тежаш;
- лойиҳанинг таркибий кисмларининг бири сифатида атроф мухитни ва табиий ресурсларни (атмосфера, ер, сув, ўсимликлар ва бошк.) муҳофаза килиш, уларнинг нооқилона фойдаланишишининг, ифлосланишишининг, сифати ёмонлашишишининг олдини олиш бўйича тадбирларни ўз ичига оловчи тадбирларни ишлаб чиқиш.

### Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Адолат, 1998
- 2.Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Т.: Адолат, 1993
- 3.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди, 2004
- 4.Mirzaabdullaeva M.R.,Muqutov A.,Xafizova Z.X.Yer huquqi. O'quv qo'llanma. -T.:TIMI, 2016, – 202 b.
5. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисбот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2020.

УДК:

## ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА АСОСЛАНГАН ЛОЙИХАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЙУРИТИШ

А.Р. Бабажанов - и.ф.н., доцент,  
Р.Д. Абдираманов - катта ўқитувчи  
Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Ишлаб чиқилган лойиҳани мувоффақиятли, ўз вақтида амалга ошириш учун уни тўла назоратини олиб бориш ва мониторингини юритиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Мақолада айнан географик ахборот тизимлари (ГАТ)-технологиялари асосида ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ўтказиладиган назорат ва юритиладиган мониторинг ишларининг асосий йўналишлари ҳамда хусусиятлари ёритилган. Бундан ташқари, тадқиқотда бошланғич тузилган лойиҳага зарурӣ ўзгартиришлар киритиш тартиби, лойиҳани амалга ошириш тамойиллари ва жараёни ўрганилган ҳамда олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича тегишли хуласалар келтирилган.

### АННОТАЦИЯ

Для успешного, современного осуществления разработанного проекта особое практическое значение имеет ведение своевременного контроля и мониторинга. В статье отражены основные направления и особенности ведения работы по контролю, а также мониторинга проектов, разрабатываемых на основе геоинформационных технологий (ГИС). Кроме этих, по результатам исследований изучены вопросы порядок внесения необходимых дополнений к первоначальному проекту, принципы и порядок осуществления ГИС проектов и даны соответствующие выводы по проведенной научной исследований.

### ABSTRACT

For the successful, modern implementation of the developed project, timely control and monitoring is of particular practical importance. The article reflects the main directions and features of the work on control, as well as monitoring of projects developed on the basis of geographic information technology (GIS). In addition to these, according to the results of the research, the issues of the procedure for making the necessary additions to the initial project, the principles and procedure for the implementation of GIS projects were studied, and the corresponding conclusions were given on the conducted scientific research.

**Калит сўзлар:** ГАТ-технологиялари, лойиҳа, назорат қилиш, режалаштириш, мониторинг, лойиҳа самарадорлиги, лойиҳа кўрсаткичлари, ресурслар, харажатлар, лойиҳа-смета хужжатлари, ахборот тизими, таҳлил, якуний жараён, ҳисобот.

**Ключевые слова:** ГАТ-технологии, проектирование, контроль, планирование, мониторинг, эффективность проекта, выполнение проекта, ресурсы, затраты, проектная смета, информационная система, анализ, конечный процесс, отчетность.

**Key words:** GAT-technologies, design, control, planning, monitoring, project efficiency, project execution, resources, costs, project estimate, information system, analysis, final process, reporting.

### КИРИШ

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг турли соҳаларига, жумладан, саноат ишлаб чиқаришига, қишлоқ хўжалигига географик ахборот тизимлари (ГАТ)-технологияларини тезкор равища кириб келиши ушбу технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилаётган ва амалиётда қўлланилаётган турли лойиҳалар, яъни ГАТ лойиҳаларининг миқдорини кескин ошиб кетишига олиб келди. Бундан шу нарса келиб чиқадики, ГАТ технологияларини қўллаш асосида ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида улар самарадорлигини кўтариши мақсадида уларнинг назоратини кучайтириш ва даврий мониторингини юритиш ишлари ҳам ўта муҳим ва зарур бўлиб қолмоқда. Шундай экан, ГАТ асосида яратилган лойиҳаларнинг назоратини олиб бориш ва мониторингини ўтказиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ўзининг долзарблиги билан алоҳида ажralиб туради.

**Масаланинг қўйилиши.** Кишилик жамиятигининг барча жабҳаларига геоахборот тизимлари технологиялари жуда тезкорлик билан кириб қолмоқда. Бугунги кунда ушбу технологиялар кириб келмаган соҳани топиш мушкул. Уни бундай тезкорлик билан кириб келиши ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишининг энг оддий ва самарали йўлларини қидириб топишга имкон бермоқда. Шундай экан, бундай технологияларга асосланган ёки шундай технологияларни қўллаган ҳолда турли лойиҳалар ишлаб чиқиши ва уларни жорий этиш иқтисодиёт тармоқлари учун ниҳоятда катта амалий аҳамият касб этмоқда. Демак, ГАТ асосида яратиладиган лойиҳаларни назорат қилиш ва мониторингини ўтказиш масалаларини назарий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳамда ушбу тадбирлар зарурлигини асослаш қўйилган масаланинг асосини ташкил этади.

**Тадқиқот методологияси.** ГАТ лойиҳаларини назорат қилишдан қўйиладиган мақсад – ушбу лойиҳада кўзда тутилган ишларни ўз вақтида бажарилишини ва лойиҳанинг умумий натижавий самарадорлигини оширишдан иборатdir [1, 95б]. Бундан шу нарса ёрқин намоён бўладики, лойиҳа назоратини олиб бориш, биринчи навбатда, ундаги асосий ишларнинг бажарилишининг ҳақиқий кўрсаткичларини баҳолаш, хужжатлаштириб бориш ва уларни режавий кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда фаолият натижаларини аниқлашдан иборат бўлади.

Назорат ишларини амалга оширишда назорат тизимиға алоҳида эътибор бериш зарур бўлади, чунки бу “элементлар ўртасида тескари боғлиқликка ҳамда олдинги берилган кўрсаткичларни ўзгартириш имкониятига эга бўлган лойиҳаларни бошқариш умумий тизимининг бир қисмидир” [1, 96 б]. ГАТ лойиҳаларини ишлаб чиқиши давомида ҳар қандай ўзгаришлар атроф-муҳитда юз берадиган ўзгаришлар ҳисобига режада юзага келадиган фарқларни камайтиришга йўналтирилган жавоб таъсирини шакллантиради. Аксарият ГАТ лойиҳаларини амалга оширишда олиб борилган назорат натижалари шуни кўрсатадики, лойиҳага атроф-муҳитнинг ҳамда олдин кўзда тутилмаган ҳолатларнинг таъсири сабабли бошланғич режа кўрсаткичлари бутунги кун кўрсаткичларига мос келмай қолади. Масалан, туман худудидан фойдаланишни ташкил этишнинг истиқболдаги режасини ишлаб чиқишида ГАТ-технологияларини қўллаш режа тузилган йилга нисбатан 3-4 йилдан кейин режа кўрсаткичларини мавжуд ҳолатга мос келмаслигини кўрсатади. Бу табиий ҳолдири, негаки, ушбу ўтган давр мобайнида туман худудидан фойдаланишни ташкил этиш жараёнига жуда кўп омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фақатгина 5-6% ГАТ лойиҳалари бошланғич режалаштирилган кўрсаткичларга мос равишда амалга оширилмоқда. Шуни қайд қилиш зарурки, лойиҳа қанчалик мураккаб бўлса, у амалга оширилиш жараёнида шунчалик кўпроқ қайта кўриб чиқилиши талаб қилинади. Бу ҳолат, ўз навбатида, лойиҳани бошқариш тизимиға бирмунча ўзгартиришлар киритишига, уни қайта кўриб чиқишига, лойиҳа талабларини ўзгаришига, иш турлари ўртасидаги боғлиқликларга путур етишига, ишчи хужжатларни берилишини кечикишига, кўзда тутилмаган техник носозликларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан, ГАТ лойиҳаларининг асосий қисмлари ва элементлари уларнинг раҳбарлари томонидан назорат қилиниши зарур. Бундай назоратни амалга оширишда назорат тизимиға талаблар муҳим ўрин тутади [2, 98 б]. Бундай талаблар асосан барча манфаатдор томонларнинг бевосита иштироқида лойиҳа амалга оширилгунинг қадар ишлаб чиқилади. Назоратнинг самарали тизимини яратиш учун, бизнингча қуидагилар зарур:

- лойиҳанинг ниҳояланиши учун бажарилиши зарур бўлган барча ишларни аниқ режалаштириш;
- вақт, ресурслар ва харажатларни аниқ баҳолаш;
- маълум бир вақт ичida сарфланган харажатларни ва бажарилган ишларни ҳақиқий ҳолатини ҳисоб қилиб бериш;
- қолган ишларни бажарилиши учун талаб қилинадиган вақт ва харажатларни даврий равишида қайта баҳолаб бориш;
- ҳақиқий бажарилган ишларни ва уларга сарфланган харажатларни график ҳамда бюджет билан кўп марта таққослаш ва умумий ҳолатини тўғри баҳолаб бориш.

Лойиҳаларни бошқариш тизимиға қаерда, қаҷон ва қандай нарса зарур бўлса, айнан шунинг таъсири тўғриланишини таъминлаш зарур. Масалан, йирик гидротехник иншоот (сув омбори) ёки темир йўл куриш учун ер ажратиш лойиҳасида ер ажратиш ва уни иқтисодий, ижтимоӣ ва экологик асослашга доир баъзи бир алоҳида ишларни тугаллаш кечикаётган бўлса, уни меҳнат ресурслари ва воситаларини қайта тақсимлаш ҳисобига тезлаштириш мумкин. Агарда лойиҳа хужжатларини етказиб бериш кечикаётган бўлса, бундай ҳолда лойиҳа режасини қайтадан кўриб чиқиши керак бўлади. Буларни аниқлаш учун аксарият холларда аналитик таҳлил ёки умумий таҳлил усуллардан фойдаланиш катта ижобий натижка беради.

**Илмий-тадқиқот натижалари ва улар мухокамаси.** ГАТ-технологиялари асосида яратилган лойиҳаларни мумкин қадар ўзгаришсиз ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашда назоратнинг самарали тизимини яратиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай тамойиллар лойиҳани оператив (тезкор) бошқариш учун қўлланилади. Назоратнинг яхши ташкил этилган тизимини яратиш ва қўллаш тўғридан-тўғри тескари алоқага эришиш учун зарурdir. Бундай алоқа ёрдамида лойиҳада кўзда тутилган ресурсларнинг ҳақиқий фойдаланишини режавий ишлар билан таққослаш мумкин. Назоратни самарали ташкил этишнинг, бизнингча, қуидаги тамойилларини жорий этиш лойиҳани ўз вақтида амалга оширишда яхши натижалар беради:


**Аниқ ва равshan режанинг мавжудлиги.** ГАТ асосида яратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тузилган режалар аниқ таркибланган ва қайд қилинган бўлиши зарур. Агарда бу режалар тез-тез ўзграверса ва янгиланаверса, бундай ҳолда лойиҳани амалга ошириш устидан назорат йўқолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, энг аввало, тузилган режа аниқ ва равshan бўлиши, барча шарт шароитлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиши зарур. Бундай режани ишлаб чиқишида жуда кўп сонли омилларни ҳисобга олишига тўғри келади. Шу сабабли бундай режаларни яратиш иқтисодий математик усулларга, хусусан, кўп омилли корреляцион – регрессион таҳлил усулига асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ҳисоботнинг ахборот тизимини мавжудлиги.** Лойиҳани амалга ошириш бўйича тузиладиган ҳисоботлар бошланғич режага нисбатан ягона ёндошувлар асосида лойиҳани амалга оширилиш ҳолатини ёритиши зарур. Бунинг учун уларни тайёрлашни соддалаштириш, шунингдек, барча ҳисоботлар учун аниқ вақт оралигини ўрнатиш зарур. Ҳисобот натижасида олинган мъалумотлар доимо ҳар томонлама ва чуқур мухокама қилиниши зарур. Бундай мухокамалар вақтида юзага келадиган баъзи бир

тушунмовчиликлар ва камчиликлар лойиҳани амалга оширилишининг кейинги босқичида ҳисобга олиниши ва бартараф этилиши зарур.

**Эътибор беришнинг самарали тизимини мавжудлиги.** Бу назорат қилиш жараёнининг якуний қисми бўлиб, у лойиҳани амалга ошириш даврида раҳбарият томонидан қабул қилинадиган ва юзага келиши мумкин бўладиган фарқдарни бартараф этишга йўналтирилган харакат бўлади. Бу харакатлар аниқданган камчиликларни бартараф этишга ва юзага келиши мумкин бўладиган салбий тенденцияларни четлаб ўтишга қаратилган бўлиши мумкин.

Одатда, ГАТ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида учта миқдорий тавсиф – вақт, меҳнат ва қиймат назорат қилинади. Шундай экан, назорат қилиш жараёни асосан асосий ва ёрдамчи турларга бўлиниши мумкин (1-расм).



1-расм. Лойиҳани назорат қилиш жараёни

Юқоридаги схема (1-расм)га биноан назоратнинг умумий жараёнига қўйидагилар киради:

- ўзгаришларнинг умумий назорати – ГАТ асосида тузилган лойиҳа бўйича юз бериши мумкин бўладиган ўзгаришларни мувофиқлаштириш;
- лойиҳани амалга оширилиши бўйича бажарилган ишлар ҳисботи;
- режавий ўзгаришлар, мавжуд натижаларни ҳисобга олган ҳолда ҳисбот ахборотларини тўплаш ва узатиш;

Назоратнинг ёрдамчи жараёнига қўйидагилар киради:

- лойиҳа мазмунининг ўзгаришини назорат қилиш;
- лойиҳа жадвалидаги ўзгаришларни назорат қилиш;
- харажатлар ва умуман лойиҳа бюджетидаги ўзгаришларни назорат қилиш;
- сифат назорати;
- ўрганилган стандартларга мослигини аниқлаш ҳамда лойиҳани ўзгаришига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш бўйича зарурий тадбирлар қабул қилиш учун лойиҳанинг аниқ натижаларини кузатиш;
- таҳлика назорати – лойиҳани амалга ошириш даврида таҳликалар даражасини ўзгаришига эътибор қаратиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ГАТ-технологиялари асосида яратиладиган мураккаб лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этилишини доимий назоратини амалга оширишда лойиҳа муаллифлари ва барча манфаатдор томонлар уни юқори сифатда тўла ниҳоясига етказишида қайд қилинган масалаларга катта эътибор билан қарашлари тавсия қилинади.

ГАТ технологиялари асосида ишлаб чиқилган бундай лойиҳаларни бошқаришда ишларни бажарилишини назорат қилиш билан бир қаторда лойиҳа бўйича ишларнинг мониторингини юритиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. “Мониторинг – назорат қилиш, кузатиш, ҳисобга олиб бориш ҳамда олдиндан тузилган режагага биноан лойиҳани ҳақиқий амалга оширилиши тўғрисида ҳисбот тузишдир” [3, 103 б]. Лойиҳани амалга оширилиши бўйича мониторинг ишларини ўз вақтида олиб бориш ушбу лойиҳа элементларини тўла жойга кўчирилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди. Мураккаб инженерлик иншоотлари, хусусан, Чорвоқ ёки Жанубий Сурхон сув омборлари каби йирик гидротехник

иншоот қуриш учун ер ажратиш бўйича ГАТ технологиясига асосланган лойиҳани амалга оширилиши бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар кўрсатадики, лойиҳани амалга оширилиши бўйича ўтказиладиган мониторинг ишлари ушбу лойиҳани тўла амалга оширилиши натижасида сарфланадиган харажатларни 12,0-13,0 фоизга қисқаришига асос яратади. Ушбу маълумотлардан кўринадики, ҳақиқатан ҳам лойиҳани амалга оширилишини доимий равища мониторингини юритиш яхши самара беради. Шу сабабли ҳам лойиҳани амалга оширилишини доимий мониторингини олиб бориш уни ҳаётйлигини оширади.

**Хуласа.** Шундай қилиб, ГАТ лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошишини доимий назоратини ўрнатиш ва мониторингини юритиш уларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди, сифатини оширади, лойиҳа харажатларини тежашга имкон беради. Шундай экан:

\* геоахборот тизимлари технологияларидан фойдаланган ҳолда тузилган лойиҳаларни назоратини ўрнатишида таклиф этиладиган барча жараёнлар, хусусан, умумий ва ёрдамчи жараёнлар ва уларда бажариладиган ишлар тўла эътиборга олиниши зарур.

\* назорат билан бир қаторда лойиҳани амалга оширилишининг даврий мониторингини юритиб бориш лойиҳаларини ўз вақтида тўла ҳажмларда амалга оширилишини ва умуман, уларнинг ҳаётйлигини таъминлайди.

№	Адабиётлар	References:
1	Бабажанов А.Р. Лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш. Тошкент, Иқтисод-молия, 2016.	Babajanov A.R. Project organization and management. Tashkent, Economics and Finance, 2016.
2	Воропаев В.И. Управление проектами в России. М., Аланс, 1995.	Voropaev V.I. Project management in Russia. M., Alans, 1995.
3	Сайдқосимов С.С. Геоахборот тизимлари технологияси. Тошкент, Иқтисод-молия, 2011.	Saidqosimov S.S. Geographic information systems technology. Tashkent, Economics and Finance, 2011.
4	Гурьянова Л.В. Введение в ГИС, Мн, БГУ, 2008.	Guryanova L.V. Introduction to GIS, Mn, BGU, 2008.
5	Лурье И.К. Геоинформационное картографирование. М., МГУ, Книжный дом, 2008.	Lure I.K. Geoinformatzionnoe kartografirovaniye. M., MGU, Book House, 2008.

**А.Р. Бабажанов** – Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, и.ф.н., доцент. [aлик5656@bk.ru](mailto:aлик5656@bk.ru), +998935688689

**Р.Д. Абдирамонов** – Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, катта ўқитувчиси. [r.abdiramanov@mail.ru](mailto:r.abdiramanov@mail.ru) +998909443655

**А.Р. Бабажанов** – к.э.н., доцент Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, [aлик5656@bk.ru](mailto:aлик5656@bk.ru), +998935688689

**Р.Д. Абдирамонов** – старший преподаватель Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, [r.abdiramanov@mail.ru](mailto:r.abdiramanov@mail.ru) +998909443655

**A.R. Babazhanov** – Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, Candidate of economic sciences, Docent. [aлик5656@bk.ru](mailto:aлик5656@bk.ru), +998935688689

**R.D. Abdiramanov** – Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers, senior lecturer. [r.abdiramanov@mail.ru](mailto:r.abdiramanov@mail.ru) +998909443655

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабажанов А.Р. Лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш. Тошкент, Иқтисод-молия, 2016.
2. Воропаев В.И. Управление проектами в России. М., Аланс, 1995.
3. Сайдқосимов С.С. Геоахборот тизимлари технологияси. Тошкент, Иқтисод-молия, 2011.
4. Гурьянова Л.В. Введение в ГИС, Мн, БГУ, 2008.

Лурье И.К. Геоинформационное картографирование. М., МГУ, Книжный дом, 2008.

## ХОЛАТИ БУЗИЛГАН ЭКИН ЕРЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА ҚАЙТАРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШНИНГ МУХИМ ТАШКИЛИЙ ТАДБИРИ

Бабажанов А.Р - и.ф.н., доцент, ТИҚХММИ.  
Садуллаев С.Н - стажёр ўқитувчи, ТИҚХММИ.

### АННОТАЦИЯ

Мақолада холати бузилиб қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш ва қайта тиклашда уларни инвентаризациялашининг ўрни ва бу бўйича бугунги кунга қадар республикамизда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ривожланган хорижий давлатлардаги мавжуд тажрибалар келтирилган. Бунда, айниқса, ушбу тадбир анчагина кенг миёсларда олиб бориладиган давлатлардаги илфор тажрибалар, хусусан, Америка Кўшима Штатларидағи ерларни инвентаризациялашишларининг асосий ўйналишлари, мақсади ва натижалари, шунингдек бу ишларга масъул ташкилотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, ушбу ишлар бўйича олинган тажрибалардан республикамизда ҳам фойдаланиш бўйича аниқ таклифлар берилган

### АННОТАЦИЯ

В статье приведены имеющихся опытов по проведению сплошной инвентаризации земельных участков, как одним из основных видов мероприятий при вовлечении в сельскохозяйственный оборот ранее выбывшие из оборота орошающей паши, установлены роли и места инвентаризации при организации использования орошаемых пахотных земель республики. Кроме того, в работе приведены конкретные результаты работ по инвентаризации земельных ресурсов Соединенных Штатов Америки, как одним из развитой страны в области проведения данной работы на государственном уровне и скопивший большой опыт по этому направлению, даны конкретные предложения по использованию полученных опытов данной работы в республике.

### ABSTRACT

The article presents the results of experiments on conducting a continuous inventory of land plots, as one of the main types of measures for involving previously eliminated irrigated arable land in agricultural turnover, and establishes the roles and places of inventory in organizing the use of irrigated arable land in the Republic. In addition, the paper presents concrete results of work on inventory of land resources of the United States as one of developed country in the region for this work at the state level and accumulated a lot of experience in this area, and specific suggestions for using the experiments of this work in the Republic.

**Таянч иборалар:**Холати бузилган ерлар, ер хисоби, миқдор, сифат, ерларни инвентаризациялаш, ерларни ҳуқуқий холати, жойлашган ўрни, экин ерлари, яйловлар, пичанзорлар, қишлоқ ерлари, ўрмонлар, сув ресурслари, сувдан фойдаланиш, аҳоли пунктлари.

**Ключевые слова:** Нарушенные земли, учет земель, количества, качества, инвентаризация земель, правовой состояния земель, местоположение, пахотные земли, пастбища, сенокосов, сельские земли, леса, водные ресурсы, использование воды, населенные пункты.

**Keyword:** Disturbed land, land accounting, quantity, quality, land inventory, legal status of land, location, arable land, pastures, hayfields, rural land, forests, water resources, water use, localities

### Кириш

Расмий маълумотларга қараганда, республикамизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдалма ерлар 3988,5 минг гектарни, кўп йиллик дараҳтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76,0 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4760,4 минг гектарни ташкил этади [ 9 ].

Охирги йилларда мамлакатда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган тартибини қўллаш, ер - сув ресурсларидан фойдаланишда бозор механизмлари, инновацион ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш, паст хосил берадиган пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда улар ўрнига юқори даромад келтирадиган, экспортбоп маҳсулотлар етишишига йўналтирилган қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо ушбу ижобий натижалар билан бир қаторда аҳоли сонининг юқори суратларда ўсиб бориши билан узвий боғлиқ холда қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифаларга ўтказилиши ва бошқа қатор объектив сабабларга кўра охирги 20 - 25 йилда ҳар бир одам хисобига тўғри келадиган сугориладиган ерлар миқдори 25 foизга(0,24 гектардан 0,15 гектаргача), ўртacha йиллик сув таъминоти даражаси эса 3048 метр кубдан 1590 метр кубгача қисқарди [ 9 ]. Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланиш, ер қонунчилиги талабларини бузган холда уларни бошқа мақсадлар учун ажратилиши ёки ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши, вақтинчалик ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланиб бўлинганидан кейин қишлоқ хўжалигига қайтаришда уларни холатини яхшилаш бўйича бажариладиган ишларни ўз вақтида бажарилмагани ёки сифатсиз бажарилиши оқибатларида сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг миқдори камаймб, сифати эса пасайиб келмоқда. Хусусан,

кейинги 10-12 йил давомида маҳсус давлат дастурлари асосида сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив холатини яхшилаш, сугориш суви билан таъминлаш тизимини тартибга солиши бўйича бажарилан катта ҳажмлардаги ишларга қарамасдан экин ерларининг унумдорлик кўрсаткичи республика бўйича 54 балл атрофида қолмоқда [9]. Шундай экан, яқин истиқболда сугориладиган экин ерларни қишлоқ хўжалигига қайтариш, улар унумдорлигини тиклаш ва ошириш, сув тежамкор технологияларни кўллаш ҳамда давлат хусусий шерикчилик асосида қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган экин майдонларини мумкин қадар кенгайтириш ва сифатини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Уни маълум даражада ҳал қилишда асосий ташкилий тадбир сифатида ерларни инвентаризациялаш ишларининг аҳамиятини ошириш, бунда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш яхши самара бериши мумкин.

**Илмий тадқиқот методлари.** Ерларни инвентаризациялаш ер тузиш объектларининг жойлашган ўрнини, чегараларини аниқлаш ёки уларга аниқликлар киритиш, фойдаланилмаётган, нооқилона фойдаланилаётган ёки мақсадли моҳиятидан чеккага чиқсан ҳолда фойдаланилаётган, шунингдек руҳсат этилган мақсадлардан ташқарида фойдаланилаётган ер участкаларини аниқлаш мақсадларида ўтказилди. Бу тадбир, одатда бир вақтда ўтказиладиган тадбир бўлиб, унда ерларнинг миқдори ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва бошқа ер турлари билан банд майдонлар жойда ўрганилади. Шундай қилиб, ерларни инвентаризациялашнинг асосий вазифаси ерларнинг миқдори, сифат ҳолати ва фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш, шунингдек ер участкаларини жойдаги ҳеч бир мунозарасиз чегараларини ўтказилганлигини белгилаш ва аниқлашдан иборатдир. Иккинчи томондан, ерларни инвентаризациялашнинг бош вазифаси ер участкаларининг ҳуқуқий ҳолати (мулк, фойдаланиш, ижара ва бошқалар), ер участкаларидан ҳақиқий ва ҳуқуқий ўрнатилган тартибда фойдаланиш, уларнинг майдонлари, жойлашган ўрни, ердан фойдаланишлар ҳарактери, сифат ҳолатининг динамикаси, чеклашлар ва сакчашлар тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни олишдан иборат. Уни ўтказишида ерни у ёки бу тоифага тегишилигига, майдонига, мулкчилик шаклига зарурый аниқликлар киритилади, ерларни бир тоифадан иккинчисига ўтказиш зарурлиги асослаган ҳолда бундай ўзгартириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилади.

Юқоридагилардан кўринадики, ерларни инвентаризациялаш жуда мураккаб тадбирdir. Шу сабабли уни ўтказиш қатор давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг ўзаро мувофиқлаштирилган иштирокини, шунингдек ер участкаларига ҳуқуқни олувчиларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган иштирокини талаб қиласди. Инвентаризацияни самарали амалга оширилиши учун ер участкаларига ҳуқуқ әгалари ёки уни ўтказилишидан манфаатдор бўлишлари, ёки бўлмаса жисмоний (юридик) шахс тариқасида ушбу жараёнда қатнашишлари зарурдир. Шундай экан, тадқиқотлардан асосан қиёсий таҳлил ва монографик усуслардан кенг фойдаланилди.

**Натижалар ва илмий мунозара.** Республикаизда кейинги йилларда ер ва кўчмас мулклардан фойдаланиш даражасини аниқлашда ерларни инвентаризациялаш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Буни охирги йилларда хукуматимиз томонидан қобул қилинган қатор қарорлар[1] ва уларни бажариш бўйича ер тузиш хизмати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яна бир карра тасдиқлайди. Аммо қайд қилиш зарурки, ерларни инвентаризациялаш республикаизда ҳалигача маҳсус давлат дастури даражасига кўтарилимаган, бундай иш асосан маълум бир худудда, масалан, вилоят ёки маъмурий туман чегараларида ерлардан фойдаланишнинг ҳолатини, ердан фойдаланувчи субъектларни аниқлаш мақсадидагина ўтказилиб келинган. Ерларни инвентаризациялаш бўйича охирги қобул қилинган асосий хужжатлардан бири бу-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23-апрелдаги 299-сонли “Маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада тақомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори хисобланади. Ушбу Қарорга биноан “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда унинг тизимига 2018-2021 йиллар мобайнida маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш вазифаси юқлатилган. Ушбу қарорнинг ижроси доирасида бажарилаётган барча ишларда ҳам асосий дикқат эътибор асосан қишлоқ хўжалиги ерларига қаратилган.

Ерларни инвентаризациялаш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибалари билан танишиш шундан гувоҳлик берадики, бу тадбир аксарият мамлакатларда давлат даражасига кўтарилиган ва унинг натижаларига жуда катта эътибор беришади. Бу мамлакатларда ерларни инвентаризациялаш ишлари доимий равишида умумий табиий ресурсларнинг бир қисми сифатида мамлакатнинг барча ерларида ўтказилиб турилади ва унинг натижалари мамлакатни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашда бирламчи асос сифатида фойдаланилди. Айнан шундай ҳолатни, масалан, Америка қўшма Штатларида қўриш мумкин. Хусусан, профессор С.Волковнинг берган маълумотлари бўйича мамлакатда ерларни мажмуали ўрганиш “Тупроқларни муҳофаза қилиш Конуни”га биноан Қишлоқ хўжалиги департаменти( вазирилиги)даги Тупроқларни муҳофаза қилиш хизмати(The Soil Conservation Service – SCS) томонидан биринчи марта 1935 йили амалга оширилган [2]. Ушбу ишни амалга оширишдан асосий мақсад-наинки қишлоқ хўжалиги ерларини майдонини аниқлаш бўлган, балки шу билан бир қаторда, энг аввало, уларни эрозияга мойиллигини, қишлоқ хўжалигига тортиш мумкин бўлган ерларни қишлоқ хўжалигига киритиш имкониятларини аниқлашдан иборат бўлган.

1972 йилда қобул қилинган “Қишлоқ хўжалик худудларини ривожлантириш Конуни (The Rural Development Act of 1972)”га биноан АҚШ Конгресси Қишлоқ хўжалиги вазирилигига ерларни инвентаризациялаш ва табиий ресурслар мониторингини амалга оширишга, шунингдек ерларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш, тупроқлар унумдорлиги, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг мавжудлиги, сифати ва улардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги 5 йиллик хисоботларни нашр этишга тўла ваколат берган [2].

1977 йилда АҚШда “Тупроқлар ва сув ресурсларини мухофаза қилиш тұғрисида” ги Қонун қобул қылинганды. Ушбу қонунга биноан, шунингдек қишлоқ хұжалиги Вазирлиги ҳамда турли давлат агентстиклари расмий шахсларининг таклиф ва тавсияларига биноан мамлакатда ушбу, 1977 йили барча табиий ресурсларнинг тұла инвентаризацияси үтказилған [ 3 ].

Ташкилий жиҳатдан АҚШда ерларни инвентаризациялаш ишлари турли вазирлик ва идоралар томонидан амалға оширилады. Олинган расмий маълумотларга қараганда, мамлакат қишлоқ хұжалиги Вазирлиги нофедерал ерлар, яғни хусусий ерлар, ишонч бошқармалари, шунингдек маҳаллий давлат хокимияти органлари ва штатлар назоратидаги ерлар инвентаризацияси билан шуғулланады. Улар мамлакатдаги 600,0 млн. гектар, жумладан, 557,4 млн. гектар қишлоқ худудлари ерларини [ 3 ] инвентаризациялашга тұла жавобгардирлар.

Ер тузиши Федерал бюроси(Bureau of land Management - ВЛМ) АҚШ ички ишлар Вазирлигининг маңсус бўлинмаси бўлганинг холда федерал ерлар ва бошқа табиий ресурсларнинг инвентаризацияси ишларини ташкил этади. Расмий маълумотларга қараганда уларга 245,0 млн акр (99,2 млн. гектар) федерал ерлар, 700,0 млн. акр (283,3 млн. гектар) ер ости қазилма бойликлари ерлари, 331,0 млн. акр (134,0 млн. гектар) миллий бағлар, кўриқхоналар, буюртма бағлар ва бошқа ерлар кирган [ 8 ].

1976 йилда қобул қылинганды “Федерал ер сиёсати ва ер тузиши тұғрисида” ги Қонунга [ 5 ] биноан, федерал ерларни бошқариш учун ер тузиши Бюроси маңсус ер тузиши Планларини ишлаб чиққан. Бу планларни тузишда штатлар хукумати, маҳаллий хукумат, кенг жамоатчилик, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар гурухлари, саноатчилар иштирок этишади. Ушбу планлар даврий равища янгиланиб турилади.

Ер тузиши планлари асосан қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадида хукумат, бошқарувчилар ва жамоатчилик томонидан фойдаланилади:

- ер (табиий) ресурсларни қайта тақсимлаш ҳамда давлат ва жамоат мақсадлари учун улардан фойдаланишининг йўналишларини белгилаш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилишни ташкил этиш стратегиясини аниқлаш;
- мониторинг тизимини яратиш, табиий ресурсларни ҳамда режавий таклифларни амалға ошириш вақтiga улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
- Федерал ерлардан фойдаланишининг назоратини амалға ошириш[ 4 ].

АҚШда ерларни инвентаризация қилиш табиий ресурсларни Давлат (миллий) инвентаризациялаш(National Resources Inventory) нинг бир қисми бўлиб, унинг мақсади ер майдонлари ва тупроқ сифатини ўзгаришини ўрганиш, тупроқнинг шамол ва сув эрозияси шароитлари ҳамда оқибатларини баҳолаш, сув миқдори ва сифатини аниқлаш ва белгилаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг холатини ҳамда инсонлар саломатлигини белгиловчи параметрларни баҳолашдан иборатdir[ 5 ]. Ушбу тадбир асосида мамлакатдаги экин ерлари майдонларини доимий ўзгариши, уларни кўпайтириб бориш йўллари, қайта тиклаш йўналишлари белгилаб берилади. Суғориладиган минтақаларда эса, юқоридагилар билан бир қаторда, суғориш сувининг миқдорлари ва сифати доимий равища назорат қилиб борилади.

Табиий ресурсларни инвентаризациялаш натижалари қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини самарали юритилишини баҳолашда фаол тарзда фойдаланилади. Хусусан, табиий ресурсларни мухофаза қилиш хизмати АҚШ қишлоқ хұжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Миллий қишлоқ хұжалик статистика хизмати билан биргалиқда 2015 йилдан қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етиштириш, ўғитларни қўллаш, ўсимликларни ҳимоя воситалари, 48 та штатлар бўйича табиатни мухофаза қилиш тадбирларини амалға оширишга оид ахборотларни тұплаш ишларини бошлаган.

2015 йилда нашр этилган 2012 йилга АҚШ табиий ресурсларини инвентаризациялаш натижалари шундан гувоҳлик беради, инвентаризацияга тортилған ерларнинг умумий майдони ушбу вақтда 1944,14 млн.акр(786,79 млн.гектар)ни, шулардан федерал ерлар майдони 1486,76 млн.акр(601,69 млн.гектар)ни ёки умумий майдоннинг 76,5 фоизини, қишлоқ худудлари 1377,65 млн.акр(555,51 млн.гектар)ни ёки 70,5 фоизни ташкил этган. Курилишлар ва инфратузилмалар билан банд ерлар майдони 114,11 млн.акр(46,48 млн.гектар)ни, яғни федерал бўлмаган жами ерларнинг 7,7 фоизини ташкил этган[ 8 ].

Ерларни инвентаризациялаш ишларини үтказиш жараённан да наинки барча ер турлари (қишлоқ хұжалиги ва ноқишлоқ хұжалиги)нинг жойлашған үринлари ва майдонлари, балки шу билан бирга алоҳида қишлоқ хұжалиги экинларининг майдонлари, АҚШ классификацияси бўйича экин экиладиган ва экилмайдиган ерлар майдонлари ҳам аниқланади.

Олинган расмий маълумотлар[ 8 ] шуну кўрсатади, 2002 йилдан бўён АҚШда табиатни мухофаза қилиш тадбирларини амалға оширилганлиги тұғрисида статистик ва дала кузатувлари ҳам олиб борилади. Бунда экинлар экиладиган ва экилмайдиган ерларда, яйловларда ҳамда консервация босқичида бўлган ерларда амалға оширилдиган агротехник, ўрмон мелиоратив ва гидротехник тадбирларнинг майдонлари ва холати кузатилади.

Мамлакатда тупроқ эрозияси билан курашиш мақсадларида контурли полосали деҳқончилик ва боғдорчилик қўлланилади, нишабликларни поғоналаш ишлари амалға оширилади, эрозияга қарши оқимлар тартибга солинади, зарурий жойларда куритиш мелиорацияси үтказилади. Жумладан, олинган маълумотлар[ 7 ]га қараганда, 2002 йилда 23,25 млн.акр(9,45 млн.гектар), 2012 йилда эса 24,76 млн. акр(10,02 млн.гектар) ер майдонларида очиқ ва ёпиқ дренаж тармоқлари вужудга келтирилган.

Хулоса. Юқорида олиб борилған таҳлилий тадқиқотлар асосида қисқача хулоса қилиш мүмкінки, республикамизда ҳам ерларни инвентаризациялашни давлат даражасига чиқариш, ушбу тадбирни даврий равища мамлакатнинг барча ерлари бўйича үтказиб түриш қишлоқ хұжалиги ер майдонларини

аниқ миқдорий ва сифат маълумотларини ўз вақтида олиб туриш, жумладан, холати бузилиб қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган экин ерларини қишлоқ хўжалигига қайтариш ва қайта тиклаш, шундай ерларни кўпайтириб боришнинг энг оддий усулларини излаб топишда муҳим ташкилий тадбир сифатида мавжуд бўлишида ва доимий равишда такомиллашиб боришида муҳим ўрин тутади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299 сонли “Маъмурий худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Тошкент, 2018
2. Управление земельными ресурсами, земельный кадастров, землеустройство и оценка земель (зарубежный опыт) [текст]. Под ред. С.Н.Волкова и В.С.Кислова. М., Росземкадстр, 2003.
3. Волков С.Н. Землеустройство. Т-7. Землеустройство зарубежом. М, Колос, 2005.
4. Legacy Soil Surveys. General Overview-Agriculture and Agri-Food Canada, NSDB, 2012.
5. Закон США “О федеральной земельной политике и землеустройстве” Сост. Бюро по землеустройству Министерства внутренних дел и Правовое управление Министерства труда США. Вашингтон, округ Колумбия /пер. Г.В.Ковалевской, под ред. С.Н.Волкова, М., ГУЗ, 2016
6. Волков С.Н., Волкова А.С., Волкова З.А. и др. О правовом и экономическим механизмах регулирования землепользования и землеустройства в США. М., ГУЗ, 2016
7. Волков С.Н. Опыт землеустройства на землях сельскохозяйственного назначения в США и Канаде. М., ГУЗ, 2012
8. 2012, National Resources Inventory. Summary Report.- U.S. Department of Agriculture, 2015,-168р.
9. Ўзбекистон Республикаси ер майдонларининг холати бўйича Миллий хисобот. Тошкент, Давергеодезкадстр, 2019, 83б.

# ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА УЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Бабажанов Аллаберган Рузимович**

“Ердан фойдаланиш” кафедраси мудири, И.ф.н., доцент, ТИКХММИ,  
Tel: +998935688689, email: [aik5656@bk.ru](mailto:aik5656@bk.ru)

**Тожиев Зафар Тохир ўғли**

“Ер ресурсларидан фойдаланиши ва бошқарши”  
мутахассислиги 2-босқич магистранти, ТИКХММИ,  
Tel: +998946144449, email: [zafartojiyev4@mail.ru](mailto:zafartojiyev4@mail.ru)

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ерлар ҳисобини юритишнинг асосий ўйналишларидан бирни ҳисобланган ерларни инвентаризация қилиш бўйича бугунги қунга қадар мавжуд бўлган ривожланган хорижий давлатлардаги мавжуд тажрибалар келтирилган. Бунда, айниқса, ушбу тадбир анчагина кенг миқёсларда олиб бориладиган давлатлардаги илғор тажрибалар, хусусан, Канада ва АҚШ давлатларидағи ерларни инвентаризациялаш ишларининг асосий ўйналишлари, мақсади ва натижалари, шунингдек бу ишларга масъул ташкилотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, ушбу ишлар бўйича олинган тажрибалардан республикамида ҳам фойдаланиш бўйича аниқ тақлифлар берилган.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены имеющихся на сегодняшний день передовые опыты ряда развитых зарубежных стран по организации и проведению инвентаризации земельных ресурсов как одним из основных направлений ведения учета земель. На основе разностороннего изучения имеющихся переводных опытов стран, проводившие данной работы на больших, государственных масштабах, таких как Испания, Канада, США даются основные направления, цели и результаты, а также сведения об ответственных организациях на этой работы, конкретные предложения по применению собранных опытов в Республике Узбекистан в условиях приватизации земель.

## ABSTRACT

This article presents the current best practices of a number of developed foreign countries in organizing and conducting an inventory of land resources as one of the main areas of land accounting. Based on a comprehensive study of the available translated experiences of countries conducting this work on a large, national scale, such as Spain, Canada, the USA, the main directions, goals and results are given, as well as information about the responsible organizations for this work, specific proposals for the application of the collected experiments in Republic of Uzbekistan in conditions of land privatization.

**Калит сўзлар.** Ер ҳисоби, миқдор, сифат, ерларни инвентаризациялаш, ерларни ҳуқуқий ҳолати, жойлашган ўрни, экин ерлари, яйловлар, пичанзорлар, қишлоқ ерлари, ўрмонлар, сув ресурслари, ердан фойдаланиш, аҳоли пунктлари ерлари.

**Ключевые слова.** Учет земель, учет количества, учет качества земель, инвентаризация земель, пахотные земли, правовое состояние земель, пастбища, сенокосы, сельскохозяйственные земли, земли сельских поселений, леса, водные ресурсы, землепользование, населенные пункты.

**Key words.** Land accounting, quantity accounting, land quality accounting, land inventory, land legal status, location, arable land, pastures, hayfields, agricultural land, forests, water resources, land use, settlements lands.

## КИРИШ

Ер участкаларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш мураккаб жараён бўлиб, у биринчи галда маълум худудларда тарқалган ва бугунги қунда аниқ бир мақсадларда фойдаланилаётган ёки давлат заҳирасида турдан ер майдонларини ўрганиш, таҳдил қилиш асосида маҳсус хусусийлаштириш фондларини яратиш билан узвий боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборатdir. Бу эса, биринчи навбатда, ерларни маҳсус инвентаризациялаш ишларини тўғри ташкил этиш ва ўтказишни талаб қиласди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Кейинги йилларда ер тузиш ёки ер кадастрини юритиши мақсадларида республикамида ҳам ерларни инвентаризациялаш ишлари ўтказилмоқда. Аммо уларнинг натижаларини таҳдил қилиш шундан гувоҳлик берадики, аксарият ҳолларда ер майдонларининг миқдорлари, эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқларининг турлари, ер участкаларини жойда ҳеч бир мунозарасиз чегаралари ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади, ер участкаларининг сифат ҳолати, чеклашлар ва сақлашлар тўғрисидаги маълумотлар эса аксарият ҳолларда келтирилмайди. Бу ҳолат эса ер участкалари билан бўладиган турли ҳаракатларни (хусусийлаштириш, тўла маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш ва ҳак.) тўла амалга оширишга имкон бермаяпти. Шу сабабли ер бозори тўла шаклланиб улгурган хорижий давлатлардан ерларни инвентаризациялаш тажрибаларини ўрганиш ва республикамиз ер майдонларидан фойдаланишни ташкил этишда кўллаш мухим амалийаҳамиятга эга бўлади.

**Тадқиқот обьекти ва услублари.** Хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш шундан далолат берадики, кейинги йиллари ер майдонларининг микдорий ва сифат ҳисобини юритишда, ер бозорига аниқликлар киритишда уларни маҳсус инвентаризациялаш усули бутун дунёда кенг қўлланилмоқда. Профессор С.Н. Волков ва В.В. Денисовларнинг фикрларича, ерларни инвентаризациялашнинг асосий вазифалари, бир томондан, ерларнинг микдори, сифат ҳолати ва фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш, шунингдек ер участкаларининг жойдаги ҳаққоний чегараларини ҳамда майдонларини белгилаш ва аниқлаш бўлса, иккинчи томондан, ер участкаларининг хуқуқий ҳолати, жойлашган ўрни, ердан фойдаланиш ҳарактери, сифат ҳолатининг динамикаси, чеклашлар ва сақлашлар тўғрисидаги маълумотларни олишга қаратилгандир [2]. Демак, бу иш қатор давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳсус ваколатли органлар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўтасида ўзаро мувофиқлаштирилган.

Ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига мос тарзда тезкорлик билан ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини оширишга интилаётган барча хорижий мамлакатлар ўзларидаги мавжуд ер майдонларини кенг миқёсларда ҳар томонлама ўрганишни давом эттироқдалар. Бундай ўрганиш олдинига қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни аниқлаш, ўрнашган жойини белгилаш билан бошланган бўлса, кейинчалик ушбу ер участкаларида тарқалган тупроқлар унумдорлиги тадқиқ қилинган, уларни қишлоқ хўжалик экинларининг алоҳида турларини етиштириш, чорва молларини боқиши ёки пичан ўриш, шунингдек ўрмон ёки сув хўжалигини ривожлантириш учун яроқлилиги ўрганилган. Бунинг учун ер участкалари агрокимёвий, тупроқ-эрозияланиш, гидрогеологик, ер тузиш ва бошқа кузатувларга тортилган. Волков С.А. ва Кислов В.С. тадқиқотларидан шу нарса яққол намоён бўладики [3, 4], Фарбий Европа мамлакатларида, хусусан Швеция, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия каби мамлакатларда тупроқларнинг сифат тавсифини ўзида мужассамлаштирган кадастр тизими бир неча юз йиллардан бери мавжуд бўлган. Бошқа қатор илмий манбаларни [5,6,7,8,9] ўрганиш ерларни инвентаризациялаш ишларини АҚШ ва Канада давлатларида ҳам аниқ тартибга солингланлигин кўрсатади. Бунда асосан монографик таҳлил усулидан фойдаланиш натижаларига асосланилди.

**Тадқиқот натижалари ва илмий муҳокамалари.** Юқорида эътироф этилганидек, инвентаризациялаш ер участкаларининг жойлашган ўрнини, чегараларини аниқлаш ёки уларга тегишли аниқликлар киритиш, фойдаланилмаётган, нооқилона фойдаланилаётган ёки мақсадли моҳиятидан чеккага чиқкан ҳолда фойдаланилаётган, шунингдек, рухsat этилган мақсадларга номутаносиб фойдаланилаётган ер участкаларини аниқлаш мақсадларида ўтказилади. Бундан кўринадики, ерларни инвентаризациялаш улар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш учун қўлланилган. Хусусан, С.Н. Волковнинг берган маълумотларига қараганда, XX асрнинг охиригина чорагида аксарият Европа давлатларида кадастрили тасвирга олиш жараёнида ерларни инвентаризациялаш ишлари тизимли тарзда ўтказила бошлаган. Бунда инвентаризациялаш бирлиги сифатида бутун бир қишлоқ ҳудуди қабул қилинган. Бундай ҳудуд 5-10 акр (2-4 га) майдонли тасвирга олиш участкаларига ажратилган. Тасвирга олиш даласининг таянч нуқталари тошлар билан белгиланган ва теодолит йўлларини ўтказишда фойдаланилган [5].

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, ер ҳисобини юритишда, аксарият Европа давлатларида ҳозирги кунда ҳам ерларни инвентаризациялаш материалларидан фойдаланилади. Илмий манбалардан [4, 5] кўринадики, ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган қўпгина Европа мамлакатлари (Испания, Италия, Франция, Греция)да қишлоқ ҳудудларида ерларни инвентаризациялаш ҳозирги кунга қадар кадастрили тасвирга олиш жараёнида амалга оширилади. Масалан, Испанияда қишлоқ хўжалигига молик ерларни инвентаризациялаш ишлари қишлоқ кадастрининг бир қисми сифатида юритилади, унинг материаллари рўйхатга олиш, кадастр ва солиққа тортиш маълумотлари аниқлик киритиш учун фойдаланилади [4]. Бундан кўринадики, бундай инвентаризациялаш республикасизда юритилаётган шундай ишлар мазмунига тўла ўхшаб кетади, негаки бизда ҳам ерларни инвентаризациялаш асосан юқорида қайд қилинган мақсадларни кўзда тутади.

Ер майдонларини инвентаризациялаш ишларининг тартиби ҳам бизникига ўхшаб кетади. Хусусан, С.А. Волковнинг маълумотлари буни тасдиқлайди. Унинг қайд қилишича, Исландияда ерларни инвентаризациялаш асосан муниципал бирликлар бўйича ўтказилади. Бундай бирликларнинг ҳудуди, одатда, кадастрили полигонларга бўлинади, улардаги ерларнинг умумий рўйхати тузилади. Унда қуийдагилар алоҳида-алоҳида қайд қилинади: экин ерлари, уларнинг сифати, сугорилишнинг мавжудлиги билан тавсифланадиган, фойдаланиладиган ерлар; яйлов ерлари; ўзлаштирилган ерлар; ўрмонлар; бутазорлар; бўш ерлар ва бошқалар. Ерларни инвентаризациялаш ишларини ўтказиш тўғрисида бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли албатта олдиндан хабардор қилинади [5].

Тадқиқотлар кўрсатадики, ерларни инвентаризациялашнинг анчагина мураккаб ва қатъий тизими Канада ва АҚШ да ҳам мавжуд экан. Хусусан, ўрганилган манбалар [6] гувоҳлик берадики, Канада қишлоқ хўжалиги ва озик овқат Департаментида маҳсус “Канада тупроқ-ахборотли” хизматида олият юритади. Бу хизмат тупроқлар тўғрисидаги Миллий ахборотлар базасини юритиб боради. Ушбу база мамлакатдаги турли хил тупроқлар, уларнинг таснифлари, ҳудудий жойлашуви, экологик гурухланиш ва хак. тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган.

Шу нарса диккатта сазоворки, Қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган ерларни инвентаризациялашда, биздаги каби, анчагина йирик масштабли, асосан 1:10000 масштабли план-карталарда олиб борилади. Бундай карталарда ер участкаларининг чегаралари, топографик ҳолати, тупроқлар ва гидрографик тармоқлар (ариқлар, каналлар)ни жойлашуви, қишлоқ инфратузилмаси элементларини жойлашган ўрни ва ҳудудларни ташкил этилиши ёритилади [6].

Манбалар билан танишиш асосида қайд қилиш мумкинки, ерларни инвентаризациялаш ишлари бу давлатда мамлакат қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ва ривожлантириш тўғрисидаги қонунга биноан

Канада федерал ҳукумати томонидан қабул қилинадиган даврий дастур асосида амалга оширилади. Бу ҳолат ушбу ишнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ерларни инвентаризациялаш ўрмон ҳўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш Департаменти тасарруфида бўлган “Қишлоқ ҳўжалигини қайта қуриш ва ривожлантириш тўғрисида”ги Қонунга биноан 1963 йили ташкил этилган “Канада ерларни инвентаризациялаш” хизмати томонидан амалга оширилади. Бу хизмат аралаш федерал-провинциалташкилот ҳисобланади. Федерал ҳукумат ерларни илмий асослаш ва ягона тарзда таснифлаш ишларини умумий тарзда мувофиқлаштиради, умуммиллий аҳамиятга эга ишларни молиялайди, маҳаллий ҳукумат эса жойларда бажариладиган инвентаризациялаш ишларга масъул бўлади. Ерларни инвентаризациялаш бўйича ишларда табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча идора ва вазирликлар иштирок этишади.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг янги йўналишларини ва ерлардан фойдаланишни режалаштириш учун Канадада федерал ҳукумат томонидан ҳам, маҳаллий ҳукумат томонидан ҳам молиялаштириладиган маҳсус илмий тадқиқот марказлари яратилган. Бугунги кунда Канадада қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ 19-илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритмоқда.

Суғориладиган дәҳқончилик ва суғориладиган ерлар ҳудудини тузиш соҳасидаги тадқиқотлар олиб бориш, натижаларини намойиш қилиш ва тадбиқ қилиш учун Канадада “Канада-Саскачеван суғориладиган дәҳқончилик диверсификация маркази” ташкил этилган. Марказ Канада қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат Департаменти, Саскочеван провинцияси қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, сурорма дәҳқончилик соҳасидаги хусусий диверсификациялаш корпорацияси, Саскочеван ирригатор-лойиҳаловчилар Ассосиацияси ҳамда Саскочеван провинцияси Университетининг манфаатларини намоён қиласди.


Канада қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат Департаменти (Вазирлиги)да табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳам маҳсус хизмат (бўлим) мавжуд. Унинг тасарруфида чўл ерларини тиклаш Маъмурияти, шунингдек Миллий ер ер-аҳборот хизмати, қишлоқ ҳўжалигида табиатни муҳофазалаш сиёсатини юритиши бўйича Бюро каби ташкилотлар мавжуд. Бу хизмат Канаданинг 7 та провинциясида фаолият юритаётган регионал (минтақавий) оғислар (бошқармалар)га ҳам эгадир [5]. Канада давлатида олиб бориладиган ерларни инвентаризациялаш натижалари, биринчи галда, қишлоқ ҳўжалиги ерлари майдонларини, хусусан, экин майдонларининг умумий ҳолатини аниқлаш, улар майдонларини кенгайтириш имкониятларини яқин 3 - 5 йилга ҳолатини белгилаш ва уларни амалга ошириш йўлларини топишдан иборатдир.

Ерларни инвентаризациялаш АҚШда ҳам муҳим ишлар қаторидан ўрин олган. Мамлакатда ерларни мажмуали ўрганиш “Тупроқларни муҳофаза қилиш Қонуни”га биноан Қишлоқ ҳўжалиги департаменти (азирлиги)даги Тупроқларни муҳофаза қилиш хизмати (The Soil Conservation Service – SCS) томонидан биринчи марта 1935 йили амалга оширилган [3]. Ушбу ишни амалга оширишдан асосий мақсад - наинки қишлоқ ҳўжалиги ерларини майдонини аниқлаш бўлган, балки шу билан бир қаторда, энг аввало, уларни эрозияга мойиллигини, қишлоқ ҳўжалигига тортиш мумкин бўлган ерларни қишлоқ ҳўжалигига киритиш имкониятларини аниқлашдан иборат бўлган.

Мамлакат табиий ресурсларини ўрганиш 1945 йили давом эттирилган. Энди бу ишга наинки ер майдонлари ва уларда тарқалган тупроқлар, балки сув объектлари ҳам тортилган ва бу энди “Ҳимояланадиган тупроқ ва сувларни инвентаризациялаш” дастурини ташкил этган.

1972 йилда қабул қилинган “Қишлоқ ҳўжалик ҳудудларини ривожлантириш Қонуни (The Rural Development Act of 1972)”га биноан АҚШ Конгресси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ерларни инвентаризациялаш ва табиий ресурслар мониторингини амалга оширишга, шунингдек ерларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш, тупроқлар унумдорлиги, сув ва бошқа табиий ресурсларнинг мавжудлиги, сифати ва улардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисидаги 5 йиллик ҳисоботларни нашр этишга тўла ваколат берган [3].

Интеграция – жуда кенг маънодаги тушунча. Бугунги кунга келиб кишилар интеграция жараёнининг моҳиятини яхши англаши, зарур. Интеграция нима? – «Интеграция» – лотинча «*integration*» сўзидан олинган бўлиб, «*integr*» тўлиқ яхлит, бир бутун деган маънолар англатади; Интеграция – ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштироқ, яхлит ҳолга келтироқ деганидир. Интеграция турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёнидир. Интеграция жараёнлари ташкиллаштирилган системаларда бўлиши мумкин – бу ҳолда улар система бутунлик даражасини ва ташкиллаштирилган даражасини кўтаради [5, 69–6].

Замонавий GPS қабул қилгичлари ёрдамида ҳудудий ахборотларни жамлаш ёки янгилаш мақсадида жойларда мутахассислар томонидан тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади. Тадқиқот ишларини олиб боришдан GPS қабул қилгичларига ArcGIS дастурида яратилган ва шакллантириб келинаётган электрон рақамли карта юкланди.

Юкландган электрон рақамли карта GPS қабул қилгичида актив ҳолга келтирилади. GPS қабул қилгичини ишчи ҳолатга келтириш учун сунъий йўлдошлар билан боғлаш бўйруғи берилади. Сунъий йўлдошлар билан боғланишда энг камида 4 та канал тўлиши талаб этилади ҳамда боғланишдаги PDOP хатолиги 5 дан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўргача 10 тадан 12 тагача сунъий йўлдош билан боғланиш имкони мавжуд. Тоғ ва тоғ олди ҳамда магнит майдони юқори бўлган зоналарда 4 тадан 8 тагача сунъий йўлдош билан боғланиш имконини беради. Жойларда демографик электрон карталар яратишдек тадқиқот жараёнини олиб боришда ҳудуддаги ахборотлар ўрганилади.

GPS қабул қилгичига ахборотларни киритишдан олдин, ҳудуднинг географик жойлашувидан келиб чиқиб нуқтали қатламда координата олинади. Олинган координатанинг атрибутив маълумотлар жадвалиган мазкур тўпланган ахборотлар киритиб борилади. Маълумотлар базасига киритилган ахборотлар дастурий таъминот билан интеграцияни амалга ошириш учун онлайн тарзида серверга жамланади. Жамланган маълумотларни серверда автоматик тарзида фавқулотдаги ҳолатлар учун резерв нусхаси олинади [1]. Сўнгра ишчи компьютернинг хотира дискига ахборот автоматик тарзида етказилади.

Компьютердаги ArcGIS дастурида яратилган электрон рақамли карта юкланди. Юкландган электрон рақамли картага GPS қабул қилгичи ёрдамида олинган куқталар ва тўпланган ахборотлар импорт қилинади. Импорт қилинган нуқталар давлат координаталар тизимига асосан географик жойлашувига кўра ҳудудига автоматик тарзида фазовий боғланади.

ГАТ технологияларининг устунлигини, кенг қамровлилиги билан бир қаторда, фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашдаги имкониятларини кўрсак бўлади.

Ахборотлар атрибутив маълумотлар жадвалини тўлдиради. Атрибутив маълумотлар жадвалидаги ахборотлар асосида барча кўрсаткичларга таяниб шартли белгилар шакллантирилади. Шартли белгилар бир қанча диаграммалар кўринишида визуаллаштирилади.

Маълумки, дастлаб ГАТ технологияларидан айнан визуаллаштириш мақсадида фойдаланилган. Демографик жараёнлар карталарини ишлаб чиқишида визуал қараш деганда нимани тушунамиз ва ҳаётга тадбиги қандай? Карталар инсон тарафидан визуал (кўз орқали), ёки компьютер томонидан, рақамли тарзда кўриниши мумкин. Инсон тарафидан визуал қиёслаганда инсон интуициясига таянган ҳолда турли фарқ ёки ўхшашликларни топиш мумкин [6]. Ҳозирги кунда эса ГАТ технологиялари томонидан турли шаклдаги визуаллаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, маълумотларни нафақат карта шаклида, балки фойдаланувчи билан ўзаро мулоқотни амалга оширган ҳолда жадваллар, диаграммалар ва бошқа шаклларда тасвирланади.

ГАТ технологияларида вертуал реал тизимини яратиши учун визуал мулоқот катта аҳамият касб этади ва унда барча ГАТ технологиялари кўринишлари қўлланилади. Визуал мулоқот ориентация ва навигация, танлаш, бошқариш ҳамда таҳлил қилиш функцияларига ажратилади. Агар фойдаланувчи 3D муҳит ичида бўлса, ушбу функциялар имкони борича 3D муҳитда ўз аксини топиши керак. Буни виртуал оламнинг ўзидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин [7; 123–6].

Шу ўринда визуализациянинг ахборотларга бой ишларини, структурали ва структурасиз маълумотлари учун янги конструкцияларини яратилиши намойишлари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Examples include TreeMaps, Cone Trees, Perspective Walls, StarField displays, Hyperbolic trees, DOITrees, SpaceTrees ва бошқаларни ўз ичига олади [3; 267 р.].

Шу ўринда, визуализация жараёнида карталарнинг хусусиятидан келиб чиқиб, фазовий қайта ишлашдаги муносабати билан уларнинг вазифалари картографик асар кўринишидаги график маълумотлар базаси ёки фазовий маълумотлар манбаси графики хисобланади. Визуал маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тажрибали мутахассис визуализацияни фаоллаштириш учун график ва фазовий маълумотлар базаларини юқори аниқликда тузиш зарурлиги талаб этилади.

Визуализация бугунги кунга келиб ҳар бир соҳаларда ривожланиб бормоқда. Замонавий ГАТ технологиялари асосида визуал тасвир яратиш ҳар бир соҳа сингари аҳоли карталарини тузишида ҳам кўплаб ютуқларга эришиш учун замин бўла олади. Бунинг учун визуализациядан фойдаланиш орқали замонавий визаул эквивалент яратилади. Маълумотлар манбалари ахборот графикаси, ахборотларни тасвирлаш, тадқиқот маълумотларни таҳлил қилиш ва статистик графикалар билан боғлиқ. Бу эса ўз-ўзидан тадқиқот ишини мукаммаллигини оширишда ахборотларни визуал тасаввурда изланишларга унрайди.

Фазовий демографик маълумотларни қатламли ташкил қилишда күйидаги устунликларга эга эканлигини аниқладик:

- демографик картани визуаллаштиришда қатламларнинг кўринарлилик ҳолатини ўзгартериш имконияти;
- демографик картани визуаллаштиришда қатламларнинг тартибини ўзгартериш имконияти;
- карталарни тузишдаги мавжуд ҳар бир қатламни визуаллаштириш параметрларини мустақил равишда созлаш имконияти;
- демографик карталар қатламлари бўйича мустақил фазовий таҳлил имконияти;
- дастурий воситалар асосида турли даражадаги деталланган ва натижавий қатламлардан карталарни шакллантириш имконияти.

Фазовий демографик маълумотларни карта кўринишида визуаллаштириш ва 3D ўлчамли визуаллаштиришнинг хусусиятларидан келиб чиқиши талаб этилади.

Фазовий маълумотларни ГАТларда визуаллаштиришда бош принцип - фазовий маълумотларни қатламли ташкил қилишининг қўлланилишидир. Бунда бир типдаги маълумотлар қатламларга гурухланади. Бу ерда бир типдаги маълумотлар деганда ўхшаш семантикага эга ёки бир хил ўлчамга ёхуд топологик структурага эга бўлган объектларни тушуниш мумкин [2].

ArcGIS дастурий таъминоти ва GPS қабул қиласиги интергациясини амалга ошириб боғланиш ҳосил қилингандан сўнг навбатдаги тадқиқотларда ахборотлар автоматик тарзида маълумотлар базасига келиб тушади. Маълумотлар базасини янги ахборотлар асосида визуаллаштириш орқали амалга оширилади.

ГАТ технологияларининг устунлигини, кенг қамровлилиги билан бир қаторда, фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашдаги имкониятларини кўрсак бўлади.

Натижада шу нарса маълум бўлдики, айрим худудларнинг рақамли ва электрон карталарини яратишида мавжуд қоғозли карталардан асос сифатида фойдаланиш кутилган натижани бермади.

Шунинг учун биринчи навбатда картографик асос яратиши талаб этилади. Карталарда жараёнларни акс эттириш мақсадида картографик асосни яратишида масофадан зондлаш материалларидан фойдаландик. Янги картографик асос яратишида дастлаб landsat космик аппаратидан олинган суратлардан фойдаланилди. Электрон ва рақамли карталарни тузиш методикаси ва технологияси кетма-кетлигига карталарнинг оригиналини тайёрлаш ва улардан нусхалар олиш жараёнларидаги принципиал янги босқичлари шаклланиши бевосита географик ахборот тизимлари оиласига мансуб дастурий таъминотлар билан боғлик.

Электрон демографик карталарини яратиш технологияси ишлаб чиқилди. (1-расм)

Ишлаб чиқилган электрон демографик карталарини яратиш технологияси асосида карталарни яратишида, дастлаб маълумотларни киритиш тизимида компьютер хотирасига керакли бўлган мавзуга тегишли қоғозли ҳамда элётрон рақамли карталар ва унга тегишли бўлган жадваллар, матнли ва бошқа маълумотлар тўпланади.

Иккинчи, маълумотларни текшириш, жамлаш тизимида барча тўпланган маълумотлар текширилиб тизимлаштирилади.

Учунчи, маълумотларни саклаш тизимида юқорида тизимлаштирилган маълумотлар маълум бир тартиб асосида файлларда марказий база серверида сакланади.

Кейинги тўртинчи таҳлил қилиш тизимида барча жамланган маълумот мавзу бўйича таҳлили қилиб чиқилади ҳамда сўралган ташкилотлар ва бошқа давлат органларига интерактив хизмат кўрсатиш учун узатилади

Ишлаб чиқилган электрон демографик карталарини яратиш технологияси асосида карталарни яратишида, дастлаб маълумотларни киритиш тизимида компьютер хотирасига керакли бўлган мавзуга тегишли қоғозли ҳамда элётрон рақамли карталар ва унга тегишли бўлган жадваллар, матнли ва бошқа маълумотлар тўпланади.

Иккинчи, маълумотларни текшириш, жамлаш тизимида барча тўпланган маълумотлар текширилиб тизимлаштирилади.

Учунчи, маълумотларни саклаш тизимида юқорида тизимлаштирилган маълумотлар маълум бир тартиб асосида файлларда марказий база серверида сакланади.

Кейинги тўртинчи таҳлил қилиш тизимида барча жамланган маълумот мавзу бўйича таҳлили қилиб чиқилади ҳамда сўралган ташкилотлар ва бошқа давлат органларига интерактив хизмат кўрсатиш учун узатилади.


Бешинчи босқичда интерактив хизмат кўрсатиш ташкилотлари маълумотларни сўралган жойга тақдим этади.

Якуний босқич, яъни динамик ўзгаришларни аналитик ва статистик таҳлил қилишда изланувчи томонидан турли мавзулар бўйича прогнозлаш ишларини олиб боришида тўпланган маълумотларга таянган ҳолда прогнозлаш амалларини бажаради. Зарурат бўлганда уларни карталарини ишлаб чиқади



1-расм. Электрон карталарни яратиш технологияси

Дастурда яратилган янги картографик асосга юқорида амалга оширилган ишлар натижаси, яъни геолокация усули ёрдамида марказий маълумотлар базасига тўпланган статистик маълумотлар жойлаштириб ўзаро боғланди. Сўнгра картографик тасвирлаш усулларидан фойдаланган ҳолда жанубий минтақа аҳоли картаси тузилди (2-расм).



2-расм. Жанубий минтақа аҳоли картаси

Шундай қилиб, электрон рақамли карталарни тузиш ва демографик жараёнларни визуаллаштиришда геомаълумотлар базасига ахборотларни тўғридан тўғри интеграция қилиш структурасини ишлаб чиқишига ҳамда автоматик таҳлилий ишларни олиб бориш ишлари билан бирга

масофадан зондлаш материалларини қайта ишиш ва бунда барча имкониятлардан келиб чиқиб фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашга имкон яратилди.

### **Хулоса**

Геоахборот технологиялар ёрдамида демографик жараёнларни карталаштиришнинг назарий асосларини таҳлили ГАТ ва карталарни бир бирлари билан боғлиқлиги бир бирларини доимий равишда тўлдирив боришини кўрсатди. Табиат ва жамиятдаги жараёнларни ёки объектларни таърифлаш учун анъанавий равишда адабий, статистик, картографик, аэро ва космик материаллар қўлланилди. Объектлар, жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ишишда компьютер техникиси ва маълумотларга ишлов беришнинг замонавий услублари, ГАТ ни қўллаган ҳолда янгича ёндашув истиқболли бўлиб хизмат қиласи. Демак, кўп ҳолларда геоинформатика ва картографиянинг ўзаро боғлиқликларига эътибор қаратилишини ва одатда икки тарафлама муаммо, бир томондан картографиянинг геоахборот таъминоти, бошқа томондан геоинформатиканинг картографик таъминоти кўрсатилиши, картография ва геоинформатиканинг ўзаро боғланишдаги нуқтаи назарларда юзага чиқишини кўриб чиқилди.

Электрон рақамли карталарни тузиш ва демографик жараёнларни визуаллаштиришда геомаълумотлар базасига ахборотларни тўғридан тўғри интеграция қилиш структурасини ишиш ҳамда автоматик таҳлилий ишларни олиб бориш ишлари билан бирга масофадан зондлаш материалларини қайта ишиш ва бунда барча имкониятлардан келиб чиқиб фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашга имкон яратилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Abduraxmonov S.N. Geoinformatic Systems and Technologies (GAT) and Information on the Use of GPS Accessories in Integrated Demographic Process // International Journal of Multidisciplinary Research and Publications ISSN (Online): 2581-6187. 2019 y.
2. Abdurakhmanov S. N. Development of data on the creation of maps of demographic processes in the system of geographic information technology / / XXI International scientific and practical conference Advances in Science and Technology. RUSSIA in June 2019.
3. Jeffrey H, Stuart K. Card, James A. Landay, "A toolkit for interactive information visualization". USA -2006 year 2 p., 267 p.
4. Kang-tsung Chang. Introduction to Geographic Information Systems. Fourth edition. - McGraw Hill Education (India) 2008. - 450 p.
5. Ковин Р.В., Марков Н.Г. Геоахборот тизимлари. Томск 2008. 69 б.
6. Мусаев И. Мухторов Ў. Геоахборот тизим ва технологиялари. Тошкент 2015. 59 б.
7. Раклов В.П., Сафаров Э.Ю., Абдураҳимов Х.А. Географик ахборот тизимлари. - Т.:Фан, 2007. - 140 б
8. Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М. ва бошқ. Картография ва геовизуаллаштириш. Тошкент-2015 123 б.
9. Интернет маълумотлари

## ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ МЕТОДИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти т.ф.б.ф.д.PhD. катта ўқитувчи. +998935453434. s.n.abduraxmonov@gmail.com.

Алланазаров Олимжон Рахмонович Ислом Каримов номидаги тошкент давлат техника университети т.ф.б.ф.д. PhD. доцент. o.allanazarov@gmail.com

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда электрон карталарни тузишда маълумотларни тўплаш, уларга мувофиқ маълумотлар базасини шакллантириш ишлари ГАТ дастурлари асосида олиб борилмоқда. Мақолада электрон карталарни ва уларнинг маълумотлар базасини яратишда географик ахборот тизимлари муҳим рол ўйнаши ҳақидаги мулоҳазалар келтирилган.

### АННОТАЦИЯ

В настоящее время ГИС-программы собирают данные о создании электронных карт и формировании баз данных по ним. В статье дается обзор важной роли, которую географические информационные системы играют в создании электронных карт и их баз данных.

### ANNOTATION

At present, GIS band programs collecting data on the creation of electronic maps and the formation of databases on them. The article gives an overview of important role of the geographical information systems in the creation of electronic maps and their databases.

**Калит сўзлар:** карталарни лойиҳалаш, экспедиция, дешифровка, электрон рақамли карта, карта компоновка.

**Ключевые слова:** проектирование, экспедиция, дешифрирование, электронная цифровая карта, компоновка карты.

**Key words:** map design, expedition, decoding, electronic digital map, map decoding.

### КИРИШ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, электрон карталарни яратиш методикаси ва технологияси ишлаб чиқилгунга қадар мавжуд бўлган карта тузиш босқичлари ўта мураккаб жараёнларни ўз ичига олган [1]. Яқин ўтмишда нафақат карталарнинг оригиналини, яъни, асл нусхасини тайёрлаш, балки, улардан нусхалар кўчириш жараёни ҳам асосан қўлда бажарилган [2]. Кейинчалик нусха кўпайтиришнинг турли автоматлашган усуллари ишлаб чиқилди ва қўлланила бошланди. Электрон карталарни тузиш технологияси карта оригиналларини нашр этиш ва улардан нусхалар кўчириш вазифаларини ижобий ҳал этган.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган бир қатор асосий топографик ва мавзули карталар бир неча ўн йил олдин чоп этилган бўлиб, улардаги маълумотлар эскириб кетган ва ўз маъносини йўқотган. Янги замон талабларига мос карталарини яратишда биз дистанцион зондлаш маълумотлари асосида шакллантирилган фотопланлардан фойдаландик. Янги тузилган электрон ва рақамли карталарнинг афзалликлари шундаки, картани тузиш жараёнида қўйилган айrim хатоликларни тузатиш хеч қандай муаммони келтирмайди ва қўп вақт талаб этмайди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида объектларнинг GPS орқали координаталарини аниқлаш усули, натижалар ишончлилигини статистик кайта текшириш усули, маълумотларни рақамли картографик модель сифатида тасвирлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

Объектлар тоифалари ва кўрсаткичларини гурухлаш усуллари ГАТ технологиялари асосида такомиллаштирилган, объектларни картографик-геодезик таъминлаш усуллари географик ахборот тизимларидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган, объектларни рақамли карталарини яратиш усулларини картографик таъминлаш ишлари такомиллаштирилган;

ГАТ технологиялари ер ишларини юритишида уларни базасини яратишда, рақамли карталарни тузишда янгилашда кенг қўлланилади. Умуман олганда, ҳар бир соҳа бўйича мутахассис объектларининг ГАТ технологияларини ташкил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб боради.

ГАТ технологиянинг энг муҳим томони шундаки, барча рақамли маълумотлар топографик асосларга туширилади. Бу эса объектларни тўғри тасвирлашда ва буюртмачига тақдим этганда уларнинг координаталари устма-уст тушиши таъминланади.

Топографик карталар трапециялари ҳосил қилингандан сўнг, карталардаги ҳар бир объект тури алоҳида қатлам сифатида рақамланади. Объектлар тури жойлашган қатламларни яратиш “Layers”

орқали амалга оширилади, улар объект номи билан сақланади. ArcGIS дастурида бажарилган ишлар натижалари, киритилган картографик, статистик ва матнли маълумотлар графикили ва жадвал кўринишида сақланади, мурожат этилганда қайта юкланди

ГАТ технологияларининг устунлигини, кенг қамровлилиги билан бир қаторда, фазовий маълумотларни картографик тасвир асосида ифодалашдаги имкониятларини кўрсак бўлади.

Натижада шу нарса маълум бўлдики, айрим худудларнинг рақамли ва электрон карталарини яратища мавжуд қоғозли карталардан асос сифатида фойдаланиш кутилган натижани бермади. Ҳозирги яратилган ГАТ технологияларининг версиялари аввалгиларини тўла қамраб олган ва бир мунча такомиллашган. Бу эса аввалги электрон версияларида тузилган рақамли карталардан самарали фойдаланиш имконини берди.

Умуман, янги топографик картани яратиш, турли мавзули, жумладан алоқа обьектлари маълумотлар базасини яратиш, мавзули карталарини тузиш, уларни топокоордината тизимларига боғлаш ишларининг барчаси компьютер технологияси асосида бажарилди [3]. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, тарқатиш каби масалаларни ҳал этишда, ер тўғрисида етарлича маълумот бера оладиган ёнг мақбул дастурий тизим сифатида географик ахборот тизими ГАТ технологиядан фойдаландик.

ГАТ технологиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида карта ва планларни яратиш, уларни қайта ишлаш ва маълумотларни интеграциялаш деб қабул қилдик.

Бугунги кунда маълумотларни тўплаш, уларга мувофиқ маълумотлар базасини шакллантириш ишлари ArcGis, MapInfo, Panorama, GeoDraw, GeoGraph, Atlas Gis, Win Gis, ArcInfo ва бошқа дастурлар асосида олиб борилмоқда [5].

Бу замонавий геоинформацион картография карталарни яратища аналоги усуслар ўрнига янги электрон технологиялар асосида яратиш методларини амалиётта жорий қила бошлади. Бунда электрон карталарни ва уларнинг маълумотлар базасини яратища географик ахборот тизимлари муҳим рол ўйнайди. (1-расм).

Тадқиқотлар бўйича олинган натижалар электрон карталарни яратишнинг умумий методикаси ва технологиясини яратиш учун асос сифатида фойдаланилди 1-расм.

Биринчи босқичда тайёргарлик ишларида қўйидаги ишлар олиб борилади. Карталарни лойиҳалаш дейилганда аксарият ҳолларда карта таркибида маълумотларнинг жойлаштиришни назарда тутилади [6]. Лойиҳалашнинг асосий мақсадларидан бири – яратилиши режалаштирилган картанинг фойдаланувчилар учун аниқ ва тушунарли акс эттирилиши ҳисобланади.

Картани лойиҳалашни асосий натижаси унинг дастури бўлиб, у картанинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Дастурда қўшимча техникавий ва иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқалар кўрсатилади.

Карта қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- картани мақсадини;
- математик асосини;
- картани мазмунини;
- маълумотлар базаси, манбалар ва улардан фойдаланиш йўлларини; ўз ичига олади.

Карта дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб карта тузиш учун олинган **бујортма** ҳисобланади. Унда карта номи (мавзуси), масштаби, мақсади, картага олинаётган ҳудуд кўрсатилади.

Кейинчалик дала ишларини олиб боришда, координатага боғлаш, дала тадқиқот журналини тўлдириш ва обьектларни сурат билан таққослаш ишлари амалга оширилади.

Координатали боғлаш – кўчма GPS -навигатор ёрдамида WGS-84 координата тизимида обьектларнинг географик координаталарни олиш тушунилади.

Ишда GPS навигатори Garmin GPS MAP 62s ва бошқа GPS навигаторлар ишлатилиши мумкин. Ушбу навигатор координаталарни 3 метргача аниқлиқда олишга имкон беради, бу 1:100 000 масштабли фойдаланилдиган рақамли топографик картага мос келади.

Дала тадқиқот журналига қўйидаги маълумотлар қайд этилади: тадқиқот санаси, обьектнинг номи, нуқтанинг тартиб рақами (шу тартиб рақам GPS навигатор хотирасига киритилади), суратнинг тартиб рақами, обьектнинг қисқача тавсифи ва бошқа маълумотлар.


Картанинг тематик мазмунини ишлаб чиқища табиий обьектлар ва комплексларга асосланган ҳолда умумий географик мазмунни, шунингдек, шартли белгилар мажмунини шакллантириш ва карта элементларининг легендасини тузиш жараёнини ўз ичига олади.

Географик обьектларнинг легендасини шакллантириш жараёнида 1 : 100 000 масштабли топографик карталарни яратища ишлатилдиган стандартлаштирилган шартли белгиларидан фойдаланилади.

Тематик мазмундаги шартли белгиларни ишлаб чиқаришда, мавзу бўйича обьектлар ва комплексларининг хусусиятлари эътиборга олинади [4]. Уларни карталарда тасвирлаш жараёнида, асосан, картографик тасвирлаш усуслари ҳамда шартли белгилардан фойдаланилди [5]. Кўпгина обьектларни картанинг масштаби туфайли акс эттириб бўлмайди.

Табиий мазмундаги баъзи элементларни кўрсатишда картографик тасвирлаш усуслари – чизиқли белгилар ишлатилган. Бундай усул билан майдонли обьектларнинг чегараларини кўрсатилади.

ГАТ да карталарини яратишнинг ёнг муҳим жараёнларидан бири, маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва уларни тўлдириб бориш ҳисобланади.



1-расм. Карталарни яратишнинг умумий технологик схемаси

ГАТ да фазовий ва аттрибут маълумотлар асосий компонентлар ҳисобланниб барча фазовий-кодланган маълумотларни ўз ичига олади: объектларнинг тавсифи, тасвирлар, рақамли карталар, таянч геодезия тармоқ пунктлари координаталарининг каталоглари йигиндисидан иборат.

Атрибут маълумотлар қатор ва устунлардан ташкил топган бўлиб, улар маҳсус жадваллар шаклида ифодаланади. Объектларнинг атрибут жадваллари ҳар бир нуқта, ёй ёки майдон ҳақидаги маълумотни

сақлайдиган махсус файлы ҳисобланади [3]. Ушбу маълумотлар мажмуи геомаълумотларни ёки фазовий обьектларнинг моделини ташкил этади.

### **Хулоса**

Картанинг ҳар бир қатлами картанинг аттрибутив маълумотлар базасини ташкил этувчи тематик атрибутларга (семантик ҳусусиятлар) эга жадвалларга мос келади.

Картографик асос тайёр бўлгандан сўнг турли мавзудаги статистик маълумотлар ёрдамида карталар тузилади. Бунда картографик тасвирлаш усуллари ва шартли белгилардан кенг фойдаланилади. Ишнинг сўнгида электрон рақамли картани ҳисоботи тайёланади, бунда масштаб танланиб компоновка ва дизайн ишлари олиб борилгач нашрга берилади.

Турли мавзудаги карталарни яратишнинг бу методида иш жараёнини тезлаштириш билан бир қаторда иш сифатини оширади. ГАТ технологиялари асосида тузилган карталарни керак бўлган нашр қилинади зарурат бўлмаса электрон кўринишда фойдаланишга топширилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алланазаров О.Р. Алоқа обьектлари кадастри рақамли карталарини яратиш йўллари // Ўзбекистон географияси: табиати, аҳолиси, хўжалиги. – Т., 2013. – 85-87 б.
2. Алланазаров О.Р. Географик ахборот тизимларидан фойдаланиб мавзули карталар яратиш // География фанининг долзарб назарий ва амалий масалалари.–Т., 2008. –193-194 б.
3. Фуломова Л.Х., Сафаров Э.Ю., Абдуллаев И.Ў. Геоахборот тизимлари ва технологиялари.(1-2-қисм) – Т.: Университет, 2013. – 130 б.
4. Мирзалиев Т. Картография. – Т.:Университет, 2002. – 204 б.
5. Берлянт А.М. Картография. – М.: Аспект Пресс,2002. – 324 с.
6. Мирзалиев Т., Алланазаров О.Р. Карталарнинг информацион сигими тўғрисида // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. – Т.,2009. –198-199 б.
7. Раклов В.П. Картография и ГИС. – М.: ГУЗ, 2003. – 140 с.
8. Интернет маълумот. [www.stat.uz](http://www.stat.uz); <http://www.miigaik.ru/>; <http://www.guz.ru/>; <http://www.map.ru/>; [www./GIS.com](http://GIS.com)

## ЗЕМЕЛЬНЫЙ УЧАСТОК - КАК ПЕРВИЧНЫЙ ИСТОЧНИК ЗЕМЕЛЬНОГО КАДАСТРА

*Ҳамидов Файзулло Рамазонович PhD, и.о. доцента  
fayzullo.khamidov.65@mail.ru*

Бухарский филиал Ташкентского института  
инженеров ирригации и механизации сельского  
хозяйства, г. Бухара, Узбекистан

*Абдисаматов Отабек Сайдаматович соискатель  
abdisamatov otabek@mail.ru*

Tashkent institute of irrigation and agricultural  
mechanization engineers, Faculty of land management,  
Kory Niyoziy str., 39, 100039, Tashkent, Uzbekistan, e-  
mail: abdisamatov otabek@mail.ru

### АННОТАЦИЯ

В статье описаны методологические основы алгоритмов и этапов формирования информационной системы о земельном участке при ведении земельного кадастра. Объектом исследования является изучения закономерностей образования земельных участков, которые являются основным источником для создания информационных систем земельного кадастра, а контур земли является ключевым фактором при формировании кадастровых данных о земельных участках. Землепользователей страны предоставлены около 6,6 млн. земельных участков. Узбекистан с целью создания единой системы учета земли и недвижимости на ее территории и присвоения уникальных, уникальных кадастровых номеров земельным участкам, зданиям и сооружениям.

**Ключевые слова:** земельный кадастр, земельный участок, контур земли, кадастровый номер, аграрного сектора.

Президентом Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года издан указ № УП-4947 «План мероприятий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». В данном указе определены важные задачи как, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора, сокращение площадей под хлопок и зерновые, увеличения посевов картофеля, овощей, кормов и масличных культур на пустующих землях, а также создания новых интенсивных садов и дальнейшая оптимизация пашни за счет размещения виноградников. Проведения систематических мер по дальнейшему совершенствованию мелиорации орошаемых земель, внедрению интенсивных методов сельскохозяйственного производства, прежде всего современных агротехнологий, сберегающих воду и другие ресурсы, смягчению последствий глобального изменения климата и высыхания Аральского моря.

В процессе постоянного изменения площади, качества почвы, социально-экономических, экологических и технико-организационных систем и ресурсного обеспечения землепользователей в стране необходимо создать базу данных о земле и применять ее на практике. Конечно, этот процесс многогранен и предполагает широкий спектр объемного обмена информацией.

Известно, что в распоряжении более 6 млн. землепользователей страны предоставлены около 6,6 млн. земельных участков. Независимо от размера земельный участок одновременно является неотъемлемой частью природы и окружающей среды. Согласно земельному законодательству «земельный участок — часть земельного фонда, имеющая фиксированную границу, площадь, местоположение, правовой режим и другие характеристики, отражаемые в государственном земельном кадастре» [1]. В этом контексте земельный участок можно рассматривать как первичный источник данных земельного кадастра. Таким образом, признается важность земельного участка среди объектов земельного кадастра.

По нашему мнению при создании земельной информационной системы для землепользователей целесообразно использование следующих блоков (компонентов):

- система правовых документов по землепользованию;
- информационная система учета земель;
- система использования данных о землепользовании;
- информационная система по недвижимости;
- система технико-экономических показателей земельного участка.

По мнению К.Рахманова, А.Бабажанова и многих других ученых аграрников правовые документы о землепользовании и земельный учет играют важную роль в специализации производства каждого землепользователя. По этому прежде всего, документы на право пользования земельным участком должны быть оформлены в установленном порядке [4].


Регистрация прав на земельные участки действующих лиц включает вопросы, связанные с регистрацией прав пользования конкретным земельным участком. В этом случае исходные документы будут содержать информацию о правовом статусе земельных участков.

На завершающем этапе процесса регистрации земли по каждому земельному участку будут сформированы кадастровые номера. Поэтому в нашей стране важно развивать систему земельного кадастра, предоставлять пользователям своевременную, удобную и необходимую информацию, использовать кадастровые номера для создания базы данных в виде электронной информации на основе единой методологии. Известно, что кадастровый номер делится на кадастровые территории Республики Узбекистан с целью создания единой системы учета земли и недвижимости на ее территории и присвоения уникальных, уникальных кадастровых номеров земельным участкам, зданиям и сооружениям. Система кадастрового деления и кадастровой нумерации обеспечивает единоеобразную идентификацию любого земельного участка, здания и сооружения в единой системе учета недвижимого имущества.

В соответствии с Приложением к Постановлению Кабинета Министров от 31 декабря 2001 г. № 492 «О порядке кадастрового деления территории Республики Узбекистан и формирования кадастровых номеров земельных участков, зданий и сооружений» кадастровый номер имеет структуру из 21 знака [2].

По нашему мнению в условиях Узбекистана необходимо создать масштабный банк земельной информации, сформировать кадастр земли и недвижимости, а также внедрить поисковую систему, чтобы предоставить полную информацию о них покупателям или представителям отрасли. Сам по себе этот процесс экономит время и увеличивает производительность.

Рисунок 1. Примерный поиск по кадастровым номерам земельного участка.



Целесообразно обеспечить, чтобы процесс формирования кадастрового номера указанного земельного участка осуществлялся в порядке, установленном решением, с учетом объектов недвижимости на территории каждого землепользователя. На рис. 1 показан пример поисковой системы, которая выполняет кадастровые номера, сформированные на земельном участке с помощью специальной электронной программы.

На этом рисунке видно, что с помощью кадастрового номера информацию о земельном участке или расположенному на нем объекте можно получить быстро и за меньшее время. Формат программы ArcGIS в настоящее время используется как единственный формат для создания базы данных земельного кадастра, которая формируется на уровне земельного участка, а также для обмена информацией. Преимущество использования кадастровых номеров заключается в том, что кадастровый номер этих объектов не меняется при переходе права собственности на землю, здание, сооружение к другому правообладателю или государственной регистрации изменения вида права.

Также предусмотрено присвоение им новых земельных кадастровых номеров в установленном порядке при реализации процессов, ведущих к изменению существующих земельных границ и формированию новых земельных участков или их объединению с другими. В этом случае оригинальные выданные кадастровые номера считаются утерянными и признается, что их нельзя использовать повторно. Это не вызывает проблем при использовании данных в системе.

Земельный учет – это вид хозяйственного учета, который является составной частью государственного земельного кадастра. Имеет свои особенности ношения. Эти свойства связаны со свойствами земли как средства производства. В отраслях народного хозяйства земельные участки используются для определенных целей. Поэтому важно проводить регулярный земельный учет на земельном участке. В некоторых отраслях (сельское хозяйство, лесное хозяйство), помимо рассмотрения земли как основы пространства, необходимо рассматривать ее как основное средство производства [5].

Учет земли может иметь разное значение в зависимости от конкретных задач и основных целей. Иногда он используется как общенациональная мера или как мера земли в определенном секторе. В таких условиях его функции, содержание и порядок определяются государством: данные учета земель и способы их получения; формы и содержание бухгалтерских и отчетных документов; органы и специалисты, реализующие его; Задачи учета земли выполняются на регулярной основе.

Поскольку объектом учета земель является единый государственный земельный фонд, учитываются все земельные участки, входящие в земельный фонд, независимо от того, кому они принадлежат, используются эти земли для определенных целей или нет. Это означает, что земельный учет должен охватывать все участки единого государственного земельного фонда. Это, в свою очередь, требует формирования данных учета земель по земельному участку.

Результаты наших исследований показывают, что сегодня одной из наиболее актуальных проблем формирования информационной системы земельного кадастра в административном районе или городе является создания централизованной базы данных для хранения данных о земельном участке на необходимом уровне.

Информационная система о земле - это подсистема геоинформационной системы, которая является продуктом разработки кадастровой системы, предназначеннной для управления, анализа и отражения информации, связанной с землей, недвижимостью и правом на нее. Поэтому при создании базы данных земельного кадастра, которая формируется на уровне земельного участка, важно использование электронных программных средств, обеспечивающих сбор, обработку, компьютерное хранение, обновление, анализ и дальнейшую обработку [5].

В настоящее время количество объективных факторов влияющих на рациональное использование земель в стране растет. Это, в свою очередь, требует создания и внедрения разноплановой и подробной информации о земельных участках непосредственно на уровне органов местного самоуправления. При подготовке этой информации районные отделы земельных ресурсов и государственного кадастра находятся на нижнем уровне, что является основным шагом в формировании базы данных земель на районном уровне.

#### **Выводы и предложения**

По результатам наших исследований установлено что, при ведении земельного кадастра в Республике Каракалпакстан, областях, районах и городах целесообразно формирования информации по каждому земельному участку в виде единой земельной информационной системы. Мы признаем необходимость изучения земельного кадастра как основного источника данных. Он подчеркивает важность роли земельной информационной системы, особенно в процессе землепользования и быстрого изменения информации о них.

#### **Список литературы**

1. Земельный кодекс Республики Узбекистан. Т.: Адолат, 1998
2. Постановление Кабинета Министров от 31 декабря 2001 г. № 492 «О порядке кадастрового деления территории Республики Узбекистан и формирования кадастровых номеров земельных участков, зданий и сооружений».
3. Земельный участок: вопросы и ответы. Стручок красный. Боголюбова С. А. М.: Юстиинформ. 2003. - 352 с.
4. Бобожонов А.Р., Рахмонов К.Р., Гофиров А.Ю. Земельный кадастр. Учебник. Т.: ТИМИ, 2008. -208 с.
5. Чертовицкий А.С., Бозоров К.К. Земельный кадастр // Учебник, Т.ТИИМ. 2012-302 с.
6. С.Н. Волкова и В.С. Кислова. М., Росземкадастр, 2003.
7. Волков С.Н. Землеустройство. Т-7. Землеустройство зарубежом. М, Колос, 2005.
8. Legacy Soil Surveys. General Overview-Agriculture and Agri-Food Canada, NSDB, 2012.
9. Закон США “О федеральной земельной политике и землеустройстве” Сост. Бюро по землеустройству Министерства внутренних дел и Правовое управление Министерства труда США. Вашингтон, округ Колумбия /пер. Г.В. Ковалевской, под ред. С.Н. Волкова, М., ГУЗ, 2016
10. Волков С.Н., Волкова А.С., Волкова З.А. и др. О правовом и экономическим механизмах регулирования землепользования и землеустройства в США. М., ГУЗ, 2016
11. Волков С.Н. Опыт землеустройства на землях сельскохозяйственного назначения в США и Канаде. М., ГУЗ, 2012
12. 2012, National Resources Inventory. Summary Report.- U.S. Department of Agriculture, 2015,-168р.
13. Ўзбекистон Республикаси ер майдонларининг холати бўйича Миллий хисобот. Тошкент, Давергеодезкадастр, 2019, 83б.

## ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДЕГРЕДАЦИЯ ХОЛАТИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ТИКЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШГА КИРИТИШ

Усманов Юсуф Аликулович, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, мустақил изланувчи

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш механизмлари билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар асосланган.

### ABSTRACT

The suggestions and recommendations concerning the restoration and use of irrigated lands in a degraded state in the conditions of land use diversification are presented in this article.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены предложения и рекомендации, касающиеся восстановления и использования орошаемых земель в деградированном состоянии в условиях диверсификации землепользования.

**Калит сўзлар:** Ердан фойдаланиш, диверсификация, ерларни деградацияси, сугориладиган ерлар, механизм, ҳудудий дастурлар, ерларни шўрланиши.

Ердан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклашнинг мамлакатимизда бу борадаги амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мос, таъсирчан ва самарали механизмини шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Шу маънода, ушбу мақолада деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ва уларни такрор фойдаланиш жараёнига қайташиб бўйича қилинган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган ва бу борадаги таклифлар асосланган. Жаҳонда юз берадётган глобал иқлим ўзгаришлари, ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб кўпгина мамлакатлар чўлланиш ва ерларнинг деградацияяга учраши муаммоларини бошидан кечираётгани ва унинг оқибатида дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келиб қолгани муаммонинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. БМТ нинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунё бўйича йилига қарийб 6 миллион гектар ер чўлланишга учрамоқда, ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиги ирригация ва мелиорация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияяга учраб, зироатчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлоқ яроқсиз ҳолга келтирилган. Бундан ташқари, чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик жиҳдий иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммо бўлиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Чўлланиш оқибатида жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида истиқомат қилаётган 1,2 миллиард аҳолининг саломатлиги ва фаровонлигига жиҳдий хавф туғилмоқда.


БМТ маълумотига кўра, чўлланиш дунё аҳолисининг бешдан бир қисмига таҳдид солаёттир. Ҳозир дунёдаги қуруқлик майдонининг учдан бир қисми чўлга айланиш таҳдида остида қолган. Дунёда деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 7 миллион гектар ер майдони қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетмоқда. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда ҳам юқоридаги келтирилган муаммолардан тупроқ шўрланиши, кўчиб юрувчи кўмлар тарқалиш хавфи, чанг бўронлари ва қурғоқчилик муаммоларига дуч келмоқда. Қишлоқ хўжалик фаолиятида яроқли ер майдонларининг камлиги табиат бойликлари ва ер-сув манбаларидан фойдаланишнинг самарадор янги йўналишларини излаб топишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда чўлланишга қарши курашнинг миллий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурга кўра, ерлар деградациясининг ҳажмини қисқартириш ёки унинг олдини олиш, чўлланишга дучор бўлган ерларни қайта тиклаш ишларини амалга ошириш лозим. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили чўлланиш ва қурғоқчилик натижасида 42 миллиард долларга яқин қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлади. Ҳеч кимга сир эмас, яқин келажакда минтақамизда иқлимининг исиши куттилмоқда. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши шароитида Марказий Осиё мамлакатларида сув танқислиги таъсири аллақачон сезила бошлаган. Бунинг оқибатида эса чўлланиш, шўрланиш ва туз шамоллари каби ҳодисалар сони кўпайиб бормоқда. Шунингдек, келажакда иқлимининг тобора исиб бориши ва чўл зоналарининг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотлари (буғдой, маккажӯҳори, шоли ва ҳоказо) етиштиришга салбий таъсир кўрсатиб, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида ҳам кенг кўламли кўчишлар кузатилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам сугориладиган ер майдонлари йилдан-йилга қисқариб бормоқда. Оролнинг қуриган ҳудудидан туз ва бошқа минерал моддаларнинг шамол орқали тарқалиши, сув тақчиллиги оқибатида чўлланиш даражаси ортаётти. Корақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида чўлланиш даражаси юқори. Статистик маълумотларга

кўра, Ўзбекистонда 22 миллион гектар ер чўлланишга мойил ҳудуд ҳисобланса, мавжуд яйловларнинг 43 фоизи эса инқирозга учраб, чўлланиб бўлган. Муаммони тўла ҳис қилмаслик ва унинг ечимиға нисбатан бепарволик, соҳага тегишили илмий тадқиқотларнинг камлиги ёки амалиётда улардан фойдаланмаслик оқибатида мазкур масала долзарблигича қолиб кетмоқда.

Худудларда саҳрога чидамили саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этилиши ўзига хос экотизим пайдо бўлиб, иқлим ўзгаришини юмшатади. Чўл зонада озуқабоп ҳисобланган чогон, терескан, боялич, қайроук каби ўсимликлар кўпайтирилиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласди. Ўзбекистонда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш йўналишидаги давлат сиёсатининг натижаси ўлароқ фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори 1980 йилларга нисбатан йилига 64 миллиард метр кубдан ўртacha 51 миллиард метр кубгача камайтирилди. Дарҳақиқат кўрилаётган барча чора-тадбирлар суғориладиган ерларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, суғориладиган ерлар умуммиллий бойлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларнинг ер турлари бўйича тақсимланиши юқоридаги 1-расмда келтирилган 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра.

1-расм. Суғориладиган ерларнинг ер турлари бўйича тақсимланиши, минг.га



Кейинги йилларда мамлақатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўтчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртacha йиллик сув таъминоти даражаси эса 3048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг ташкил этилгани, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Сув ва ер ресурсларини бошқаришдаги иқтисодий механизмлар ва хукуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда меъёрий-хукуқий хужжатлар талабларига қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш каби масалалар доимий эътибордаги масала сифатида қаралмоқда.

Статистик маълумотларига кўра, иқлим ўзгариши, эрозия жараёнлари натижасида йилига ўртacha 6-7 млн. га майдондаги ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Саноат ва транспорт инфратузумаси соҳасида амалга оширилаётган қурилишлар, ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнида ҳосил бўлаётган карьер ва тупрок ўюмлари жадал суръатлар билан қишлоқ хўжалиги экин ерларини сиқиб чиқариб, ҳайдаладиган ерлар қурилаётган сув омборлари остида қолиб кетмоқда.

Худудларда ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига қараганда суғориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатхининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда грунт сувлари кам минерализациялашган (1-3 г/л) майдон 1,5 млн. гектарни, ўртacha минерализациялашган (3-5 г/л) 0,7 млн. гектарни ва кучли минерализациялашган (5 г/л) 0,5 млн. гектарни ташкил этмоқда.

Тупркларнинг унумдорлигига шамол ва сув эрозиялари катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда 2 млн. гектардан ошиқроқ. ер дефляцияга, жумладан, 0,7 млн. гектар ер кучли дефляцияга учраган, 0,5 млн.


гектар ерда ирригация эрозияси юз бермоқда. Бундай ерлар төр олдида жойлашган вилоятлар, айниқса, Фаргона водийси күплаб учрайди ва салмоқли қисмини суғориладиган ерлар ташкил этади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари шуни кўрсатадики, эрозия натижасида гектаридан 0,5–0,8 тонна гумус, 100–120 кг азот, 75–100 кг фосфорни юваб кетиши мумкин. Бу эса суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайиб кетишига замин яратади.

Кейинги йилларда суғорма дехқончилик зоналарида, айниқса Оролбўйи худудларида табиий шароитлар ва инсон хўжалик фаолияти тавсирида турли деградация-ортиқча намланиш, иккиласмачи шўрланиш, чўлланиш, шамол ва ирригация эрозияси, оғир металлар ва заҳарли моддалар билан ифлосланиш, дегумуфикация, ҳайдалма қатламнинг зичлашиши жараёнлари шакланган, натижада суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайган.

Юқоридаги келтирилган муаммоларнинг амалий ечими сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январьдаги ПҚ-4565-сон «2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўздаверлойиҳа” илмий- лойиҳалаш институти ҳамда “Тупроқ таркиби ва репозиторияси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда 2014–2017 йиллар давомида республика вилоятларининг 93 та туманида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тупроқларнинг шўрланиш даражаларини аниқлаш ва харитага тушириш ишлари амалга оширилган.

Худудларда ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларига кўра, республика бўйича жами 2 млн. 418,8 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг 72,1 % турли даражада шўрланганлиги, шундан 38,4 % кучсиз даражада, 22,8 % ўрта даражада, 6,2 % кучли даражада ва 4,7 % жуда кучли даражада шўрланганлиги аниқланган. Жумладан, шўрланган ерлар майдони жами суғориладиган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикасида (15 та туман) -91,4%, Бухоро вилоятида (12 та туман) -85,1%, Жиззах вилоятида (7 та туман) -76,4%, Навоий вилоятида (6 та туман) -64,5%, Сирдарё вилоятида (10 та туман) -79,3%; Хоразм вилоятида (10 та туман) 68,8% ни ташкил этади. Кучли шўрланган тупроқлар улуши эса асосан Қорақалпоғистон Республикаси (15,1%) ва Хоразм вилояти (5,9%) ҳиссасига тўғри келаётганлиги аниқланган. 2-расмдаги диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятлар кесимида суғориладиган ерларнинг ҳолати қониқарли даражада эмас. Республикада мавжуд 14 та маъмурий вилоятлар ерларининг деярли барчаси маълум бир даражада шўрланган (2-расм).

**2-расм. Республика бўйича суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражаси вилоятлар кесимида улуши % хисобида**



Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ўтказилаётган тадқиқот ишларини янада қучайтириш орқали шўрланишнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ҳудудларнинг табиий шароитларини инобаттга олган ҳолда мелиоратив тадбирлар олиб бориш режасини тузиш, соҳада замонавий инновацион технологияларни қўллаш орқали илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётта тадбик қилиш бугунги кунинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, бир қатор туманлар деградация ҳолатидаги суғориладиган экин майдонлари ичida 30–40%, айрим далаларда 50% гача учрайдиган, иккиласмачи, кучли шўрланган, пахта ниҳоллари жабрланган, айрим участкаларда биринчи суғоришдаёқ 60–80% гача нобуд бўладиган “шўрхокли доғлар” шаклидаги, маҳсус агротехник, мелиоратив тадбирлар талаб этувчи ерлар ҳам катта майдонларни ташкил этади. Юқоридаги таҳлилардан кўринадики, вилоятлар бўйича деградация ҳолатидаги суғориладиган ерларни ҳолати

бугунги кун ердан фойдаланиш барқарорлигини таъминлашдаги цикллилигига хизмат қилмаяпди. Жумладан, энг асосий муаммолардан бири сифатида ерларни деградация даражасига тушиб қолиши, тупроқларнинг шўрланиш ҳолати йилдан йилга ошиб бормоқда.Худудларнинг табиий шароитларини инобатта олган ҳолда тизимли ташкил этилган мелиоратив тадбирларни олиб бориш, соҳага замонавий инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек мақсадли тадбирлар олиб бориш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.Бундан ташқари республикамиз сугориладиган ерларида гумуснинг пасайиши, чўлланиш, ботқоқланиш, заҳарланиш, гипсланиш, бегона ўтлар босиши, булғаниш, сув босиши, ифлосланиш, ташлаб кетиш каби салбий ҳолатлар давом этмоқда.Уларнинг ҳисобини юритиши, ҳолатини мониторинг қилиш, олдини олиш ва бартараф этиши юзасидан барча ер ресурсларини бошқарув даражаларида тизимли ва доимий тавсифга эга комплекс дастурли иш олиб бориш талаб қилинмоқда.

Тадқиқот доирасида муммони ўрганиш мақсадида, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидағи мавжуд деҳқон ва томорқа хўжаликлари раҳбарлари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилди. Ижтимоий сўровда 146 нафар респондентлар иштирок этган бўлиб, сўров натижаларига кўра респондентларнинг 89 % ҳолати бузилган ерлар бўйича тушунчага эга эмасликлари, 74 % аҳоли ерлар ҳолати бузилишини келтириб чиқарувчи омиллар бўйича билим ва малакага эга эмасликлари, 81 % аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклаш ва яхшилаш бўйича қандай тадбирлар ўтказиши билмасликларини, 86 % аҳоли ҳолати бузилган ерларни тиклашда давлат томонидан молиялаштириш зарурлиги билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаб ўтди<sup>5</sup>.(1-жадвал)

Ушбу ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва сугориладиган ер ресурсларидан фойдаланишни диверсификациялаш шароитида ҳолати бузилган сугориладиган ерлар бўйича мониторинг юритиши, уларни тиклаш асосида хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларни тиклаш ташкилий-иқтисодий чораларининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг муҳим долзарб масаласи ҳисобланади. Қолаверса, кейинги йилларда сугориладиган худудларда ҳолати бузилган ерларни тиклаш мақсадида илғор технологиялардан фойдаланишга кам эътибор берилмоқда.

1-жадвал.  
Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларидағи деҳқон ва томорқа хўжаликлари  
ўтказилган сўровнома натижалари  
(2018 йил июль-август ойлари ҳолатига)

Савол	Респондентларнинг жавоблари		
	Жавоб вариантлари	Сони	%
Ҳолати бузилган ерлар деганда қандай ерларни тушунасиз?	эга эмас	130	89
	эга	16	11
Ерлар ҳолати бузилишининг келтириб чиқарувчи омилларни биласизми?	ҳа	38	26
	йўқ	108	74
Деҳқон ёки томорқа хўжалигингизда ҳолати бузилган ерларни тиклаш учун давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш зарурми?	ҳа, албаттa	126	86
	йўқ	20	14

Энг муҳими, сугориладиган бузилган ерлар ҳисобидан қанча қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва иш жойлари йўқотилаяпти, даромадларнинг шаклланиши амалга ошмай қолмоқда каби саволларнинг жавобини тўғри ва аниқ топиш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир.Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни чуқур модернизация қилиш ва худудларни комплекс ривожлантириш давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш билан бир қаторда сугориладиган ерлардан фойдаланишни диверсификация қилиш шароитида уларни муҳофаза қилиш, айниқса деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш чораларини ҳам амалга оширишни талаб қилмоқда. Чунки қишлоқ хўжалигига бир экин турини сугориладиган ерлар сифат ва технологик хусусиятлари ўзига хос талабини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш жараёнида бир вақтнинг ўзида деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш механизмларини кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.Шу билан биргаликда деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклашда айниқса, алмашлаб экиш ҳудудини ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади.Алмашлаб экиш натижасида деҳқончилик самарадорлигини ошириш ҳал қилювчи аҳамиятга эга бўлиб, ҳайдалма ерлар-қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий ва энг унумли ерлари ҳисобланади, бу ерлар алмашлаб экиш натижасида ерларни унумдор қатлами ошади, экинларни ҳосилдорлиги ошишига катта таъсири кўрсатади.Мазкур ёндашуввлар юзасидан юқоридаги таъкидлаб ўтилган муаммоларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда мавжуд тизимли

<sup>5</sup> 2018 йил июль-август ойлари Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида ўтказилган ижтимоий-сўровлар натижалар бўйича олинган маълумотлар асосида олинган.

муаммоларни бартараф этиш юзасидан деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклашнинг барқарорлигини таъминлашга қўйидаги йўллар орқали эришилади:

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни идора ва (тармоқ) идораларо алоҳида ҳисобини юритиши такомиллаштириш натижасида ушбу ерлар бўйича ягона ҳисоб тизимини шакллантириш;

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш чораларининг орқали уларни тиклаш ва фойдаланишга киритиши оператив бошқариш ва мониторинг қилиш тизимини шакллантириш натижасида уларнинг навбатлилиги, манзиллилиги, маълумотларининг ишончлилиги таъминланади;

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ва фойдаланишга киритиш услублари аниқланди (такомиллаштирилди) ва уларнинг техник-иктисодий асосномаларини ишлаб чиқиши юзасидан таклифлар асосланди;

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш фойдаланишга киритиш чораларининг худудий инвестиция дастурини шакллантириш бўйича услубиёт ишлаб чиқиши;

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш чораларини давлат инвестиция дастурига киритиш учун асослар яратилади;

деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш юзасидан республика ва худудий даражада тизимли ва комплекс чораларни қамраб олган дастурлар яратилади. Ушбу йўллар орқали мазкур дастурни амалга ошириш, ўз навбатида, деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ишлари билан бир қаторда ушбу ерлардан олинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва ташкил этиладиган иш жойлари сони ошиши ва қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳоли бандлиги таъминланади. Қолаверса, истиқболда деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш орқали қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш натижасида уларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётида тутган ўрни мустаҳкамланади. Бу эса, бизнингча биринчи навбатда, ушбу худудий дастурни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ишларини инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга ётибор қаратиш, иккинчидан, деградация ҳолатидаги ерлар барқарорлигини таъминлаш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришнинг замонавий механизмларини ҳам жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамиздаги деградация ҳолатидаги сугориладиган ерларни тиклаш ишлари механизмини қайта кўриб чиқиши ва худудий дастурини ишлаб чиқиши асослаш орқали худудий иктисодиёт хусусиятларини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда илмий салоҳиятни жалб этган ҳолда юқоридаги тизимли муаммоларни ҳал қилувчи илмий-амалий тақлиф ва тавсияларини ишлаб чиқиши, бу борадаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-техник механизмларини ва хорижий тажрибалар ўрганиш ҳамда республикамиз учун мос келувчи уларни жиҳатлари чуқур ўрганиш ва қўллаш, бугунги кунинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон, «Қишлоқ ҳўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Тошкент, 2019 й.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон, «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

3.Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисбот. «Давергеодезкадастр» қўмитаси.-Тошкент, 2020 й.

4.Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш. Республика илмий-амалий семинар мақолалари материаллари.-Тошкент, 2017 й.

5.Х.Шукурлаев. Ерлар рекультивацияси ва муҳофазаси.-Тошкент, 2009 й, 128 б.

6.А.Алтиев. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Тошкент, 2018й. Монография. 234 б.

# QATTIQ MAISHIY CHIQINDILARNI QAYTA ISHLASH VA ENERGIYA OLISH USULLARI

## TAHLILI: GAZLASHTIRISH/PIROLIZ

N.N.Abdug‘aniyev-stajyor o‘qituvchi,  
O.G.Qilichov-assistant,  
A.Q.Davirov- stajyor o‘qituvchi, TIQXMMI

### ANNOTATSIYA

Qattiq maishiy chiqindilarni boshqarish va ularni yo‘qotish uchun asosan, yoqish, kompostlash hamda yer ostiga ko‘mish kabi an’anaviy usullardan foydalilanadi va mazkur usullar bir qancha kamchiliklarga ega. Bundan tashqari ular atrof-muhitga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu holatdan kelib chiqqan holda mazkur maqolada bugungi kunda chiqindilarni boshqarish usullari sifatida ommavylashib borayotgan va chiqindilardan energiya olish yoki qimmatli mahsulotga aylantirishdagi yangicha yondashuv(gazlashtirish va piroliz)lar qisqacha tahlil qilingan.

### АННОТАЦИЯ

Традиционные методы, такие как сжигание, компостирование и захоронение, используются для обработки и удаления твердых отходов, и эти методы имеют ряд недостатков. Также они негативно влияют на окружающую среду. Исходя из этой ситуации, в данной статье кратко анализируются новые подходы (газификация и пиролиз), которые сегодня набирают популярность в качестве методов обращения с отходами, а также способы извлечения энергии из отходов или превращения их в ценный продукт.

### ABSTRACT

Traditional methods such as incineration, composting and landfilling are used to treat and dispose of solid waste, and these methods have several disadvantages. They also have a negative impact on the environment. Based on this situation, this article briefly analyzes new approaches (gasification and pyrolysis) that are gaining popularity today as methods of waste management, as well as methods of extracting energy from waste or converting it into a valuable product.

### KIRISH

Hozirgi sanoatlashgan davrda turli xil xom-ashyo mahsulotlari qayta ishlanib, inson extiyojlarini qondirish uchun ishlatilmoqda. Natijada xom-ashyoning ma’lum qismi kerakli mahsulotga aylanayotgan bo‘lsa, qolgan qismi chiqindi sifatida atrof-muhitga tashlanmoqda[1].

Chiqindilarni chiqindi saqlash poligonlariga tashlash atrof-muhitga zararli ta’sir ko‘rsatadigan issiqxona gazlari va zararli kimyoiy moddalardan biri - karbonat angidrid gazidan 23 barobar kuchli bo‘lgan metan(issiqxona gazi) ajralib chiqishiga olib keladi[2,3]. Bundan tashqari qattiq maishiy chiqindilarni poligonlarda saqlashning quyidagi kamchiliklari ham mavjud, ya’ni katta yer maydonini talab etishi, bo‘sh yer uchastkalarini yo‘qligi bilan bog‘liq holda yangi chiqindi to‘plash poligonlarini tashkillashtirishning murakkabligi, qattiq maishiy chiqindilarni tashish uchun ma’lum miqdordagi xarajatlarning zarurligi, qattiq maishiy chiqindilar tarkibidagi qimmatbaho komponentlarning yo‘qotilishi ekologik jihatdan xavfliligi(yer osti suvlari va atmosfera havosining ifloslanishi, yoqimsiz hidrlarning tarqalishi, yong‘in xavfining paydo bo‘lishi va infeksiyalarning keng tarqalishi va boshqalar)[4].

Jahon Bankining statistik ma’lumotlariga ko‘ra, bugungi kunda dunyo bo‘yicha yiliga 1,3 milliard tonna qattiq maishiy chiqindi hosil bo‘lmoqda va bu ko‘rsatkich 2025-yilga borib 2,2 milliard tonnaga yetishi kutilmoqda[5]. Bizga ma’lumki, qattiq maishiy chiqindi hosil bo‘lishining bunday sur’atlarda ortib borishi inson salomatligi va atrof-muhitga o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatmasdan qolmaydi[6]. Shuning uchun uning salbiy ta’sirini kamaytirish maqsadida chiqindilarni foydali mahsulotga yoki energiyaning biron turiga aylantirib foydalinish zarur[2,7]. Shu maqsadda bugungi kunda jahon olimlari tomonidan qattiq maishiy chiqindilardan energiya(bioyoqilg‘i, biogaz) olishning gazlashtirish va piroliz usullari keng tadbiq etilmoqda.

**Adabiyotlar tahlili.** XIX asr oxiridan boshlab, maishiy chiqindilar hajmini kamaytirish maqsadida keng qo‘llaniladigan termik usullardan biri yoqish hisoblanadi[1,8,9]. Qattiq maishiy chiqindilarni utilizatsiya qilishning murakkabligi bir tomonidan ularning turli tarkibiy qismiga ega ekanligi bo‘lsa, ikkinchi tomonidan ularni qayta ishslash jarayonida yuqori sanitariya talablarining zarurligidir. Maishiy chiqindilarni yoqish ular hajmi va massasini kamaytirish, markazlashgan issiqqlik ta’minoti tizimida hamda elektr energiya ishlab chiqarishda foydalinish mumkin bo‘lgan qo‘srimcha energiya manbai sifatida qo‘llash imkonini beradi. Biroq ushbu jarayon natijasida atmosferaga zararli moddalarning ajralib chiqishi va maishiy chiqindi tarkibida mavjud qimmatli organik moddalarning yo‘qolishi kabi kamchiliklarga ega[8,10].

Shuning uchun ham bugungi kunda chiqindilarni energiya yoki qimmatli mahsulotga aylantirishdagi yangicha yondashuv(gazlashtirish va piroliz)lar chiqindilarni boshqarish usullari sifatida ommavylashib bormoqda.


Gazlashtirish jarayoni odatda, 800 – 1200 °C haroratda sodir bo‘ladi va bu jarayon xom-ashyo tarkibi hamda reaktor turiga bog‘liq[2]. Biroq ushbu jarayon natijasida olingan vodorod, sintez gaz, uglerod oksidi va metan kabi gazlarni tozalash jarayoni murakkab hamda ularni tashish yuqori sarf-xarajatlarni talab qiladi[9]. Shu bilan birgalikda, quyidagi sabablarga ko‘ra gazlashtirish jarayoni chiqindilar hajmi va miqdorini kamaytirishda samarali usullardan biri hisoblanadi[10]:

- katta miqdordagi chiqindilarni qayta ishlashda an'anaviy usullarga qaraganda kam vaqt talab qiladi;
- maishiy chiqindilarni to'plash va ko'mish uchun katta hududlarga bo'lgan talabni kamaytiradi;
- tuproq va yer osti suvlarini zararlaydigan xavfli chiqindilarni qisqartirish(yo'qotish)da eng munosib usullardan biri ekanligi;
- chiqindi yoqish pechlari va yonish kameralari o'rnini bosishi mumkinligi.

Gazifikatorдан олинган газнинг биогаз курилмаларидан олинган газдан устунлиги унинг ўюори ишиqlik qobiliyati(qiymati)га egaligidir[11]. Bugungi kungacha o'tkazilgan tajribalar, matematik modellashtirish va ko'pgina izlanishlar gazlashtirish usulini yaxshi tushunish hamda o'rganish uchun yo'naltirilgan[11,12,13]. Gazlashtirish jarayonida hosil bo'ladigan ўюори molekulyar uglevodorodlarning kondensatsiyalashgan aralashmasidan iborat bo'lgan saqich(smola) asosiy muammo hisoblanadi va u gaz reaktorining zaranlanishi, korroziyasi hamdabekilib qolishiga olib kelishi mumkin[2]. Biroq saqichni yo'qotishning fizik[14], kimyoviy[15,16] kabi turli xil usullar va saqich hosil bo'lishini kamaytirish hamda vodorod chiqishini oshirish uchun oxirgi paytlarda bug'li gazlashtirish usuli qo'llanilmoqda[17].

Piroliz bu 300 dan 650 °C gacha harorat oraliq'ida sodir bo'ladigan termokimyoviy parchalanish jarayoni bo'lib, unda biomassa havo(kislorod)siz muhitda yonishi natijasida suyuq(bioyoqilg'i), qattiq va gaz ko'rinishidagi muddaga aylanadi[18,19]. Bioyoqilg'i, gaz va polukoks mazkur jarayon natijasida hosil bo'ladigan asosiy mahsulotlar hisoblanadi. Uch turdagibiyoyoqilg'i, gaz va polukoks) ikkilamchi mahsulot olish imkoniyati ushbu jarayonning boshqa termokimyoviy jarayonlar(yoqish, gazlashtirish)ga qaraganda kengroq qo'llashga sabab bo'lmoxda[20]. Piroliz natijasida olinadigan ikkilamchi mahsulot hajmi va kimyoviy tarkibi xom-ashyo xususiyati, jarayondagi harorat hamda yonish tezligi kabi bir qancha parametrlerga bog'liq[2,20]. Yonish tezligiga qarab, piroliz jarayoni sekin va tezkor pirolizga bo'linadi. Tezkor pirolizda jarayon juda qisqa vaqt(bir necha sekund)da sodir bo'lib, bioyoqilg'i va gaz kabi ikkilamchi mahsulotlar olinadi. Sekin piroliz esa nisbatan ko'proq vaqt(bir necha daqiqa va undan ko'proq) talab qiladi va olinadigan ikkilamchi mahsulot polukoks hisoblanadi[21]. Bundan tashqari bugungi kunda laboratoriya sharoitlarida *chaqnash* deb nomlanuvchi ўюори yonish tezligiga ega piroliz maishiy chiqindilardan олинган qattiq yoqilg'idan sintez gaz ishlab chiqarishda muvaffaqiyatlari qo'llanilmoqda[22]. Piroliz jarayonining yana bir yangi turi mikroto'lqinli piroliz hisoblanadi. Ushbu jarayonda xom-ashyo yonishi uchun berilayotgan issiqlik uning markazigacha mikroto'lqinlar orqali yuborilishi sababli xom-ashyon maydalash zaruriyatini tug'dirmaydi[2,20]. Mikroto'lqinli pirolizning asosiy afzalliklari nisbatan yonish vaqtining qisqaligi, xom-ashyoning bir tekisda yonishi, uchuvchan mahsulotning ўюори issiqlik qiymatiga egaligi[23] va dastlabki xom-ashyon maydalash zaruriyatini yo'qligi qo'shimcha xarajatlarni kamaytirishi hisoblanadi[20].

Biroq piroliz(gazlashtirish) natijasida олинган газ таркibida metan va boshqa organik birikmalarining mavjudligi undan to'g'ridan – to'g'ri foydalanish imkoniyatini pasaytiradi[24]. Ushbu muammoni bartaraf etish va olinadigan mahsulot miqdorini oshirish maqsadida ko'pgina olimlar turli katalizatorlarni yaratish ustida tajriba ishlarini olib borishmoqda. Masalan, O.Tursunov[3] maishiy chiqindilarni piroliz/gazlashtirish jarayonida kaltsinatsiyalangan dolomit va seolitdan katalizator sifatida foydalanib, ularning jarayon natijasida olinadigan gaz miqdoriga ta'sirini o'rgangan. 200 – 750 °C harorat oraliq'ida olib borilgan maishiy chiqindilar pirolizi natijasida hosil bo'lgan gaz miqdori 49 – 57 mol% oraliq'ida kuzatilgan. Tajriba natijasidan shuni xulosa qilish mumkinki, katalizator sifatida kaltsinatsiyalangan dolomitni qo'llash jarayon natijasida hosil bo'ladigan gaz miqdoriga va tarkibiga sezilarli ta'sir qiladi. Bundan tashqari ushbu katalizatordan foydalanilganda gazning hosil bo'lishi ortgan bo'lsa, bioyoqilg'i hosil bo'lishi seolitga nisbatan sezilarli darajada pastligi qayd etilgan. Quyidagi 1-rasmda O.Tursunov[3] o'z tajribasida qo'llagan katalizatorlar natijasida олинган mahsulot hajmining solishtirma diagrammasi keltirilgan.



1 – rasm. Katalizator va katalizatorsiz piroliz(750 °C) natijasida олинган mahsulotlar(gaz, moy, polukoks) hajmini solishtirish diagrammasi[3]

**Xulosa.** Piroliz/gazlashtirish jarayoni natijasida maishiy chiqindilar ўюори haroratda qayta ishlanib, bioyoqilg'i, gaz va polukoks kabi ikkilamchi mahsulot olish mumkin. Gazlashtirish jarayoni natijasida o'z nomi bilan vodorod, sintez gaz, uglerod oksidi va metan kabi gazlar olinadi. Uning eng katta kamchiligi ushbu gazlarni tozalash jarayonining murakkabligi hamda ularni tashish ўюори sarf-xarajatlarni talab qilishi hisoblanar ekan. Piroliz jarayonining gazlashtirishdan ustun tomoni ushbu usulda olinadigan gazdan tashqari polukoks va

bioyoqilg'i kabi qo'shimcha mahsulotlarni olish imkoniyati mavjudligidir. Biroq piroliz/gazlashtirish jarayonining umumiy kamchiliklariga ushbu usulda chiqindilarni qayta ishlashdan oldin dastlabki saralash va ularni maydalash zaruriyatini kirgizishimiz mumkin. Bu esa o'z navbatida ushbu jarayonlarda bo'ladigan sarf - xarajatlarning oshishiga va natijada olinadigan mahsulot tannarxiga sezilarli ta'sir o'tkazadi. Shu boisdan, bugungi kunda chiqindilarni qayta ishlashning gidrotermal karbonizatsiya va plazma texnologiyasi kabi yangi hamda samarali usullari chuqr o'rganilib, ishlab chiqarishga tadbiq etilmoqda.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1] A. Sanlisoy, M.O. Carpinlioglu. A review on plasma gasification for solid waste disposal// INTERNATIONAL JOURNAL OF HYDROGEN ENERGY 42 (2017) 1361-1365
- [2] Leonidas Matsakas, Qiuju Gao, Stina Jansson, Ulrika Rova, Paul Christakopoulos. Green conversion of municipal solid wastes into fuels and chemicals// Electronic Journal of Biotechnology 26 (2017) 69–83.
- [3] Obid Tursunov, A comparison of catalysts zeolite and calcined dolomite for gas production from pyrolysis of municipal solid waste (MSW)// Ecological Engineering 69 (2014) 237–243
- [4] O.Tursunov, N.Abduganiev. A comprehensive study on municipal solid waste characteristics for green energy recovery in Urta-Chirchik: A case study of Tashkent region// Materials Today: Proceedings 25 (2020) 67–71.
- [5] P.Bhada-Tata, D.Hoornweg. What a waste a global review of solid waste management// Urban Development Series Knowledge Papers, 15, World Bank, 2012.
- [6] M.D. Meena, R.K. Yadav, B. Narjary, Gajender Yadav, H.S. Jat, P. Sheoran, M.K. Meena, R.S. Anti,B.L. Meena, H.V. Singh, Vijay Singh Meena, P.K. Rai, Avijit Ghosh, P.C. Moharana. Municipal solid waste (MSW): Strategies to improve salt affected soilsustainability: A review// Waste Management 84 (2019) 38–53.
- [7] O.Tursunov, J.Dobrowolski, W.Nowak. Catalytic Energy Production from Municipal Solid Waste Biomass: Case Study in Perlis-Malaysia//World Journal of Environmental Engineering, 2015, Vol. 3, No. 1, 7–14.
- [8] N.Abdug'aniyev. Bioenergiya olishda maishiy chiqindilar xarakteristikasini kompleks o'rganish// "QISHLOQ VA SUV XO'JALIGINING ZAMONAVIY MUAMMOLARI" mavzusidagi an'anaviy XVIII-yosh olimlar,magistrantlar va iqtidorli talabalarning ilmiy-amaliy anjumanı. Maqolalar to'plami 2019, 293–296
- [9] Obid Tursunov, Jan Dobrowolski, Kazimierz Klima, Bogusława Kordon, Janusz Ryczkowski, Grzegorz Tylko, Grzegorz Czerski. The Influence of Laser Biotechnology on Energetic Value and Chemical Parameters of Rose *Multiflora* Biomass and Role of Catalysts for bio-energy production from Biomass: Case Study in Krakow-Poland// World Journal of Environmental Engineering, 2015, Vol. 3, No. 2, 58–66.
- [10] Shweta Thakare, Somnath Nandi. Study on Potential of Gasification Technology for Municipal Solid Waste (MSW) in Pune City// Energy Procedia 90 ( 2016 ) 509 – 517.
- [11] Sharholy M, Ahmed K, Mahmood G, Trivedi R. Municipal soild waste management in India cities – a review// Waste Managnt.2008; 28:459–467.
- [12] Budhathoki R. Three zone modeling of Downdraft biomass Gasification: Equilibrium and finite Kinetic Approach, Master's Thesis,University of Jyvaskyla. 2013; pp: 1–96.
- [13] Basu P. Biomass Gasification: Pyrolysis and Torrefaction Practical Design and Theory, 2nd Edition, Elsevier, 2013; Chapter 7, 199–313.
- [14] Vivanpatarakij S, Assabumrungrat S. Thermodynamic analysis of combined unit ofbiomass gasifier and tar steam reformer for hydrogen production and tar removal// Int. J. Hydrogen Energy 2013;38:3930–6.
- [15] Campoy M, Gomez-Barea A, Ollero P, Nilsson S. Gasification of wastes in a pilot fluidizedbed gasifier// Fuel Process Technol 2014;121:63–9.
- [16] Li JF, Liao SY, Dan WY, Jia KL, Zhou XR. Experimental study on catalytic steam gasificationof municipal solidwaste for bioenergy production in a combined fixed bedreactor// Biomass Bioenergy 2012;46:174–80.
- [17] He M, Hu Z, Xiao B, Li J, Guo X, Luo S, et al. Hydrogen-rich gas from catalyticsteam gasification of municipal solid waste (MSW): Influence of catalyst and temperatureon yield and product composition// Int J Hydrogen Energy 2009;34:195–203.
- [18] Mohan D, Pittman CU, Steele PH. Pyrolysis of wood/biomass for bio-oil: A critical review// Energy Fuel 2006;20:848–89
- [19] J.Cheng. Biomass to Renewable Energy Processes, Boca Raton; London; New York:CRC Press, (2010).
- [20] Ayesha Tariq Sipra, Ningbo Gao, Haris Sarwar. Municipal solid waste (MSW) pyrolysis for bio-fuel production: A review of effects of MSW components and catalysts// Fuel Processing Technology 175 (2018) 131–147
- [21] Basu P. Biomass gasification, pyrolysis and torrefaction—Practical design and theory. 2nd ed. CA, USA: Elsevier Inc.; 2013.
- [22] Williams PT, Barton J. Demonstration scaleflash pyrolysis of municipal solid waste. Proc Inst Civ Eng Waste Resour Manag 2011;164:205–10.
- [23] Yin C. Microwave-assisted pyrolysis of biomass for liquid biofuels production. Bioresour Technol 2012;120:273–84.
- [24] Obid Tursunov, Khairuddin Md Isa, Nurislom Abduganiev, Bakhadir Mirzaev, Dilshod Kodirov, Abdusaid Isakov, Sergii A. Sergienko. A SUCCINCT REVIEW OF CATALYST DOLOMITE ANALYSIS FOR BIOMASS-MSW PYROLYSIS/GASIFICATION// Procedia Environmental Science, Engineering and Management 6 (2019) (3) 365–374

# QATTIQ MAISHIY CHIQINDILARDAN ISSIQLIK VA ELEKTR ENERGIYASI OLİSHNING NAZARIY MATEMATIK HISOBI (O'RTA CHIRCHIQ TUMANI MISOLIDA)

N.N.Abdug'aniyev-stajyor o'qituvchi,  
O.G.Qilichov-assistant,  
A.Q.Davirov- stajyor o'qituvchi, TIQXMMI

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O'rta Chirchik tumani qattiq maishiy chiqindilaridan issiqlik va elektr energiyasi olishning nazariy matematik hisobi keltirilgan. Barcha hisoblar xorijiy adabiyotlar tahlili asosida olib borilgan.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье представлено теоретический и математический расчет производства тепла и электроэнергии из твердых бытовых отходов в Урта Чирчикского района. Все расчеты основаны на анализе зарубежных литератур.


## ABSTRACT

This article presents a theoretical and mathematical calculation of the production of heat and electricity from municipal solid waste in Urta Chirchik district. All calculations are based on the analysis of foreign literatures.

## KIRISH

Bugungi sanoatlashgan davrda turli xom - ashylar qayta ishlanib inson extiyojlariga ishlatalmoqda. Ushbu ishlab chiqarish jarayonlari albatta ma'lum energiya iste'molini talab qiladi. Ishlab chiqarish sohasida foydalaniladigan energiya asosan issiqlik va elektr energiya ko'rinishida bo'ladi. Mazkur energiya turlari hozirgi paytda qazilma yoqilg'ilarini hisobiga olinmoqda. Bizga ma'lumki, tabiiy boyliklar butun Yer yuzi bo'ylab cheklangan miqdorda mavjud. Shuning uchun ham energiyaning noanan'anaviy va qayta tiklanuvchi manbalari(quyosh, shamol, gidro, biomassa)dan foydalanish jadallik bilan rivojlanib bormoqda. Chiqindilar biomassaning bir turi bo'lib, inson hayot faoliyati davomida vujudga keladi. Hozirgi paytda ana shu hosil bo'layotgan chiqindilar asosan ochiq atmosfera muhitidagi chiqindixonalarda saqlanmoqda. Chiqindilar bilan bo'layotgan bunday e'tiborsiz munosabat natijasida atrof - muhitiga va inson salomatligiga ko'rsatayotgan salbiy oqibatlari haqida yuqorida to'liq to'xtalib o'tildi. Demak, o'z - o'zidan bunday salbiy oqibatlarni kamaytirish uchun nima qilishimiz kerak? degan savol tug'iladi. Albatta ularni qayta ishslash va energiyaning biron turiga aylantirib foydalanish kerak. Buning natijasida biz ikkita narsaga erishishimiz mumkin, ya'ni, ularning flora va fauna dunyosiga ko'rsatayotgan salbiy oqibatlarini yo'qotishimiz hamda ishlab chiqarish sohasida energiya sifatida foydalanish.

**Natijalar tahlili.** Ushbu ilmiy-tadqiqot ishida namunalarni yig'ish tahminan 2 oy davomida olib borildi. O'rta Chirchik tumani chiqindi to'plash poligonidagi qattiq maishiy chiqindilarini saralash jarayoni va har bir chiqindi turning foiz ko'rsatkichlari 1 – rasmda keltirilgan. 1 – rasmdan ko'rinish turibdiki, yog'och, tekstil, oziq-ovqat qoldiqlari va polietilen paket kabi chiqindi turlari O'rta Chirchik tumani chiqindi to'plash poligonidagi chiqindilar tarkibida katta ulushga ega. Demak, tuman maishiy chiqindilar to'plash poligonida keng tarqalgan o'n turdag'i chiqindi turlari quyidagi miqdorlarda qayd etildi: yog'och chiqindilar 47,9 %, tekstil 13 %, oziq-ovqat qoldiqlari 9,5 %, polietilen paket 8,9 %, qattiq plastik 5,3 %, shisha 5,3 %, qog'oz 4,7 %, rezina 2,4 %, metall qoldiqlari 0,6 % va boshqa chiqindilar 2,4 %. [1,2]



1 – rasm. O'rta Chirchik tumanidagi qattiq maishiy chiqindilar tarkibi[1,2]

Yog'och chiqindilar miqdorining yuqoriligi O'rta Chirchik tumanining geografik joylashuvi, ko'p qavatlari uylarning yo'qligi va tuman aholisining hovlilarda istiqomat qilishi bilan izohlash mumkin. Bundan tashqari ushbu chiqindi miqdorining yuqoriligiga yana bir sabab chiqindi namunalarini yig'ish jarayoni har yilgi hosil yig'ish

mavsumidan keyin yanvar oyida amalga oshirilganligidir. Qayta ishslash mumkin bo'lgan chiqindilar miqdorining ko'pligi tuman poligonining energiya olish potensiali yuqoriligini anglatadi.

Yuqorida ta'kidlanganidek, proksimal tahlil tanlab olingan(QMCH va yog'och chiqindilari) namunalar tarkibidagi namlik miqdori, uchuvchan moddalar miqdori, namuna tarkibidagi kul va sobit uglerod miqdorini aniqlashni o'z ichiga oladi[3,4]. Yakuniy tahlilda esa olingan namunalarni yanada chuqurroq o'rganish maqsadida kamyoviy tavsifi aniqlanadi. Binobarin ilmiy-tadqiqot ishidagi proksimal va yakuniy tahlil natijalari 1 – jadvalda keltirilgan.

**1 – jadval. Proksimal va yakuniy tahlil natijalari[1]**

Proksimal tahlil natijalari			
QMCH	Yog'och		
Namlik miqdori, %	13,05	Namlik miqdori, %	18,22
Uchuvchan moddalar miqdori, %	62,6	Uchuvchan moddalar miqdori, %	49,4
Kul miqdori, %	20,8	Kul miqdori, %	21,5
Sobit uglerod, %	3,55	Sobit uglerod, %	10,88
Yakuniy tahlil natijalari			
QMCH	Yog'och		
C, %	54,26	C, %	52,41
H, %	5,87	H, %	7,03
S, %	0,71	S, %	0,25
N, %	1,59	N, %	0,56
O, %	37,57	O, %	39,75

Quyida bir qancha xorijiy adabiyotlarda keltirilgan qattiq maishiy chiqindilardan issiqlik va elektr energiyasi olishning nazariy matematik hisoblari hamda shu hisoblar asosida O'rta Chirchiq tuman chiqindilarni to'plash poligonidagi qattiq maishiy chiqindilardan olish mumkin bo'lgan energiya miqdorlari keltirilgan.

Demak, chiqindilarni yoqish natijasida ularning dastlabki hajmini 95 – 96 % ga kamaytirish imkonи mavjud. Biroq chiqindilarni to'g'ridan-to'g'ri yoqish natijasida olinadigan issiqlik miqdori boshqa termokimyoiy jarayonlarga nisbatan kam bo'lib, bug' qozonlari va turbinalarida qo'llaganda nisbatan kichik samaraga erishiladi[5]. [6] ga ko'ra, qattiq maishiy chiqindilarni yoqish natijasida hosil bo'ladigan issiqlik energiyasi quyidagi Dyulong formulasiga asosan hisoblanadi:

$$\text{Issiqlik energiyasi } \left( \frac{\text{kJ}}{\text{kg}} \right) = 337C + 1428 \left( H - \frac{O}{8} \right) + 9S \quad (6)$$

bu yerda, C – uglerod miqdori, %

H – vodorod miqdori, %

O – kislorod miqdori, %

S – oltingugurt miqdori, %

1 – jadval ma'lumotlari asosida O'rta Chirchiq tuman chiqindilarni to'plash poligonidagi maishiy chiqindilarni yoqish natitasida hosil qilinadigan issiqlik energiyasi (6) formulaga ko'ra quyidagicha hisoblanadi:

$$\text{Issiqlik energiyasi } \left( \frac{\text{kJ}}{\text{kg}} \right) = 337 \cdot 54,26 + 1428 \left( 5,87 - \frac{37,57}{8} \right) + 9 \cdot 0,71 = 19968 \text{ kJ/kg} \quad (7)$$

Yuqoridagi hisobdan ma'lum bo'ldiki, tumandagi bir kg chiqindi yonishi natijasida hosil bo'ladigan issiqlik energiyasi 19968 kJ/kg ga teng ekan.

Hosil qilingan issiqlik energiyasidan elektr energiya olish uchun [6] da keltirilgan quyidagi bosqichlarni amalga oshirishimiz kerak:

1) issiqlik energiyasidan foydalanib hosil qilinadigan bug' energiyasi uning 70 % ni tashkil etadi, ya'ni

$$\text{Bug' energiyasi} = 0,7 \cdot 19968 = 13977,6 \text{ kJ/kg} \quad (8)$$

Ushbu bug' energiyasi elektr energiya ishlab chiqaradigan generator turbinasini aylantirishda foydalaniladi. Issiqlik quvvati – bu bir birlik elektr energiya ishlab chiqarishda zarur bo'ladigan quvvat hisoblanib, 1 kVt = 3600 kJ/kg ga teng. Shunday qilib, 1 kVt elektr energiya ishlab chiqarish uchun 3600 kJ issiqlik energiyasi kerak bo'lar ekan.

Bizga ma'lumki, har qanday energiyadan foydalanilganda uning samaradorligi 100 % ga teng emas. Shundan kelib chiqqan holda, ushbu hisob ishida bug' energiyasining elektr energiyaga aylanish samaradorligi 31,6 % bo'lib, elektrostansiyaning iste'mol quvvati

$$3600 : 31,6 \% = 11395 \text{ kJ/kVt-soat} \quad (9)$$

ni tashkil etadi. Bundan kelib chiqadi, 1 kVt-soat elektr energiya ishlab chiqarishimiz uchun 11395 kJ bug' energiyasi talab qilinadigan. Ushbu ma'lumotlar asosida ishlab chiqariladigan elektr energiyani quyidagicha hisoblashimiz mumkin:

$$\text{Elektr energiya} = \text{Bug' energiyasi} : 11395 \text{ kJ/kVt-soat} \quad (10)$$

$$\text{Elektr energiya} = 13977,6 : 11395 = 1,22 \text{ kVt-soat} \quad (11)$$

Mazkur qiymat asosida tumanda kunlik hosil bo'ladigan maishiy chiqindilardan olish mumkin bo'lgan elektr energiya miqdorini ham nazariy matematik hisoblar asosida hisoblashimiz mumkin. Buning uchun 1,22 kVt-soat qiymatni kunlik hosil bo'ladigan maishiy chiqindi miqdoriga ko'paytirishimiz kifoya. Shu bilan birligida [6] ga ko'ra, hisoblangan umumiyl elektr energiya miqdoridan 6 % stansiya extiyojlariga va 5 % issiqliknning hisobga olinmagan yo'qolishlarini olib tashlaydigan bo'lsak, biz olishimiz mumkin bo'lgan sof elektr energiya miqdori hosil bo'ladi.

**Xulosa.** Demak, bir qancha xorijiy adabiyotlarda keltirilgan qattiq maishiy chiqindilardan issiqlik va elektr energiyasi olishning nazariy matematik hisoblari asosida tuman maishiy chiqindilaridan olish mumkin bo'lgan energiya miqdorlari hisoblandi. Unga ko'ra, tuman maishiy chiqindilarining har kilogrammidan 19968 kJ issiqlik energiyasi, 13977,6 kJ bug' energiyasi va 1,22 kVt·soat elektr energiyasini olish imkoniyati mavjud.

Ushbu natijalar O'rta Chirchiq tumani chiqindilarni to'plash poligonidagi QMCH va yog'och chiqindi namunalari qayta tiklanuvchi energiya manbai sifatida foydalanishda yuqori potensialga ega degan xulosaga kelishimiz mumkin.

### Foydalanilgan adabiyotlar

- [1] O.Tursunov, N.Abduganiev. A comprehensive study on municipal solid waste characteristics for green energy recovery in Urta-Chirchik: A case study of Tashkent region// Materials Today: Proceedings 25 (2020) 67–71.
- [2] N.Abdug'aniyev. Bioenergiya olishda maishiy chiqindilar xarakteristikasini kompleks o'rGANISH// "QISHLOQ VA SUV XO'JALIGINING ZAMONAVIY MUAMMOLARI" mavzusidagi an'naviy XVIII-yosh olimlar,magistrantlar va iqtidorli talabalarning ilmiy-amaliy anjumani. Maqolalar to'plami 2019, 293–296
- [3] Obid Tursunov, A comparison of catalysts zeolite and calcined dolomite for gas production from pyrolysis of municipal solid waste (MSW)// Ecological Engineering 69 (2014) 237–243
- [4] O.Tursunov, J.Dobrowolski, W.Nowak. Catalytic Energy Production from Municipal Solid Waste Biomass: Case Study in Perlis-Malaysia//World Journal of Environmental Engineering, 2015, Vol. 3, No. 1, 7–14.
- [5] Kamel Singha, Solange O. Kellyb and Musti K.S. Sastry. Municipal Solid Waste to Energy: An Economic and Environmental Assessment for Application in Trinidad and Tobago// The Journal of the Association of Professional Engineers of Trinidad and Tobago Vol.38, No.1, October 2009, pp.42–49.
- [6] Shubham Rathi, Dr. Pradeep Kumar. Electrical Energy Recovery from Municipal Solid Waste of Kanpur City.

## ЭЛЕКТРОФИЛЬТРНИНГ ТЕХНОЛОГИК РАЗРЯД ОРАЛИГИНИ МАГНИТ КУЧАЙТИРГИЧ ЁРДАМИДА БОШҚАРИШНИНГ ЭНЕРГО-ИНФОРМАЦИОН МОДЕЛИ

Баратов Р.Ж., Музрафаров Ш.М., Эркинов Б.Н.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### АННОАТАЦИЯ

Ушбу мақолада пахта тозалаш заводлари учун мўлжалланган электрофильтрлар системасини электр энергия билан таъминлаш схемасига асосланиб бошқариладиган энерго-информационон модели келтирилган. Моделда электрофильтрга кучланиш берадиган импульсли машина генераторини ҳаракатга келтирувчи электр моторидан тортиб электрофильтрнинг разряд оралиғида ҳосил бўладиган электромагнит майдонгача бўлган жараённи ўз ичига олади.

### АННОТАЦИИ


В статье приведена управляемая энергоинформационная модель на основе схемы электроснабжения системы электрофильтров для хлопкоочистительных заводов. Модель включает в себя процесс от электродвигателя, который приводит в действие генератор импульсной машины, который подает напряжение на электрофильтр, до электромагнитного поля, генерируемого на разрядном промежутке электрофильтра.

### ABSTRACT

The paper presents a controlled energy-informational model based on the power supply circuit of the electrostatic precipitator system for cotton ginning plants. The model includes a process from the electric motor, which drives the generator of the pulse machine, which supplies voltage to the electrostatic precipitator, to the electromagnetic field generated in the discharge gap of the electrostatic precipitator.

**Х**озирги кунда дунёда йирик завод ва фабрикалар сони ортиб борган сари ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва чанглар мос равишда ошиб бормоқда. Мамлакатимизда эса фаолият юритаётган пахта тозалаш заводлари асосий атмосферага чангли ҳаво чиқарувчи манба сифатида қайд этилган. Пахта хом-ашёсига бирламчи ишлов бериш жараёнида асосан циклонлар билан биргалиқда бостириш камераларидан фойдаланилмоқда. Бироқ бу жараёнда майда чангларни ушлаб қолишида циклонлар юқори бостириш қобилиятига эга эмас. Майда чангларни ушлаб қолишида дунёда электрофильтрлар тизимидан фойдаланиб атмосферага чиқаётган чангли ҳавони тозалаш имконини беради.

Электрофильтрлар системасида технологик разряд оралиғини ростлаш учун ТИҚҲММи профессори Ш.Музрафаров томонидан магнит кучайтиргичлар ёрдамида бошқариш таклиф этилган. Бундай ростлаш системасини М.Зарипов методи [1] бўлган энерго-информационон моделини яратиш, жараёни аниқ тассавур қилиш билан бирга ҳар бир параметрни технологик жараёнда турли таъсиrlар бўлганда ўзгаришини кузатиш мумкин.



1 - расм. Магнит кучайтиргич характеристикаларини тадқиқ этиш учун  
стенднинг принципиал схемаси

1- расмда бир батерияли пахта тозалаш заводларида чанг чиқарувчи манбаларга ўрнатиладиган электрофильтрлар системасининг электр таъминоти схемаси келтирилган. Электрофильтрлар системасида қўпроқ электр тешвишлар юз бериши туфайли разряд оралиқларда кучланишни ростлаш магнит кучайтиргичлар ёрдамида амалга оширилади. Электрофильтрлар системасини математик моделлаштиришда юқорида келтирилган электр таъминоти схемасини таҳдил қилган ҳолда магнит кучайтиргич бошқариш токининг ўзгаришини системанинг чиқиш параметрларига таъсири ўрганиб чиқилди.

Проф. Зарипов методига кўра ҳар қандай техник ечимларни таҳлил ва синтез қилишда мос техник қурилмаларни бир нечта оддий бўғинлар мажмуи сифатида кўрилса жуда соддалашиши келтириб ўтилган. Бунда ҳар хил физик табиятли параметр ёки катталик бошқа бирор параметр ёки катталикка ўзгаришувчи элементар бўғинларнинг боғлиқлигини характерлайди. Ушбу усулга кўра тегишли системанинг параметрик структура схемасини (ПСС) чизиш ва узатиш коэффициентларини ҳисоблаш ёки умумий равишда системанинг кириш ва чиқиши катталикларнинг боғлиқлик ифодасини барча таъсир этадиган омилларни инобатга олган ҳолда аниқлаш қулай ҳисобланади.

2 - расмда келтирилган магнит кучайтиргич характеристикаларини тадқиқ этиш учун стендининг принципиал схемасини ишлаб чиқилган параметрик структуравий схема асосида моделлаштирамиз. Моделлаштирилган схема 2 - расмда тасвирланган.

Даврий импульс генераторида ЭОК ҳосил қилиш учун у бирламчи электр мотори билан айлантирилади [2-6]. Бунда айланиш тезлиги  $I_{MB} = \omega$  орқали белгиланади ва узатиш коэффициенти ёрдамида даврий импульс генераторининг статор чулғами чиқишида электр кучланишга эга бўламиз ва у энерго-информацион усул асосида қуйидаги формула кўринишида ёзилади:

$$U_{\mathcal{E}} = I_{MB} \times K_{IMK} U_{\mathcal{E}} \quad (1)$$

бунда  $I_{MB}$  - механик бурчак реакцияси ёки  $\omega_M$  - механик бурчак тезлик.

1 ва 2 схемаларга асосан генератор чиқишидаги кучланиш Кирхгофнинг иккинчи қонунига кўра магнит кучайтиргич ва кучайтирувчи трансформаторнинг бирламчи чулғами қисмаларига тақсимланади, магнит кучайтиргичнинг чиқиши қисмалардаги кучланишнинг ўзгариши эса ўз навбатида кучайтирувчи трансформаторнинг бирламчи чулғамидаги кучланишни ўзгаришиш имконини беради. Шунга асосан формула қуйидагича ёзилади:

$$U_{1TP} = U_{\mathcal{E}} - U_{MK} \quad (2)$$


бунда  $U_{1TP}$  - кучайтирувчи трансформаторнинг бирламчи чулғамига бериладиган кучланиш, В;  $U_{\mathcal{E}}$  - даврий импульс кучланишли машина генератори қисмалардаги кучланиш, В;  $U_{MK}$  - магнит кучайтиргич ишчи чулғамидаги кучланиш, В.

Параметрик структуравий схемани куриш шартига биноан бирламчи кучайтирувчи трансформаторнинг кириш кучланиши кучайтирувчи трансформаторнинг бирламчи чулғами электр ўтказувчанлиги  $G_{\mathcal{E}TP}$  ёрдамида  $I_{\mathcal{E}}$  кириш токига айланади, яъни:

$$I_{\mathcal{E}} = U_{1TP} \times G_{\mathcal{E}TP} \quad (3)$$

Кучайтирувчи трансформаторда кириш токи эса  $U_{1TP}$  магнит юритувчи кучга айланади ва узатиш коэффициенти ёрдамида магнит юритувчи куч қуйидаги формула билан аниқланади:

$$U_{\mu TP} = I_{\mathcal{E}} \times K_{I_{\mathcal{E}} U_{\mu}} \quad (4)$$



2 - расм. Марказлаштирилган электр схемаси асосида ишлайдиган магнит кучайтиргич қурилмасини бошқаришнинг параметрик структура схемаси

Трансформаторнинг магнит занжирини таҳлилига асосан магнит таъсир магнит оқимида ёки магнит зарядига айланади. Демак ПСС га кўра магнит оқими қуйидаги ифода билан ёзилади:

$$Q_{\mu} = U_{\mu TP} \times C_{\mu TP} \quad (5)$$

бунда  $C_{\mu TP}$  - кучайтирувчи трансформаторнинг магнит ўтказувчанлиги.

Кучайтирувчи трансформатор магнит занжирида магнит реакция ёки вақт бўйича ўзгарувчан магнит оқими қуйидагича ифодаланади:

$$I_{\mu TP} = j\omega \times Q_{\mu} \quad (6)$$

Электрофильтрларнинг разряд ораликларига бериладиган кучайтирувчи трансформаторларнинг чиқиши кучланиши эса магнит реакциянинг ўрамлар сонига кўпайтмасига teng, яъни:

$$U_{\mathcal{E}Q} = I_{\mu TP} \times K_{\mu TP} U_{\mathcal{E}} \quad (7)$$

бунда  $K_{\mu TP} U_{\mathcal{E}}$  - магнит реакциянинг трансформаторнинг иккиласи чулғамида ҳосил бўладиган токни кучланишга ўзгаришиш коэффициенти.

1 - схемада магнит кучайтиргичнинг қисмаларида ҳосил бўлаётган кучланиш қуйидаги кетма кетлиқда ёзилади. Бунда магнит кучайтиргичнинг дастлабки чулғамига ўзгармас ток кучланиши берилади ва чулғамдаги ток реостат орқали бошқарилади. Электр кучланишнинг бошқарув токига ўзгарилиши магнит кучайтиргичнинг электр ўтказувчанлиги орқали амалга оширилади, яъни:

$$I_B = U_{\mathcal{E}} \times G_{EMK} \quad (8)$$

Узатиш коэффициенти орқали бошқарув токи кучайтиргичда магнит таъсирга айланади ва формула қуйидагича ёзилади:

$$U_{\mu MK} = I_B \times K_{IB} U_{\mu MK} \quad (9)$$

бунда  $U_{\mu MK}$  – магнит кучайтиргичда магнит таъсир. Магнит кучайтиргичда магнит ўтказувчанлик магнит таъсирни магнит оқимига айлантиради ва қўйидагича ёзилади:

$$Q_{\mu MK} = U_{\mu MK} \times C_{\mu MK} \quad (10)$$

Магнит кучайтиргичнинг чиқиши кучланиши эса узатиш коэффициенти орқали аниқланади:

$$U_{MK} = Q_{\mu MK} \times K_{Q_{\mu MK} U_{MK}} \quad (11)$$

бунда  $K_{Q_{\mu MK} U_{MK}}$  – магнит оқимини магнит кучайтиргичнинг чиқиши кучланишига ўзгартириш коэффициенти.

Юқоридаги схемалардан маълумки, магнит кучайтиргичнинг бошқарув токини ростлаш билан кучайтирувчи трансформаторнинг бирламчи ва иккиласми кучланишини ўзгартиришга эришиш мумкин, яъни электрофильтрлар системасининг разряд оралиғидаги кучланишини бошқарув токи ёрдамида ростланади [7-8]. Шунга кўра графоаналитик кўринишда бошқарув токини электрофильтрнинг чиқиши кучланишига боғлиқлигини  $U_{\text{ЭЧИК}}=f(I_B)$  аниқлаш талаб этилади. Кирхгофнинг иккинчи қонуни учун ёзилган формула (2) ёрдамида талаб этилган функцияни аниқлаймиз:

$$U_{\text{ЭГ}} = I_{MB} \times K_{I_{MK} U_{\text{ЭГ}}} \quad (12)$$

$$U_{1\text{TP}} = \frac{U_{\text{ЭЧИК}}}{G_{\text{ЭТР}} \times K_{I_{\Theta 1}} U_{\mu} \times C_{\mu \text{TP}} \times j\omega \times K_{I_{\mu \text{TP}} U_{\Theta}}} \quad (13)$$

$$U_{MK} = I_B \times K_{I_B U_{\mu MK}} \times C_{\mu MK} \times K_{Q_{\mu MK} U_{MK}} \quad (14)$$

(12), (13) ва (14) ни (2) га қўйиб қўйидаги ифодани ҳосил қиласиз:


$$\frac{U_{\text{ЭЧИК}}}{G_{\text{ЭТР}} \times K_{I_{\Theta 1}} U_{\mu} \times C_{\mu \text{TP}} \times j\omega \times K_{I_{\mu \text{TP}} U_{\Theta}}} = I_{MB} \times K_{I_{MK} U_{\text{ЭГ}}} - I_B \times K_{I_B U_{\mu MK}} \times C_{\mu MK} \times K_{Q_{\mu MK} U_{MK}} \quad (15)$$

$$U_{\text{ЭЧИК}} = G_{\text{ЭТР}} \times K_{I_{\Theta 1}} U_{\mu} \times C_{\mu \text{TP}} \times j\omega \times K_{I_{\mu \text{TP}} U_{\Theta}} \times I_{MB} \times K_{I_{MK} U_{\text{ЭГ}}} - G_{\text{ЭТР}} \times K_{I_{\Theta 1}} U_{\mu} \times C_{\mu \text{TP}} \times j\omega \times K_{I_{\mu \text{TP}} U_{\Theta}} \times I_B \times K_{I_B U_{\mu MK}} \times C_{\mu MK} \times K_{Q_{\mu MK} U_{MK}} \quad (16)$$

Келтирилган формула энерго-информационон усули асосидаги модел бўйича аниқланган бир неча параметрларга боғлиқ бўлган  $U_{\text{ЭЧИК}}=f(I_B)$  функцияни ҳосил қиласиз.

Магнит кучайтиргичнинг ишлаши ўзакнинг магнит сингдирувчанилигига боғлиқ бўлади ва қўйидагича боғланган:

$$B = \mu \times H$$



3 - расм. Магнит кучайтиргич ўзагининг магнит сингдирувчанилигининг магнит майдони кучланганлигига боғлиқлиқ график

Электрофильтрлар системасидаги разряд оралиқларидағи кучланишини ростлашда айнан 3-расмда келтирилган графикни бошлиғини нуқтасидан бошлаб энг юқори нуқтагача бўлган қисмидан фойдаланилади. Юқори нуқтада магнит ўзак тўйинишга эришилганлиги сабабли унинг кескин пасайиши графикидаги эса магнит кучайтиргичнинг чиқиши қисмаларида кучланиш ўзгармай қолади. Зарипов усули бўйича магнит ўтказувчанлик Сү ни қиймати кескин кўтарилиб пасайишига эришади.

#### Хулоса

Энерго-информационон метод ёрдамида пахта тозалаш заводлари электрофильтрлар системасининг технологик разряд оралиғи жараёни модели ишлаб чиқилди. Электрофильтрлар системасидаги разряд оралиқларидағи кучланишини ростлашда  $\mu=f(H)$  ўзгариш графикига асосан магнит ўзак тўйинишга эришилганлиги сабабли унинг кескин пасайиши юз беради ва магнит кучайтиргичнинг чиқиши қисмаларида кучланиш ўзгармай қолиши намоён бўлди. Магнит ўтказувчанлика Сү ни қиймати эса кескин кўтарилиб пасайишига эришиши аниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зарипов М.Ф., Зайнуллин Н.Р., Петрова И.Ю. Энерго-информационный метод научно-технического творчества. – Москва: ВНИИПИ, 1988. – 122 с.
2. Muzaferov Sh.M., Isakov A.J., Erkinov B.N. Increase of energy and ecological efficiency of the electric gas purification and the exploitation of electrostatic precipitators // 6<sup>th</sup> International scientific conference "Applied sciences and technologies in the United States and Europe: common challenges and scientific findings". – New York, 2014. – 121-123 pp.
3. Патент РУз № IAP 04426. Способ и устройство для очистки газов от твердых и жидкых аэрозольных частиц // Музафаров Ш.М., Эркинов Б.Н., Балицкий В.Е. // Расмий ахборотнома. – 2011. – №3.
4. Сергеев П.С., Виноградов Н.В., Горянинов Ф.А. Проектирование электрических машин. Изд. 3-е, переработ. и доп. – М.: Энергия, 1969. – 632 с.
5. Эркинов Б.Н. Расчет параметров машинного генератора для системы электрофильтров хлопкоочистительных заводов // Журнал энерго и ресурсосбережения. – Ташкент, 2009. – №3-4. – С. 93-95.
6. Музафаров Ш.М., Эркинов Б.Н. Параметры электродной системы «Потенциальная электрод с коронирующими иглами-заземленная плоскость» для установки электрогазоочистки // Журнал проблемы информатики и энергетики. – Ташкент, 2010. – №2, – С. 41-45.
7. Музафаров Ш.М., Эркинов Б.Н. Характеристики машинного генератора периодических импульсов напряжения // Журнал энерго и ресурсосбережения – Ташкент, 2009. – №3-4, – С. 275-277
8. Музафаров Ш.М., Абдулла Ахмед Сайд Моршед. Исследование параметров электродной системы «ряд игл-плоскость» униполярного импульсного коронного разряда // Истевъдод. – Ташкент, 1999. – №11 (2). – С. 64-65.

### Муаллифлар тўғрисида маълумотлар

Баратов Рустам Жалилович – т.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [r\\_baratov@tiiame.uz](mailto:r_baratov@tiiame.uz)

### Музафаров Шавкат Мансурович – т.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [sh\\_muzaferov@tiiame.uz](mailto:sh_muzaferov@tiiame.uz)

### Эркинов Баходир Нариманович – PhD., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [b\\_erkinov@tiiame.uz](mailto:b_erkinov@tiiame.uz)

# THE EFFICIENCY IMPROVEMENT OF SQUIRELL CAGE INDUCTION MOTOR BY VARIABLE FREQUENCY DRIVE

Erkinov B.N, Botirov A.N.

*This paper describes the issues of improving the energy efficiency of a squirrel cage AC induction motor, which is widespread in the world, and the main factors influencing them. In order to increase the active power, opportunities of the energy conservation when using a variable frequency drive was also analyzed.*

*Control the squirrel cage AC three-phase induction motor using a variable frequency device is given and their components and functions are studied. Proposals have been developed to increase the active power in the electric motor when controlled by VFD.*

**Keywords:** Voltage, Phase control, Squirrel-cage induction motor, Energy consumption, Energy saving

**Калил сўзлар:** Кучланиш, фаза контрол, қисқа тумаштирилган асинхрон мотор, энергия истеъмоли, энергияни сақлаш

**Ключевые слова:** напряжение, управление фазой, асинхронный двигатель с короткозамкнутым ротором, энергопотребление, энергосбережение

Squirell Cage Induction AC motor is utilized in most of the industry as a fundamental driving control in different applications. It takes 65% of the entire energy created by the generating electrical power stations. According to statistics, World marketed energy consumption is projected to grow power energy generating by 33% from 2010 to 2030 [1]. However, while enjoying the convenience of increasing industrialization, the environmental issues resulted from the use of vast quantities of oil, air and water pollution and carbon dioxide, have induced global warming.

As a result, the Earth's surface temperature has increased by 0.72 °C over the past 100 years, and the sea level is now elevated by 0.08 mm/yr<sup>2</sup> [1]. It also has a major effect on people's health, transportation, and industry, due to the gradual depletion of resources. The energy shortage is also one of the key issues that we need to address today. Government are concerned about how to find alternative energy sources or save energy.

The most manufacturing motors in industry are the AC induction motors. Generally, an AC induction motor can get efficiency at full load or near to full load operation and maximum power factor (PF) conversely, under low load or no load operating conditions, low PF levels can cause excessive power wastes. Besides this improving the motor system's efficiency is very important for saving the three-phase AC motor's energy.

Мақолада энергия ва сув ресурсларини тежашда Smart технологияси асосида ишлаб чиқилган датчиклардан фойдаланишининг бაъзи – бир муҳим хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ундан фойдаланишининг афзалиги ва баъзи – бир таклифлар муҳокама этилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы использования Smart технологии для разработки датчиков для энергия и водосберегающей технологии и её особенности. Будет обсуждены преимущества использования этой технологии.

### ABSTRACT

The article deals with the use of smart – technology for the development of sensors for energy and water-saving technology and its features. The benefits of using this technology will be discussed .

**Калит сўзлар:** Smart, кремний пластина, датчик, ўлчаш аниқлиги, сезгирилик, аналог сигнал, микропроцессорлар.

**Ключевые слова:** Интеллектуальный, кремниевая пластина, датчик, точность измерения, чувствительность, аналоговый сигнал, микропроцессоры.

**Keywords:** Smart, silicon wafer, sensor, measuring accuracy, sensitivity, analog signal, microprocessors.

### КИРИШ

Энергия ва сув ресурсларининг танқислиги дунёнинг кўпчилик мамлакатларида глобал муаммога айланиб бормоқда, жумладан Ўзбекистонда ҳам жиддий муаммолардан биридир. Сув ва энергия ресурслари минтақада иқтисодни ривожлантиришда муҳим факторлардан бири бўлиб, унинг танқислиги йўта Осиё республикалари ўртасида жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда. Статистик маълумотларга қараганда минтақа ҳар йили 1,7 миллиард АҚШ доллари ( ялпи ички маҳсулотнинг 3 % ни ) миқдоридаги маблағни энергия ресурслардан самарасиз фойдаланиш ҳисобига йўқотмоқда. Шу туфайли минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳар йили 2 миллиард АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда[1].

Шунинг учун энг асосий электр энергия истеъмолчиларидан бири бўлган ирригация тизимларида энергия тежамкор технология ва техник воситаларни ишлаб чиқиши долзарб масалалардан биридир.

#### Муаммонинг долзарблиги:

Хозирда Ўзбекистонда дунёдаги энг йирик сүғориш тизимларидан бири мавжуд бўлиб, тахминан 27711 км хўжаликлараро, 173181 км узунликдаги хўжаликнинг ички сүғориш тармоқлари, 117062 та турли хил гидротехник иншоатлардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари тахминан 2,1 миллион гектар ерга хизмат кўрсатадиган 1130 та насос станциялар, яъни 76 та йирик ( $100 \text{ m}^3/\text{s}$ ), 496 та ўртacha ( $10 \text{ m}^3/\text{s}$ ) ва 561 та кичик ( $1 \text{ m}^3/\text{s}$  дан кам) насос станциялар мавжуд[1].

Кишлоқ хўжалиги соҳасида энг йирик электр энергия истеъмолчилари бу юқорида қайд этилган насос станциялардир. Улар томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг тахминан 23 % истеъмол қилинмоқда.. Хозирда Ўзбекистон республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бюджетининг катта қисми насос станциялари ва дренаж насослари истеъмол қилаётган электр энергия харажатларига тўғри келмоқда[1].

Юқорида қайд этилган долзарб масалани мавжуд энергия ва сувни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштирумасдан, сүғориш тизимиларда замонавий информацион – ўлчаш тизимлари, интеллектуал датчикларни жорий этмасдан ёки гидромелиоратив тизимларида механик катталикларни ўлчаш усуллари ва техник воситаларидан келгусида фойдаланишининг техник концепциясини ишлаб чиқиши ва кенг қўлламасдан ҳал этиб бўлмайди.

Шунинг учун гидромелиоратив тизимларда автоматик бошқарув тизимининг ажралмас қисми бўлган механик катталикларни ўлчаш датчикларини ишлаб чиқишида маълум бир прогресга қарамасдан ушбу масала долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда муаллифлар томонидан гидромелиоратив тизимларда механик катталикларни ўлчаш усуллари ва техник воситаларнинг мавжуд камчилигини аниқлаш ва информацион – ўлчаш техникасидан кенг фойдаланишни жорий қилиш, ўлчаш датчикларининг янги синфи-интеллектуал датчикларни ишлаб чиқиши мақсадида илмий – тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқот обьекти сифатида бош сув тўплаш иншоотлари, магистрал ва хўжаликлараро каналлар, насос станциялар, гидрометрик ва сув қўйиши иншоотлари, каналларда маҳсус сув сарфини ўлчаш қурилмалари, сув сатҳини ўлчаш кудуклари ва бошқа техник воситалар таҳдил қилинди.

Кувурларда сув сарфини ўлчаш оддий усул билан ҳал этилиши мумкин, чунки қувур сув билан тўла, унинг ҳажми доимий, кўндаланг кесим юзаси ўзгармас. Аммо очиқ обьектлар, магистрал ва хўжаликлараро каналларда сув тақсимлаш жуда мураккаб технологик жараёндир. Бундай обьектларда ўлчаш ва ростлаш масалалари ҳар бир иншоотнинг маҳсус хусусиятлари туфайли анча мураккаб масала бўлиб, каналнинг ҳар хил участкаларида сув тезлиги ва сув билан тўлиш даражаси ҳар хил, сувнинг транспортировкаси жуда секин, баъзи – бир участкаларда заҳира ҳажмлар ва тўлиб кетиши каби масалаларни инобатга олиш зарур.

Шунинг учун ҳозирги пайтда ўлчаш – назорат датчикларини ишлаб чиқишида ҳар бир ўлчаш обьектининг специфик хусусиятларини инобатга олиш зарур. Замонавий микроэлектроника элементларини жорий этиш, интеллектуал датчикларни умумий информацион ва телекоммуникацион каналга улашда ёки симсиз алоқа тизимидан информация узатиш – олиш тизимидан ҳамда микропроцессор бошқарувидан фойдаланишда уларнинг чиқиши сигналини мослаштириш каби масалалар ҳал этилиши зарур.

Бундан ташқари сув тақсимлаш каналларининг асосий қисми электр энергияси билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳам информацион – ўлчаш техникинини кенг жорий этишда катта тўсик бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда республикамиз гидромелиоратив тизимларида ишлатилаётган ўлчаш датчикларининг барчаси механик ёки электромеханик ( сув сатҳи ва сарфини ўлчаш, тезлик, тезланиш, чизиқли ва бурчак силжиш, вибрация ва бошқа датчиклар) датчиклардир. Бу ўлчаш датчиклари ҳозирги замон интеллектуал бошқарув ва назорат тизимининг талабларига қўйидаги асосий сабаблар туфайли жавоб берса олмайди:

- электромеханик ўлчаш датчикларининг масса – габарит ўлчамлари катта;
- ўлчаш – техник воситаларнинг истеъмол қуввати катта;
- ўлчаш аниқлиги ва сезгирилиги паст;
- чиқиши сигналлари аналог сигнал бўлиб, телекоммуникацион тизимга ва микропроцессор бошқарувига уланишда қўйинчиликлар юзага келтириди.

Аммо сўнги йилларда ривожланган мамлакатларда датчикларни яратишида ва ишлаб чиқаришида smart технологияси асосида кескин ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ушбу технологиядан датчиклар ишлаб чиқаришида фойдаланиш датчикларнинг техник характеристикаларини, жумладан масса – габарит ўлчамларини кескин камайтириб микродатчиклар ишлаб чиқиши имкониятини яратмоқда. Бундан ташқари датчикларнинг сезгирилиги ва ўлчаш аниқлиги электромеханик датчиклар характеристикалари билан солишириб бўлмайдиган даражада кескин ортмоқда. Уларнинг ишонччиллиги жуда юқори ва чиқиши сигналлари рақамли сигналлар бўлиб бу микропроцессор бошқарувли системага тўғри уланиш имкониятини яратади.

Ушбу мақолада энергия ва сув ресурсларни тежашда замонавий датчиклардан гидромелиоратив тизимларда фойдаланиш масалалари ҳақида умумий маълумотлар келтирамиз ва у муҳокама учун асосий предметдир.

#### Муҳокама обьекти:

Smart технологияси бу жуда кўп кичик ўлчамга эга микрокурилмалар жамланмасидан иборат бўлиб, ҳар хил вазифа ва конструкцияларга эга ва уни ишлаб чиқаришида микроэлектрониканинг ўзгартирилган технологиясидан фойдаланиладиган технологиядир. Smart элементлар, интеллектуал датчиклар ва микроэлектроника элементларини битта умумий кремний асосга жойлаштириш билан ҳосил қилинади. Бунда барча элементлар бир бутун қурилма сифатида, бир неча юзта элементлар микросхемалар сингари кремний пластинага жойлаштирилади. Бу технология синовдан ўтган традицион ярим ўтказгичли интеграл микросхемалар ишлаб чиқиши технологиясига асосланади [2].

Бизга маълумки датчиклар ишлаб чиқаришида традицион ҳар хил табиатли физик – техник эфектлардан (ФТЭ) (гидравлик, иссиқлик, магнит, электрик, пневматик, акустик ва ҳ.к) фойдаланилади. Датчикларнинг техник характеристикаларини яхшилашда уларнинг конструктив ўлчамлари, шакл ёки элементлар хусусиятларини ўзгартириш орқали янги конструкциялар ишлаб чиқилган. Кўпчилик ҳоларда датчикларнинг масса – габарит ўлчамларига эътибор қаратилмаган ҳолда чиқиши сигналининг қийматини оширишга катта аҳамият берилган.

Бироқ Smart технологияси асосида яратиладиган интеллектуал датчикларда бирор катталиктини бошқа катталикка ўзгартириш молекуляр даражада амалга оширилади ва чиқиши сигналининг кичик эканлиги катта аҳамиятга эга эмас. Бу эса датчикларнинг сезгирилигини солишириб бўлмайдиган даражада оширади ва масса – габарит ўлчамларини кескин камайтиради ва интеллектуал микродатчиклар ёки миниатюра датчикларни ишлаб чиқиши имконияти яратилади. Шунинг учун интеллектуал датчиклар ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи гарб мамлакатлари эксперталари smart технологиясининг битта кристаллда микроэлектроника элементлари билан бирлаштирилган SoC

(Systems-on-a-Chip) технологиясига катта аҳамият қартишмоқда. Бундай технологиянинг ривожланиши информацион – ўлчаш техникасининг ривожланишига янги импульс бериб, микроконтроллер ва, программа воситаларидан микропроцессорлардан фойдаланиш ва уларни лойихалашда катта имкониятлар яратилмоқда [3].

Бу технология асосида ишлаб чиқилган интеллектуал датчикларни гидромелиоратив тизимларда жорий этиш эса қишлоқ хўжалиги соҳасида энергия тежамкор техникадан фойдаланишга ва электр энергияси билан таъминланмаган сув узатиш каналларида информацион – ўлчаш техникасидан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини яратади.

Шу туфайли ҳозирда муаллифлар томонида ушбу технология асосида гидромелиоратив тизимлари учун механик катталикларни ўлчаш интеллектуал датчикларининг янги синфини ишлаб чиқиш устида илмий- тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда кувурларда ва очиқ каналларда сув сарфини ўлчаш ва назорат қилиш учун интеллектуал датчикларининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш бўйича дастлабки илмий- тадқиқот натижалари мавжуд.

#### Хуносалар:

1. Гидромелиоратив тизимларда ишлатилаётган мавжуд электромеханик датчиклар ҳозирги замон информацион – ўлчаш тизимлари талабларига жавоб бермайди, жумладан: уларнинг масса – габарит ўлчамлари жуда катта, чиқиш сигнали аналог сигналдан иборат бўлиб умумий телекоммуникацион симсиз алоқа тизимларига улашда қийинчиликларни юзага келтиради.

2. Smart технологияси асосида ишлаб чиқилган механик катталикларни ўлчаш учун ишлаб чиқилган интеллектуал микродатчикларининг ўлчаш аниқлиги ва сезирлиги юқори, уларнинг габарит ўлчамлари жуда кичик, электр энергия билан таъминланмаган сув узатиш каналларида ишлатиш имконияти мавжуд, умумий телекоммуникацион алоқа каналига ҳамда микроконтроллерни ва микропроцессорли бошқарув тизимида бевосита уланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. R.Baratov, A.Djalilov, Y.Chulliyev. Embedded system for gate controlling and flow measurement in open canals. Proceedings of the Seventh World Conference on Intelligent Systems for Industrial Automation, WCIS-2012, November 25 – 27, 2012, Tashkent State Technical University, Tashkent, Uzbekistan, p.214 – 220.
2. Baratov R.J., Djalilov A.U. The questions of development of smart sensors for control objects of hydro melioration systems. Proceedings of the Second World Conference on Problems of receiving, processing and transfer of information, September 19 – 20, 20129, Ufa State Aviation Technical University, UFA, Russia, p.224–228 (in Russian).
3. [www.undp.uz](http://www.undp.uz) – БМТ нинг UNDP дастури нашрлари.
4. Ernest O.Dobelisn. Measurement Systems: Application and design. McGraw – Hill. Higher Education.– New York, 2004 – pp.1078.
5. ДЖ.Фрайден. Современные датчики. – Техносфера.: Москва. – 2006. – 586 с.

## ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАРИДА ТОКЛАРНИНГ НОСИНУСОИДАЛ ҲОЛАТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЮҚОРИ КУЧЛАНИШ УСКУНАЛАРИНИНГ ИШОНЛИЛИГИНИ БАХОЛАШ

Бегматов М.Т, Пардаев А.И, Валихонова Ҳ.С

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада қишлоқ ва сув хўжалигида ишлатиладиган электр ускуналарининг изоляцияси ҳолати ва уни текширишда янги методларни ишлаб чиқиш муаммолари ечими келтирилган. Изоляция ҳолатини аниқлашда носинусоидал ток ва кучланишлар параметрларидан фойдаланиш тавсия этилган. Хусусан унда юқори кучланиш курилмаларидан бири бўлган изоляторни синалган. Унда соғ ва камчилиги бор ҳолатлар учун ток графиклари тахлил қилинган. Керакли ҳолосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье описывается состояние изоляции электрооборудования, используемого в сельском хозяйстве и водном хозяйстве, а также разработка новых методов его проверки. В случае изоляции рекомендуется использовать несинусоидальные параметры тока и напряжения.

### ABSTRACT

The article describes the insulation status of electrical equipment used in agriculture and water management, as well as the development of new methods for checking it. In the case of insulation, it is recommended to use non-sinusoidal current and voltage parameters.

**Калит сўзлар:** носинусоидал ток, гармоника, амплитуда, бузилиш қуввати, сирқиши тоқи.

**Ключевые слова:** носинусоидальный ток, гармоника, амплитуда, сила возмущения, ток утечки.

**Keywords:** nosinusooidal current, harmonica, amplitude, disturbance strength, leakage current

### КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИнинг 3.2. бўлимида “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диферсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” қўйдагилар белгиланган “Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш”.[1]

Ўзбекистон Республикаси электр таъминоти системаларида 500 кВ кучланишлар ишлатилмоқда. Юқори кучланишларни ишлатиш тармоқларда йўқотишларни ва симларни кесим юзасини камайтиришга имконият беради. Лекин юқори кучланишларда ишлатиладиган изоляцияларни ишончлигига талаблар ошади. Шунинг учун изоляцияларни ҳолатига узликсиз назоратлар олиб борилади.

Синовларни олиб бориш услублари ишлаб чиқилганига ва ишлатилганига камида 50...60 йил бўлган ва замонавий талабларга жавоб бермайди. Масалан диэлектрик йўқотишларни бурчагини тангенини аниқлаш 10 кВ кучланишда олиб борилади. 35 кВ дан ошиқ бўлган электр ускуналарда бунақа ўтчовлар изоляцияни ҳолатига тўғри баҳо бера олмайди. Яна катта камчилик шундан иборатки, ўзгарувчан юқори кучланиш билан синашларда иш кучланишдан уч марта катта кучланиш берилиши лозим. Шундан келиб чиқяпдикни 500 кВ га мулжалланган изоляцияга 1500 кВ кучланиш берилиши лозим. Бунақа кучланиш бериш фақат илмий тадқиқотларда ишлатилади. Ишлаб чиқаришда фақат 35 кВ электр ускуналарни синаш учун мосламалар мавжуд.[2]

Юқори кучланиши мосламалар бу занжирларда энг юқори поғонада жойлашганлар. Ва уларни биттаси ишдан чиқганда истеъмолчиларни кўп сони электр таъминотдан учирилади.[3]

Шунинг учун янги, тезкор ва изоляцияни ҳолатини аниқ бохалайдиган услубларни ишлаб чиқиш долбзарб масала ҳисобланади.

Ушбу масалани ечишда электр занжирларидаги носинусоидал ток ва кучланишлардан фойдаланиш ўйларини кўриб чиқамиз.

Кўйида носинусоидал токнинг мухим хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Деярли барча ҳолларда даврий ўзгарувчан ток дейилганда, хар доим синусоидал қонуният билан ўзгарувчи ток тушинилади. Аммо, асосан саноат частотасидаги ЭЮК, кучланиш ва токлар синусоидал шаклга эга бўлади. Чунки микрорадарнинг бундай даврий қонуният бўйича ўзгариши чизиқли электр занжирларда электр энергиясини бошқа тур энергияга айланиши учун қулай. Агар радиотехника, электроника, алоқа, автоматика ва телемеханика, ҳисоблаш техникини автоматик бошқариш соҳаларини олиб кўрсак, буларда фойдаланилайдиган ўзгарувчан электр микрорадари деярли хеч қачон синусоидал бўлмайди.

Даврий сигналларнинг қийматлари вақт бўйича синусоидадан фарқли бўлса, бундай сигналлар носинусоидал деб аталади.

Носинусоидал ток асосан электр занжирининг уч хил режимларида юзага келади:

1. Агар чизиқли занжир носинусоидал ЭЮК ёки ток манбаидан таъминланаётган бўлса;
2. Агар ЭЮК ёки ток манбаи синусоидал бўлиб, занжирдаги бир ёки бир неча элементларнинг волт ампер характеристикиси ночизиқ бўлса;
3. Агар ночизиқ элементларга эга бўлган занжир носинусоидал ЭЮК ёки ток манбаидан таъминланаётган бўлса.

Носинусоидал даврий ток ва кучланишларни бахолашда учта коэффициентдан фойдаланилади.

1. Шакл коэффициенти- функция эффектив қийматини унинг ўртача қийматига нисбати билан аниқланади:

$$\kappa_{\text{ш}} = \frac{A}{A_{\text{шр}}} \text{ синусоидал учун унинг қиймати } 1,11 \text{ га тенг.}$$

2. Амплитуда коэффициенти- функциянинг максимал қийматини унинг эффектив қийматига нисбати билан аниқланади.

$$\kappa_a = \frac{A_{\text{макс}}}{A} \text{ синусоидал шакл учун унинг қиймати } 1,41 \text{ га тенг.}$$

3. Бузилиш коэффициенти носинусоидал функция биринчи гармоникаси эффектив қийматини функциянинг эффектив қийматига нисбатига тенг:

$$\kappa_b = \frac{U_1}{\sqrt{U_0^2 + U_1^2 + U_2^2 + U_3^2 + \dots}}, \quad \kappa_b = \frac{I_1}{\sqrt{I_0^2 + I_1^2 + I_2^2 + I_3^2 + \dots}}$$

Бузилиш коэффициенти 1 дан қанча кам фарқ қиласа, бу функция синусоидага шунча яқин. Бу коэффициент саноат корхоналарида 5 % дан ошмаслиги керак.[4]

Носинусоидал токнинг актив қуввати

$$P = U_0 \cdot I_0 + U_1 \cdot I_1 \cdot \cos \varphi_1 + U_2 \cdot I_2 \cdot \cos \varphi_2 + \dots$$

Носинусоидал токнинг реактив қуввати

$$Q = \sum_{k=1}^{\infty} U_k \cdot I_k \cdot \sin \varphi_k$$

Носинусоидал токнинг тўлиқ қиймати

$$S = UI$$

Синусоидал режимдан фарқли равишда даврий носинусоидал ток занжирларида актив ва реактив қувватлар квадратларининг йигиндиси тўлиқ қувват квадратига тенг бўлмайди, яъни  $T^2$  га фарқ қиласи:

$$P^2 + Q^2 = S^2 - T^2$$

Т катталик бузилиш қуввати деб аталади ва кучланиш ва ток эгри чизиқлари шаклларининг синусоидадан четланиш даражаси билан тавсифланади. Агар занжир қаршилиги резистив бўлса, унда кучланиш ва ток эгри чизиқлари бир-бираiga ўхшаш ва  $Q = 0, T = 0$  бўллади.

$k$ - гармоника индуктив ҳамда сигим қаршиликлари  $x_L = k\omega L = kx_{L1}$ ,

$$x_{Ck} = \frac{1}{k\omega C}$$

Носинусоидал кучланиш ва токли занжирларда резонанс ҳодисаси мураккаблашади, чунки ҳар бир гармоник ташкил этувчиларучун алоҳида резонанс бўлиши мумкин.

$$k^2 \omega^2 LC = 1$$

Гармоникаларнинг тартиби  $k$ , яъни уларнинг частотаси  $\omega$  аввалдан берилган бўлса,  $L$  ва  $C$  параметрлар  $k\omega L = 1/k\omega C$  шартга кўра танланади. Резонансли гармоникада занжирнинг қаршилиги минимал ( $Z_k = R$ ), унинг токи эса максимал бўллади. Агар актив қаршилик  $R$  кичик бўлса,  $k$  гармоникадаги резонанс пайтида бутун занжирдаги токнинг эффектив қиймати резонанс натижасида  $k$ - гармоника токининг амплитудаси бошқа гармоника токлари амплитудасидан анча ортиб кетиши мумкин. Бу ҳолда бутун занжир умумий токининг эффектив қиймати асосан  $k$ -гармоника токининг амплитудаси билан аниқланади:

$$I \cong I_k = \frac{U_k}{\sqrt{R^2 + (k\omega L - \frac{1}{k\omega C})^2}} = \frac{U_k}{R}$$

Акс ҳолда мураккаб занжирнинг параметрлари шундай бўлиши мумкинки, бунда  $k\omega$  резонанс частотали занжирнинг тўла ўтказувчанлиги амалда нолга тенг бўлиб қолади:  $Y_k \approx 0$

У ҳолда бу гармониканинг токи бошқа гармоникаларнинг токига нисбатан ҳисобга олмаслик даражада кичик бўллади. Бу иккала эффектдан фойдаланиб, частотавий филтларининг схемаларини ҳисоблашда истемолчининг занжиррида танланган сигнал частоталарини ажратиш ва уни кучайтириш ҳамда истеъмолчи учун “бегона” бўлган частоталарни тутиб қолиш ишлари бажарилади.

$L \rightarrow \infty$  да  $I_k$  токнинг қиймати нолгача камаяди. Резонанс ҳолатида  $L$  индуктивликлар қийматига гармоника тартиб рақами квадратига тескари пропорционал бўлади.

Актив қаршиликтининг нисбатан кичик қийматларида резонанс частоталарига мос индуктивлик аён бўлган учта максимумга эга.

Манба кучланиши шакли ўзгармаган ҳолда ҳудди шундай ҳодиса сигим ёки частота ўзгартирилганида ҳам кузатилади.

Уч фазали занжирларда носинусоидал ток ва кучланишлар генератор ва трансформаторлар магнитланиш эгри чизигининг ночизиқ зоналарида ишлаши туфайли вужудга келади. Одатда иккинчи ва учинчи фазадаги кучланишлар шакли биринчи фазадаги кучланиш шаклини тўла қайтаради.

Симметрик юкламада фаза токлари таркибида асосий частотали ва барча учга карралы бўлган юқори гармоникалардан ташқари тўғри ҳамда тескари кетма кетлик системалари мавжуд бўлади. Натижада фаза токларининг йигиндиси нолга тенг. Тартиби учга карралы бўлган гармоникалар эса нол кетма кетлик системасини ҳосил қиласди, яъни хар қандай вақтда бир хил қийматга ва йўналишга эга бўлади. Шунинг учун нейтрал симдаги ток нол кетма кетлик гармоникаларининг учланган йигиндисига тенг бўлади.

$$I_N = 3 \sqrt{I_3^2 + I_9^2 + I_{15}^2}$$

Нейтрал сим бўлмаган ҳолда хар бир фазадаги токлар таркибида тартиби учга карралы токлар бўла олмаслиги туфайли генератор ва симметрик юкламанинг нейтрал нуқталари орасида гармоникалар тартиби учга карралы катта кучланиш пайдо бўлади.

Агар генератор фазалари учбурчак усулида уланса ва фазалардаги ЭЮК носинусоидал бўлса, у ҳолда генераторнинг берк контуридаги ЭЮКлар йигиндиси нолга тенг эмас, яъни генераторнинг очиқ учбурчагига волтметр уланса, у тартиби учга карралы бўлган ЭЮК гармоникаларини ўлчайди.

Амалда учрайдиган нейтрал сими бўлмаган генератор ёки трансформатор ва симметрик юклама занжирининг линия симларидан учга карралы токлар ўтмайди. Лекин нейтралнинг кучланиш силжишида учга карралы кучланишлар пайдо бўлади.[5]

### Методлар.

Олинган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари бўйича юқори кучланиш изоляцияни холатини учта кўрсатгичлар асосида баҳолаш мумкин:

- Кучланишни ўзгаришини кўриниши;
- Тебраниш частотаси;
- Кучланишни амплитудаси.

Булардан энг соддаси ва мурракаб мосламаларни талаб қилмайдиган усул бу кучланишни амплитудаси бўйича изоляцияни холатини баҳолаш.

Ишимизни асосида индукцион импульсли кучланишлар генератори ишлатилган. Тадқиқотлар асосида изоляцияни холатини ҳосил бўладиган кучланишлар кўриниши, уларни частотаси ва кучланишни пасайиши бўйича хуласа қилишлиги аниқланди. Улардан энг соддаси кучланиш амплитудасини пасайиши бўлди. Бу усулини асосида ишлаб чиқилган усулни ишлаб чиқариш синовларида ишлатилди ва ижобий натижалар кўрсатди. Лекин кучланишни кўриниши ва тебраниш частотаси бўйича таҳлил асосида изоляцияни ҳолати бўйича хилма-хил маълумотлар олиш мумкин. Буларни амалга ошириш учун чукур изланишлар олиб бориш шарт ва номзодлик диссертациясида бажариш мўлжалланган.

Синовларни ўтқазиш усули ИИКГ чиқишидаги юкламасиз импульсли кучланишни амплитудасини юклама уланганда кучланишни амплитудасини камайиши бўйича изоляцияни холатига хуласа берилади.

ИИКГ кириш кучланиш билан чиқишида юклама бўлмаганда импульсли кучланишлар амплитудалари:

Жадвал-1

Кириш кучланиш, В	Ажратиш токи, А	Шарлар орасидаги масофа, мм	Юқори кучланиш амплитудаси, В
10	2,12	8	26300
20	2,55	12	37600
30	6,38	20	57500
40	8,51	28	88500
50	10,64	40	123800
60	12,76	60	155000
70	14,89	75	195000

Синаладиган обьекти ИИКГ чиқишига уланади. Синаладиган обьектини изоляциясини холатини аниқлаш учун импульсли кучланишни амплитудаси шарли вольтметр ёрдамида ўлчанади. Шарли вольтметрни шарларни орасидаги масофа буйича итмпульсли кучланишни амплитудаси аниқланади.

Шарли вольтметрни стандарт атмосфера шароитларда тешиш кучланишлар

Жадвал-2

Шарлар орасидаги масофа,мм	2	3	4	5	6	8	10	12	15	16	20	24
Тешиш кучланиш, кВ	8	11,2	14,3	17,4	20,4	26,3	30,7	37,6	46,5	48,1	57,5	65,5
Шарлар орасидаги масофа,мм	28	30	40	50	60	70	75	80	100	120	140	
Тешиш кучланиш, кВ	88,5	107	138	150	155	174	195	229	276	229	276	

Аниқланган кучланиш  $U_A$  қуйидаги кучланиш билан солиширилади:

$U_2 = 143i[0,19/(0,00001+20408C_2)]^{0,5}$ ,  
бунда  $i$  – ИИКГни ажратиш токи, А;

$C_2$  – синаладиган кабелни сиғими, Ф.

Синовларни юқори кучланиш кабелларда олиб борилган. Уларни сиғими күйдаги жадвалдан аникланди:

Жадвал-3

Кабел симини кесим юзаси, мм <sup>2</sup>	Сиғимли ўтказув-чанлиги, 10 <sup>-6</sup> См/км		Кабелни умумий сиғими, 10 <sup>-8</sup> Ф/км		Кабелни битта симини сиғими, 10 <sup>-8</sup> Ф/км	
	10 кВ	6 кВ	10 кВ	6 кВ	10 кВ	6 кВ
3x25	72,2	88	22,9	28	7,63	9,33
3x35	85	97,2	27	30,9	9	10,3
3x50	91	114	28,9	36,3	9,63	12,1
3x70	97,5	127	31	40,4	10,33	13,47
3x95	110	134	35	42,6	11,67	14,2
3x120	116	146	36,9	46,4	13,3	15,47
3x150	138	162	43,9	51,6	14,63	17,2

Кабель синовдан ўтганлиги қүйдаги шарт бажарилганда ҳисобласа бўлади:


$$U_2 \geq 0,9 U_A$$

Синаш натижалари мавжуд бўлган юкони доимий кучланиш билан синаш натижалари билан солиширилган.


#### Натижалар.

Тажрибалар юқори кучланиш изоляторлари ҳамда кабелларида олиб борилган бўлиб қуидагича натижаларга эга бўлди.

Изоляторлар холати ёмонлашган сари, уларни ҳажмидан ва юзасидан оқиб кетиш токлар пайдо бўлади. Шунинг билан тебраниш контурида кучланишни ўзгариши тубдан ўзаради ва унинг вақт бўйича ўзгариши бир биридан фарқ қиласи.



1-расм. Изолятор соғ холатда, токнинг шакли.



2-расм. Изолятор юзаси бўйича оқиб ўтиш токлари пайдо бўлган хол.

Бу холда токнинг шакли носинусоидал шаклга эга бўлади. Буларни изоляция холатини аниқлаш учун компьютерли программа оркали автоматик аниқлаш мумкин. Ундан ташқари, хар-хил даврларда олинган маълумотларни солишириб, изоляторларни ишдан чиқиш вактини аниқлаш мумкин.

#### Мунозаралар

Олинган натижалар бўйича қуидаги хуносалар қилиш мумкин. Бутун изоляторларда кучланишни ўзгариши сўнмайдиган тебранишлар билан ифодаланади ва кучланишни амплитудаси кичик бўлади.

Изоляторлар холати ёмонлашган сари, уларни хажмидан ва юзасидан оқиб кетиш токлар пайдо бўлади. Шунинг билан тебраниш контурида кучланишни ўзгариши тубдан ўзаради ва унинг вақт бўйича ўзгариши бир биридан фарқ қиласди

#### Хуносалар

1. Носинусоидал ЭЮК ва ток бўлган электр занжирларида резонанс ҳодисалари керакли частотали сигналларни ажратиш ёки аксинча, номақбул частотали сигналларни истисно этиш учун амалиётда кенг қўллаш мумкин.
2. Уч фазали занжирлардаги юқори гармоникалар электр машиналардан фойдаланиш самарасини камайтиради ва ўта кучланишлар пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Тескари кетма-кетлиқдаги токлар ҳосил қиласдиган магнит майдонлар тормозловчи моментни юзага келтиради ва натижада электр маторларда кўшимча истрофлар пайдо бўлади.
3. Юқори кучланиш курилмалари ҳолатининг ёмонлашуви хусусан сирқиши токларининг пайдо бўлиши ундаги токнинг шаклига бевосита таъсир кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета.uz”
2. И.П.Кужекин. Испытательные установки и измерения на высоких напряжениях.- М.:Энергия, 2006 – 136 с.
3. Техника вицоких напряжений . Под ред. М.В.Костенко. Учебное пособие для вузов. М.: Высш. Школа, 2003. - 528 с.
4. А.С.Каримов, М.Ибодуллаев, Б.Абдуллаев. Электротехниканинг назарий асослари-фан ва технология, 2017-183
5. С.Ф.Амирров, М.С.Ёкубов, Н.Ф.Жабборов. Электротехниканинг назарий асослари-Ўзбекистон, 2007- 57

Бегматов Муроджон Турғун ўғли. ТИҚҲММИ “Электротехника ва меҳатроника” кафедраси ассистенти, Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, [murodo5071991@mail.ru](mailto:murodo5071991@mail.ru) +99899 729 24 11

Пардаев Аброр Исматуллаевич. ТИҚҲММИ “Электротехника ва меҳатроника” кафедраси ассистенти, Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, [a.pardaev9294@gmail.com](mailto:a.pardaev9294@gmail.com) +99890 329 33 00

Валихонова Ҳимолаҳон Суннатилла қизи магистр, ТИҚҲММИ “Электротехника ва меҳатроника” кафедраси лоборанти, Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, [sunnatillayevna@gmail.com](mailto:sunnatillayevna@gmail.com) +99895 513 87 90

# ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИ ИСТЕМЕЛЧИЛАРИ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Х.Муратов, т.ф.д., проф,  
Д.Қодиров, PhD

## АННОТАЦИЯ

Мақола кичик гидроэлектростанциялар бүйіча амалдаги ишланмалар таҳлилига асосида тұғонсиз гидроэлектростанциянинг тузилмавий схемаси ва үрнатыш схемаси ишлаб чиқылған. Ишлаб чиқылған схема бүйіча кичик гидроэлектростанция үрнатыган ва синовга тайёрланған. Тадқиқотлар давомида электр энергиясынинг сифат күрсаткышларини белгиловчи 3 та катталик кучланиш (В), кучланиш частотаси (Гц) ҳамда синусоидал күрсаткыш коэффициенті (%) таҳлили көлтирилған. Олинган натижалар халқаро стандарт мөттөрдік хужжатида көлтирилған қиймат чегаралари билан солиширилған.

## АННОТАЦИЯ

На основе анализа современных разработок в области малых гидроэлектростанций разработаны функциональная структура и схема установки бесплотинных гидроэлектростанций. По разработанной схеме была смонтирована и подготовлена к испытаниям малая гидроэлектростанция. В ходе исследования выполнен анализ 3-х величин напряжения (В), частоты напряжения (Гц) и коэффициента синусоидальности индикатора ( % ), определяющие качественные показатели выработанной электрической энергии. Полученные результаты были сопоставлены с предельными значениями, указанными в международном стандарте.

## ABSTRACT

Based on the analysis of modern developments in the field of small hydroelectric power plants, the functional structure and installation scheme of damless hydroelectric power plants have been developed. According to the developed scheme, a small hydroelectric power station was installed and prepared for testing. The study analyzed 3 values of voltage (V), voltage frequency (Hz) and the indicator sinusoidal coefficient ( % ), which determine the quality indicators of the generated electrical energy. The results obtained were compared with the limit values specified in the international standard.

Дунё миқёсида энергетика амалиётида ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш күламини кенгайтириш, углеводороди ёқылғи энергетик ресурсларни тежаш ва экологик мувозанатни барқарорлаштиришга қаратылған илмий тадқиқотлар мұхым ақамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ривожланған мамлакатларнинг “узоқ муддатли миллий энергетик дастурларида қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш улушкини камидә 20 фойзга етказиш вазифаси белгиланған”[1]. Бу борада жаҳон амалиётида истемелчилар электр таъминоти тизимида күлами жиҳатидан устуворликка ега бўлган қайта тикланувчан энергия манбаларидан бирини бўлмиш микрогидроэлектростанциядан фойдаланиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда ва ўз навбатида мазкур соҳанинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электр энергияси ишлаб чиқариш учун ишончли ва экологик тоза технологиялар ишлаб чиқариш илмий таъминотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, паст босимли сув оқимларида ишловчи микрогидроэлектростанцияларнинг конструктив ва иш режим параметрларини моделлаштириш, конструкциясини такомиллаштириш, паст босимли сув оқимлари тизимларида фойдаланиш самарадорлигини оширувчи технология ишлаб чиқиши алоҳида ақамият касб этади.

Республикамизда электр энергияси олиш учун микрогидроэлектростанциялар қуриш мумкин бўлган тоғ олди дарёлари ва кичик сув оқимлари мавжуд. Лекин ҳозиргача асосан бундай кичик қувватли гидроэлектростанциялар қурилишига нисбатан катта эътибор қаратилмаган. Шу вақтга қадар асосан эътибор катта гидроэлектростанция ва иссиқлик электр станцияларини қурилишига қаратилғанлыги натижасида бундай кичик сув оқимига ега бўлган иншоотлардан электр энергиясини олиш эътибордан четда қолган. Шуни эътиборга олган холда табиий сув оқими энергиясидан унумли фойдаланиш учун кичик гидроэлектростанциялар қуриш мумкин бўлган жойларни аниқлаш ва шу жойларга мос гидроагрегатларни танлаш асосий масалалардан ҳисобланади.


Кичик гидроэлектростанциялар бүйіча амалдаги ишланмалар таҳлилига асосан [6, 8, 9, 10] ишлаб чиқылған тұғонсиз гидроэлектростанциянинг күйидеги (1-расм) тузилмавий схемаси ва үрнатыш схемаси (2-расм) көлтирилған.



1-расм. Кичик гидроэлектростанцияни ишга тушириш тузилмавий схемаси

1-сув үйгүвчи мослама; 2-босимли кувур утказгич; 3-гидротурбина;

4-электр генератор; 5-балласт юкламаси блоки; 6-бошқарув блоки.




2-расм. Кўчма гидроэлектрстанциянинг ўрнатиш схемаси  
бу ерда: 1-ирмок; 2- сув йигувчи гидро иншоот; 3-тўғон; 4-гидротурбина;  
5-гидрогенератор; 6-босим енги.

Сув йигувчи қурилмалар деривацияни белгиланган сув сарфлари ва ўрнатилган иш даври бўйича сув билан узлуксиз таъминлаш керак. Станция қурилмаларининг авария холатларида, уларни кўздан кечириш ва таъмирлаш ҳолатларида, сув оқими йўлларини бегона нарсалар (ташландиқлар, муз ва бошқалар) дан ҳимоя қилиш мақсадида ва сув узатиш тизимида босимнинг пасайган вақтларида деривацияга сув келишини тўхталишига рухсат этилади.

Тўғоннинг асосий вазифаси сувни деривация тизимига йўналтиришdir. Ундан ташкари тўғон ортиқча сув чиқиб кетишини таъминлаш керак. Шу сабабли кичик сув оқимлари сувни йигувчи қурилмаларга баландлиги бир метрдагача бўлган ортиқча сувни чиқариб юборувчи тўғонлар ўрнатилади. Бу баландлик сув қабул қилгични сув билан тўлдириш зарур.

Агар тўғон қурмасдан ҳам сув йигиши имкони бўлса, у ҳолда уни умуман ўрнатмаса ҳам бўлади. Сув йигувчи мосламадаги сувни қум ва шағаллардан тозалаш кўндаланг циркуляция ҳосил қилувчи қия ўрнатилган тўғонлар ёрдамида яхшиланади. Тўғон асосан табиий тош уюмлари ва тошлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай тўғонлардан сув сизишларини камайтириш мақсадида уларни ички юзаси мелиоратив матолар (3-расм) билан қопланади. Ортиқча сувларни чиқариб юборувчи тўғонли сув хавзаларининг ҳажми кичикилиги сабабли улар тоғ дарёларида кўп микдорда мавжуд бўлган қум, шағал, тош ва табиий чиқиндилардан ҳимояланган бўлиши керак. Шу мақсадда сув қабул қилгич киришида чиқариб юборувчи тешик (8) ўрнатилиб, ундаги затвор (9) орқали кириш олдида йигилиб қолган чиқиндилар қўйи бъефга чиқарилиб юборилади. Сув қабул қилгичлар аҳлатларни тутиб қолувчи тўсиқ (1) ва таъмирлаш затвори(2) билан жиҳозланган. Йигиладиган сув ҳажми кичикилиги ҳисобга олинниб тўсиқ ва затвор қул ёрдамида кўтариш мосламаси билан жиҳозланади.



3-расм. Кичик гидроэлектрстанциянинг сув йигувчи қурилмаси  
бу ерда 1-ташландиқларни тутиб қолувчи тўсиқ; 2- таъмир затвори; 3- тўғон ичи сиртидаги  
мелиоратив мато; 4-тошли тўғон; 5-сув қабул қилгич; 6-тўташтирувчи хомут; 7-босим енги; 8-сув  
қўйиб юборувчи; 9-сув қўйи юборувчи тешик затвори;  
10-сув йигувчи иншоот олдидаги шағал уюмлари.

Сув қабул қилгич ойнасининг юзаси ( $S_p=m^2$ ) ундан оқиб ўтувчи сув тезлигига ( $V_p= 0,25 \dots 0,5 \text{ m/c}$ ) нисбатан топилади[4]:

$$Sp = \frac{Q}{V_p} \quad (1)$$

бу ерда: Q- гидроэлектрстанциянинг сув сарфи  $\text{m}^3/\text{s}$ .

Сув қабул қилгич ойнаси сувнинг қўйи даражасидан пастроқда юқори бъефда ўрнатилган. Ушбу йул билан унинг тўсиққа урилган ва дарё юзида сузуб юрган жисмлардан ҳимояси таъминланади.

Сув қабул қилгичдаги босимнинг тўлиқ сарфи маҳаллий сарфлар йигиндисидан иборат бўлиб, қўйидаги формулалар орқали топилади:

$$n_{\text{сарф}} = \frac{K_{\text{ит}} V^2}{2g} \quad (2)$$

Бу ерда:  $K_{\text{ит}}$  - сув қабул қилгичдаги босимнинг йигинди (умумий) коэффициенти бўлиб, одатда  $K_{\text{ит}}=0,15 \dots 0,3$  га тенг;

$V$ -босимли сув ҳавzasидаги оқимнинг ўртacha тезлиги  $\text{m/c}$ ;

$g=9,81\text{m}/\text{s}^2$  эркин тушиш тезланиши.

Босим қувур ўтказгичи бир ҳил диаметрли бир нечта енглардан ва конуссимон енгдан йигилган. Улар бир-бирига муфталар ва хомутлар ёрдамида бириктирилган. Курилма ишлаши учун керакли бўлган сув оқимига кия килиб ўрнатилган эгилувчан енг орқали тўлдирилади. Енгнинг узунлиги ва 40 дан кўп ўрнатилган киялиги хисобига турбинани харакатга келтирувчи босим хосил қилинади.

Эгилувчан қувурларни кичик гидроэлектростанция қувур ўтказгичи сифатида қўлланилиши уни мураккаб тоғ рељефли жойларда ростламасдан ўрнатиш имконини беради. Ундан ташкари тўфон ва бошқа стационар қурилмаларга заруриятни йўқотиб кичик гидроэлектростанцияни кўчирилувчан бўлишилигига эришилди. Сув оқимининг босим участкасидаги босим сарфи (м) ва эгилувчан қувур λ топилади.

$$\Delta h = \frac{0,083 \lambda L Q^2}{d^5} \quad (3)$$

бу ерда:  $\lambda$  - қувур юзасидаги сувнинг ишқаланиш коэффициенти (одатда 0,02...0,03  $\text{m}^2/\text{с}$  га тенг);

$Q$ -амалдаги сарф,  $\text{m}^3/\text{с}$ ;

$d$  - қувур ўтказгич диаметри, м;

$L$ -қувур ўтказгич узунлиги, м.

Кичик гидроэлектростанцияни ўрнатиш ва синовга тайёрлашда қўйидаги кетма-кетлик амалга оширилиши лозим:

1. Сув етказиб берувчи латоклар бир-бирига хомут билан бирлаштирувчи муфта ёрдамида уланади ва энг баланд бўлган жойдан ётқизилади;

2. Ҳудудга келаётган сув оқимини бошқариш учун гидроиншоот қуриш ва сув оқувчи латокларнинг ушбу сув етказиб берувчи ҳавzasига беркитиш (4-б, расм);

3. Латокларнинг сув етказиб берувчи ҳавzasига беркитишда улар ўртасига сув оқимида келадиган ҳар хил чиқиндиларни тутиб қолувчи панжара ўрнатиш;

4. Кичик гидроэлектростанцияни сув чархпалагини ўрнатиш учун бетон қопламалар республикамизнинг темир-бетон қурилиш норма ва қоидаларига риоя қилган ҳолда тайёрланади;

5. Сув етказиб берувчи латок чархпалакка уланади (4-а, расм);

6. Генератор, редуктор ва энергоблок ёғин-сочиндан химояланган жойга ўрнатилади (5-а, расм);

7. Чархпалак вали редуктор валига тўғридан-тўғри уланади;

8. Редуктор резина тасма ёрдамида генераторга уланади (5-а, расм);

9. Генератор кабел ёрдамида энергоблокка уланади (5-б, расм);

10. Энергоблок ерга штир билан қотирилади;

11. Ерлатгич тайёрланади ва у энергоблокнинг ерлатгичига уланади.

Кичик гидроэлектростанцияни ўрнатиш учун паст босимли кичик анҳор танлаб олинди (4-а, расм) ва ўша ҳудудга келаётган сув оқимини бошқариш учун гидроиншоот қурилди (4-б, расм).



а)



б)

4-расм. Қурилмани ўрнатганлиги (а) ва сув оқимини бошқарувчи гидроиншоот (б)



5-расм. Курилма генератори ва редуктори ўрнатилган жой (а) ва генератор ҳамда энергоблокни ишга тайёлаш жараёни (б)


Шундай қилиб, юқорида баён қилинганидек, танланган географик жойга яратилган паст босимли сув оқимларида ишловчи кичик гидроэлектростанциянинг синов-тажриба намунаси ўрнатилди. Табиий шароитда синаш учун ҳар бир деталлар текширувдан ўтказилди.

Паст босимли сув оқимларида ишловчи микрогидроэлектростанция ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари электр энергиясини сифат кўрсаткичларини таҳлил қилувчи ўлчов прибор ёрдамида текширилган [5]. Тадқиқотлар давомида асосан электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини белгиловчи 3 та катталикка аҳамият берилган:

- 1.Кучланиш (В);
2. Кучланиш частотаси (Гц);
- 3.Синусоидал кўрсаткич коэффициенти (%).


Олинган натижалар халқаро стандарт бўйича меърий ҳужжатда келтирилган қиймат чегаралари билан солиштириб кўрилган [7].

Тадқиқотимизда вақт оралиғимиз соат 14:08 дан 14:25 га қадар олинган. Бунда бир вақтнинг ўзида барча текширувлар олиб борилган. Олинган натижаларни (1-, 2-, 3- диаграммалар) Power vision дастури ёрдамида таҳлил қилинган.




1-диаграмма. Ўзгарувчан кучланиш, Вольт

Ушбу 1-диаграммада тадқиқотлар натижасида олинган ўзгарувчан кучланишнинг тўлқинлари келтирилган. Бунда максимал кучланиш 234 Вольтга, минимал кучланиш 224 Вольтга, ўртача кучланиш эса 229 Вольтга тенг эканини кўришимиз мумкин бўлади. Бу кўрсаткич халқаро стандарт меърий ҳужжатга кўра ўзгарувчан кучланиш чегараси  $\pm 10\%$  (198-242 Вольт)ни ташкил этади. Демак, бизда аниқланган 234 Вольт кучланиш ушбу ҳужжатнинг белгиланган талабларига тўлиқ мос келади.



2-диаграмма. Кучланиш частотасининг

Ушбу 2-диаграммада тадқиқотлар натижасида олинган кучланиш частотаси келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдик, тадқиқот давомида частотанинг қиймати 50 Герцга тенг бўлган ва ўзгармаган. Бу кўрсаткич халқаро стандарт меъёрий ҳужжатга кўра ўзгарувчан кучланиш частотаси 50 Герцга тенг. Демак, бизда аниқланган 50 Герц частота ушбу ҳужжатнинг белгиланган талабларига тўлиқ мос келади.



3-диаграмма. Синусоидал кўрсаткич коэффициентларининг

Ушбу 3-диаграммада тадқиқотлар натижасида олинган синусоидал кўрсаткич коэффициентлари келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдик, тадқиқот давомида кучланиш синусоидал кўрсаткич коэффициенти 2,1%га, ток кучининг синусоидал кўрсаткич коэффициенти 3,0%га тенг. Бу кўрсаткич халқаро стандарт бўйича меъёрий ҳужжатга кўра кучланиш ва ток кучи учун синусоидал кўрсаткич коэффициентлари 8 % гача этиб белгиланган. Демак, бизда аниқланган натижалар ушбу ҳужжатнинг белгиланган талабларига тўлиқ мос келади.

Демак, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, паст босимли сув оқимлари учун мўлжалланган микрогидроэлектрстанция қурилмаси томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг барча сифат кўрсаткичлари: ўзгарувчан кучланиш, кучланиш частотаси ва синусоидал кўрсаткич халқаро стандарт бўйича меъёрий ҳужжат талаблари тўла мос келиши аниқланди.

Кичик гидроэлектростанция қурилмасини амалиёт синовдан ўтказиш давомида маълум бўлдики, агар худуднинг географик имкониятларидан келиб чиқиб жой, сув оқими ва гидрогенератор тўғри танланса ҳамда (асосийси) турли геометрик ўлчамларга эга бўлган сув ҷархпалакларини тайёрлаш тажрибаси тўла ўзлаштирилса, республикамизнинг сув оқими мавжуд исталган худудларда жойлашган аҳоли пунктлари, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари ўзларининг электр энергияси истеъмоли учун ушбу янги ишлаб чиқилган кичик гидроэлектростанциядан фойдаланса бўлади.

Синов-тажриба намунаси ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари (кучланиш (В) ва частотаси (Гц)) текширилган. Олинган натижалар халқаро стандарт меъёрий ҳужжатида келтирилган қиймат чегаралари билан солиштириб кўрилган. Аниқланган катталиклар ҳужжатнинг белгиланган талабларига тўлиқ мос келиши аниқланди. Натижада истеъмолчиларни сифатли электр энергияси билан таъминлаш имкони яратилган.

#### Адабиётлар

1. <https://ec.europa.eu/programmes/horizon2020/>

2. И.П. Прошкина И.П. Малые ГЭС – экологически чистый способ получения энергии // Возобновляемая энергия ежеквартальный информационный бюлтень, апрель 2002 г., стр.8-12.

3. Л.П.Михайлов Малая гидроэнергетика // М.: Энергоатомиздат, 1989, 184 с.

4. Б.Б.Кажинский Простейшая гидроэлектростанция // Издательство ДОСАРМ. Москва. 1950. 57 с.

5. <http://t-ndt.ru/analizator-kachestva-elektroenergii-ar.5-1271.html>

6. G. Müller, C.Wolter The breastshot water wheel: design and model tests / Proc. ICE Eng. Sustain ability , Vol. 157, Issue E S4, 2004, Pages:203 – 212.

7.Межгосударственный стандарт ГОСТ 13109-97 “Электрическая энергия. Совместимость технических средств электромагнитная нормы качества электрической энергии в системах электроснабжения общего назначения”. Дата введения 1999-01-01.

8. Luther Sule, I.N.G. Wardana, Rudy Soenoko, Slamet Wahyudi Angled and Curved Bladesof Deep-Water Wheel Efficiency // Australian Journal of Basic and Applied Sciences, 8(6) April 2014, Pages: 186 -192

9. Y.Yassi Experimental Study of a High Speed Micro Waterwheel // Iranian Journal of Mechanical Engineering, Vol. 14, No. 1, March. 2013. Pages: 33-47

10. V. Schnitzer, Micro hydro power // GTZ, Germany. 2009 p.118

# ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИ ИСТЕМЕЛЧИЛАРИ ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Х.Муратов, т.ф.д., проф,  
Д.Қодиров, PhD.

## АННОТАЦИЯ

Мақола паст босимли сув оқимларида ишловчи микрогидроэлектростанциянинг конструктив ва иш режими параметрларини моделлаштириш ҳамда конструкциясини такомиллаштириш, улардан паст босимли сув оқимлари тизимларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берилган. Микрогидроэлектростанция сув чархпалагининг ўлчамлари сувнинг  $V$  оқим тезлигига, фиксиранган вақт моментидаги чархпалак паррагига уриладиган сув ҳажми  $Q$  га ва сув сатхининг  $H$  чуқурулигига боғлиқ эканлиги келтирилган.

## АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам моделирование конструктивных параметров и режимов работы, усовершенствование конструкции микрогидроэлектростанций, работающих в низконапорном водяном потоке, дает возможность повысить эффективность использования низконапорных водных энергетических систем. Основные размеры водяного колеса микрогидроэлектростанции зависят от скорости  $V$  водяного потока, объема воды  $Q$ , действующего в фиксированном моменте времени на лопасти водяного колеса, а также от глубины  $H$  уровня воды.

## ABSTRACT

Article is devoted to questions modeling of design data and operating modes, improvement of a design of the microhydroelectric power stations working in a low pressure water stream gives the chance to increase efficiency of use of low pressure water power systems. The main sizes of a water wheel of microhydroelectric power station depend on the speed  $V$  of a water stream, the volume of water  $Q$  operating in the fixed timepoint on the blade  $H$  of a water wheel and also on water level depth.

Үзок йиллардан бери бу  $Q$ ,  $V$  ва  $M$  катталиклар оқим меъёрлари сифатида қабул қилинади. Бу қийматлар амалда ўртача сув оқими учун катталик сифатида қабул қилинган. Агар юқоридаги катталиклар ўзгармас географик шароитда ва дарёнинг бассейнинг сув оқими қуишлиши бир хил даражада иккитадан кам бўлмаган дарё сувини оқим цикларида ўзгаришлар бўлса, унда амалиётда оқим бўйича маълумотларни бевосита ўлчаш имкони йўқ бўлади. Оқим меъёрлари бутун мамлакат учун ҳисобланади ҳамда тегишли адабиётларда кўрсатилган оқим модулининг архив манбалари карталар(справочник)га асосан аниқланади. Тошкент вилояти учун оқим модули тоғли худудларида 20 л/с $\text{м}^2$  дан текис ҳудудларида эса 0,5 л/с  $\text{м}^2$  гача ўзгарилиди [1].

Дарёда оқим тезлиги деганда бир сония ичидаги сув оқимини босиб ўтган масофасига айтилади. Амалиётда оқим тезлиги сувда енгил сузуви предметларнинг (бўш шиша, гугурт қутиси, калтакча ва б.) ҳаракати орқали кузатилиши мумкин. Лекин шуни эсда тутиш лозимки, предмет сув бўйлаб оқимнинг юқори қисмida бўлган тезлик билан ҳаракатланади. Сув қатлами қанчалик чуқур бўлса, унинг оқим тезлиги шунчалик паст бўлади. Оқимнинг барча қатламлари учун хақиқий ўртача тезлик, чуқурликнинг 2/3 қисмida олинади.

Дарё оқими дарё кўндаланг кесим юзасидаги  $t$  вақтдаги сув сарфи ( $Q$ ,  $\text{м}^3/\text{с}$ ) ва даражаларни тизимли ўлчаш йўли билан ўрганилади [2].

$$Q = v \cdot \omega \quad (1)$$

бу ерда  $v$  – ўрганилаётган дарёдаги ўлчангандаги сувнинг ўртача оқими тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $\omega$  – дарёнинг кўндаланг кесимининг юзаси,  $\text{м}^2$ .

Аниқланган сув сарфлари сув ресурсларни ўрганувчи хизматчиларнинг қайд этиш китобига ёзиб борилади. Дарёнинг сув сарфи кўрсаткичлари билан бирга сув оқимнинг қуидаги кўрсаткичлари берилади:

Ўртача йиллик сув сарфи  $Q_{\text{ж.у}}$ ,

$$Q_{\text{ж.у}} = \frac{\sum_{i=1}^T Q_i}{T}, \text{ м}^3/\text{с} \quad (2)$$

бу ерда,  $\sum_{i=1}^T Q_i$  – ўртача йиллик сув сарфининг суткалик йигиндиси,  $T$  – бир йилдаги суткалар сони ( $T = 365$  кун ёки  $31,54 \cdot 10^6$  с);

Сувнинг йиллик оқиб тушиш миқдори  $V$ ,

$$V = Q_{\text{ср.}} \cdot 31,54 \cdot 10^6, \quad M^3 \quad (4)$$

бу ерда,  $31,54 \cdot 10^6$  – бир йилдаги ўртача сониялар миқдори;  
Кўп йиллик оқимларнинг йиллик ўртача ҳажми  $V_0$ ,

$$V_0 = \frac{V_1 + V_2 + \dots + V_n}{n}, \quad M^3 \quad (5)$$

бу ерда  $V_1, V_2, \dots, V_n$  – алоҳида йиллар учун оқим ҳажмлари;  $n$  – даврдаги йиллар сони;  
Ўртача йиллик сув сарфи  $Q_0$ ,

$$Q_0 = \frac{\sum^n Q_{\text{ср.}}}{n} = \frac{V_0}{31,54 \cdot 10^6}, \quad M^3/c \quad (6)$$

Ўртача йиллик оқим модули  $M_0$ ,

$$M_0 = \frac{1000 Q_0}{F} = \frac{1000 V_0}{31,54 \cdot 10^6 F} \quad \text{л/с} \cdot \text{км}^2 \quad (7)$$

бу ерда  $F$ -кўрилаётган дарёнинг қўндаланг кесм юзаси учун дарё бассейнининг сув тўплаш майдони,  $\text{км}^2$ .  
Ўртача йиллик оқим модулининг коэффициенти  $k_i$ ,

$$k_i = \frac{Q_{\text{ср.}}}{Q_0} = \frac{W_i}{W_0} \quad (8)$$

бу ерда  $i$ -йилнинг тартиб рақами.


Юқоридаги келтирилганлар асосида микрогидроэлектростанцияни ўрнатилиши режалаштирилган худуднинг бир йил давомидаги сув миқдори ўлчаб борилди ва улар 3.3 – жадвалда киритилди [3].

Худуддаги ойлар бўйича келтирилган ўртача сув миқдори

1 – жадвал.

Вақт t, ойлар	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Сув миқдори Q, $\text{м}^3/\text{с}$	2,1	2,3	2,2	2,2	2,2	2,2	2,5	2,5	2,2	2,2	2,9	3

1 – жадвални диаграмма кўринишига келтирамиз (1 – диаграмма)



1 – диаграмма. Синов ўтказилаётган худуднинг 2020 йилдаги сув оқими

Статья посвящена исследованию энергоэффективных режимов работы устройств с воздушным охлаждением (УВО) на компрессорной станции, ознакомлению с проблемой энергоэффективности в результате внедрения частотного регулятора путем группировки УВО.

## ABSTRACT

The article is devoted to the study of energy-efficient modes of operation of air-cooled devices (ACD) at a compressor station, familiarization with the problem of energy efficiency as a result of the introduction of a frequency regulator by grouping ACD.

## КИРИШ

Бутун дунёда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш кун тартибидаги долзарб масала сифатида қаралмоқда. Газни транзит қилиш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини оширишда электр энергияси нархининг кўтарилиши шароитида газ ташишнинг барча босқичларида энергия тежайдиган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021-йилларда режалаштирилган ривожланиш стратегиясида кўзда тутилган масалалардан бири саноатга замонавий энергия тежамкор технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда энергиядан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Газ узатиш тизимларида сарфланадиган бирлик меъёрий энергия сарфини камайтириш маҳсулот таннархини пасайишига сабаб бўлади.

Газ саноатининг энг кўп энергия сарфлайдиган сектор бири газ узатиш транспорти бўлиб, саноатнинг ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолининг 80% дан ортигини ташкил этади[1].

Ҳисоб-китоблари шуни курсатдики, фақат табии газни тежаш орқали унинг сарфини икки баробардан ортиқ камайтириш мумкин.

Табии газни узатишида компрессорда газ сиқилгандан сўнг газни ҳарорати ошиши юзага келади. Совутиш тизимларида электр энергиясидан самарави фойдаланиш компрессор станциясини умумий энергия сарфими унумдорлик масаласига ижобий таъсир қиласи.

Ҳаво совутиш қурилмалари (ҲСҚ) газ саноатида кенг қўлланилиши, уларни осон сақланиши ва оралиқ иссиқлик ташувчини талаб қилмаслик иш жараёнидаги қулийликга сабаб бўлади. Бироқ, бундай газ қувурларида иссиқлик алмашинувининг атроф-муҳит билан боғлиқлиги сезиларли даражада ёмонлашуви натижасида ташилаётган газнинг ҳарорати ортиши кузатилади, чунки уларнинг ишланиши пайтида қурилмаларнинг ифлосланиши иш самарадорлигига салбий таъсир қиласи[2].

Магистрал газ қувирларига узатилаётган газни ҳарорати кутарилиши босимни ортишига сабаб бўлади. Натижада газ насос агрегатлари (ГНА) қувватини кўпайтириш талаб ошади ва ёқилғи чиқиндинсини ортишига олиб келади. Шу билан бирга газ узатищдаги бирлик меъёрга сарфланадиган энергия сарфи ортади.

Компрессор станциясида энергия тежаш ҲСҚ ларининг иш шароитларини яхшилаш орқали этиши мумкин. Кутилган натижани эса ҲСҚ оқим қисмининг динамик қаршилигини камайтириш ва структуранинг аэродинамикасини яхшилаш орқали олиш мумкин.

ҲСҚни энергия тежамкорлигини оширишда бир қатор чара тадбирлар ишлаб чиқилган шулардан:

- ҲСҚ иссиқлик алмашиниш қувурларининг оқим шароитини яхшилаш,
- ҳаво йўлининг динамик қаршилигини камайтириш,
- ўз-ўзини юклаш эффицити ва дефлектор эффицитидан фойдаланиш,
- кўндаланг оқим шароитида вентилятор фаолиятини барқарорлаштирувчи энг оддий тузилмаларни қўллаш[3].

Юқоридаги чора тадбирларга қўшимча равищда ҲСҚ электр моторини керакли юкламаларга тўғри ва юмшоқ мослашиши учун частотавий ростлагичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Частотавий ростлагичларни ҲСҚга жорий этиш натижасида энергия ва ресурс унумдорликга таъсир этувчи бир қатор омиллар қўйида келтирилган:

- Электр моторини ишга тушиш токини  $I_{нш.т}$  чекланиши,
- Юмшоқ боғланиши натижасида электр тармоқларига салбий таъсирини йўқолиши,
- талаб этилган ҳароратни мутадил равищда ушлаб туриш натижасида ортиқча энергия сарфини олди олиниши[4].

ҲСҚ да вентилятор электр мотор қуввати талаб этилган босим ва ишлаб чиқариш самарадорлик ҳисобга олиниб танланади.

Марказдан қочма вентиляторлар бирлик вақт ичida узатиладиган ҳаво массаси қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$m = F \cdot v \cdot \rho . \quad (1)$$

F-вентилятордан чиқған ҳаво оқимини қабул қылувчи юза, м<sup>2</sup>; т-секудига узатиладиган ҳавони масса, кг/с; ρ-ҳавони зичлиги, кг/м<sup>3</sup>; η<sub>В</sub>, η<sub>П</sub>- вентилятор ва узатмани фойдали иш коэффициенти[5].

1-формуладан келиб чиқиб вентиляторда ишлатиладиган энергия күйидаги шаклда ифодаланади:

$$W = \frac{m \cdot v^2}{2} = \frac{F \cdot v^3 \cdot \rho}{2}. \quad (2)$$

Вентиляторни электр мотор қуввати эса күйидагича аниқланади:

$$P = \frac{F \cdot v^3 \cdot \rho}{2 \cdot \eta_{\text{В}} \cdot \eta_{\text{П}}} \cdot 10^{-3}. \quad (3)$$

Формуладан фойдаланган ҳолда лозим бўлган ишлаб чиқариш самарадорлик (м<sup>3</sup>/с) ва босимни (Па) аниқлаш қўйида ифодаланган[6]:

$$Q = F \cdot v. \quad (4)$$

$$H = \frac{v^2 \cdot \rho}{2}. \quad (5)$$

Юқоридаги ифодалардан кўриниб турибдики

$$Q = c_1 \cdot \omega, \quad (6)$$

$$H = c_2 \cdot \omega^2. \quad (7)$$

Мос равища

$$P = \frac{Q \cdot H}{\eta_{\text{В}} \cdot \eta_{\text{П}}} = c \cdot \omega^3, \quad (8)$$

$$M = \frac{P}{\omega} = c \cdot \omega^2. \quad (9)$$

бу ерда,  $c$ ,  $c_1$ ,  $c_2$  доимий катталик[7].

Доимий катталикларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлиги, босим ва сарф этиладиган қувват электр двигателини айланиш частотасини ўзгаришига кўйидагича боғлиқликлар орқали ифодаланиши мумкин:

$$\begin{cases} Q \leftrightarrow \omega \\ H \leftrightarrow \omega^2 \\ P \leftrightarrow \omega^3 \end{cases} \quad (10)$$

Юқоридаги боғлиқликларни эътиборга олган ҳолда компрессор станциясида мавжуд ҲСКларни 5 ёки 6 тасини бир секцияга жамлаган ҳолда умумий частотавий ростлагич ўрнатилади. Бундан олинадиган натижага юкламага юқори аниқлиқда мослашиш, частотавий бошқарищдаги оптималь нуқтада ишлашини таъминлаш, узатилаётган газ ҳароратини меъёрий қийматини назорат қилиш имкониятига эга бўлиш ва электр энергия сарфини камайиши ҳисобланади.

Компресор станция ҳаво совитиш қурилмалар умумий сони 15 та бўлганда, улардан 10 тасини 2 секцияга бўлиб хар бир секция учун умумий частотавий ростлагич ўрнатиш ёрдамида энергия истеъмолидаги эришиладиган тежамкорлик 1-жадвалда солиштирилган[8].

1-Жадвал.

ҲСКларни ташқи ҳаво ҳарорат таъсиридаги энергия истеъмоли "мотор-вентилятор" ва "мотор-чр-вентилятор" режимларидағи энергия сарфи солиштирилган												
Суткани қаралаётган оралик, вақтлар			ҲСКларни номинал қуввати Рн, кВт			Сутка давомидаги атмосфера ҳароратига			15та ҲСК ни тўғридан тўғри ишлатиш			
			ҲСКга кирувчи газни ҳароратига		ҲСКга чиқувчи газни ҳарорати Тч		Ишлатётган ҲСКларни умумий қуввати Рф, кВт*с		Жорий вақт оралиғидаги энергия сарфи Wф, кВт*с		ҲСКларни 5та тўғридан тўғри, 2та группалашган ЧР ўрнатилган ҳолдаги енергия сарфи	
02-00	75	24	49,9	40	4	210	420	45	1гр	0,6	16,2	32,4
04-00	75	22	51,0	41	3	157,5	315	45	1гр	0,4	4,8	9,6
06-00	75	25	52,0	42	5	262,5	525	45	2гр	0,5	9,4	18,8
08-00	75	28	53,5	43	6	315	630	45	2гр	0,6	16,2	32,4
10-00	75	31	56,0	44	7	367,5	735	45	2гр	0,7	25,7	51,5
12-00	75	37	58,0	45	9	472,5	945	45	1в+2гр	0,7	78,2	156,5

14-00	75	42	60,8	40	12	630	1260	45	3в+2гр	0,7	183,2	366,5
16-00	75	43	62,0	41	14	735	1470	45	5в+2гр	0,7	288,2	576,5
18-00	75	38	58,5	42	9	472,5	945	45	2в+2гр	0,65	125,6	251,2
20-00	75	32	57,0	43	7	367,5	735	45	2гр	0,7	25,7	51,4
22-00	75	29	52,0	44	5	262,5	525	45	2гр	0,5	9,4	18,7
24-00	75	27	53,0	45	4	210	420	45	1гр	0,75	31,6	63,3
						4462,5	8925				814,3	1628,6

Жадвалдан күришимиз мүмкінкі частотавий ростлагичларни гурухлаш ёрдамида ҲСҚларидаги энергия сарфина 50% гача пасайтириш имконига эга бўлинади. 1-жадвалда икки усулда ишлатиш натижасида маълум миқдордаги иш учун сарф этилган электр энергиядаги фарқларни 1-гистограммада кўришимиз мумкин.



1-Гистограмма. Оддий режим ва гурухлашган частотавий бошқаришдаги энергия истеъмоли ифодаланган.

1-Гистограммада мотор-вентилятор тизимида ишлайдиган ва гурухлашган частотавий бошқарув ёрдами ишлатиладиган ҲСҚларда истеъмол қилинадиган электр энергия сарфи ифодаланган.

Хулоса ўрнида, тўғридан-тўғри ишлаш схемасида фаолият юритадиган ҲСҚлардан секцияларга ажратилган ҳолда частотавий бошқариш самарали ҳисобланади. Бу бошқариш усулларда электр энергия сарфидаги фарқ икки баробаргача бўлиши мумкин. Шу билан бирга магистрал газ қувирларига ўзатилаётган газни ҳароратини талаб даражасидаги меъёрий қийматда назорат қилиш имкониятини беради.

### Адабиётлар

- Бахмат В.Г., Ерёмин Н.В., Степанов О.А. Аппарат воздушного охлаждения на компрессорных станциях. СПБ: Недра, 1994, 102 с.
- В.А. Маланичев. О.Л. Миатов(ЗАО «Гидроаэроцентр»), А.М. Типайллов(ОАО «Сибур-Нефтехим») Разработка и модернизация вентиляторных блоковаппаратов воздушного охлаждения (Химическая техника № 2, 2004)
- Калинин А.Ф., Коновалов А.А. Оценка эффективности работы компрессорного цеха. Территория Нефтегаз № 12, 2011.
- Б. Г. Просветов, В. В. Давитулиан и Технико-экономическая оптимизация АВО – Аппарат воздушного охлаждения- ООО "ТехМашИмпэкс", [www.texmash.ru](http://www.texmash.ru)
- Методика расчета аппарата воздушного охлаждения газа. М.: ВНИИгаз, 19827 31 с.
- СТО Газпром 2-3.5-051-2006 Нормы технологического проектирования магистральных газопроводов, ОАО «Газпром», - М., 2006. – 194 с.
- Калинин А.Ф., Коновалов А.А. Оценка эффективности работы компрессор-ногоцеха. Территория Нефтегаз № 12, 2011.
- Хворов Г.А., Юмашев М.В. Анализ энергосберегающих технологий охлаждения газа на основе аппаратов воздушного охлаждения в транспорте газа ПАО «Газпром» // Территория «НЕФТЕГАЗ». 2016. № 9. С. 127–132.

## ДАВРИЙ ИМПУЛЬС КУЧЛАНИШЛИ МАШИНА ГЕНЕРАТОРИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДЦЫКОТИ

# Музафаров Ш.М., Эркинов Б.Н., Пардаев А.И. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада пахта тозалаш заводлари электрофильтрларини электр энергия билан таъминлаш учун электр таъминот манбаси бўлган импульс генератори ишлаб чиқиш масаласи ёритилган. Электр таъминот манбасини ҳисоблашда ўҳшашлик методларидан фойдаланиб олиб борилган. Шунингдек импульс генераторини экспериментал тадқиқотларида салт юриш, доимий частотада юклама ва доимий қўғатув кучланишида юклама характеристикалари билан ўткизилган. Даврий импульс кучланишили машина генераторини характеристикаларини тадқиқ этиш учун стендни принципиал схемасидан фойдаланилиши келтирилган.

## АННОТАЦИЯ

**Аннотация**  
В этой статье приведены задачи разработки импульсного генератора для электропитания системы электрофильтров хлопкоочистительных заводов. Расчет источника импульсного питания производился с использованием метода подобия. Проведены экспериментальные исследования импульсного генератора с характеристиками холостого хода, нагрузочной характеристики при постоянной частоты и питания постоянной возбуждения. Приведена схема стенда для исследования характеристик периодического импульсного машинного генератора.

## ABSTRACT

This article describes the task of developing a pulse generator, a power source for the power supply system of the electrostatic precipitators of the cotton-cleaning plants. The calculation of the source of pulse power was performed using the method of similarity. Experimental studies of the pulse generator with the characteristics of no-load, load characteristics at a constant frequency and constant excitation were carried out. Given the electrical circuit of the stand for the study of the characteristics of a periodic pulsed machine generator.

**Калит сүзлар:** импульсни генератор, электрофильтр, электр тальминот манбаси, ўұшашплик методи  
**Калит сүзлар:** импульсный генератор, электрофильтр, источник питания, метод подобия  
**Keywords:** pulse generator, electrostatic precipitator, source power supply, method similarity

**Keywords:** pulse generator, electrostatic precipitator, source power supply, method similarity

**Keywords:** pulse generator, electrostatic precipitator, source power supply, method similarity

Үзгармас ва ўзгарувчан ток электр машиналарини ҳисоблашнинг мавжуд методларни таҳлил қилиб маълум бўлдики, ротори ва статорида бир хил аниқ ифодаланган жуфт кутблар сонига эга бўлған электр машиналарни ҳисоблаш методи мавжуд эмас. Улардаги назарий ва графоаналитик методларини 4 квтли импульс генераторини ҳисобларида ишлата олмаймиз. Шундан келиб чиқиб ўҳашашлик методидан фойдаланилиб даврий импульс кучланишили машина генераторини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш асосида уларнинг параметрларини бир-бирига ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида машина генераторини макети ишлаб чиқилди ва тайёрланди [1, 2].

Экспериментал тадқиқотлар қуийдаги генераторнинг характеристикаларини аниқлашмақсадида ўтказилди:

- салт юриш характеристикалари  $U_{СЮ} = f(U_k, n)$ ;
  - доимий частотада юклама характеристикалари  $I = f(U_k, U)$ ;
  - доимий күзгатув күчленишида юклама характеристикалари  $I = f(U, f)$ .


Машина генераторини макети күввати 2,2 кВт бўлган қисқа туташтирилган уч фазали асинхрон электр моторини базасида тайёрланган. Электр моторнинг конструкциясида қўйидаги ўзгаришлар киритилган. Электр моторнинг статоридаги 36 та пазлари шундай ҳисоб билан бўлинганки (1.1 расм) пазларнинг кенглиги қутбларнинг кенглигига tengлаштирилган. Статор пазларида қутб ғалтаклари жойлаштирилган. Ҳар бир ғалтак 1,5 мм диаметрдаги ПЭВ-2 туридаги симли 7 ўрамдан иборат. Статор чулғамини барча ғалтаклари 18 ғалтакдан 2 секцияга бўлинган. Ҳар бир секциянинг ғалтаги кетма-кет уланган ва клемма қутисига чиқарилган.



### **1.1 расм. Даврий импульс күчланишлы машина генераторини статори**



**1.2 расм. Құзғатув чулғамини таъминлайдыган  
чүткали механизмга ега бўлган даврий импульс  
кучланишпи машина генераторини ротори**




**1.3 расм. Даврий импульс күчланиши машина генераторини характеристикаларини тадқиқ этиш учун стендни принципиал схемаси**

T<sub>1</sub> - уч фазали автотрансформатор; T<sub>2</sub>, T<sub>3</sub> – автотрансформаторлар; V5...V10 – уч фазали тұғрилагич; V1...V4 – тұғрилагич; M- ўзгармас ток мотори; G- генератор; PA- амперметр; PV- вольтметр; pH<sub>2</sub>- частотометр; PW- ваттметр

Генератор ротори (1.2 расм) яхлит металдан ишланган. Ротордаги пазларни сони статордаги пазлар сонига тенг. Роторнинг ұар бир күтби 0,5 мм диаметрли ПЭВ-2 симдан ишланган ва үз ғалтагига ега бўлади. Ротор қўзгаткичини ғалтакларидағи ўрамлар сони 50 ўрамдан иборат. Ротор күтбларини барча ғалтаклари кетма-кет уланган ва чўтка механизмини контакт ҳалқасига чиқарилган. Бу эса кейинчалик генераторни ички қисмиди хизмат қилиш кулайлигини оширади.


Ротор қўзгатув чулғамини ғалтаги 50 ўрамдан иборат. Ротор күтбларини барча ғалтаклари кетма-кет уланиб чўткали механизмининг контакт ҳалқасига чиқарилган. Курилмани ички томонида жой бўлмаганлиги сабабли чўткали қурилма ташқи томонига жойлаштирилган.

Тадқиқотлар эса 1.3 расмдаги келтирилган стендни принципиал схемаси билан ўтказилди. Генераторни электр юритмаси 0,5 кВт қувватли кетма-кет қўзгатилган ўзгармас ток электр мотори томонидан амалга оширилди. Генератор айланиш тезлигини кенроқ ростлаш учун эса тұғрилагични кўпприк схемаси орқали 3 фазали автотрансформатор T<sub>2</sub> дан таъминланади.



**1.4 расм. Частотаси 1000 Гц бўлганда генераторни салт юриш күчланишини қўзгатув күчланишига боғлиқлиги графиги**

Электр моторни вали генератор вали билан узатиш коэффициенти 1,5 бўлган понасимон тасмали узатма орқали уланган. Генераторни қўзгатув чулғами диод кўпприги орқали трансформатор T<sub>1</sub> ёрдамида таъминланади. Параллел равишида қўзгатув чулғами 2000 мкФ сифимли фильтр С га уланган. Фильтрсиз генератор чиқишида күчланиш формасида қўзгатув чулғами магнитланишини икки ярим даври ток билан бузилади. Юклама сифатида юклама резисторига RH уланган автотрансформатордан T<sub>3</sub> иборат схемадан фойдаланилган. Частотини ўлчаш частотометр Ч3—33 орқали амалга оширилади.



1.5 расм. Частотаси 1000 Гц бўлганда генераторни юклама характеристикаси графиги

Частотаси 1000 Гц бўлганда генераторни салт юриш кучланишини қўзғатув кучланишига боғлиқлик графигидан (1.4 расм) кўриниб турибдики, қўзғатув кучланишини 15–50 В диапазонида амалий жихатдан чизиқлидир.  $U_k$  кучланишини 50 В дан ошганда генераторни чиқишидаги кучланиш амалий жихатдан ўзгармайди. Бундай ҳолатда генераторнинг магнит системаси қайта тўйинишига ўтади. Бу ерда қўзғатув кучланишини чегаравий қиймати генератор макети учун 50 В ни ташкил этади.

1.5.расмдан кўриниб турибдики, генераторни кескин пасаювчи чиқиши характеристикасига эга бўлиб, бунда максимал қувват тахминан токни ўртача қийматига тенг бўлади. Генераторларнинг бундай системасини хусусиятлари қисқа туташув режими хавфсизлигидан иборат бўлади. Генератор чиқиши характеристикасини юмшоқлиги чиқиши кучланишини стабилизация қилиш талаб этилиши билан аниқланади. Генератор чиқишидаги кучланишини стабилизация қилиш қўзғатув кучланишини ростлаш билан ёки ротор тезлигини ростлаш билан амалга ошириш мумкин.

Бу усусларни баҳолаш учун генератор салт юриш кучланишини ротор тезлигига боғлиқлиги (3.9. расм) ва турли частоталарда юклама характеристикалари (3.10 расм) тадқиқ этилди. Биринчи яқинлашувда частотани ўзгариши қўзғатув чулғамидаги кучланишини ўзгариши ҳолатига ўхшаб юклама характеристикаларини ўзгаришига бир хил келтирилади.

Ротор тезлигини ўзгаришини стабилизация қилиш усусларидан эҳтимолий фойдаланишни таҳлил қилища электр юритма моторини тезлигини ростлашга боғлиқ бир неча камчилликларга эга бўлдик. Автоматик ростлашни бундай системаси катта инерцияликка эга бўлади. Бундан энг афзали эса қўзғатув кучланишини ростлаш билан стабилизация қилиш ҳисобланади.

### Хулоса

Электрофильтрларни ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида даврий импульсли кучланиш генератори ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган генераторни характеристикаларини тадқиқ этиш учун стендни принципиал схемаси ёрдамида салт юриш, доимий частотада юклама ва доимий қўзғатув кучланишида юклама характеристикалари ўрганилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Гольдберг О.Д., Гурин Я.С., Свириденко И.С. Проектирование электрических машин. Учеб. пособие для ВУЗов / Под ред. О.Д.Гольдберга. -М.: Высшая школа, 1984. - 431 с.

2. Сергеев П.С., Виноградов Н.В., Горяинов Ф.А. Проектирование электрических машин. Изд. 3-е, переработ. и доп. - М.: Энергия, 1969. - 632 с.

3. Эркинов Б.Н. Расчет параметров машинного генератора для системы электрофильтров хлопкоочистительных заводов // Журнал энерго и ресурсосбережения. – Ташкент, 2009. - №3-4. – С. 93-95.

Музрафаров Шавкат Мансурович – т.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [sh\\_muzafov@tiiame.uz](mailto:sh_muzafov@tiiame.uz)

Эркинов Баходир Нариманович – PhD, катта ўқитувчи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [b\\_erkinov@tiiame.uz](mailto:b_erkinov@tiiame.uz)

Пардаев Аброр Исламулаевич – ассистенти.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй, email: [a.pardaev9294@gmail.com](mailto:a.pardaev9294@gmail.com)

## ТҮСИҚЛИ-ЮЗА РАЗРЯДДА ОЗОН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯСИНИ АНИҚЛАШ

Ш. Музафаров, т.ф.д. профессор,  
А. Бабаев асистент,  
О. Қиличов, асистент ТИҚХММИ.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада икки толали симда түсиқли-сирт разрядидаги озон концентрациясини экспериментал тарзда аниқлаш натижалари көлтирилган. Озон ишлаб чиқарышни ўрганиш учун ўрнатиш ишлаб чиқарилди ва йигилди. Синтез вақтинг озон ишлаб чиқарышга, озон концентрациясига ва озоннинг энергия сарфига таъсири ўрганилди.

### АННОТАЦИЯ

В данной работе приведены результаты экспериментального определения концентрации озона в барьерно-поверхностном разряде на двухжильном проводе. Для изучения наработки озона изготовлена и собрана установка. Исследованы влияние времени синтеза на наработку озона, на концентрацию озона и энергозатрату озона.

### ABSTRACT

This work presents the results of experimental determination of the ozone concentration in a barrier-surface discharge on a two-wire wire. To study the production of ozone, a setup was manufactured and assembled. The effect of the synthesis time on the production of ozone, on the concentration of ozone and the energy consumption of ozone has been investigated.

#### 1. Кириш

Озон - бу уч атомли кислород молекуласи. Озон ҳаводаги тоза кислород ёки кислороддан маҳсус мосламалар - озонаторларда ҳосил бўлади. Озон - бу кислороднинг аллотропик модификацияси ва нормал ҳарорат ва босимда ўзига хос ҳидга эга хира бинафша рангли газдир. Озоннинг кимёвий формуласи  $O_3$ , кислород модификацияси, озон, шунга қарамай, ундан жуда фарқ қиласи, масалан, у рангли, диамагнетик, заҳарли ва портловчи моддадир. Озоннинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, уни тўғридан-тўғри фойдаланиш жойида олиш мумкин ва кимёвий жиҳатдан бекарор бўлиб, нисбатан қисқа вақтдан сўнг у оддий кислородга айланади [3,4]. Озон қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва кимё саноатида кенг қўлланилади. Тўсиқли - разряд асосидаги биринчи озонатор 1895 йилда ишлаб чиқарилган. Профессор В.С. Энгелшт раҳбарлигига ОМ-60-1 тиббий озонатори [5] ва донни фумигация қилиш учун озонатор ОП-2 [6] ишлаб чиқарилган. Ривожланиш жараённида янги, фойдали ва муаллифлик гувоҳномалари ва патентлари билан ҳимояланган озон ҳосил қилишнинг янги усуслари ва қурилмаларини аниқлаш мумкин эди.

Озон касалхоналарни, омборхоналарни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дезинфекция қилиш учун ишлатилади. Ўсимлик материаллари уруғларини озон билан даволаш ҳосилдорликни ва соғлом уруғларни кўпайишига олиб келади [1,5].

Озон кўплаб кимёвий синтезларда қўллашни топади, бактериотик восита сифатида кенг қўлланилади ва ичимлик ва чиқинди сувларни дезинфекция қилишда кенг қўлланилади [7]. Ичимлик сувида патоген микроорганизмлар фаол кислород билан йўқ қилинади. Чиқинди сув таркибида саноат корхоналаридан кўплаб зарарли аралашмалар мавжуд. Бу нефт маҳсулотларининг қолдиқлари, бўёқлар, цияниидлар ва бошқалар. Уларнинг озон билан йўқ қилиниши оксидланишга асосланган. Идеал ҳолда, охирги маҳсулотлар карбонат ангирид, сув ва бошқалар. [7].

Яқинда озон терапияси соғлиқни сақлашда кенг тарқалмоқда. Озонни даволаш танадати кислород метаболизмини йўқ қилишга ва иммунитетни оширишга асосланган.


Ушбу ишнинг асосий мақсадлари:

- озон ишлаб чиқарышнинг синтез вақтига боғлиқлигини аниқлаш;
- озон концентрациясининг синтез вақтига боғлиқлигини аниқлаш;
- озон синтези учун энергия сарфининг ўз вақтида боғлиқлигини ўрганиш.

#### 2. Экспериментал созлаш ва ўлчаш усуслари

##### 2.1. Озонатор

Экспериментал қурилмада икки толали симда тўсиқли-разряд асосидаги озонатор ишлатилган (1.-расм). Озонатор 1 картон силиндр ичидаги спиралга ўралган, узуналиги беш метр бўлган икки толали сим.




Расм 1. Озонатор қурилмаси.

Цилиндр озон-ҳаво аралашмасини айлантириш учун ишлатиладиган вентилятор 2га ўрнатилади. Озонатор герметикланган, тўртбурчаклар қутининг ичига 3 ўлчовлар билан жойлаштирилган:  $1.17 \times 0.44 \times 0.42$  м; ҳажми  $V = 0,216$  м<sup>3</sup>, қутиси текстолит материалидан тайёрланган. Озонатор билан вентилятор қутининг юқори ички деворига ўрнатилади.

Қутидаги озон-ҳаво аралашмасини чиқариш учун компрессор 4 ишлатилган. Компрессор таомиллаштирилди, яъни озон-ҳаво аралашмасининг чиқаришини тартибга солувчи найчага маҳсус чекловчи кран ўрнатилди. Доимий газ оқимиининг тезлиги 0,6 л / мин.

Компрессор қутига поливинилхлорид (ПВХ) трубкаси билан пастки ён бурчагидаги тешик орқали уланади. Чиқарилган аралашма 5-барботерга киради, у ерда озон кимёвий реакцияга киради, калий ёди迪 KJ ва сулфат кислота H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмаси орқали ўтади (1-расм).

Тўсиқли-разрядда озон ишлаб чиқарилишини аниқлаш учун 2 расмдаги электр схемада кўрсатилган.



Расм 2. Қурилманинг электр схемаси.

### 3. Ўлчов натижалари

#### 3.1. Озон концентрациясининг синтез вақтига боғлиқлиги

Озон концентрацияси аниқланди, у озонаторда  $L=5$  м узунликдаги икки толали симдан, ўзгарувчан ўзгарувчан кучланиш  $U_{\text{эфф}}=10$  кВ да ҳосил бўлади.

Озон концентрацияси йодометрик усул билан ўлчанди [4,7].

Компрессор томонидан помпаланадиган озон-ҳаво аралашмаси  $t = 14$  минут давомида калий ёдид ва сулфат кислота эритмаси билан барботердан тўқ қизил ранг олгунча ўтказилди, сўнгра компрессор 20 минут давомида ўчирилди ва концентрация ўлчанди. Озон концентрациясини аниқлагандан сўнг, компрессор яна ёқилди, озон-ҳаво аралашмаси барботердан уч дақиқа давомида ўтказилади. Шу вақт ичida эритманинг олдинги ранги олинган, озон концентрацияси ўлчанган, яъни озон концентрацияси графигида синтез вақтига нисбатан иккинчи экспериментал нуқта олинган.

Еритма орқали ўтган газ ҳажмини аниқлаш учун бир дақиқада ўтган газ миқдорини эритмадан газ ўтган вақтга кўпайтириш керак.

Титрлаш учун сарф қилинган тиосулфатнинг ҳажми берет шкаласи бўйича аниқланади.

Масалан,  $U_{\text{эфф}}=10$  кВ кучланишли озон концентрациясини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаб чиқамиз:

$$C = \mathcal{E}_0 V_t \cdot M_t / V, \quad (1)$$

бу ерда  $\mathcal{E}_0$  – озон эквивалентининг молекуляр оғирлиги.

$$M(1/2O_3) = 24 \text{ г/молль.}$$

$M_t$  – тиосулфат эритмасининг молекуляр концентрацияси, мол/л.  $V_t$  – титрлаш учун ишлатиладиган тиосулфат эритмасининг ҳажми (мл),  $V$  – эритма (л) орқали ўтган газ ҳажми.

$$C_{O_3} = \frac{24 \text{ г/моль} \cdot 0,011 \text{ моль/л}}{0,6 \text{ л/мин} \cdot 14 \text{ мин}} = 0,72 \text{ г/м}^3$$

$C_{O_3} = f(t)$  га боғлиқликни тузиш учун биз  $t_{\text{урт}}$  синтезининг ўртача қийматини топишимиз керак эди. Шу мақсадда 1-диаграммада кўрсатилган вақт ўлчови тузилди. Бу кўйидагича амалга оширилди: биринчи навбатда, ҳисоблашнинг бошидан бошлаб эритманинг керакли рангини олиш учун компрессор 14 дақиқа давомида узилишсиз ишлади. Ўрта нуқтани о ва 14 оралиғида оламиз - бу 7-нуқта бўлади, кейин компрессор 20 дақиқага ўчирилди. 14 дақиқага биз 20 дақиқани қўшамиз ва биз 34ни оламиз, кейин компрессор 3 дақиқа давомида ишлади. 3, 34 га қўшинг, биз 37 ни оламиз ва 34 ва 37 оралиғидаги ўрта нуқтани оламиз, бу 35,5 ва шунга ўхшаш (1-диаграмма).





Диаграмма 1. Озон ( $O_3$ ) концентрациясининг синтез вақтининг ўртача қийматига ( $t_{\text{урт}}$ ) боғлиқлигини аниқлаш учун вақт ўлчови.

Ушбу учта ўлчовдан ва интуитив энг кичик квадратлар усули ёрдамида озон концентрациясининг синтез вақтига нисбатан графиги тузилди (3-расм).



Расм 3. Озон концентрациясининг кучланишдаги синтез вақтига боғлиқлиги  $U_{\text{эфф.}} = 10 \text{ kV}$  ва газ оқимининг тезлиги  $V_t = 0,6 \text{ л/мин.}$


График шуни кўрсатадики, вақтнинг бошланғич моментида о дан 1 соат 25 минутгача озон концентрацияси аста-секин ўсиб боради (чизиқли бўлмаган). Агар озон идиш ичида парчаланмаса озон концентрацияси тезроқ ўсиб борар эди. Озон парчаланишга мойил бўлиб, парчаланиш тезлиги ҳарорат ошиб боради, шунинг учун озоннинг парчаланишининг сабабларидан бири бу симларнинг қизиши ва парчаланиш натижасида озоннинг йўқ қилиниши.

Агар ушбу сабаблар бўлмаса, график чизиги 3-расмда кўрсатилган нуқта чизик бўйлаб ўтади.

Синтез вақтининг 1 соат 25 минутдан 1 соат 40 минутгача кўпайиши билан озон концентрацияси ўзгармайди, яъни тўйинганлик пайдо бўлади ва у тўйинганлик нуқтасида  $C_{O_3} = 4,6 \text{ г/м}^3$  ни ташкил қиласи, яъни. 1 соат 40 дақиқада озонатор ўчирилди ва озоннинг парчаланиши янада ўрганилди. Бу тиббий

асбобларни (скалпел, шпритс ва бошқаларни) ва элита дон навларининг уруғларини қайта ишлаш вақтини аниқлаш учун муҳимдир.

Расм 3 шунун кўрсатадики, вақт ўтиши билан озон концентрацияси аста-секин камаяди, яъни. озоннинг секин парчаланиши мавжуд. Бу озон молекуласида концентрациясида 20 та ҳаво молекуласи борлиги билан боғлиқ, шунинг учун озон молекуласи озоннинг ўзи билан эмас, балки кўпинча ҳаво молекулалари билан тўқнашади. Озон парчаланиши учун иккита озон молекуласи учрашиши керак. Озон қўйидаги формула бўйича парчаланади:



бу ерда  $q$  - чиқарилган иссиқлик миқдори. Озонатор ўчирилгандан кейин 28 соат ўтгач, резервуарда озон концентрацияси аниқланди, у  $0,4 \text{ г} / \text{м}^3$  га тенг эди.

### 3.2. Озон ишлаб чиқаришнинг синтез вақтига боғлиқлиги.

Озон ишлаб чиқарилишини ҳисоблаш учун биринчи навбатда ишлаб чиқарилган озон массаси аниқланди. Яратилган озон массаси формула бўйича ҳисоблаб чиқилган

$$m_{O_3} = C_{O_3} V \quad (2)$$


У қўйидагича ҳисобланади: озон концентрациясининг ўртача қиймати озонатор жойлаштирилган ва  $0,216 \text{ м}^3$  га тенг бўлган В резервуар ҳажмига кўпайтирилади, масалан,  $m_{O_3} = 14,1 \text{ г} / \text{м}^3 * 0,216 \text{ м}^3 = 0,24 \text{ г}$ .

Озон  $m_{O_3}$  массасининг, озон  $C_{O_3}$  ҳосил бўлишининг ва  $q$  энергия сарфланишининг  $U_{\text{эф}} = 10 \text{ кВ}$  да озон синтези вақтига, газ сарфи  $V_T = 0,6 \text{ л}/\text{мин}$  га боғлиқлиги.

Жадвал 1.

T, мин.	$C_{O_3}, \text{г}/\text{м}^3$	$m_{O_3}, \text{г}$	$C_{O_3}, \text{г}/\text{с}$	$q_{O_3}, \text{кВтс}/\text{кг}O_3$
10	1,14	0,24	1,02	11,1
20	1,5	0,32	0,9	17,8
30	2,23	0,48	0,66	24,02
40	2,7	0,58	0,6	26,6
50	3,23	0,7	0,72	22,2
60	3,7	0,8	0,6	26,6
70	4	0,86	0,36	44,4
80	4,4	0,95	0,54	29,6
90	4,57	0,99	0,24	66,6
Ўчириш вақти				
100	4,56	0,98	-0,66	
120	4,13	0,89	-0,27	
140	3,76	0,81	-0,24	
160	3,4	0,73	-0,24	
180	3,06	0,66	-0,21	
200	2,76	0,6	-0,18	
220	2,5	0,54	-0,18	
6	2	0,43	-0,002	
8	1,76	0,38	-0,015	
10	1,6	0,35	-0,019	
12	1,43	0,31	-0,015	
14	1,3	0,28	-0,019	
16	1,13	0,28	-0,06	

Тажрибалар давомида озон массасининг қийматлари бошқа қийматларда ҳисоблаб чиқилган ва улардан озон массасининг синтез вақтига боғлиқлиги графиги тузилганлиги 4 расмда кўрсатилган.



Расм 4. Озон массасининг  $U_{\text{эфф}} = 10 \text{ кВ}$  кучланишдаги синтез вақтига ва  $V_g = 0,6 \text{ л}/\text{мин}$  газ оқимига боғлиқлиги.


Ушбу графикадан кўриниб турибдики, вақт ўтиши билан, яъни. О дан 1 соат 25 минутгача озон массаси чизиқсиз равишда кўпаяди. Озон билан тўйинган пайтда у 0,99 г ни ташкил қиласди, ундан кейин озонаторни ўчирилади. Озонаторни ўчирилганда сўнг озон массаси аста-секин камайиб боради ва 28 соат 30 минутдан сўнг 0,1 г га teng озон массаси олинади.

Озон ишлаб чиқаришни ҳисоблаш  $m$  ва т нинг маълум қийматларига кўра фарқлаш йўли билан амалга оширилди, яъни

$$C_{O_3} = \Delta m / \Delta t \quad (3)$$

Масалан, озон ишлаб чиқаришни ҳисоблаш:

$$C_{\text{ш3}} = \frac{m_1}{t} = 0,24 \frac{\text{г}}{\text{мин}} \cdot 60 \text{мин} = 1644 \text{г}/\text{соат}$$



Расм 5. Озон ишлаб чиқариш  $G$  нинг волтажидаги синтез вақтига боғлиқлиги.  $U_{\text{эфф}} = 10 \text{ кВ}$  ва газнинг сарфланиши  $V_g = 0,6 \text{ л}/\text{мин}$ .

$$C_{O_3} = \frac{m_2 - m_1}{t_2 - t_1}, = \frac{0,37 \text{г} - 0,24 \text{г}}{20 \text{мин} - 10 \text{мин} \cdot 60 \text{ мин}} = 0,78 \text{г}/\text{соат}$$

Озон ишлаб чиқаришни масса ва вақтнинг бошқа қийматларида ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган ва улар асосида озон ҳосил бўлишининг  $U_{\text{эфф}} = 10 \text{ кВ}$  ва газ оқими  $V_g = 0,6 \text{ л}/\text{мин}$  да синтез вақтига боғлиқлиги графиги чизилган (5-расм). Ушбу  $C_{O_3} = f(t)$  боғлиқликдан кўриниб турибдики, вақтнинг дастлабки дақиқаларида, яъни. 10 дақиқагача  $C_{O_3}$  максимал қийматга эга:  $C_{O_3} = 1,44 \text{ г}/\text{соат}$ .

30 дақиқа ичидаги озон ишлаб чиқариш кескин пасайиб, 0,6 г/с га teng бўлди. 40 минутдан 1 соат 30 минутгача бўлган вақт оралиғида  $C_{O_3} = f(t)$  боғлиқликда тарқалиши билан силлиқ бўлмаган эгри чизик

кузатилади, бу тарқалишлар  $\Delta_m/\Delta_t$  ни ўлчаш ва фарқлашда баъзи хатоларга йўл қўйилганлиги билан боғлиқ.

Бундан ташқари, вақт ўтиши билан озон ишлаб чиқариш нолга интилиши кузатилмоқда. Бу вақт бирлигига қанча молекула ҳосил бўлса, шунча озон молекулалари парчаланиши билан изоҳланади.


Озонаторни ўчиригандан сўнг, озон ишлаб чиқариш нолга камаяди ва салбий минтақага ўтади, у ерда у 0,27 га этади ва 28 соат ичида у нолга этади.

### 3.3 Озон синтези учун энергия сарфининг вақтга боғлиқлиги

Маълум бўлган озон ишлаб чиқаришига кўра унинг самарадорлиги аниқланади, яъни бир килограмм озон синтези учун энергия сарфи. Энергия сарфи озонаторнинг фаол қуввати ва озон ишлаб чиқариш қийматига боғлиқ ва қуийдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$q = W / C_{O_3} \quad (4)$$

Озонаторнинг фаол кучи циклограммдан ҳисоблаб чиқилган ва у 16 Вт эди [2].



Расм 6. Озон энергиясини истеъмол қилишнинг кучланишдаги синтез вақтига боғлиқлиги.  $U_{\text{эфф}}=10 \text{ kV}$  ва gaz oqimining tezligi  $V_r = 0,6 \text{ л/мин.}$

$$q = 16 \cdot 10^{-3} \text{ кВт} / 1,44 \cdot 10^{-3} \text{ кг/с} = 11,1 \text{ кВт} \cdot \text{с/кг} \cdot O_3,$$

Озон синтези учун энергия сарфининг ҳисобланган қийматларига кўра  $q = f(t)$  боғлиқлик графиги сабит ўзгарувчан кучланиш  $U_{\text{эфф}}=10 \text{ kV}$  ва газ оқими 0,6 л/мин (6-расм) да чизилади. График вақт ўтиши билан ўсиб борадиган эрги чизиқдир.

Расмдан кўриниб турибдики, дастлабки вақтда, синтез вақтининг қирқ дақиқасигача энергия сарфи бир хилдаги кўпаяди;  $t = 50$  дақиқада кучсиз минимал кўрсаткич кузатилади. Бундан ташқари,  $q = f(t)$  боғлиқлик зигзаг расмига эга. Кўриниб турибдики, бу  $q = f(t)$  таърифидаги хато билан боғлиқ. Озон синтези учун энергия сарфи озонатор ўчирилгунча кўпаяди ( $t = 100$  мин. гача).

### Хуносалар

Ушбу мақолада тўсиқли-юза разрядда озон ишлаб чиқаришни ўлчаш натижалари келтирилган. Синтез вақтининг озон ишлаб чиқариш, концентрацияси ва энергия сарфига таъсири таъсири ўрганилди.

1. Озонлаштирувчи  $L = 5\text{m}$  узунлиқдаги икки толали сим асосида тайёрланган.
2. Озон концентрацияси фиксацияланган ўзгарувчан кучланиш  $U_{\text{эфф}} = 10\text{kV}$  ва газ оқимининг тезлиги  $V = 0,6 \text{ л/мин.}$   $C_{O_3} = f(t)$  боғлиқликка кўра озон билан  $0,216 \text{ м}^3$  тўйинганлик шартлари аниқланди. Тўйгунликка 85 минут ичида эришилади ва у  $C_{O_3} = 4,6 \text{ г/м}^3$ га тенг.  $C_{O_3} = f(t)$  боғлиқликда озонаторни ўчиригандан сўнг озон концентрацияси аста-секин пасайиб, 28,2 соатдан кейин у  $C_{O_3} = 0,4 \text{ г/м}^3$ га тенг эканлиги кузатилди.
3. Ишлаб чиқарилган озон массасининг синтез вақтига боғлиқлигидан кўриниб турибдики, озон билан тўйинганликда максимал,  $t_{O_3} = 0,99 \text{ г олинган.}$  Озон  $t = 10 \text{ мин}$  да ишлаб чиқариш максимал қийматга эга, кейин кескин 30 минутгача камаяди ва 100 дақиқадан сўнг нолга этади. Озонаторни ўчиригандан сўнг,  $C_{O_3}$  салбий йўналишда ўзгаради ва озон ишлаб чиқариш вақт ўтиши билан нолга тенглashingadi.
4. Циклограммадан тўсиқли разряднинг фаол кучи ҳисобланади:  $W = 16 \text{ Вт.}$  У озоннинг энергия сарфи синтез вақтига боғлиқлигини чизиш учун ишлатилган.  $q = f(t)$  боғлиқликдан  $q(t)$  ортиш кузатилади.

## Адабиётлар

1. Энгельшт В.С.. Лекции по физике газового разряда и плазменной технологии. ИГУ им. К.Тыныстанова. –Каракол, 1999–2000.
2. Боромбаев М.К., Шаршембиеев А., Энгельшт В.С. Барьерно – поверхностный разряд на двухжильном проводе. Вестник КРСУ. Т.2. №2, 2002, -С. 53-58.
3. Боромбаев М.К. Применение барьерного разряда в плазменной технологии. В настоящем журнале , с 26-43.
4. Музафаров. Ш., А. Бабаев, Л. Батырова. Анализ процессов в цепи питания генератора озона синусоидальным и импульсным напряжением. “Проблемы информатики и энергетики” журнал, 1- выпуск. Тошкент-2016. 70 – 74 стр.
5. Музафаров. Ш., А. Бабаев, Л. Батырова. Влияние диэлектрического барьера на напряжённость электрического поля разрядного промежутка генератора озона. “Проблемы информатики и энергетики” журнал, 5-выпуск. Тошкент-2016. 76 – 80 стр.
6. Музафаров Ш., А. Бабаев. Схемы замещения генератора озона и зарядного преобразователя. “Энергия ва ресурс тежаш муаммолари” журнал, 3-4 сон. Тошкент – 2018.
7. А. Бабаев. Повышение эффективности процесса электросинтеза озона. Международный научный сельскохозяйственный журнал. Волгоград-2018. 53 – 60 стр.

## ШАМОЛ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЭНЕРГЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

А.М. Мустафоқулов – “Электротехника ва мехатроника” кафедраси асистенти  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда электр энергия олишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мухим долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки асосий электр энергия манбаси бўлган иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сифатида ишлатилётган кўмир, нефт ва газ захиралари кескин камайиб бормоқда. Ушбу органик ёқилғиларни ёқиш натижасида кўп микдорда куюнди махсулотлари чиқиб атроф мухитни ифлослантиради. Шунинг учун электр энергиясини олишда алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Республикаиз шароитида бундай энергия захираларига қўёш, шамол ва биоэнергияни киритиш мумкин. Инсоният кўпдан буён шамол энергиясидан фойдаланиб келмоқда. Ҳозирги фан, техника ва технология ютуқлари шамол энергияси ёрдамида электр энергияси олиш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда ер юзида 170 трлн.кВт·час энергия бера оладиган шамоллар мавжуд. Бундай электр энергия манбалари айниқса асосий электр тармоқларидан олисда жойлашган истемолчилар учун жуда кулай ва ҳозиргача Республикаизнинг худудларига мос шамол қурилмалари ишлаб чиқилимаган.

### АННОТАЦИЯ

На сегодняшний день использование возобновляемых источников энергии в производстве электроэнергии остается актуальной проблемой. Поскольку уголь, нефть и газ, используемые в качестве топлива на тепловых электростанциях, которые являются основным источником электроэнергии, резко сокращаются. В результате сжигания этих органических видов топлива выделяются большое количество продуктов горения и загрязняет окружающую среду. Поэтому использование альтернативных источников энергии для получения электрической энергии расширяется. В условиях нашей республики к таким запасам энергии можно включать солнечную, ветровую и биоэнергию. Люди издавно пользуются энергией ветра. Современные достижения науки, техники и технологии дают возможности получить электрическую энергию с помощью энергии ветра. В настоящее время в мире насчитывается существуют ветры позволяющие получить энергию около 170 трлн.кВт·час ветра. Такие источники электроэнергии особенно удобны для потребителей, расположенных энергия далеко от основных электрических сетей, и до сих пор в нашей Республике не были разработаны ветро устройства в соответствии с территорий.

### ANNATATION

Today, the use of renewable energy sources in electricity generation remains an urgent problem. As coal, oil and gas used as fuel in thermal power plants, which are the main source of electricity, are sharply reduced. The combustion of these fossil fuels produces large amounts of combustion products and pollutes the environment. Therefore, the use of alternative energy sources for generating electricity is expanding. In the conditions of our republic, such energy reserves can include solar, wind and bioenergy. People have long been using wind power. Modern advances in science, engineering and technology make it possible to obtain electrical energy using wind energy. Currently, there are winds in the world that can produce energy of about 170 trillion kWh of wind. Such sources of electricity are especially convenient for consumers located far from the main electric networks, and until now in our Republic wind devices have not been developed in accordance with the territories.

**Таянч сўзлар:** органик ёқилғи, куюнди, унсур, генератор, трансмиссия, датчик.

**Key words:** fossil fuel, burner, element, generator, transmission, sensor.

**Ключевые слова:** ископаемое топливо, горелка, элемент, генератор, трансмиссия, датчик.

### КИРИШ

Ҳозирги кунда электр энергия олишда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мухим актуал масала бўлиб қолмоқда. Чунки асосий электр энергия манбаси бўлган иссиқлик электр станцияларида ёқилғи сифатида ишлатилётган кўмир, нефт ва газ захиралари кескин камайиб бормоқда, шу органик ёқилғиларни ёқиш натижасида кўп микдорда куюнди махсулотлари чиқиб атроф мухитни ифлослантиради.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган ҳалқаро энерготежамкор илгор технологиялар, тадқиқотларни амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқаришда қўйидалигарлар [1,2,3,4].

**Масаланинг қўйилиши.** Ҳаракатланаётган ҳаво массаси ўзида жуда катта энергия ҳажмини жамлаган. Шамол энергиясининг захираси планетанинг барча дарёларида мавжуд бўлган гидро энергия

захирадаридан юз марталаб катта ҳисобланади. Бу каби катта энергиядан Бугунги қундаги шамол двигателлари бу талабга жавоб бермайди ва дунё мамлакатларидаги энергия истемолига бўлган эҳтиёжни мингдан бир қисмигина қоплаши мумкин[5].

Шамол қурилмаларини назарий томондан таҳлил қилиб чиқдик ва бу таҳлиллар шуни кўрсатадики қурилманинг энергия кўрсаткчига таъсир кўрсатадиган энг асосий унсурлар, шамол генераторининг жойлашув баландлиги (устуннинг баландлиги  $h$ ), шамол қурилмаси айланганда ҳосил бўладиган юза (шамол парраги ўлчамига боғлиқ  $A$ ), шамолнинг тезлигига бевосита боғлиқ.

**Ечиш усули ва натижалар.** Биринчи навбатда шамол тезлиги  $h$ -баландликда бевосита боғлиқлигидан шуни англаймизки, баландлик ошгани сайин тезлик хам ошади:

$$\vartheta_h = \vartheta_0 \cdot \left(\frac{h}{10}\right)^b \quad (1.1)$$


Бундан  $\vartheta_0$  м/с баландликлар орасида эсаётган шамолнинг ўртача тезлиги  $b$ -даражавий коефициент (тажриба орқали аниқланган коэффицент бўлиб Паркент туманидаги МНР MS4-12-1 типли метеостанция орқали аниқланган) қиймати,  $b=\frac{1}{7} \approx 0,14$  га тенг.  $\vartheta_h$ -биз учун зарур бўлган  $h$  баландликдаги ҳосил бўладиган тезлик[6].

Қўйдаги жадвалда 5 м дан 10 м гача орасидаги тезликнинг ўртача қиймати 5 м/с бўлган пайтда  $h$  баландликнинг ҳар 5 м га ошгандаги тезлиги кўрсатилган:

Шамол тезлигининг баланликка боғлиқлик жадвали.

1-жадвал

V, м/с	h, м	v <sub>h</sub> , м/с
5	10	5
5	15	5,29817
5	20	5,520448
5	25	5,699261
5	30	5,849654
5	35	5,979901
5	40	6,095068



1-расм. Шамол тезлигининг баланликка боғлиқлик диаграммаси.

Ушбу жадвал ва диаграммадан кўринадики 35-40 м баландликда тезлик 6 м/с га етди бу кўрсаткич эса шамол генераторларининг нормал қувват яъни максимал қувватга яқин ишлаши учун етарлидир. Шуни инобатта олган ҳолда шамол генераторларининг ишлаб чиқарётган қувватини топиш формуласидан, қувват тезликнинг кубига тўғри мутоносиб эканлигига гувоҳ бўламиз ( $P \sim \vartheta_h^3$ )[7].

$$P = C_p \cdot A \frac{\rho \cdot \vartheta^3}{2}, \quad (1.2)$$

Агарда 5-10 м баландликларда шамолнинг тезлиги юқори бўлса (10-20 м/с) у ҳолда генераторни меъёрда айлантириш учун шамол генераторларининг трансмиссия (редуктор ва тормозловчи қисм) га жиддий зарар этиши мумкин. Буни инобатта олган ҳолда шамол қурилмаларининг устунларини автоматик равишта бошқариладиган қисла яъни шамол тезлигини сезган ҳолда датчиклар ишга тушиб уни пастга ва тепага харакатлантирадиган қилиб барпо қилинса мақсаддга мувофиқ бўлар эди[8].

Биз тажриба давомида парракнинг дастлабки ўлчамига нисбатан иккинчи марта шамол қурилмасининг парраклари олдингига нисбатан ўзгартирилиб моторнинг ишлаб чиқарилаётган кучланиши ўлчанганди эса ишлаб чиқарилаётган кучланиш ошганига тувоҳ бўламиз.

Тажрибадан келиб чиқадики шамол қурилмаси паррагининг қанотлари ўлчами қанча йирик бўлса унинг ишлаб чиқараётган энергияси ҳам шунга мутоносиб равишта ошиб борар экан. Аммо парраклар ўлчами бир меъёрда, ўзгармасдан ишласа шамол генераторларининг юритма қисмига (трансмиссия) жиддий зарар етади. Бу эса техник ва иқтисодий томондан катта йўқотиш дегани [9,10].


$$A = \pi R^2 \quad (1.3)$$

Бунда: A-шамол қурилмаси парракларининг айланиш ўқлари ҳосил қилган юза,  $\pi$ -ўзгармас сон ( $\pi=3,14$ ), R-шамол парракларининг радиуси.

Агарда шамол электр қурилмасининг паррагининг радиосини автоматик равишта ўзгартирилса ишлаб чиқарилаётган энергия нормал ҳолатда сақланади ва моторнинг юритма қисмига ҳам деярли зарар етмайди.

2-жадвал

V м/с	h м	V м/с	A м <sup>2</sup>	P Вт
5	10	5	0,785	28,94688
5	15	5,29817	0,785	34,44049
5	20	5,520448	0,785	38,9596
5	25	5,699261	0,785	42,8694
5	30	5,849654	0,785	46,35347
5	35	5,979901	0,785	49,51921
5	40	6,095068	0,785	52,43574



2-расм. Шамол тезлигининг парракларда ҳосил бўлувчи қувватга боғлиқлик диаграммаси.

**Хулоса.** Мутасаддилар ва давлат ташкилотчиларнинг ташаббуси билан мамлакатимиздаги ноанъянвий энергия манбаларидан бири шамол энергиясидан унумли фойдаланиш чора тадбирлари бу йўлдаги эришиш мумкин бўлган натижаларга четъел ҳамкорларини жалб қилинса, қисман бўлсада электр энергияга бўлгат талабни қондирган бўламиз, шу ўринда қошимча ишчи ўринлар очилади. Шамол энергетик қурилмаларининг устуни баландлиги ва парракларининг радиоси автоматик равишта кўтарилиганда энергия самарадорлиги ошиб боради. Автоном ШЭҚ лар нефт маҳсулотларида ишлайдиган дизел электростанциялар ва иситиш қурилмалари ўрнида фойдаланишда истиқболли қурилмалардан саналади. Мутасаддилар ва давлат ташкилотчиларнинг ташаббуси билан мамлакатимиздаги ноанъянвий энергия манбаларидан бири шамол энергиясидан унумли фойдаланиш чора тадбирлари бу йўлдаги эришиш мумкин бўлган натижаларга четъел ҳамкорларини жалб қилинса, қисман бўлсада электр энергияга бўлгат талабни қондирган бўламиз, шу ўринда қошимча ишчи ўринлар очилади. Замонавий шамол генераторларини диққат билан ўрганилаётган жойларга ўрнатиш бугунги кунда шамол энергиясига ишончли равишда инвеститсия қилиши имконини беради. Ҳозирда ер юзида 170 трлн. кВт·с энергия бера оладиган шамоллар мавжуд. Бундай электр энергия манбалари айниқса асосий электр тармоқларидан олисда жойлашган истемолчилар учун жуда қулай. Қурилманинг ушбу параметрлари автоматик тарзда шамолнинг тезлигига қараб бошқарилса юритма қисмига деярли зарар етмайди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015–yilning 5-maydag‘i PQ-2343-sonli qarori.
3. 2017–2021 yillarda iqtisodiyot va ijtimoiy sohada energiya samardorligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar Dasturi”; “Qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish uchun investitsiya loyihalari ro‘yxati”;
4. “2017–2021 yillarga mo‘ljallangan iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda energiya samaradorligini oshirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi”
5. F.Н.Узоқов, С.М.Хўжақулов, Ю.Ф.Узоқова. “Мобил энергия манбаларидан фойдаланиш асослари” Тошкент 2017-й.
6. “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 403-б. Тошкент – 2019 йил 28 – 29 марта.
7. “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 432-б. Тошкент – 2019 йил 28 – 29 марта.
8. “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVIII – ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани. 439-б. Тошкент – 2019 йил 28 – 29 марта.
9. A.M. Mustafoqulov, E. Sobirov. «USE OF RENEWABLE ENERGIES IN UZBEKISTAN» Vol. 7, Issue 3, March 2020. ijarsel.com
10. А.МУСТАФОҚУЛОВ, Э.СОБИРОВ. «Шамол электр қурилмалари-нинг энергия кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи омиллар». AGRO ILM – O‘ZBEKİSTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI 101 б. №5 2020.

**Мустафоқулов Алимардон Маматович**  
Тел: +998909177123  
Электрон почта: mustafoali777@gmail.com

**“УРУҒ, ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИККА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК ТАЪСИР ЭТИШ ҲИСОБИГА  
ЭКОЛОГИК СОФ, КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНДАЛАРГА ЧИДАМИ  
КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ”**

А. Мухаммадиев, т.ф.д., профессор,  
А. Санбетова, мустақил изланувчи

**АННОТАЦИЯ**

Компресор станцияларининг электр узатмали ва газ трубинали қурилмаларини солиширишимиз учун хозирги кундаги энг самарадор бўлган типларини солишириб қуришимиз керак бўлади. Бунга мисол тариқасида электр узатмали компрессор станциясини юқори самарадор ишлайдиган компрессор станция билан замонавий газ трубинали компрессор станциясини энергетик кўрсаткичларини 2-жадвал орқали солишириб чиқишимиз мумкин бўлади. Берген шахридаги компрессор станциясини бта бомВт электр узатмаларига АВВ компаниясини юқори кучланишли частотавий ростловчи қурилмалари қулланилган. Портовая компрессор станциясида Rolls-Royce компаниясини бта газ турбина қурилмаси ўрнатилган[4].

1-жадвал. Электр узатма ва газ трубинали КСларини имкониятлари

Параметрлар номи	КС-1	КС-2
Утказгич типи	Электр узатма	Газтурбина
Сони/бирлик кучи, та/МВт	6/60	6/56 (2/26)
Ўрнатилган тўла қувват, МВт	360	388
Газ узатиш қурилмаларини ФИК, %	97	42 42
Ростлаш оралиғи	50-105	65-100
Энергия истеъмоли: - электр энергия, кВт · с - газ ёқилғиси, кг/с	45000 йўқ	Йўқ ≈10000
Ёқилғи мойлаш тизимиши	йўқ	бор
Зарарли чиқиндиларни, кг/ч	йўқ	≈22


1-жадвални тахлил қилганимизда шуни қўришимиз мумкин барча параметрларда электр узатмали компрессор станцияси газ трубинали компрессор станциясидан афзаллиги қуринади. Электр узатмали компрессор станцияларини ростлаш оралиғи юқори ва ФИК юқори фарқ билан олдинда ҳисобланади. Табиий атроф мухитга таъсири газ трубинали компрессор станциясига нисбатан атмосферага чиқинди чиқармаслиги билан ажralib туради.

Компресор станцияларини ўзаро солиширидиган бўлсак шартли ёқилғи бирлигига нисбатан электр узатмали ва газ трубинали турлари катта фарқни қўришимиз мумкин бўлади. Газ трубинали компрессор станцияларини энергия самарадорлигини Газпромнинг 2-3.5-113-2007 “Газ транспорт обьеклари ва тизимларини энергия самарадорлигини баҳолашни услуги” ёрдамида оптималь ҳолатини ҳисоблаганимизда ва Норвегияни Берген шахридаги электр узатмали компрессор станцияни натижалари билан солиширганимизда 2-жадвалдаги натижаларни кўришимиз мумкин.

2-жадвал. КСларни улчаш кўрсаткичларини ҳисоблаш

Самарадорлик кўрсаткичлари	Электр узатмали КС-1	Газ трубинали қирилма КС-2
<b>Газ босимини оширувчи қурилма (ГБҚ)</b>		
ГБҚ ФИК, %	83	35
ГБҚ энергия ресурс сарфини миъёрий қиймати	1,2 кВт·с/ кВт·с	0,3 м3/кВт·с
<b>КС ни энергия самарадорлигини кўрсаткичлари</b>		
КС ёқилғи энергия ресурсидаги миъёрий энергия сарфи, кгу.т./кВт·с	2,56	4,39
<b>КС тизимиши энергия самарадорлиги кўрсаткичлари</b>		
КС Ёқилғи энергия сарфини миъёрий кўрсаткичлари, кгу.т./млн. м3·км	43,8	57,9

Хисоблаш натижаларига кўра КС-1 даги электр узатмали қурилмани ФИК газ турбина қурилмасига нисбатан 2 баробарга юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Яъни маълум бир қийматдаги ишни бажариш учун ГТК 4,39 кг/т./кВт·с энергия сарфласа, Электр узатмали КСлари 2,56 кг/т./кВт·с энергия сарфлайди. Узатилган газ миқдори бир хил бўлганда КСларини йиллик ўртача миъёрий кўрсатичлари Портовая КСга нисбатан 71% юқори бўлади. Шу билан бирга электр узатманинг ростланиш оралиғи юқори ҳисобланади. Мисол тариқасида бош компрессор станцияни йиллик газ утказиш миқдорини ойлар кесимида 1-расмдан кўришимиз мумкин[5].



1-расм. КСда транзит қилинган газ миқдори.

Графикдан кўриниб турибдики газни транзит қилиш мавсумий равишида ўзгариб туради. Бу ўзгаришларга мослашиш натижасида энергия ресурсларини сарфи камаяди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки компрессор станцияларида ишлатиладиган электр узатмали компрессорлар газ турбинали компрессорлардан ишлаш самарадорлиги жихатидан устун бўлади. Электр энергия таъминотида муаммолар йўқ бўлган худудларда электр ўзатмали компрессорлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Магистрал газ қувирлари утган чул ва катта электр манбаидан узоқ худудларда газ турбинали компрессорлар мустақиллик хусусиятидан келиб чиқиб ишлатилиши мақсадга мувофиқ саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Компрессоры и компрессорные станции магистральных газопроводов. Устройство и работа компрессорных машин. Учебное пособие. Под общей редакцией Ю.Д. Земенкова. – Тюмень: Издательство «Нефтегазовый университет», 2012.
2. Чекардовский С.М., Илюхин К.Н., Петряков В.А., Якубовская С.В. “Методика и алгоритм определения эффективности эксплуатируемых аппаратов воздушного охлаждения газа” Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2 (часть 3)
3. Васильев Б.Ю. “Исследование эффективности современных электроприводных газоперекачивающих агрегатов” Электронный научный журнал «Нефтегазовое дело», 2012, № 4.
4. Пужайло А.Ф. Энергоснабжение и автоматизация энерго оборудования компрессорных станций. Т. 2 // Подред. О.В. Крюкова. Н-Новгород: ВекторТиС, 2011. 664 с.
5. Костенко Д.А., Парафейник В.П., Смирнов А.В. Вопросы реконструкции компрессорных станций Украины // Компрессорное и энергетическое машиностроение. 2009. № 4 (18). С. 8 - 13.

## ПАРРАНДА ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҚУРИЛМАСИННИГ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Имомов Шавкат Жахонович -т.ф.д.профессор

Усмонов Камолиддин Эшкулович -мустақил тадқиқотчи

Азимов Зафар Хакимович -мустақил тадқиқотчи

Марупов Исожон Марупович - док. ТИҚҲММИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада паррандахоналардан чиқаётган органик чиқиндиларни қайта ишлас қурилмасидан олинаётган махсулот-биогазни иқтисодий аспектлари хисоблаб кўрилди ҳамда қолдиқ махсулот биоўғитнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилаган. Булардан ташқари биоўғитнинг сотовудаги бир килоси учун таннархи белгиланганлиги ва йиллик биоўғитдан тушаётган даромад аниқланиб, таклиф этилган  $10 \text{ m}^3$  фойдали ҳажмдаги қурилманинг паррандахона органик чиқиндиларидан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик келтирилган.

Тадқиқотлар асосида ва тажриба ишлаб чиқариш қайта тикланувчи энергия қурилмани қўллаш иқтисодий самарадорлик РД Уз 63.03-98 «Испытания сельскохозяйственной техники. Методы расчёта экономической эффективности испытываемой сельскохозяйственной техники» [1] ва тикланадиган энергия манбаларида экологик ва эпидемиологик солиштиришларда иқтисодий самарадорлик жихатлари [2] парранда органик чиқиндиларини қайта ишлов бериш услуга ва қурилманинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун тажриба синов қурилмаси технологик талаблари асосида ишловчи Вобкент туманида жойлашган биореакторлар билан таққосланди. Унинг учун тажриба синов қурилма ўрнатиш учун олиб келинганидан сўнг тагликларга қўйиш учун пастки томонидан гидроизоляция қилинади. Биореакторларни ўрнатиш жойида горизонталга нисбатан  $2^\circ$  остида жойлаштирилди. Биореакторлар ўрнатилгандан сўнг биринчи юкланиш биореактори майдалагич-юклагич насос орқали бир кунда йигиладиган паррандахона органик чиқиндиси билан тўлдирилди. Туташ идишлар кетма-кетлигига ишловчи биз томонимиздан таклиф қилинган биореактор (1-расм) тўлдирилди ва унинг тўкиб олиш бўғиздан биомасса тўклигунча кузатиб турилди. Тажриба ишлаб чиқариш қурилмаси ташки томонидан совуқлиқдан ҳимоялаш учун 100 мм ли “СЕНДВИЧ” “Базалт” мато билан ҳимоя қилинади. Биореактор умумий ҳажмининг 80% тўлдиришдан сўнг ҳароратдан кенгайишини инобатта олган ҳолда (“набухания” ни ҳисобга олган ҳолда) ишчи режимда тўлдирилган ҳисобланди.

Таққосланган материаллар асосида иқтисодий самарадорлиги аниқланди.



1-расм. Паррандахона органик чиқиндиларида ишловчи тажриба синов қурилмаси

Бунинг учун  $10 \text{ m}^3$  фойдали ҳажмда ишловчи кундалиқ юклаш миқдори 10% бўлган қурилма Бухоро вилояти Вобкент туманининг Вобкент фуқаролар йигинида жойлашган органик чиқиндиларни анаэроб ишлов беришда қайта тикланувчи энергия қурилмаси билан таққосланди (1-жадвал).

1-жадвал

### Энергетик қурилмани иқтисодий баҳолаш

Дастлабкикўрсаткичлар	Ўлчовбирл иги	Шартли белгилар	Натурал қиймати
Кундалиқюкланадиганпаррандахоначиқиндисимиқдори	$\text{m}^3$	$Q_{\phi\cdot\chi}$	1,0
Биореактордан олинидиганкундалиққайтаишловберилган органик моддамиқдори, дастлабки органик моддамиқдориганисбатан	$\text{m}^3/\text{m}^3$	B	0,99
Органик чиқиндиларни анаэроб ишлов беришда қайта тикланувчи энергия қурилмаси муҳандисликмураккабликкоэффициенти	-	$\lambda$	1

Капитал қўйилмаларнинг фойдалиме ёёрий коэффициенти	-	$E_m$	0,15
ФАС-32-3/ВП FAS газогенераторининг 1кВт электр энергиясини олишда соатлик сарфи	$m^3/\text{соат}$		0,35...0,4
Биогаз таркибидаги метан миқдорини тозалик коэффициенти	-	$\eta$	0,7
Қўшимча фойданинг меъёрий муносабати	-	K	0,5
Йиллик иқтисод қилинган биогаз ҳажми	$m^3/\text{йил}$	$V_{\text{б.г.}}$	1650
Биогазни электр айлантириш миқдори	$m^3$	кВт	3
Йиллик ишлаб чиқилган электр энергияси миқдори	йил, кВт	Q	5040
Ишлаш давомийлиги: - суткалик ишлаш вақти - йилида ишлаш вақти	соат кун	t T	24 350

Таклиф этилган ва ишлаб чиқилган усулда ва қурилма анаэроб ишлов беришда қайта тикланувчи энергия қурилмасидан олинаётган биогазни товар маҳсулотта айлантириш учун газгольдерга йигилди ва хўяжалик эхтиёжи учун кўпланилди.

Тажриба натижаларини солиштириш учун  $10 m^3$  ишчи ҳажмдаги биореактордан олинадиган товар биогаз миқдори  $16130 m^3/\text{йил}$  биогаз олишимиз маълум [6,7]. Олинган биогазни электр энергиясига айлантириб ишлатиш корхонасига таклиф қилинганида:

$$T=K \cdot B,$$

бу ерда, K-когенератордан олинадиган  $1 m^3$  ни электр энергиясига айлантириш имконияти  $kVt/\text{йил}$  ( $2,2 kVt/m^3$ ) ; B-бир йилда олинган биогаз миқдори,  $m^3/\text{йил}$  дан келиб чиқиб иқтисодий самарани электр энергияси кўринишидаги миқдори:

$$T=2,2 \cdot 16130 = 35486 \text{ кВт}$$

$1 \text{ кВт}$  электроэнергиятан нархи  $295$  бўлгандан [1A]

$$Q_{\text{э.э.}} = T \cdot B = 35486 \cdot 295 = 10474000 \text{ сўм.}$$

$10 m^3$  ҳажмдаги тажриба синов биогаз олиш қурилмаси ва Бухоро вилояти Вобкент шаҳридаги Истикмол махалла фуқаро йигини Наврӯз кўчаси 129 уйда жойлаштирилган паррандахонадан чиқаётган кундалик бир тонна органик чиқиндиндан олинаётган биогаз учун сарфланаётган солиштирма энергия ва иссиқлик миқдорини кўйидаги ифода орқали аниқлаймиз.

$$W_i = \frac{P_i}{A_i \cdot B}, \quad \frac{kVt \cdot c}{t}$$

бу ерда,  $P_i$ -ускунанинг қуввати;  $A_i$ -ускунанинг суткада маҳсулотни қайта ишлаш унумдорлиги; B-олинадиган якуний маҳсулот миқдори.

Органик чиқиндини дастлабки тайёрлаш жараёнида бир тонна (намлилик даражаси  $94 \pm 2\%$ ) органик чиқиндини анаэроб жараён учун тайёр ҳолга келтириш учун солиштирма энергияси сарфини ҳисоблаймиз:

$$W_{\text{тайёрлаш}} = \frac{0,4kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,99} = 0,40 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{таклиф этилаётган})$$

$$W_{\text{тайёрлаш}} = \frac{0,4kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,97} = 0,41 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{амалдаги})$$

Органик чиқиндини дастлабки тайёрлаш ўрасидан биореакторга юклаш учун солиштирма энергияси сарфи:

$$W_{\text{юклаш}} = \frac{1,0kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,99} = 1,01 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{таклиф этилаётган})$$

$$W_{\text{тайёрлаш}} = \frac{1,0kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,97} = 1,03 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{амалдаги})$$

Биореакторда паррандахона чиқиндини анаэроб жараёнда аралаштириш учун сарфланаётган солиштирма энергияси сарфи:

$$W_{\text{биомас.ара.}} = \frac{1,5kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,99} = 1,51 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{таклиф этилаётган})$$

$$W_{\text{биомас.ара.}} = \frac{1,5kVt \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,97} = 1,54 \frac{kVt \cdot c}{m^3} \quad (\text{амалдаги})$$

Биогазни газгольдерда сақлаш учун ҳайдашга сарф бўлаётган солиштирма энергияси сарфи:

$$W_{\text{компрес.}} = \frac{1,5kBm \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,99} = 1,51 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (таклиф этилаётган)}$$

$$W_{\text{компрес.}} = \frac{1,5kBm \cdot c}{1,0m^3 \cdot 0,97} = 1,54 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (амалдаги)}$$

Анаэроб жараёнининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳарорат режими ҳисобланади ва уни қўйидаги формуладан фойдаланиб аниқлаймиз:

$$Q = m \cdot c (t_2 - t_1) \kappa \mathcal{K} / \kappa c$$

бу ерда:  $m$  –биореактордаги органик модда массаси, кг;  $c$  –паррандахона органик чиқиндиси солишишима иссиқлик сифими;  $t_1$ –маҳсулотнинг бошланғич ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $t_2$ –маҳсулотнинг қиззидирладиган ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ .

Паррандахона чиқиндиларини термофиль ҳарорат режимида анаэроб жараёнга жорий қилингандиги (органик чиқиндини биореакторга юклаш вақтидаги йиллик ўртача ҳарорат  $14^{\circ}\text{C}$  лигини инобатта олиб) туфайли бижгиш жараёнидаги ҳарорат  $54 \pm 2^{\circ}\text{C}$  ҳароратда бўлганлиги сабабли  $0,01m^3$  (1 кг) паррандахона органик чиқиндиси учун:

$$Q = m \cdot c (t_2 - t_1) = 14,09 (54 - 14) = 163,60 \text{ кЖ/кг}$$

Суткалик иссиқликга сарфланадиган энергияни тажриба ишлаб чиқариш биогаз қурилмаси ташки томонидан “СЕНДВИЧ” ли ҳимояга эга бўлганлигида ҳарорат йўқотилиши ҳисобидан  $163600$  кЖ миқдордан  $148120$  кЖ гача камайишда ҳарорат йўқотилишига келади. Биореактордаги ҳароратни тутиб туриш учун сарфланган иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб оламиз, бунда  $1 \text{ кВт} = 3600 \text{ кЖ}$ . У холда:

$$W_{\text{ис.эн.1}} = \frac{Q_1}{3600} = \frac{163600}{3600} = 45,44 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (амалдаги)}$$

$$W_{\text{ис.эн.2}} = \frac{Q_2}{3600} = \frac{148120}{3600} = 41,14 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (таклиф этилаётган)}$$

Демак  $1m^3$  паррандахона органик чиқиндиси биореакторда ҳарорат режимида туриши учун умумий солишишима энергияси сарфини ҳисоблаймиз. Бунда паррандахона органик чиқиндиси биореакторнинг термофиль ҳарорат режимида кундалик туришида сарфланадиган энергия-биогаз миқдори “СЕНДВИЧ” ли ҳимояли биогаз қурилмасида  $0,17 \text{ м}^3/\text{м}^3$  биореакторни ташкил қилиши биогаз олиш қурилмасининг вақтингчалик регламентида келтирилган [8]. Атмосфера ҳароратининг  $10^{\circ}\text{C}$  да мўътадил сақлаш учун ҳароратдан ҳимояланмаган қурилма учун  $0,23 \text{ м}^3/\text{м}^3$  биореакторни ташкил қилиши адабиётларда келтирилган [3,4; 5].

$$W_{\text{тай.холат}} = \frac{(45,44kBm \cdot c + 1,5kBm \cdot c)}{1,0m^3 \cdot 0,97} = 60,90 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (амалдаги)}$$

$$W_{\text{тай.холат}} = \frac{(41,14kBm \cdot c + 1,5kBm \cdot c)}{1,0m^3 \cdot 0,99} = 43,07 \frac{kBm \cdot c}{m^3} \text{ (таклиф этилаётган)}$$

Шунда умумий солишишима электр энергияси сарфини аниқлаймиз:

$$W_{\text{амалдаги био.}} = W_{\text{таёллаш}} + W_{\text{юклаш}} + W_{\text{биомас.ара.}} + W_{\text{компрес.}} = 0,41 + 1,03 + 1,54 + 1,54 + 45,44 + 60,90 = 110,86 \text{ кВт}\cdot\text{с}/\text{м}^3$$

$$W_{\text{амалдаги био.}} = W_{\text{таёллаш}} + W_{\text{юклаш}} + W_{\text{биомас.ара.}} + W_{\text{компрес.}} = 0,40 + 1,01 + 1,51 + 1,51 + 41,14 + 43,07 = 88,64 \text{ кВт}\cdot\text{с}/\text{м}^3$$

Бунда,  $1,0 \text{ м}^3$  паррандахона органик чиқиндисини биореакторда қайта ишлаш учун амалдаги ва таклиф этилаётган технология бўйича умумий солишишима электр энергияси:

$$W_{\text{фарк}} = W_{\text{амалдаги}} - W_{\text{таклиф.эт.}} = 110,86 - 88,64 = 22,396 \text{ кВт}\cdot\text{с}/\text{м}^3$$

**Хулосалар.** Паррандахона органик чиқиндиларини маълум сийракланиш ( $-0,03 \text{ кг}/\text{см}^2$ ) режимида ишлатиш даврида органик таркибнинг анаэроб жараёндаги метан бактериялар ҳосил қилган метан газидан тез озод бўлиши ва кундалик аралаштиришлар сони (5 марта) микробиологик талабларни тўлиқ қондириши ва уларни микробиологик жараёнда аралаштириш давомийлик даражасини (7 минут) тўғри танланганлиги товар биогаз  $26\%$  ортишига олиб келди. Бу эса  $1,0 \text{ м}^3$  паррандахона органик чиқиндисини анаэроб қайта ишлаш жараёнида  $22,396 \text{ кВт}\cdot\text{с}$  электр энергияси тежалишига олиб келиб йиллик кўрсаткични, тажриба ишлаб чиқариш қурилмасининг  $10 \text{ м}^3$  ли ишлаб чиқариш намунасида  $4,8 \text{ м}^3/\text{сут}$  биогаз олинишини инобатта олсан бир йиллик товар биогаз  $1680 \text{ м}^3$  ташкил қиласди. Шунда биогазнинг электр энергиясига айлантирилган миқдори  $5040 \text{ кВт}$  электр энергияси олинади ва унинг шу кундаги тариф бўйича нархи ( $450 \text{ сўм}$ ) лигини инобатта олинса, биогаздан олинадиган соф фойда  $2268 \text{ минг сўм}$  бўлади.

Биореактордан бир йилда қайта ишланадиган паррандахона органик ўғит миқдори суюқ ҳолатда  $350$  тоннани ташкил қиласди. Бу ҳозирги кунда паррандахоналардан чиқаётган органик чиқиндиларни қисқа вақт ичидаги  $10\dots15$  суткада юқори сифатли биоўғит олиш имконини яхшилаб ва унинг таркибидағи органик азот миқдорини  $6,1\%$ , фосфор  $1,97\%$  бўлишини таъминлайди ва биогаз миқдорини  $69,2\%$  метан газини ( $\text{CH}_4$ ),  $28,6\%$  ис газидан ва қолдик газлардан иборат бўлиши таъминлаганлигини кўрсатди.

Хозирги кунда биоўғит сотилишдаги таннархини бир килоси учун 22 сўм бўлса, йиллик биогумусдан тушаётган даромат 7 732000 сўмни ташкил қиласди. Таклиф этилган шундай паррандахона органик чиқиндилиаридан биогаз олиш қурилмасининг йиллик иқтисодий самарадорлик 10 474 000 сўмни ташкил қиласди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. РД Уз 63.03-98. Испытания сельскохозяйственной техники. Методы расчёта экономической эффективности испытываемой сельскохозяйственной техники. - Ташкент, 1998. -С.35 - 42.
2. Имомов Ш. Биогаз-энергия: экология ва органик ўтил // Irrigatsiya va melioratsiya, 2015, № 2. – С. 30-34.
3. Conti, F., Wiedemann, L., Saidi, A., Sonnleitner, M., Goldbrunner, M. Mixing of a model substrate in a scale-down laboratory digester and processing with a computational fluid dynamics model (2018) European Biomass Conference and Exhibition Proceedings, 2018 (26thEUBCE), pp. 811-814.
4. Wiedemann, L.,Conti, F.,Sonnleitner, M.,Saidi, A.,Goldbrunner, M. Investigation and optimization of the mixing in a biogas digester with a laboratory experiment and an artificial model substrate (2017) European Biomass Conference and Exhibition Proceedings, 2017 (25thEUBCE), pp. 889-892.
5. Имомов Ш., Усмонов К. Паррандачиқиндилиригаишлов бериш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2015, № 8.-35 б.
6. Имомов Ш., Усмонов К., Барлибоев Ш. Биогазни ишлаб чиқариш учун хомашё базаси. Қишлоқ ва сув хўжалигинг замонавий Муаммолари /XV – ёшолимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий–амалий анжумани мақолалар тўплами, 15-16 апрель 2016, Тошкент.108-111 б.
7. Имомов Ш. Биогаз қурилмасининг вақтинчалик технологик регламенти. TR16472899-031:2016 / Т. ф. д., академик А.Салимовтахририостида. // Ш.Имомов, К.Усмонов, Б.Хакимов, А.Худойбердиев, З.Эргашов. «Ўзбекнефтгаз миллий холдинг компанияси» Бухоро нефть қайта ишлаш заводи, 2016 –48 б.

## ОРГАНИК ЧИҚИНДИАЛРАНИ АНАЭРОБ ИШЛОВ БЕРИШДАГИ ЭХТИЁТКОРЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ

**Салимов О.У., Эргашов З. Ж., Қаюмов Т. Х., Имомов Ш.Ж.,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

### АННОТАЦИЯ

**Мақолада** Хоразм вилояти Хива тумани “Йўлдош мажит” фермасида ўрнатилган фойдали ҳажми  $10 \text{ м}^3$  органик чиқндиаллардан биогаз олиш тажриба синов қурилмасидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилади. Мўттадил ишлаётган биореакторларда моддалар тенгламаси орқали баҳолашда дастлабки маҳсулот таркибидаги номақбул қисмни ҳисобга олувчи коэффициент  $\psi$  миқдори 0,006 мг/л дан ошмаслиги биогаз қурилмасининг барқарор ишланини таъминлайи берилган.

### АННОТАЦИИ


В статье представлены результаты исследований, проведенных на экспериментальной установке по производству биогаза из органических отходов полезной емкостью  $10 \text{ м}^3$ , установленной в совхозе «Юлдош Маджит» Хивинского района Хорезмской области. В умеренно работающих биореакторах коэффициент  $\psi$ , учитывающий нежелательную часть исходного продукта при оценке по уравнению веществ, задается для обеспечения стабильной работы биогазовой установки, не превышающей  $0,006 \text{ мг/л}$ .

**Калит сўзлар:** биогаз, қурилма, термофил, мезофил, психрофил, ҳарорат, углерод.

**Ключевые слова:** биогаз, устройство, термофильный, мезофильный, психрофильный, температура, углерод.

Хоразм вилояти Хива туманинаги “Йўлдош мажит” фермасида ўрнатилган фойдали ҳажми  $10 \text{ м}^3$  бўлган 150 та “Санта-Гертруда” зотли сигирлар органик чиқндиига мўлжалланган термофиль иссиқлик режимида ишлайдиган тажриба ишлаб чиқариш биореакторида метан бактериялар ассоциациясини биореакторнинг ўзида ривожлантириш учун бир қатор тажрибалар ўтказилди. Бунинг учун Корея политехника университети лабораториясида синовлардан ўтказилган услугуб (юқорида келтирилди) – биореакторнинг умумий ҳажмининг 2 – 30% бўлган миқдорда кундалик юкланиш миқдорини ошириб бориб 100 кун давомида тажрибалар узлуксиз ўтказилди ва биоўғит сифат кўрсаткичлари БККБТ ва ККТ тақдосланиб борилди. Тажрибаларда биогаз чиқишининг энг юқори миқдори кундалик юкланиш миқдорининг 24 – 25% юклангандা кузатилди (1-расм). Аммо тажрибалар натижасида олинган маълумотлар биоўғит сифатини тушиб кетганини кўрсатди.

Биореактордан олинадиган биогаз таркиби тахлилларида дастлабки биринчи ўн кунликдаги  $\text{CH}_4$  61 – 64 % ни,  $\text{CO}_2$  34 – 37 %, иккинчи ва учинчи ўн кунликдан сўнг  $\text{CH}_4$  68 – 72 % ни,  $\text{CO}_2$  30 – 27 % ни, тўртинчи ва бешинчи ўн кунликдан бошлаб  $\text{CH}_4$  72 – 74 % ни,  $\text{CO}_2$  27 – 24% ни (қолган аҳамиятсиз қисмини сув буғлари ва бошقا моддалар ( $\text{N}_2\text{O}, \text{H}_2\text{S}$ ) ташкил қилди.



1-расм. Биореактордан олинадиган биогазни КЮМ га боғлиқлик график

Анаэроб услубда ишловчи қурилмаларда микробиологик жараёнга жорий этиладиган КЮМ белгиланган 10 % га етказиш учун унинг 2% дан бошлаб 100% га етказгунча миқдорини секин аста ошириб бориб биореактордан олинадиган биогаз миқдорини максимал қийматига ва биоўғит сифат кўрсаткичларини талаб даражасига эришишини таъминлайди [2,3].

Кўп таркибли органик чиқндиалларга мўлжалланган биореакторларда микробиологик жараён нисбатан жадал кечиб улардан олинадиган биогаз миқдори нисбатан юқори (баъзи ҳолларда  $5 \text{ м}^3/\text{м}^3$



фойдали ҳажмга етиши мумкин) ҳисобланади. Бу турдаги БИОГАЗ ОЛИШ ҚУРИЛМАСИ анаэроб қайта ишланган органик чиқиндилар таркибининг турлича парчаланиш давомийлигига эга бўлганлиги улардан олинадиган биоўғитнинг сифатига салбий таъсир қиласди. Яъни олинадиган биоўғит талаб даражасидан паст ҳисобланади [4].

Германия Бундестаги қарорига мувофиқ озиқ-овқат, қишлоқ хўялиги ва истъемолчилик мухофаза, федерал вазирлиги молиявий қўллаб-куватлаш билан қайта тикланадиган ресурслар махсус агентлиги (Fachagentur Nachwachende Rohstoffe e.V.(FNR), Hofplatz 1, 18276 G黮zow, Германия) нашрини [6] тахлиларида 62 та биогаз олиш қурилмаларининг техник ва технологик таснифи келтирилади. Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи етакчи давлатлардан бири бўлган Германияда деярли 100 % биогаз олиш қурилмаларидан кўп таркибли органик чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган [6, 11 – б: чўчқалар суюқ органик чиқиндии – 73 %, маккапоя силоси – 11,8 %, маккапоя думбули ва пояси силоси – 9,1 %, жавдар галласи – 6,1 %., 6;16 – б: маккапоя силоси – 93,7 %, буѓдой (бутун ўсимлик дони силоси) – 2,9%, йирик шохли қорамол (ЙШҚ) органик чиқиндии аталаси – 3,4 %. 6; 20 – б: чўчқа органик чиқиндии аталаси – 42,2 %, маккапоя силоси – 52,6 %, ўсимлик силоси – 4,2 % ва буѓдой бўтқаси – 1,0 %., 6; 26 – б: курка органик чиқиндии – 5,4 %, макка пояси силоси – 83,4 %, жавдар (бутун ўсимлик дони билан силоси) – 6,2 %, маккапоя емиши – 2,8 %, буѓдой дони – 1,8 %, картошка туганаги – 0,3 %. 6; 32 – б: ЙШҚ органик чиқиндии – 20,4 %, чўчқа органик чиқиндии – 1,0 %, маккапоя силоси – 42,7%, ўсимлик силоси – 13,2 %, кўк жавдар ўсимлиги – 8,7 %, сомон – 1,7 %, шакар лавлаги – 5,7 %, ўт (тоза ўрилган ўт) – 6,2 %.] қурилмалардан фойдаланилади.


Юқорида келтирилганидек Германияда ишлатилаётган (62 та жадал ишловчи замонавий биореакторлар) биореакторнинг аксариятидан олинадиган асосий таркиб тахлиллари шуни кўрсатадики бунда биоўғитнинг агрокимёвий таркибида ўрта ҳисобда: азотнинг ялпи формаси 0,051%, ўсимликлар томонидан N-NH<sub>4</sub>, мг/кг формадаги ассимиляцияси 5,1; фосфорнинг ялпи формаси 0,011 %, ўсимликларни P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>, мг/кг формадаги ассимиляцияси 1,13; калийнинг ялпи формаси 0,040%, ўсимликларни K<sub>2</sub>O, мг/кг формадаги 4,025 ассимиляциясига эришилган. Биогаз таркибининг тахлиларида метан (CH<sub>4</sub>) газининг миқдори ўрта ҳисобда 53,7 % ни ташкил қиласди.

Тадқиғотлар тахлили хулосалари шуни кўрсатадики, кўп таркибли органик чиқиндиларда ишлайдиган биореакторлар бир таркибли органик чиқиндиларда (фақат мол ёки товуқ органик чиқиндии, ўтлар қолдиқлари ёки илдиз мевалар чиқиндиси ва ҳ.о) ишлатиладиган биогаз қурилмалари технологик параметрларининг кичик ўзгаришида ҳам биогаз миқдорининг кескин ўзгаришига таъсирчан қурилмалар ҳисобланади. Бир таркибли қурилмалардан олинадиган биогаз нисбатан кам бўлсада (2,5 м<sup>3</sup>/м<sup>3</sup> фойдали ҳажм) асосий махсулот биоўғитнинг сифати жуда юқори ҳисобланади. Биоўғит сифатининг талаб этилаган кўрсаткичини таъминлаш биореакторга солинадиган бир таркибли органик ўғитнинг қайта ишлов бериш давомийлигининг ўзига хослигидир.


Канадалик амалиётчи олим Т.Давид анаэроб жараёнини жадаллаштириш устида амалий ишлар олиб бориб, ўз ишларида органик чиқиндиларнинг турли таркибини бактериологик тахлиллар билан умумий шаклда моносахаридларнинг кейинги парчаланишини уксусли кислота ва водородгача, сўнгра диоксид углерод ва метангача боришини қўйидагича келтиради ва шу вақтда унга католизатор киритишни таклиф қиласди.



Т. Давид метаногенларни осон бижжувчилар туркумiga киритиб улар бундай ҳолатда кўпайишида карбонат ангидрид, водород, ацетат ва пропионатларни йиғилишига сабаб бўлади, дейди. Т.Давиднинг кўпчилик тажрибалари натижасида ёғларнинг парчаланишини метан гази ҳосил қилувчи бактерияларнинг иштироқида амалга оширилади, деб унинг умумий ҳолдаги формуласини қўйидагича келтиради:



(яъни бу ерда ёғларнинг юқори бир асосли карбон кислоталар, асосан пальмитин, стеарин (тўйинган кислаталар) ва олеин (тўйинмаган кислота) кислоталар билан уч атомли спирт - глицериндан ҳосил бўлган мураккаб эфирлардан иборат бўлишини эътиборда тутиш керак дейди)



С. Дубровский ҳаммуаллифлари билан адабиётлар тахлиллари, Т.Давиднинг метаногенезни жадаллаштириш ишларини ўрганиб ва ўз тажрибаларига асосланиб умумий ҳолатда мўътадил ишлайдиган биореакторларда (барча технологик талаблар оптималь шароитда) микроорганизмларнинг бир - бири билан келишиб фаол ишлашини ва улар органик чиқиндини парчалашдаги охирги махсулот сифатида олинадиган мoddани тенглама орқали баҳолаш мумкинлигини ва бунга ортиқча қийматлар қўшишни тавсия этмай қўйидагини келтиради.



Анаэроб жараённинг микробиологик тахлиларида Г. Никитин, Т. Давид, A. Hashimoto, C. Калюжный, А. Пузанков, С. Варфоломеев Е.Панцева ва бошқалар ҳам метан гази ҳосил қилувчи бактериялар ривожланишига салбий таъсир этувчи ўзгарувчан ҳарорат, pH мухит, КЮМ, дастлабки кислород ва аммоний ҳамда оғир металларнинг миқдори, ҳамда УЁКлар билан чегараланиб қолмасдан уларга салбий таъсир этувчи бошқа турдаги мoddалар борлиги тўғрисида маълумотлар берадилар. Аммо жараёнга таъсир этувчи бундай мoddаларнинг миқдорини инобатта олувчи коэффициент органик чиқиндиларнинг парчаланиш тенгламаларида ўз аксини топмаган. Жараёнга салбий таъсир этувчи бундай мoddаларни аниқлаш мақсадида кичик ўлчамли биореакторда бир қатор тажрибаларда ўтказилди. Тажрибаларда анаэроб жараён талабларига тўлиқ жавоб берадиган бир хил таркибли мол

органик чиқиндинин түрттә стирилланган шиша идишга (2 та 400гр ва 2 та 200гр) қаттиқ таркибли бактоагар мухитига 1 мл. медицина шприцида киритилди (2-расм).

Тажриба учун органик чиқинди Тошкент вилояти Янгийўл туманидан 2008 йил октябрь ойининг биринчи декадасида тажриба биореакторига солиши учун тайёрланган дастлабки тайёрлаш, биринчи погона - идишидан олиб келинди. Тажрибалар “Дастури” га биноан молларни емишига қўшиладиган “бацитрацин” (bacitracinum) 0,003, 0,006 ва 0,009 мг/л дармондориси қўшилди. Дармондорини биореакторлардаги органик чиқиндига қўшиладиган миқдорини сертификатда кўрсатилган маълумотлардан олинди.



2-расм. 1,2,3 ва 4 тажриба биореакторлари мос равища, назорат; 0,003; 0,006 ва 0,009 мг/л – “бацитрацин” (Bacitracinum) дармондориси қўшилган

Тажриба биореакторлари термостатнинг  $54\pm2^{\circ}\text{C}$  ҳароратида метан гази шарчалари ҳосил бўлиши, сонини таққослаб бориш усули билан мавжуд микробиологик тажрибалар ўтказиши методикасидан фойдаланилди. Тажрибалар тўрт такрорийлиқда ўтказилди. Тажрибаларда дармондорининг турли миқдорларининг органик чиқиндидан газ ажralишининг 4, 6 ва 8 – суткалардаги ҳолатига таъсири ўрганилди ва олинган тажриба натижалари [4] 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Органик чиқиндидан биогаз ажralишини дармондорилар миқдорига боғлиқлиги

Дармондори миқдори мг/л	Тажриба биореакторларида суткалар ичида ҳосил бўлаётган газ пуфакчалари сони, (та)		
	4	6	8
0,003	12	36	82
0,006	2	26	35
0,009	-	-	3
назорат	16	61	жуда кўп

1 – жадвалдан кўриниб турибдеки антибиотиклар жуда кичик миқдори ҳам биореакторлардаги жараёнга салбий таъсир кўрсатар экан. Молларни боқиши вақтида уларни семиртириш учун бериладиган турли хилдаги дармондорилар молларнинг овқат ҳазм қилиш, ошқозон тизимидағи заарли микрофлора билан биргалиқда метан газини ҳосил қиливчи бактерияларни ҳам кескин камайишига олиб келади. Тажрибалар тахлили шуни кўрсатадики, дармондори ёки дизенфекцияловчиларнинг органик чиқиндилар таркибига имкон даражасида қўшилмаслигини таъминлаш, қўшилган вақтда унинг умумий миқдори 0,006 мг/л дан ортмаслигини таъминлаш лозим. Олинган натижалар юқорида келтирилган (6) тенгламадаги мувозанат сақланиши учун унинг ўнг томонига биомасса таркибидаги номақбул моддаларини ҳисобга олувчи  $\psi$  коэффициентини киритиш талаб этилиб, у қўйидаги шаклга келади:



бунда  $\psi = 0,001...0,006$  мг/л.

Биореакторларда қишлоқ ҳўжалиги чиқиндиларидан биогаз ва ўғит олиш жараёнининг мўътадил кечиши учун органик чиқиндиларни ҳосил бўлиш ва йигилиш жойларида анаэроб жараён учун яроқлилик кўрсаткичлари олиб борилиши керак.

**Хулосалар.** Органик чиқинди намлигининг 86–96 % га ортиши зичлигининг мос равища 1034–1010 кг/м<sup>3</sup> га, органик чиқиндининг силжишдаги зўриқиши чегарасининг 1,3–0,04 Н·с/м<sup>2</sup>гача камайишиларига олиб келади ва мўътадил ишилаётган биореакторларда модда тенгламаси орқали баҳолашда дастлабки маҳсулот таркибидаги номақбул қисмни ҳисобга олувчи коэффициент  $\psi$  миқдори

0,006 мг/л дан ошмаслиги биогаз қурилмасининг барқарор ишлишини таъминлайди. Бундан ташқари анаэроб жараёнидаги биомассага қундалик юкландиган бимассани аралаштирилмаса биоўғит сифати юқори бўлиб, унинг таркибидаги органик азот, калий, кальций,магний ва фосфорнинг сифат кўрсаткичлари 2 бараваргача ортади. Қишлоқ хўжалиги чиқиндиларига погонали ишлов бериш энергетик қурилмасида қундалик юкландиган органик чиқинди микдори 10% бўлиши термофиль режим учун биореакторларда тутиб туриш вақтини 10 кунда амалга оширишини таъминлайди. Бунда сарфланадиган энергияни 2,8 мартаға камайтириб, биоўғит эргономик таснифининг энг юқори макро ва микроэлементлари ками билан: умумий азот 89,7 мг/л, фосфор 60,5 мг/л, калий 586,5 мг/л, кальций 303,3 мг/л, магний 143,7 мг/л, олинадиган биогаз таркибидаги метан ( $\text{CH}_4$ ) 72,2%, ис гази ( $\text{CO}_2$ ) 27,4 % ва қолдиқ газлардан иборат бўлиши таъминланди. Умумий азот ишлаб чиқаришда ГОСТ Ts 1647289940-2017 билан оммалашган биогумус таркибидагига қараганда 5 ортиқ бўлишини кўрсатди

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Имомов, И.Нуритов. Как выносить на поля шлама после анаэробной переработки сельскохозяйственных отходов биогазовых установок/Agroilm-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2018, Махсус сон. С.- 49 - 50.
2. Ш.Имомов, И.Нуритов. Как выносить на поля шлама после анаэробной переработки сельскохозяйственных отходов биогазовых установок/Agroilm-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2018, Махсус сон. С.- 49 - 50.
3. Dong, X.T., Chen, W., Li, J.Q., Zhang, S. Research on biogas fermentation raw materials(2018) E3S Web of Conferences, 53.
4. M. Sultonov, Sh.Imomov, A.Rustamov. Usage Biogas Plants with regarding climate conditions of Uzbekistan/International Journal of Advanced research in science, Engineering and technology-IJARSET, Vol.5, Issue1, February 2018. pp 3619-3622 /ISSN:2350-0328
5. Wiedemann, L., Conti, F., Sonnleitner, M., Saidi, A., Goldbrunner, M. Investigation and optimization of the mixing in a biogas digester with a laboratory experiment and an artificial model substrate (2017) European Biomass Conference and Exhibition Proceedings, 2017 (25thEUBCE), pp. 889-892.
6. Биогаз на основе возобновляемого сырья. Сравнительный анализ шестидесяти одной установки по производству биогаза в Германии/ Специальное агентство возобновляемых ресурсов (FNR) Хоффратц 1, 18276, Гюльцов, Германия. -2010.115 с.

## ТАЖРИБА – СИНОВ ТРАКТОРИ УЧУН КОНСТРУКТИВ АСОСЛАНГАН ДЕМПФЕР ҚУРИЛМАСИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАЛА ТАЖРИБАСИ

Комилов А.И. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари  
институти Тракторлар ва автомобиллар кафедраси доценти, т.ф.н.  
Эрматова Д.И. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари  
институти 1-босқич докторантни.

Марупов Исожон Марупович - дос. ТИҚХММИ  
(Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани Қори ниёзий-39 уй.  
[dilooo87@mail.ru](mailto:dilooo87@mail.ru), +998998858689)

### АННОТАЦИЯ

Янги яратилган трактор агрегатларидан фойдаланишида вибрациядан тушадиган юкланишларни камайтириш мақсадида демферловчи қурилмаларнинг бир неча варианлари тажрибаларда синалди. Синов натижалари барча синалган демферли қурилмаларда камчиликлар борлигини кўрсатди. Олинган натижалар тракторининг рессорости қисмлар тизими иш сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқотларни давом эттиришни тақазо этди.

### АННОТАЦИЯ

С целью уменьшения вибрационной нагрузки разработанного нового трактора испытаны несколько вариантов демпфирующего устройства. Результаты испытания этих устройств показали о наличии недоработки всех демпфирующих устройств. Полученные результаты показали о необходимости продолжения исследований по обеспечению качества системы подпрессорной части трактора.

### ANNOTATION.

In order to reduce the vibration load of the developed new tractor, several variants of the damping device were tested. The results of testing these devices showed the presence of flaws in all damping devices. The results showed the need to continue research to ensure the quality of the system of the suspension of the tractor.

**Калит сўзлар:** трактор, рессорости, демпфер, трансмиссия, торсион, стабилизатор, вибрация, силкиниш.

**Ключевые слова:** трактор, подпрессор, демпфер, трансмиссия, торсион, стабилизатор, вибрация, силкиниш.

**Keywords:** tractor, damper, transmission, vibration, torsion, stabilizer

Юқори ишчи тезликларда серэнергияли қишлоқ хўжалик тракторларидан фойдаланиш трактор трансмиссияларининг хаддан зиёд юкланиши, титраб ишлаши оқибатида ҳарактланадиган объектларнинг кўп шатаксирашларига, хайдовчилиги комфорнинг пастлигига ва кўп ёнилғи сарфланишига олиб келмоқда. Серэнергия машина трактор агрегатларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун трактор трансмиссиясидаги юкланишларни, титроқни ва қиммат ва тақчил ёнилғи сарфини камайтириш талабидан келиб чиқилиб, таклиф этилаётган демпфер қурилмаси ўз навбатида тажриба –синов тракторида ҳайдовчи комфортини яхшилашга ёрдам береб иш унумини оширади.

Маълумки трактор агрегатлардан фойдаланиш давомида уларга жуда катта миқдордаги вибрация юкланишлари таъсир қилиб ишчи жихозларини ишлаш муддати камайтишига олиб келади. Бунда трактор агрегатларининг равон ишлашини ва вибрацион ҳимоясини оширишнинг асосий омилларидан бири – уларнинг ресорости тизимининг ишлаш сифатини оширишни тақазо қиласи. Ўз – ўзидан маълумки ресорости тизимининг ташкил этувчилари йўналтирувчи, эластик ва демферловчи қисмлардан ташкил топган.

Йўналтирувчи қисм ғилдракка таъсир этувчи куч ва моментларни қабул қилиб олади ва ғилдракнинг таянч тизимида нисбатан ҳаракатланишини тавсифлайди.

Тажриба – синов тракторининг ресорости қисмлари тизими иш сифатини ошириш хисобидан вибрациядаги юкланишларни камайтириш қисмлардан ташкил топган (1.1 -расм). Амалий тадқиқотлар бўйича юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун Бухоро вилояти Жондор тумани дала ишлаб чиқариш фермер хўжалигига конструктив асосланган демпфер қурилмасини ишлашини аниқлаш бўйича дала тажрибалари олиб борилди.

Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ 2007 йил) га асосан олиб борилди.



1.1. расм. Тажриба –синов трактори

Тажриба – синов тракторида (Такомилашган трактор – № FAP20180035. 29/03/2018 й.) ийналтирувчи қурилма сифатида стабилизаторни қўлладик, унинг шакли торсион ўзакга ўхшаб гидравликдан келадиган кучларни ўз вақтида буралиб, қаршилик қилиш қобилятига эга қилиб жойлаштирилди (1.2-расм).



1.2-расм. Тажриба –синов тракторида демпфер қурилмасининг жойлашиши: 1-бўйлама тяга; 2- кўндаланг тряга; 3-тутуб туриш гайкаси;4-кўндаланг тяга;

Эластик қурилма трактор гидрагиддан келаётган вертикал кучларни осма тизимга узатиш учун хизмат қиласи. Эластик қурилма сифатида пўлат бўлак шакилли пружина 2 ҳамда торсионлар 1, 3 ўрнатилди. Тракторга таъсир қиласидан кўндаланг тарқалган кучларини камайтириш мақсадида қўшимча эластик қурилмани ўрнатдик ва бу стабилизатор 4 кўндаланг турғунликни таъминловчи вазифасини бажаради.



1.3 - расм. Тажриба - синов тракторида кўндаланг турғунликни таъминловчи стабилизаторнинг жойлашиши: 1-рама; 2-кардан узатмаси; 3- гилдрак; 4 – бўйлама тиргак.

Демпфер қурилмаси трактор рамаси билан ғилдраклар орасидаги вибрацияни камайтириш учун хизмат қиласди. Маълумки дунё амалиётида трактор ва автомобилсозликнинг ривожланишида жуда катта миқдордаги ва турли шакирили ҳамда турдаги осмалар мавжуд ва улар қўйидагича тавсифланади:

- трактор асоси билан боғланишига қараб: бикр, ярим бикр (тракторлар учун), эластик (1.3- расм);
- тасниф турига қараб: доимий бикрликда, ўзгарувчан бикрликд, прогрессив;
- ғилдракдан куч ва моментни узатиш усулига қараб: рессорли, штангали, бир пишангли ёки икки пишангли;
- йўналтирувчи қурилманинг турига қараб: балансирли, боғлиқ бўлган, боғлиқ бўлмаган, аралаш;
- эластик жихозининг турига қараб: рессорли, пружинали, торсионли, пневматик, гидропневматик, резинкали;
- сўндирувчи жихозининг турига қараб (амортизатор): пишангли механик ёки гидравлик амортизатор билан, телескопик бир қувурли, ёки икки қувурли амортизатор билан;
- шкворени мавжудлиги билан: шкворенли, шкворенсиз;
- бошқарилишига қараб: пассив (бошқарилмайдиган), ярим пассив (фақат фаол йўл бошқарилади), фаол бошқарышли (бошқариладиган)

Тажриба – синов тракторида бирламчи йигиш даврида боғлиқ бўлган осмадан фойдаландик ва бунда бир ғилдракдаги кучлар таъсири иккинчи ғилдрак билан боғланиб қолиб олинган натижалар кутилган кўрсаткичларга эга бўлмади. Бунда ғилдракдан рамага келаётган куч ва моментлар эластик қурилмалар орқали амалга оширилганлиги сабабли тракторни юритиш вақтида жуда катта миқдорда вибрация ва силтанишлар юз берди. Ўлчов қурилмаларининг етишмовчилиги туфайли бундай вибрацияларни энг юқори миқдорларини аниқлашни имкони бўлмади.

Вибрацияларни камайтириш мақсадида, боғлиқ бўлмаган осма танланди ва уни тажриба синов тракторига ўрнатилди. Аммо ўрнатиш даврида демпфер қурилмасини жойлаштириш учун осма билан ғилдраклар ўқи оралиғидаги масофа жуда кам бўлганлиги туфайли демпфер қурилмасига бироз ўзgartиришлар киритилди.

Дастлабки тажрибаларимиз «Моҳон пахтазори» фермер хўжалигига ўтказилди (17,7 га ер ҳайдалгандан сўнг) ва демпфер қурилмасининг етакчи ғилдрак ўқига махкамланган жойи ва трактор рамасига қотирилган қулоқлари ўртасидан билинар – билинмас тирқиши пайдо бўлди (1.4 -расм).



1.4-расм. Тажриба - синов тракторининг тажрибалар давомида аниқланган дефектли қисми.

Тракторларни вибрацияси ва силкинишлардан сақлашнинг бир неча тури аниқланган ва уларни қўллаш билан ишчи жихозларни иш давомийлигини орттиришга, ҳайдовчининг иш шароитини яхшиланишига эришилмоқда. Сўнги вақтларда тракторсозлиқда машиналар мураккаб ҳаракатларни амалга оширмайдиган холатларида хисоблаш услублардан фойдаланилади, аммо мураккаб ҳаракатлар ва манёврланиш холатларда тракторларни табиий шароитларда фақат синов ўтказишлар йўли билан аниқлаш талаб этилади. Бу эса жуда катта иқтисодий маблағларни сарфлашга олиб келади. Хисоблаш услубдан фойдаланилганда тракторнинг иш жараёнига таъсир этувчи барча сезилар - сезилмас фарқларни инобатга олиш имкони йўқ, яъни аниқ бир назария билан асосланган тенглама мавжуд эмас.

Ишлатилаётган тракторларнинг кўпчиликгида иш даврининг ярмидан ортикроғи уларни транспорт ҳолатида ишлатишга сарфланади. Амалиётда тракторларнинг максимал юриш тезликлари двигателлар қувватига қараб 40 км/соат тезликда (байзги бирларидағина фақат 50 км/соат) юради.

Маълумки трактор тезлигининг ортиши унинг юриш динамикасига таъсир этади ва бу унинг юриш қисмидаги бикирлигига ва титрашига кўп таъсир кўрсатади.

Дастлабки ўтказилган тажрибаларимизнинг кўрсатишича тракторнинг динамикасига асосий таъсир этувчиларни инобатга олиб қўйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

- тракторнинг равон юришини таъминланиши ҳайдовчининг комфортини ошириш учун;
- тракторнинг конструктив қисимлари ва тиркамаларга тушадиган динамик юкланишларни камайтириш;
- тракторнинг ҳаракатдаги турғулигини орттириш (юриш йўлининг турли таснифидаги ҳолатида);
- тракторни бошқариш вақтидаги бурилиш ва тормозланиши таъминлаш;
- тракторнинг ер билан текис тишлишишдаги имкониятини орттириш;
- ерни ҳайдашдаги сифатини сақлаш (юриш колеядаги турғулиникга эришиш).

Тажриба синов тракторида таклиф этилган демпфер қурилмаси асосан тебраниш, силкиниш ва силжиш ҳамда эгилишга ишлаши шартидан келиб чиқилиб. Тракторларда ишлатиш даврида уларнинг техник таснифининг асосини конструктив мустаҳкамлик ва ишлончлилик ташкил қиласди.

Машина-трактор агрегатлари демпфер қурилмаси ишлатиш даврида машина – трактор кабинасида ўтириб ишловчи механик ҳайдовчига ғилдирак ва агрегатдан келётган туркилар, силкинишлар қаттиқ таъсир этмаслиги механик ҳайдовчининг чарчамаслигига кафолат бўлади. Шунинг учун машина-трактор демпфер қурилмаси трансмиссия билан ўриндиқ ўртасидаги турқиларни юмшатувчи вазифани бажариш учун хизмат қиласди.

Дастлабки тажрибаларимизда тажриба синов тракторида ўрнатилган ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган демпфер қурилмалари ишчи жихознинг кўп ишламасдан туриб (ўртача: бошида - 7 га ер ҳайдаганимизда, купгина ўзгартиришлардан сўнг 24 га анғиз далаларни ҳайдаганимизда (ҳайдов чуқури турилича) ёриклар ҳосил бўлган эди) ишдан чиқиб колиши холатларига (1.2, 1.3, 1.4 – расмлар) олиб келди.

Шу максадда килинаётган амалий ишлар қишлоқ хўжалигининг махсулотларини ишлаб чиқаришда ички ёнув двигателларига ишлатиш учун сарфланаётган ёнилғи мойлаш материаллари ва уларни конструктив ихчам ва мобил, ўтағон бўлиши қишлоқ хўжалигига сарфланаётган энергияни камайтирмасдан уни ўрнини босувчи ёнилғи мойлаш материалларини таклиф этиш, уларни ишончли ва пухта ишлаши, эксплуатация дарида тиркагич ва османинг ишончли ишлашини таъминлаш шарти қўйилади бу эса замонавий тракторларга бўлган талаблардан иборатdir. Дизелларда шу кунгача ишлатиб келинаётган суюқ ёнилғи сифати анча юқори аммо уларни таннархи ҳам юқори ва ишлатилиш кўлами кенг, олинадиган энергия миқдори ҳам газникикига нисбатан бир оз кўп.

Далаларда (Республика фермер хўжаликлирида) ишлатилаётган дизелларни ёнилғи билан таъминлаш тизими такомиллаштирилса ёки уларни комбинацияланган таъминлаш тизими киритилса дизелларда суюқ ёнилғилар учун сарфланаётган харажатлар 2...2,5 бараваргача камайтирилган бўлар эди.

Бундан ташқари уларнинг оғирлигини камайтириш ер билан тишилашиш имкониятини ошириш ва осмаларга тушадиган ташқи бикирлик ва буралишдаги кучларни енгувчи техник ва технологик конструктив ўзгартиришларни талаб этмоқда. Аммо таъминлаш тизимини ўзгартириш ёнилгини алгангаланиши, трактордаги титрашлар ва ҳакозолар ихтиёрий ўзгартиришни чегаралайди. Сўнги вақтлардаги Республиканинг жадал ривожланиши тракторсозликни паралел равища ривожланишини талаб этиб уларнинг конструктив ечимидаги илғор технологияларни талаб эта бошлади.

*Хулоса.* Тракторининг рессорости қисмлар тизими иш сифатини ошириш ҳисобидан вибрациядаги юкланишларни камайтиришда олиб борилаётган ҳамда, ҳайдовчининг иш шароитини яхшилашга қаратилган илмий ишланмалар билан бир қаторда, шундай илмий усусларни ишлаб чиқиш керакки, унда катта маблағ талаб қиливчи дала тажрибаларини ўрнига назарий жихатдан тупроқ турини ҳамда трактор тезлигини инобатта олуви назарий тадқиқотлар турли осмаларни танлаш имконини берсин.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А. Камилов ва бошқ. Трактор ва автомобиллар. II-қисм, Тошкент. “СНО’LPON”, 2009й.
2. Тарасик, В.П. Теория движения автомобиля / В.П. Таrasik. - Санкт- Петербург: БХВ-Петербург, 2006. - С.478
3. Дубенский, М.Я., Дяченко, М.Г., Котиев, Г.О. Математическая модель подвески автомобиля / М.Я. Дубенский // Известия вузов. Машиностроение. - 2000. - № 1-2. С.62-71.
4. Ш.Имомов. Д.Туранкулова. А.Камилов. И.Марупов. Тажриба синов тракторининг рессорости қисмлари тизими иш сифатини ошириш ҳисобидан вибрацияладаги юкланишларини камайтириш. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнали 2018 й. №3.
5. E.Fayzullaev. Transport vositalarining tuzilishi va nazariyasi. Darslik. Toshkent.: Yangi asr avlod, 2006 yil, 376 bet.
6. Блинов Е.И. Новая концепция модели подвески автомобиля/ Е.И.Блинов //Известия вузов. Машиностроение. - 2003. -№3. С.52-62.
7. Фурунжиев, Р.И., Останки, А.И. Управление колебаниями многоопорных машин / Р.И. Фурунжиев. - M.: Mechanical engineering, 1984у. – р-206.

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Нуритов И. - т.ф.н., доцент,  
Мустафоева Д. - PhD,  
Жахонова Н.,  
Нуритова И.,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Республикаизда қишлоқ хўжалигини замонавий илғор технологиялар асосида ривожлантириш ва катта эътибор берилиши ва бу мамлакат иқтисодиётининг юкалишида муҳим аҳамият касб этиши келтирилади. Илғор технологияларни тадбиқ этиш бир қаторда, маҳаллий шароитларга мослашган замонавий техникадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш соҳада қилинётган ишлар самарадорлигини янада ошириш ва бу ўз ўрнида замонавий агрегатларда ишлайдиган, таъмирлайдиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни тақазо этиши ҳамда ушбу масалани ҳал этишда таълим муассасаларининг фаолияти муҳим аҳамиятга касб этиши атрофлича тахлиллари келтирилади.

### ABSTRACT

The article notes that the development of agriculture in the Republic on the basis of modern advanced technologies is given great attention and plays an important role in the growth of the country's economy. In addition to the introduction of advanced technologies, the effective use of modern equipment adapted to local conditions will further increase the efficiency of work in the field, which in turn will require the training of highly qualified specialists working in modern units, repair and the role of educational institutions. analyzes are given.

**Калит сўзлар:** касб-хунар таълими, йўриқнома, илғор технологиялар, қўнишка.

**Keywords:** vocational education, guidance, advanced technology, skill.

**М**амлакатимизда ижтимоий иқтисодий ривожланишлар билан бир қаторда бугунги кунда талими тизимини модернизация қилиш, уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, илм фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурлар тубдан ўзгартирилди ва янгилаб борилмоқда. Касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, техникум талабалари назарий ва амалий машғулотлар ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти орасида узвийликни таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунгача бўлган даврда “Қишлоқ ва сув хўжалиги” таълим йўналишидаги техникумлари учун тасдиқланган ўкув режаларини ўрганиб чиқиб, шундай холосага келиндиқ, яъни ўкув режаларга мувофиқ ишлаб чиқариш амалиётлари ўкув йилининг охирига мўлжалланган бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги аксарият агрегатехник тадбирлар бу пайтда тўғри келмайди. Бу эса ўқувчиларни олган назарий ва амалий билимларини ишлаб чиқариш амалиётлари билан мустаҳкамлаш имкониятларига эга бўлинмайди. Натижада малакали касб эгаларини тайёрлаш натижасига эриша олмаймиз” Психологик олимларнинг тадқиқотлари асосида, инсон ўқиганда 10% ни, ешигтанда 20% ни, кўрганида 30% ни, кўриб эшигтанда 50%, сўзлаб берганида 80%, сўзлаб бажарган жараённида 90% ни эслаб қолар экан. Демак, ўқувчи ҳар бир ўқитилаётган мавзулар бўйича ўз қўли билан бажариб, жараённи ўз сўзи билан изоҳлаб берадиган қилиб амалиётларни ташкиллаштиришга эришиш керак.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда агротехник тадбирларни экиш, парваришлиш, ўйғим терим даври, кузги қишиги мавсумларда бажариладиган ишларга бўлинади. Шу муносабат билан ўкув режада кўрсатилган амалиёт мавзуларини мос ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтиш вақтига боғлиқ бўлган ўкув жараёни жадвалини ишлаб чиқиш керак.

**Ишнинг мақсад:** Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишидаги касб-хунар коллежларида ишлаб чиқариш амалиётларин илмий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиши.

**Тадқиқот обекти:** Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишидаги техникумлари.

**Тадқиқот натижалари:** Мавсумга мос равишда амалиётларни тўғри ташкил этиш ва ўтказиш натижасида қўйидагиларга эришиш мумкин:

-амалиёт тўғри ташкил этилганда, техникумлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида хамкорлик амалиётлари янада мустаҳкамланади;

-ишлаб чиқариш корхоналарининг техникумлари тайёрлаётган мутахассислигига бўлган эътибори янада оширилади;

-ўқувчилар колледжа олган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайдилар;

-“олдин назарий-сўнг амалий” қоидасига қилиш учун 1-иҳтисосликка мос келувчи машғулотларни маҳсус амалиётлардан олдин якунлашни режалаштириш мақсадга мувофиқ ва бу тартиб кейинг ҳадисларини ишлаб чиқаради;

-ихтисосликка мослаштирилган ҳар бир ўкув фаолиятидан сўнг ўқувчилар ўз билим ва кўникмаларини ишлаб чиқариш амалиётни билим мустаҳкамлайдилар;  
 -ҳар куни амалиёт бўйича йўриқномалар бериш ва амалиёт тугагандан кейин ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади ва амалдаги амалиёт дафтарлари тўлдирилади, ишлаб чиқариш корхоналарида алоҳида ўкув хоналари ташкил этилади;  
 -ўкув ва ишлаб чиқариш амалиётлари жараёнида қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирлар ўтказишнинг мавсумга мослашган холатида таълим жараёни модели ташкил этилганда, ўқувчилар малака ва кўникмаларнинг шаклланишида янада юқори даражага эришиш имконияти яратиласди.



**Хуноса.** Хуноса қилиб шуни таъкидлаш керакки, касб-ҳунар таълими тизими ва техникумларда ишлаб чиқариш билан узийлигини таъминлаш хам назарий ҳам амалий кўникмаларнинг биргаликдаги ривожланишига ва уларнинг интеграциясига олиб келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойихалаштириш ва амалга ошириш. Кўлланма Т: Тасис, 2001. -32 б.
- Жумаев А. Кадрлар тайёрлаш милий модели асосида ижтимоий фаол шахсни шакллантириш. Узлуксиз таълим. – Т. Ўзбекистон, 2009.– 54 б.
- Гаманенко, Н.П. Механизмы формирования готовности педагогов колледжа к совершенствованию профессиональной педагогической деятельности в логике компетентностного подхода // Глобальный научный потенциал. 2017. № 11 (80). С. 24–31.

## ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

О.Салимов, З.Азимов, Х.Курбонова, Ш.Имомов

Тошкент ирригация ва қишлоқхўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги вақтда экин ерлари ҳосилдорлигини оширишнинг энг арzon усулларидан бири молхона ва паррандахоналардан чиқаётган органик чиқиндилар билан ишлов бериш ҳисобланиб, уларнинг замонавий тартиби ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади ва иқтисодий самарадорлиги тажрибалар асосида олинган натижаларга боғланади. Органик чиқиндиларни ерга солишнинг янги усули экинлар ҳосилдорлигини оширишга бўлган мақсади доимо агротехник талабларни қондириши, акс ҳолда унинг иқтисодий фойдасидан зарари кўп бўлиши келтирилади. Булардан ташқари қайта ишлаш жараёнда органик таркибнинг тўлиқ патоген микрофлорадан тозаланиши ва ихтиёрий миқдорда ерларга ва мева-сабзавот ҳамда узумчилик махсулотини етиштириш учун жорий қилиш имконини бериб уларни иқтисодий кўрсаткичларни белгилаб бериши келтирилади.

**Калит сўзлар:** органик чиқиндилар, органик ўғит, биогаз, анаэроб, метан, экология, муқобил, энергия, ҳосилдорлик.

### КИРИШ

Республикамизда экин экиладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш тайёр махсулот тан нархини пасайтириш омиллари жадал суратларда ошириб борилмоқда. Бунинг негизида ерларни органик ўғитларга бўлган талабини қондириш ётади. Кўпчилик ҳолларда органик чиқиндиларни (моллар, кўйлар, от ва парандалар органик чиқиндилари, шаҳар оқава сувлар, ўт-ўланлар қолдиқлар ва бошқалар) қайта ишлов бермасдан далаларга ва ўсимликларга озуқа сифатида беришда уларнинг таркибида юқумли ва инвазион касалликлар келтириб чиқарувчилар, экзотоксикантлар (оғир металллар, пестицидлар, микотоксинлар ва ҳоказо) медика ментоз препаратлар ва бошқа ифлослаштирувчи моддалар бўлиши эътибордан четда қолиб кетиши ҳақида маълумотлар келтирилади[1,2,3,4]. Молхона ва паррандахоналардан чиқарилаётган экскрементлар ерга солингандан сўнг катта миқдорда микрофлора ва ёввойи ўтлар уруги тушади. Бу эса маълум даражада экологик ва санитар хавф туғдиради. Органик чиқиндиларга қайта ишлов берилмасдан туриб ерга солиш мақсадга мувофиқ эмас, улар аэроб (очиқ ҳавода) жараёнда узоқ сақлаганда 2-3 ойдан кейин 70% гача органик азот йўқотилади. Тахлиллар фермалардан чиқадиган суюқ чиқинди ҳайвон ва инсонларда учрайдиган 100 дан ортиқ касаллик келтириб чиқарувчи паразитларни тарқатиши мумкин иллигини[3,5,6].

Булар оқсил, бруцеллөз, лептоспироз, куйдириги, сальмонеллөз, энцефалит, сарамас ва чўчқа ўлати, кокцидиозлар ҳамда сўнгги вақтларда пайдо бўлган парранда грипи ва кўплаб бошқа касалликлар хўжаликни иқтисодий кўрсаткичларига кескин таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Чорва ва парранда чиқиндилари йиғилиши, жойларидағи намгарчиликнинг юқорилиги, гижжа тухумлари, мөғор замбуруғи кўпайишини фаоллаштиради. Шу сабабдан бундай органик чиқиндиларни мева-сабзавот ва узум етиштиришда, анаэроб жараёнда қисқа вақтда (кўпи билан 20 кун ичида) сифатли қайта ишлашга асосланган технология ва усулларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади ва иқтисодий жихатдан хўжаликга кўшимча дарамот манбаи ҳисобланади.

**Услублар ва материаллар.** Замонавий дехқончилик амалиётида органик чиқиндиларни ҳавосиз мухитда, жадал қайта ишлаш, улардан органик ўғит ва биогаз олиш қадимиј технологиялардан ҳисобланади. Органик чиқиндиларнинг мумкин қадар тез қайта ишлаб далаларга солиш зарурлигини бир неча асрлик тажрибалар асосида шакллантирганлар. Қайта ишлаш жараённида олинадиган махсулотнинг сифати ва кўшимча энергия олиши имкониятлари турлича бўлган. Бундай усулда қайта ишлашдан ҳосил бўладиган асосий хом ашё органик ўғит ҳисобланиб, кўшимча сифатида биогаз ( $\text{CH}_4$  ва  $\text{CO}_2$  кам миқдорда йўлдош газлар) олинади. Келтирилишича органик чиқиндиларга анаэроб ишлов беришнинг ҳам уч тури мавжуд:- психрофиль (узоқ муддатда -100 ва ундан ортиқ кунда); -мезофиль (нисбатан қисқа 10 кундан 30 кунгача); -термофиль (5 кундан 10 кун ичида).

Бу учала турнининг асосий кўрсаткичи -иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади [7,8]. Аммо анаэроб жараённи жадаллаштириш мақсадида дунё олимлари томонидан (ривожланган давлатларда) бижгитиши биореакторларига кўп таркибли органик моддалар (мол органик чиқиндилари, маккапоя силоси, буғдой бошоги пояси билан силоси, жавдар буғдой аралашмалари ёки парранда органик чиқиндилари билан маккапоя ва кўк ўт силоси, буғдой бўтқаси, картошка туганаги аралашмалари) ва метан бактериялар ассоциасиясини жорий қилиш усуллари қўлланилмоқда[9,10]. Тахлилларда олимларимизнинг ишларида [11,12,13] органик чиқиндиларни анаэроб жараёнига жорий қилиш учун бир таркибли (мол ёки товуқ органик чиқиндилари) усулдан фойдаландик (бирламчи истемолга бўлган ҳар қандай органик чиқиндини анаэроб жараёнга бериш кризисга олиб келиши мумкин). Бундай усулларни иқтисодий таққослаш ва жараённи оптималь кўрсаткичларини топиш мақсадида математик режалаштириш услубида ўтказилган тажрибалар[10,11,12] натижалари иқтисодий кўрсаткичларнинг асосини беради.

**Тадқиқот натижалари.** Оганик чиқиндилар пайдо бўлиш манбаларининг турли туманлиги уларнинг ишлатиш жараёнларини белгилаб беради. Масалан молларнинг ошқозон - ичак тизимида уларга берилган емишнинг максимал ҳазм бўлиш миқдори 70 % гача бўлган миқдорни ташкил қиласди.

Қолган қисми эса ҳазм бўлмасдан дефекация даврида ташқи атмосферага чиқариб ташланади ва бу билан биргаликда кўпгина парчаланмай қолган органик брикмалар ва бактериялар ҳам чиқади. Тахлиларимиз кўрсатишича бу бирикмалар атмосфера ҳавосида дастлабки даврдан бошлаб устки қисми “химоя парда” билан қопланиб очиқ ҳавода аэроб жараёнга киришиб жадал парчалана бошлади. Агар бу парчаланиш биринчи бир ёки бир ярим сутка давом этса-ю анаэроб жараёнинг ўтказилмаса органик чиқиндилар таркибидаги органик азотнинг деяли 15-25 % атмоферага чиқариб юборилиб ўрнини учувчи ёғли кислоталар эгаллади ва органик чиқиндининг анаэроб жараёнга жорий этиш учун эскира бошлашини билдиради.

Шартли – патоген микроорганизмлар ўз табиатига кўра, ташқи омилларга ва дори воситаларига ўта бардошли бўлади, шу боис уларни йўқ қилиш учун кучли воситалар зарур. Лекин бу кучли воситалар ва антибиотикларни ишлатиш доимо самара беравермайди. Анаэроб жараённинг афзаллик томонларидан бири шундайки, у бундай касаллик ва сассиқ ҳид тарқатувчи манбаларни органик чиқинди таркибida тўлиқ қайта ишлаш имкониятини беради. Чунки анаэроб қайта ишлаш жараёнида кислороднинг бўлмаслиги тирик микрофлорани кескин камайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари бир тонна молхона чиқиндиси йилига 800 кг гача иссиқхона газларини атмосферага чиқаришини ёдда тутиш зарур.

Тажрибалари шуни кўрсатадики республикада олиб борилган анаэроб усулда қайта ишланган органик чиқиндиларнинг органик ўғит таркиби биокимёвий кислородга бўлган талаби ва кислородга бўлган эхтиёж миқдори талаб даражасида эканлиги ва унинг таркибидаги органик азот 89,7мг/л, калий 586,561мг/л, кальций 303,0385 мг/л ва фосфор 60,436 мг/л тенг эканлиги аниқланди [4,5,6]. Олинган органик ўғит таркиби чукур тахлил қилинса анаэроб жараёнда қайта ишлов берилган органик чиқиндилар таркибидаги дастлабки азот миқдори тўлиқ сақланиб қолиниб, калий, кальций ва фосфорнинг миқдори бир неча баробарга орттани кўринади.

Биореакторларда ишлов берилган ҳар қандай органик чиқинди бегона ўт уруғларидан ва зарапкунандалар тухумларидан, кескин ҳидидан (майнин балчиқ ҳиди очиқ ҳавода 2-3 соатда умуман йўқолади), патоген микрофлоранинг активлигидан тўлигича холос бўлиб ранги ўткир кулранг ранга кириб биореактордан тўкиб олинган вақтида устида озроқ пуфакчалар пайдо қиласди [7,8,9,10].

Биореакторлардаги анаэроб жараённи жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли микробиология институти олимлари томонидан таклиф этилган метан бактерияларининг ассоциациялари сунъий ривожлантирилган бир қанча турларини кичик ўлчамдаги ва кўп функцияли лаборатория қурилмаларида синаб қўрилди. Тажрибаларда биореакторларга солингандиган метан бактерия ассоциациясини кундалик юклаш дозаси ўзгармас ҳолатида дастлабки ишлов бериш биореактори - иссиқлик алмаштиргичининг ўзида бир неча марта (8 марта) солингандан ундан чиқадиган газнинг миқдори (сассиқ газлар) сезиларли ўзгаргани йўқ, аммо бактериялар ассоциацияси биореакторнинг иккинчи пагонаси асосий биореакторга солингандан биринчи 4-20 соатларда биогаз чиқиши кескин кўпайгани ва ундан чиқаётган биогаз таркибидаги  $\text{CH}_4$ , 72-80%,  $\text{CO}_2$ , 18-26% атрофида бўлди. Кейинги соатларда эса газ миқдори мўътадиллашиб сўнгра тушади (кескин камайиб) кетиши кузатилди.

Латвия қишлоқ ҳўжалиги академияси ҳамда Дехқончилик ва иқтисод институтининг бир гурӯҳ олимлари (Я.Веверис, Б.Дерило ва б.) биореакторда қайта ишланган чўчқа органик чиқиндиларни биошлами (таркибидаги органик моддалар кўрсаткичи биз олган органик ўғит таркибидагидан 1,8-2,4 баравар кам) шаклида мева-сабзавот (помидор ва кўкатлар) экилган майдонларда қўллаган тажрибаларида ҳосилдорлик 64% ортганлиги тўғрисида маълумотлар келтирадилар. Ишқорли ерларда органик ўғит қўлланилса ишқорни нейтраллаш жуда арzonга тушади ва сув тақчил вилоятларда мева - сабзавот, узумчилиқда ҳосилдорликни ошириб ерларининг намликни сақлаб туриш қобилиятини бир неча 10 бараварга орттиради.

2017-2018 й.й. бир йиллик пакана олма дараҳтлари остида экилган помидор ва карам майдонларида (0,3га) гектарига 250 л органик ўғит солиб, ўтказилган тажрибаларда помидор ва карамнинг оғирлиги назоратдагидан 3-5 баравар кўп бўлди [6,7].

Биошламнинг пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганган Қирғистон миллий академияси олимлари В.А.Бударин ва С.К.Қыдъралиевлар 10% ли органик ўғитни пахтани экиш вақтида ва культивация қилиш жараёнида гектарига 300 литр ҳисобидан берганларида ҳосилдорлик 30ц/га етганилиги тўғрисида маълумотлар келтирадилар. Худди шундай далада қайта ишлов берилмаган молхона чиқиндилари берилганда ҳосилдорлик 20-25ц/га бўлганлиги ва органик ўғит ишлатиш натижасида пахта ҳосилдорлиги 20-50% гача ошганлигини таъкидлайдилар [9,10].

Уруғларни экишдан олдин намлаш вақтида: намлаш учун биошламли суюқ аралашма-1:50 қилиб тайёрланади ва уруғ намланиб нишлагунча тутиб турилади. Донли экинларни намлаш учун таёrlанаётган биошламли суюқ аралашма-1:50 миқдорда қилиб тайёрланади.

Мевали дараҳтлар ва дараҳтзорларни озиқлантириш учун 1:50 миқдордаги биошлам суюқ аралашмаси тайёрланади ёки 4-5 литр 1  $\text{m}^2$  жойга деб белгилаб олинади (1 га ерга солингандиган шундай аралашма 1-1,5 тоннани ташқил этиши керак).

Ерларни шудгорлашдан олдин ёки қор устидан биошламли суюқ аралашма билан озиқлантиришда 1-1,5 тонна 1 га ҳисобидан 1:10 миқдордаги аралашма билан амалга оширилади.

Сабзавот-полиз ва гулли ўсимликларни озиқлантиришда, буғдој экилгандан кўкариб бошлаганидан кейин 1:70 миқдордаги биошлам суюқ аралашмаси билан сугорилади. Кўкатларни экилгандан кейин ёки ўтказилгандан сўнг далани озиқлантириш учун сугоришда 1:70 миқдордаги суюқ биошлам аралашмасини 10-15 кун оралиғида 4-5 литр 1  $\text{m}^2$  ҳисобидан берилади.

Кулупнайсимонлар ва бута каби ўсимликларни биринчи марта баҳорда барг чиқариши билан 10-15 кун оралиқда, иккинчи маротаба 1:50 суюқ биошлам аралашмаси билан 4-5 литр 1м<sup>2</sup> майдон миқдорида озиқлантирилади.

Үйда ўстириладиган гултувак гулларини ривожланишнинг жадал ўсиш даврида 3-4 маротаба 10-15 кунда қайта озуқлантириш ҳисобида 1:60 миқдорида суюқ биошлам аралашмаси берилади. Аралашмаларни имкони борича илдизларгаберилгани маъкул, чунки бир реактордан чиқаётган биошлам томир сувига яқин ва ўсимлик танаисига осон сингиб ҳар қандай ўсимликни ривожланишига ёрдам беради.

Тажрибаларимизда биошлам 1:50 миқдордаги суюқ аралашмасини юқори сифатли органик ўғит сифатида бир йиллик жадал мева етиштириш боғига олма ва нок дараҳтларини эрта баҳорда сувга аралаштириб озуқлантирилди (1-расм).

Озуқлантирилган 0,3га ернинг 7 кундан кейинги ҳолатида ернинг ранги майин қатқалоқсимон қорамтири – кулранг қоплама эгаллагани ва кечаси майин намланган ҳолатга келиб эрталаб ер юзаси яқинда сугорилган ерга ўхшаб туриши ердаги намликни узоқ вақтга сақлаб туришини билдиради. Биошламдан фойдаланиш ерларнинг юза қатламидаги минерализацияланган тупроқ структурасини бутунлаш созланишига олиб келади. Агар ерларга солинадиган биошлам талаб даражасида бир мавсумда ҳар 15-20 кунда берилса дегродацияланган ерлар ўзининг юқори ҳосилдорлик ҳолатини қайта тиклаб олади[12,13].



1-расм. Биошлам билан бир йиллик жадал мева етиштириш боғларига экилган олма ва нок дараҳтларини озиқлантириши

**Хулоса, таклиф ва тавсиялар.** Республикаиздаги иқтисодий ўсиш негизидаги қишлоқ хўжалиги чорвачилиги сўнгти ўн йилликда кўрсаткич суръати ўртacha ийрик қорамоллар 17,6% ни, қўй ва эчкиларда 27%, товуқларда 23% ни (товуқлар сони кескин ўсиши эҳтимоли юқори) ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар соҳада кескин ўзгаришлар, жадал ўсиш бўлаётганини, шунга муносиб ҳолда органик чиқиндилар миқдори ҳам кескин ортаётганини кўрсатади. Органик чиқиндиларни анаэроб усулда қайта ишлаш натижасида даврнинг асосий муаммоси бўлган табиатни асраш, юқори сифатли органик ўғит олиш ва уни тезкор усулларда ўсимликларга сифатли қилиб етказиш ва қўшимча сифатида муқобил

энергия олиб ундан шу соҳа йўналишида фойдаланиш республика энергетикасига ва дегродацияланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодий тахлилларимизда молхона ва паррандахоналардан, қишлоқ аҳоли пунктларида ҳосил бўладиган органик чиқиндиларнинг йигилиш жойларидан атмосферага чиқараётган иссиқхона газлари кескин камайтириш кўрсаткичи билан биргаликда икки турдаги фойда: органик ўғит ва муқобил энергия олиш долзаб ҳисобланади[14,15,16].

Органик чиқиндиларнинг анаэроб жараёнда қисқа вақт ичида қайта ишланиши уларни тўлиқ патоген микрофлорадан тозалайди ва ихтиёрий микдорда ерларга ва мева-сабзавот ҳамда узумчилик маҳсулотини етиштириш учун солишини таъминлаб органик чиқиндиларини қайта ишлов беришнинг иқтисодий кўрсаткичларини белгилайди.

### Фойдаланилганадабиётлар

1. О.Салимов, Ш.Имомов, И.Нуритов К.Усмонов. Қайтатикланувчи энергия манбалари (Ўкувқўлланма) Тошкент ш. Адабиётучқунлари 2019.280-б.
2. Седнин А.В. и др. Анализ факторов, влияющих на производство биогаза при сбраживании осадка сточных вод. Изв.высших учебных заведений и энергетических объединений СНГ - ЭНЕРГЕТИКА: Тепло-энергетика. -2009.-№5(сентябрь-октябрь).-С.49-58.
3. Органическая удобрения после переработки навоза в биогазовые установки г. Караулбазаре - 1 образец. Согласно МУ 8м/254-2011. Протокол испытаний №360/1. Мин.Здрав. РУз. Медико-Санитарное объединение Санитарно – Эпидемиологическая Станция. 12.02.2017 г.
4. Имомов Ш., Қаюмов Т., Усмонов К., Ҳакимов Б., Султонов М. Органик чиқиндиларница қайтаишшуливауниамалгаширишқуримаси (Способ переработки органических отходов и установка для его осуществления). A01C3/00, C05F3/00. IAP 20160389.UZ. Ихтиrolар. Расмий ахборотнома, №3.
5. Имомов Ш.Ж. и другие, Способ переработки навоза и установка для его осуществления А.с. № 18324195АС1С 3/00 1992
6. Имомов Ш.Ж., Hwang Sang Gu. Установка для получения биогаза. Межд. патент. № 10-0892746/2009.04.02. Южная Корея.
7. D. Hawres Fastors affecting net energy production from mesophilic anaerobic digestion//Proc. Ist Intern. symp on anaerobic digestion, Sept., 2009. Cardiff, Wales. - Amsterdam etc., 2012. -P.131-149.
8. Баркер М.Е., и др.Трансформация продуктов фотосинтеза.-Рига, 1984.-249 с.
9. В.А.Бударин, С.К.Кыдыралиев «Особенности получения биогаза и биологически активного органического вещества из растительных отходов» Институт энергетики и электроники южного отделения. Нац. акад. наук Киргизской Республики.2006.г.Джалал-Абад.

## ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

Тагаев В.И., Хажиев М.Х., Хакимов Б.Б., Ш.Ж.Имамов, И.М. Марупов  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада машиналар ички ёниш двигателларида (ИЁД) водород ёнилғисини қўллаш муоммолари таҳдил қилинган. Бу двигателларни қўллаш ёнилғи-мойлаш материалларига сарфланадиган харажатларни камайтириш ва атроф-муҳитни яхшилаш имкониятини беради.

### ANNOTATION

The article analyzes the problems of using hydrogen fuel in internal combustion engines of machines. The widespread use of these engines will reduce the cost of fuels and lubricants and improve the environment.

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются проблемы использования водородного топлива в двигателях внутреннего сгорания машин. Широкое использование этих двигателей позволит снизить стоимость горючесмазочных материалов и улучшить окружающую среду.

**Калит сўзлар:** машина, двигатель, дизель, водород, ёнилғи, қишлоқ хўжалиги, экология.

**Key words:** car, engine, diesel, hydrogen, fuel, agriculture, ecology.

**Ключевые слова:** автомобиль, двигатель, дизель, водород, топливо, сельское хозяйство, экология.

**X**алқ хўжалигига углеводород ёнилғисни ишлатадиган жуда кўп миқдордаги қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш ва транспорт машиналари паркининг кўпайиб кетиши бир томондан, жуда кўп даражада ёқилғи зоҳираларининг камайиб кетиши иккинчи томондан эса олимлар ва инженер-техник ходимларга бошқа турдаги ёқилғи зоҳираларини излаб топишни асосий масала қилиб қўйди [1-5].

Айрим мамлакатларда ёқилғи сифатида биологик ёқилғини ишлатиш бўйича олиб борилаётган кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) натижалари шуни кўрсатадики бу турдаги ёқилғи ҳеч қочон нефть асосида ишлаб чиқарилётган ёқилғи ўрнини турларини тўла қоплай олмайди ва хозирги кунда бу турдаги ёқилғи шлатилаётган углеродли ёқилғининг фақат 1% нигина ташкил этаяпти халос. Машинасозлик компанияларининг иш тажрибаларидан маълумки, машинаички ёниш двигателларини электр энергияси манбаига алмаштириш жуда кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Хусусан, автомобилни электр энергиясига ўтказиш, бу унинг бир кунлик босиб ўтган йўлининг кескин камайишига ва шу сабабли уларнинг сезиларли даражадасамарадорликнинг пасайишига ва унинг мулк эгаси иқтисодий зарар кўришига олиб келади. Бундан ташқари замонавий илм-фан ва технологиялар электромобилларни кичик габаритли ва юқори қувватли аккумулятор батареяси билан таъминлашда муоммалар мавжуд [3-4].

Гибрид двигателларни (ички ёниш+электр ёки ички ёниш+гидромотор) қўллаш маълум миқдорда бензин ва дизель ёқилғисига бўлган талабни камайтиради, лекин углеродли двигателлардан томоман воз кечишига олиб келмайди, чунки бу турдаги двигателлар баҳосининг юқорилиги ҳаммани ҳам иқтисодий жиҳатдан қаноатлантирумайди. Машиналар ИЁДни водород билан ишлашга мослаштириш ва бунинг натижасида улардан чиқадиган газлар билан атроф мухитга салбий таъсирини (захарли газлар салмоғи 10 мартағача) камайтириш хозирги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда[5-7].

Бу талабларга жавоб берадиган ёқилғи қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- жуда катта ҳажмдаги ёқилғи ресурсларига эга бўлиши;
- унинг таннархи жуда юқори бўлмаслиги;
- замонавий ИЁДнинг конструкциясни ўзгартирмасдан ёки жуда кам ўзгартиришлар киритиб янги турдаги ёқилғига ўтиш керак;
- двигатель ишлаши даврида атроф мухитга минимал таъсири кўрсатилиши лозим;
- янги ёқилғининг энергия манбаи сифатида фойдалилиги хозирги вақтларда амалиётда қўлланилаётган турларига нисбатан жуда кўп марта юқори бўлиши керак. Бу талабларни яна давом эттириш мумкин [3,4,7].

Бензин, дизель ёқилғиси, биоэтонол ва газни (пропан, бутан) ёқилғи сифатида ишлатиш натижасида атроф мухитга жуда кўп миқдорда унга турли хил зиён етказадиган моддалар ёнган газлар сифатида тарқалишидир. Бунинг натижасида атроф мухитга салбий таъсири этилади, хаво

ифлосланади бунинг натижасида инсонлар ва жонли организмлар турли хил касалликлар билан заҳарланадилар[3-5].

Водород ёқилғининг энг катта афзалиги эса бу - унинг экология жиҳатдан тозалигидир [3-5]. Водородли ички ёниш двигателининг хозирги вақтда кенг қўлланилаётган двигателларга нисбатан энг муҳим афзаликларидан яна бири унда мураккаб ва қимматбаҳо таъминлаш тизимининг бўлмаслиги ҳисобланади. Шу билан бирга, албатта унинг хозирги мавжуд классик тизимдаги двигателларга нисбатан жуда юқори ф.и.к. га эга бўлганлигидир.

Шу билан бирга водород ёқилғиси ўрнатилган двигатель маълум камчиликларига эга:

- водород баки ва қўшимча жиҳоздар ўрнатилиши ҳисобига машинамассаси ошади;
- тоза водородни ички ёниш двигателдда ёндиришда ҳавсизлик даражаси нисбатан паст бўлади.

Унинг тез ёниб кетиши ва портлаш эҳтимоли жуда юқори;

-ишлабчиқарувчилар башорат қилаётган, яқин келажакда қўлланилиш эҳтимоли бўлган водородли ёқилғи элементлари баҳосининг нисбатан юқорилиги;

-машинадавород ёқилғисини сақлаш учун қўлланиладиган идиш (бак) конструкциясининг зарур даражада такомиллаштирилмаганлиги;

-шу кунларгача машинага ўрнатиладиган водород ёқилғиси бакини қайси материалдан тайёрлаш керак деган саволга аниқ бир хил жавобнинг йўқлиги;

-хозирги кунларда машина бакини водород ёқилғиси билан ташиш ва тўлдириш учун станция тизимларининг ҳалқ хўжалигида ташкил этилмаганлигидир[3-7].

Водород ёқилғиси билан ишлайдиган двигателларда мавжуд бўлган техник-технологиква ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, яқин келажакда уни қўллаш эҳтимоли жуда юқори даражада бўлиб, ундан бошқа турдаги ёқилғини ишлатишмконияти хозирча мавжуд эмас деб ҳисобланади [3,4].


ИТИ ва ТКР натижаларипи ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида хозирги вақтда ИЁДда водородни ёқилғи сифатида ишлатиш ишлари турли хил варианtlарда амалга оширилаётганлиги аниқланди[1-5]:

- водороднинг фақат ўзини ёқилғи сифатида ишлатиш;
- уни бошқа турдаги ёқилғи турлари билан бирга қўшиб ишлатиш;
- водородни ёқилғи элементларида ишлатиш.

Водородни ишлаб чиқаришнинг энг осон усули бу электролиз усул ҳисобланади(1-расм) [3-4]. Бу усуlda водород сувдан қарама-қарши электр разряди таъсири остида бажарилади. Хозирги кунда 90% дан кўпроқ водород шу усуlda углеводород газларидан ажратилиб олинади.



1-расм. Ёқилғи элементли водородли двигатель конструкцияси



2-расм. Водородли двигатель ёнилғи элементининг ишлаш принципи.

ИТИ ва ТКР ишлари таҳлили шуни кўрсатадики [1-5], тоза водородни ички ёниш двигатели таъминлаш тизимида қўллаш мумкинлиги амалда исботланган, лекин бу усуlda водородни ишлатиш кенг даражада амалга оширилмаган. Бунинг қўйида кўрсатилган объектив сабаблари бор:

- водород ёқилғисини саноат асосида олиш жуда катта ҳажмда электр энергияси харажатларини талаб этиши;
- ишлаб чиқарилган водород ёқилғисини сақлаш учун жуда юқори даражада герметик идишлар зарурлиги;
- машиналарёқилғи бакларини водород ёқилғиси билан тўлдириш учун таъминлаш станциялар тизимининг ташкил этилмаганлигидир.

Машиналар ИЁДда водородни ёқиш учун унга фақат водород билан таъминлаш тизими ва уни сақлаш учун маҳсус герметик бак ўрнатилади. Уни қўллаш водородни ва бензинни двигатель ёқилғиси сифатида ишлатиш имкониятини беради. Бу усулини хозирги кунда BMW и Mazda компаниялари ўз автомобилларида кенг қўлламоқдалар[3-5]. Бундан ташқари Германия ва Буюкбритания бирлашган қироллигига тепловозлар двигателини водород ёқилғиси билан ишлатишга кенг қўламда мослаштирилмоқда.

Бундан ташқари хозирги вақтда водород ёқилғисини ишлатилаётган углеводород ёқилғилари билан биргаликда аралашма сифатида ишлатиш усули ҳам мавжуд[1-5]. Бу усулда водород ёқилғисини ишлатиш, юқорида көлтирилған, тоза водородни машиналар двигатели ёқилғиси сифатида ишлатиш каби муоммоларни көлтириб чиқаради ва маълум даражада бензин ва дизель ёқилғини иқтисод қилиш имкониятини яратади.

ИТИ таҳлил қилиш натижасида шу нарса аниқландикі, келажақда ёқилғи элементлар ёрдамида ишловчи ИЁДи энг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши қутилмоқда (2-рам).

Бу усулда ишлайдиган двигателни, унинг техник томонларига эътибор бермасдан водород ва кислородни ёқилғи элементи деб аталадиган курилмада бир бири билан бириктирилади ва бунинг натижасида электр токи ҳосил этилади ва бу ток машинани юргизиш учун берилади. Бунда тизимда қўшимча маҳсулот сифатида буғ шаклидаги сув ҳосил бўлади ва ташқарига чиқарив юборилади. Бу усулда ишлайдиган водородли двигателларни Nissan, Toyota и Ford фирмалари ўз автомобилларига ўрнатмоқдалар [3-5].

Ўтган асрнинг 70 йиллари охирида ривожланган, нефтни энг кўп ишлатадиган давлатлардан бири ИТИ и олиб борувчи ходимлари нефть зоҳиралари тугагандан кейин унинг ўрнини фақат водород олиши мумкинлигини кўрсатдилар. Бу соҳада АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Россия ва бошқа давлатларда жуда кенг даражада илмий-тадқиқот ишлари

олиб берилмоқда [1-5]. Бу даврда Санк-Петербург Политехника университети олимлари ИЁДни водород ёқилғисида ишлаши мумкинлигини ўргандилар, лекин ҳали бу даврда нисбатан арzon ва хавфсиз водород ёқилғисини сувдан олиш усули излаб топилмаган эди.

ИТИ таҳлили шуни кўрсатадики, водород ёқилғисини асосан учта усулда: сиқилган, суюлтирилган ва боғланган (парошок) ҳолида сақлаш мумкин. Сиқилган водородни сақдаш учун жуда мустаҳкам идишлар (баллонлар), суюлтирилган ва боғланган (парошок ҳолида) водородни сақлаш учун эса маҳсус бакларни яратиш керак. Боғланган водород бу

парошоксимон шаклга көлтирилган модда бўлиб, ундан газ олиш учун уни маҳсус идишда қиздириш керак бўлади.

Санкт-Петербург Политехника университети илмий ходимлари томонидан водородни тўғридан тўғри автомобиль бортида сувдан олиш технологияларини ишлаб чиқилди. Албатта бу усулда сувдан водород олиш усули учун маҳсус реактор яратиш талаб этилди, лекин унинг конструкцияси сиқилган газ боллонидан соддороқ. Шу билан бирга у водород баллонларга нисбатан яхшироқ томонлари ҳам бор.


Бунда машина ҳеч қандай ташқи таъсирга боғлиқ ва унда умуман ёқилғи муоммоси бўлмайди. Унинг бакини фақат сув билан тўлдирилса бўлди, бошқа ҳеч қандай муоммо бўлмайди. Унинг бакига сув ва магний солинади ва ундаги бўлиб ўтадиган кимёвий реакция туфайли водород ва сув аралашмаси ҳосил бўлади. Бу аралашма бензинга қўшимча сифатида двигателга берилади. Ёнмайдиган аралашма машинани бутунлай хавфсиз қилиб қўяди[1-5]. Яратилган реактор конструкцияси нисбатан мураккаб, лекин мутлақ хавфсиз бўлиб қолади. Қурилмада ҳосил бўлган водород маҳсус бакда йиғилмасдан, тўғридан тўғри двигатель таъминлаш тизимида берилгани сабабли унда катта босим ҳосил бўлмайди,. Бу машина бензинда, тоза водородда ва водород-бензин аралашмасида ишлайдиган бўлади. Двигателнинг турли хил иш режимларидаги аралашма таркиби салт режимидағи тоза водородда ва жуда кам даражада водород қўшиладиган максимал юкланишда ишлайди. Бу режимларда водород 3% қўшилиб, жуда оз бўлсаем ёқилғи сарфини камайтиради. Двигателдан чиқарган ёнган газларнинг зарарлик даражаси салт юришда ва хусусий режимларда 10 мартағача камайиши аниқланди [1-3]. ИТИ натижасида шу нарса аниқландикі, двигателга қанча кўп даражада водород ёқилғиси берилса, шунча унинг иш режими яхшиланади. Тажрибалар, айниқса, камбағал режимларда двигатель иши яхшиланишини кўрсатди. Водород билан бирга пайдо бўлган сув буғи двигатель ичидан чиқадиган газларда азотнинг пайдо бўлишини икки марта камайтиради. Двигателга водород бериш натижасида унинг ф.и.к. 5-7% (айрим хусусий режимларда эса 20%) га ва иш муддати 5-10% гача ошади

ва двигателнинг заҳарли газларни атроф муҳитга чиқарышини кўрсатувчи СН и СО бўйича кўрсткичи ўн мартағача камайди [1-5, 7]. Университетда бажарилган ИТИ лар натижасида шу аниқландикі, ҳар қандай бензинли ва дизель двигателини водород ёқилғиси билан ишлатиш имконияти мавжуд. ИЁД ни водород ёқилғиси билан ишлатишга ўтказиш учун унга қўшимча 100 кг ли монтаж конструкция (сув ва магний зоҳираси билан бирга) ўрнатиш талаб этилади. Бунда двигатель конструкциясига минимал ўзгартришлар киритилади ва бунинг учун кетган меҳнат сарфи двигателни газга ўтишда сарфланадиган сарф-харажатлардан ошмаслиги аниқланди.

Германия, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатларда бу йўналишда кенг доирада ИТИ ва ТКРишлари давом эттирилмоқда ва уларда водород ёқилғиси билан ишлайдиган машиналар парки катта қисмни ташкил этади.

Маълумки, планетамизда нефть зоҳирлари чегараланганилиги сабабли келажақда бизни нефть ва унинг маҳсулотларга бўлган катта дефицит кутуб турмоқда ва шу сабабли хозирги куннинг ўзида нефть баҳоси жуда юқори. Бу маълумотлар нефть ўрнига алтернатив ёқилғиларни топиш ва шу асосда ҳалқ хўжалиги учун алтернатив двигателлар ишлаб

чиқиши тақоза этади. Бу йўналишда водород ёқилғиси билан ишлатиладиган ИЁД ўзининг жуда муносиб ўрнига эга. Кўп йиллик маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики водород ёқилғи сифатида жуда кўп йиллардан бери ишлатилиб келинмоқда ва унинг баҳоси 2-5 кг/долл дан кўп эмас [3-5], шу сабабли яқин келажакда унинг ҳалқ хўжалигида жуда кенг даражада қўлланиш имконияти мавжуд.



3-расм. В.С. Кащеевтомонидан ишлаб чиқилган водородлидвигатель схемаси: 1-цилиндр қапқоғи, 2-поршень, 3-копқоқ усти, 4-камера, 5-поршень ичи, 6-ҳаво киритиш клапани, 7-чиқариш клапани, 8-предкамера, 9-ҳаво бериш клапани, 10-ёндириш свечаси.

Водород ёқилғисида ишлайдиган ички ёниш двигатели пропандга ишлайдиган ИЁД каби ишлайди. Шу сабабли пропандан водородга ўтиш жуда осон ва қулай. ИТИ маълумотларига кўра хозирги кунда тахминан 25 % заҳарли газлар турли хил турдаги машиналар, жумладан транспорт воситалари ҳисобига юз беради [1-5]. Ҳалқаро энергетика агентлигининг берган маълумотларига кўра 2050 йилда бу рақам икки марта ошиши кўзда тутилган. Шу сабабли қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда транспортда водородли двигателларни қўллаш жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлади [1-5]. 3-расмда инженер Кащеев В.С. томонидан ишлаб чиқилган двигателнинг схемасини келтирилган. ИЁД поршени п.ў.н. дан юқори томонга ҳаракат қилганда унинг ёндириш камерасига водород берилади ва ёндириллади (дастлаб кириш тактида б ҳаво киритиш клапани орқали ҳаво сўриб олади). Шу вақтнинг ўзида чиқариш клапаналри очилади. Атмосфера босимининг фарқи ҳисобига ёнган газлар чиқариш коллектори орқали чиқарилиб юборилади.

**Хулоса.** Яқин келажакда водород ёқилғисини машиналар ИЁД да водород ёқилғисини кенг қўлламда қўллаш имконияти яратилади. Машиналарда водород ёқилғисини қўллаш ёқилғи-мойлаш материалларига

сарфланадиган харажатларни кўп марта камайтириш ва атроф-муҳитни яхшилаш имкониятини беради. Булардан ташқари Водород ёқилғисини қўллаш натижасида ИЁД атроф муҳитга чиқариб юбориладиган заҳарли газлар миқдори 10 мартағача камаяди.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Вагнер В.А.Улучшение экономических и экологических характеристик дизелей методом насыщения жидкого топлива водородом. Автореф.дисс. ... к.т.н.-Барнаул, 1984. 16 с.
2. Галышев Ю.В. Конвертирование рабочего процесса транспортных ДВС на природный газ и водород. //Автореф...дисс...доктора техн.наук.-Санкт-Петербург,2010. 36 с.
3. Раменский А.Ю.Применение водорода в качестве топлива для автомобилей//ООО «Инженерно-технический центр «Водородные технологии»(ИТЦ ВТ)([http://www.cleandex.ru/articles/2015/11/06/the\\_use\\_of\\_hydrogen\\_as\\_a\\_fuel\\_for\\_cars](http://www.cleandex.ru/articles/2015/11/06/the_use_of_hydrogen_as_a_fuel_for_cars)).
4. Радченко Р.В.,Мокрушин А.С.,Тюльпанов В.В. Водород в энергетике : учеб. пособие . - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2014. - 229 с.
5. Спиридонов В.Д., Сиваков В.В. Проблемы в использовании водородного двигателя.//Актуальные направления научных исследований XX века: теория и практика. ВГЛТУ им.Г.Ф.Морозова.-Воренж: ВГЛТУ, 2015.419-422 б.  
<http://krutimotor.ru/vodorodnyj-dvigatel-ustrojstvo>  
<http://www.ruseconomy.ru>  
<http://altinfoyg.narod.ru>  
<http://www.tek-ua.com>  
<http://www.goldformula.ru>  
[https://ru.wikipedia.org/wiki/водородный\\_транспорт](https://ru.wikipedia.org/wiki/водородный_транспорт)

# ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ЁНИЛГИ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАҲЛИЛИ

доцент Б.Б.Хакимов, мустақил изланувчилар Б.Г.Ганиев, В.И. Тагаев (ТИҚХММИ)

## АННОТАЦИЯ

Мақоланинг асосий мазмуни замонавий энергия манбаларини тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш, биоёнилғилар композициясини ёнилги сифатида ишлатиш, шунингдек зарарли чиқиндилярнинг камайишини олдини олиш масалалари таҳлил қилинган.

## АННОТАЦИЯ

Основное содержание статьи анализирует вопросы обеспечения современных источников энергии возобновляемыми источниками энергии, использования биотоплива в качестве топлива, а также предотвращения снижения вредных выбросов.

## ANNOTATION

The main content of the article analyzes the issues of providing modern energy sources with renewable energy sources, the use of biofuel as a fuel, as well as preventing the reduction of harmful emissions.


**Калит сўзлар:** композиция, энергия, тикланадиган энергия, биомасса, биоэнергетика, барқарор, оксид, қурум, саж.

**1970** йилда нефт баҳосининг кескин ўсиши, жаҳон иқтисодиёти учун жиддий хавф түғдирди, шунинг учун, ҳукуматлар зудлик билан импорт қиласидан нефт миқдорини камайтириш учун мақбул усул топишга ҳаракат қила бошладилар. Бунинг асоси тикланувчи энергия манбалари бўлиб, улардан ёнилги сифатида фойдаланиш тарихи 1880 йилда Генри Форднинг муқобил ёнилғида ишлайдиган биринчи автомобилини яратишдан бошланди. У 1902 йилда Париждаги кўргазмасида тикланувчи энергия манбалари асосида ишлайдиган 70 хил ички ёнувдвигателини намойиш этди. Шундан сўнг, замонавий техника ва энергетик жиҳозларни тикланадиган энергия билан таъминлаш, саноат чиқиндилярдан олинаётган энергия манбаларидан фойдаланиш, шу билан бир қаторда, саноат чиқиндилярдан чиқаётган зарарли антисанитар ва иссиқхона газларини камайтиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари жадал ривожланган. Ҳозирги кунда дунёда тикланадиган энергия манбалари сифатида, биомасса энергияси кенг тарқалган.

Жаҳон олимларининг тажрибаларига кўра, биомассадан энергия манбаи сифатида фойдаланиш куйидаги ижобий ҳолатларидан келиб чиқади:

- биомасса доимий равишида янгиланиб туради;
- биомассада энергия узоқ вақт сақланади ва ишлатилади;
- биомасса ҳар хил ёнилғиларга айланади;
- бугунги кунда биоэнергия технологиялари яратилган ва ишлаб чиқилган;
- биоэнергетика саноатини ривожлантиришда реал истиқбол мавжуд;
- биоэнергетика соҳасида турли хил органик чиқиндилярдан фойдаланиш мумкин;
- бир қатор ҳудудларда биоэнергетика иқтисодий жиҳатдан фойдали энергия тури ҳисобланади;
- биоэнергетика бу зарарли газсимон олтингутургут оксидларини ҳосил қилмайдиган ва биосферада карбонат ангидрид мувозанатини ўзгартирамайдиган тоза энергия манбайдир[3].

Маълумки, амалиётда тикланадиган ёнилғилар суюқ, газсимон ва қаттиқ ҳолатларда бўлади ва улар куйидагиларга бўлинади:



1-расм. Тикланадиган ёнилғиларнинг умумий ҳолатига кўра таснифи

Таҳлилларга кўра, тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бир қатор техник-иқтисодий ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АГРОИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ

муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Фойдаланилаётган ёнилғиларни тикланувчи энергия манбалари билан алмаштирилганда қуйидагиларга эришилади [5]:

- қазилма бойлик ресурслари тежалади;
- етарли хом-ашё ресурсларига эга бўлади;
- иқтисодий харажатлар камаяди;
- двигателни солиштирма эффектив қуввати ошиб эксплуатацион хусусиятлари ўзгармаган ҳолда иш кўрсаткичлари ошади;
- ишлатилган газларни экологик салбий таъсири камаяди.

Биоёнилғилар таркибида кислород микдорининг кўплиги ва ундаги барқарор ҳарорат кўрсаткичлари чиқинди газларнинг камайишига олиб келади. Манбаалар таҳлилига кўра ички ёнув двигателларида биоёнилғилардан фойдаланиш жараёнида цетан сони 43 дан 37 гача, ёпиқ тегилда чақнаш ҳарорати 21–22 °C (стандартта мувофиқ 40 °C) га ошади. Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, бир хил қувватли двигателлар иш жараёнида биоёнилғида ишлагандага двигателнинг атмосферага чиқарадиган заҳарли газлар микдори 20–30% га камайгани ва двигатель қуввати эса 5–6% ошгани маълум бўлди. [6].

Хулоса двигателларда қўшимча ёнилғи сифатида биоэтанол+биогаз+углеводородли ёнилғи эмульсияси бўлиб, ички ёнув двигателларининг ёниш камерасида уларнинг оксидланиш жараёни энг мақбул даражага етади ва ёниш жараёни жадаллашади. Двигателнинг цилиндр поршен группаси ва форсункаларда курум хосил бўлиши камаяди, ёниш камерасида углеводород оксиди ва қаттиқ заррачалар (саж), бензапрен камайиб, ёнилининг ёниши 8–12 фоизгача ошади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. [www.chmprt.ru/chemical](http://www.chmprt.ru/chemical) Subctonce 3 htme. <http://www.lex.uz/docs/3107036>.
2. Гужновский А.А. Планирование добычи нефти и подготовки запасов/ –М.; Недра, 1989.
3. <http://www.blogstroy20.ru/halivaj-rhb-2.html>.
4. Имомов Ш.Ж., Хванг Сант Гу., Усманов К.Э., Шодиев Э.Б., Каюмов Х.Т. “Альтернативное топлива на основе органики” 2013. 90–91с., 94–95с., 110 с.
5. <http://www.proagro.com.ua/research/files/PAUkrBioethanolRusadv.zip>.
6. Ҳакимов Б.Б., Тулаганова Ш. Биоэтанолли ёнилғидан фойдаланиш ва унинг энергия тежкамкорлигига таъсири // Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари: мавзусидаги анъанавий XV-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. Тошкент: 2016.

## БИОРЕАКТОРЛАР ДОЗАТОРИНИНГ БИЖГИШ ЖАЁНИГА ТАЪСИРИ ХАКИДА

Э.Шодиев, З.Мамадалиева, Н.Имомова, Ж. Мажитов, Б. Ганиев  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти.

### АННОТАЦИЯ

Маколада биогаз курилмаларига кундалик юкланадиган биомасса миқдоридан микробиологик жараёнга таъсири ва бижгитишда иштирок этаётган pH қийматига булган таъсирни тажрибаларда олинган хуласалари таккосланади. Бундан ташкири pH мухитни нейтраллаш учун биопрудлардан чиқаётган юкори сув ўтларини кундалик юкланадиган биомассага қўшилганда биореактордан чиқаётган биогаз миқдорига таъсири натижалари келтирилган.

### АННОТАЦИЯ

В статье сравниваются экспериментальные данные о влиянии количества биомассы, загруженной на биогазовые установки, на микробиологический процесс и значение pH,участвующее в ферментации. Кроме того, представлены результаты влияния высоких выбросов водорослей из биопродуктов на количество биогаза, выделяемого из биореактора при добавлении к ежедневно загружаемой биомассе для нейтрализации pH среды.

**Калит сузлар.** Биогаз, pH мухит, доза, утлар, метан, курилма.

**Ключевые слова.** Биогаз, pH среды, доза, посуда, метан, прибор.

### КИРИШ

Органик чикиндарга анаэроб кайта ишлов бериш курилмаларига кундалик юкланадиган доза (КЮД) тоза биомасса бижгиси жараёнининг кечишига жуда катта таъсири бор. Агар КЮД бир мартали услубда амалга оширилиб, юклаш дозаси бир неча кичик дозаларга тенг тақсимлаб берилса, биореакторда кечиётган микробиологик жараён стабил ва мўътадил кечади [1,2,3,4]. Бундай тартибида ишлатилаётган биореакторларни кичик ва катта щитчамларида синааб куриш учун катор тажрибалар ўтказдик.

**Тажрибалар.** Катор тажрибаларимизда биореакторларга КЮД нинг миқдоридан қатъий назар микробиологик жараёнда кечиётган бижгитишда иштирок этаётган pH қиймати жуда ҳам мухим ҳисобланишини курсатди. Биогаз ҳосил қилувчи бактерияларнинг фаоллиги биореактордаги pH мухитига, бу эса, ўз навбатида, кўпинча органик моддаларнинг юклаш дозаси миқдорига боғлиқ дейилади. Лекин юкланаётган модданинг таркибидағи pH га кўпроқ боғлиқлигини тажрибалар кўрсатди. Биореакторларда КЮД нинг миқдори ортса (15% юкори бўлганда) pH нинг миқдори камаяди, чунки субстрат (биореакторларга солиш учун тайёр ҳолдаги ёки унга дастлаб солинган биомасса) да ацетат концетрацияси кўтарилади.

Тажрибаларимизда бундай жараённи таҳлил қилиш мақсадида биореактор (960 л фойдали ҳажми) узоқ вақт (2010 ... 2018 йй.) ишлатилди. Бунда биореактор (1-расм) юклашнинг бир миқдоридан (ҳаттоқи 15%) иккинчи миқдорга ўтказилганда бир хил таркибли органик моддаларда pH секин-аста кўпайиши ва шу ҳолатда (pH = 8 да) ҳам газ чиқиши миқдори юкори бўлиши кузатилди.

Агар органик моддаларнинг кундалик юклаш миқдори ўзгартирилса, pH миқдори тез ўсиш томонга ўзгариши тажрибаларда маълум бўлди. Демак, биореактордаги микробиологик мухитни яхшилаш учун pH мухитни стабиллаш талаб этилади. Тажриба қурилмасига юкланаётган биомассанинг тажриба давридаги pH миқдори 7,2 ташкил қилди.

Биореактордаги pH 8,2 га тенг бўлган мухитни стабиллаш мақсадида биореактор КЮД га шаҳар биопрудларида ифлосланган сувни тозалаш учун экилган пистя (*Pistia stratiotes* L) ўтини (ўтнинг pH 5,5 тенг) майдалагичда кўпи билан 2 мм узунлиқда майдалаб солинди. КЮДга қўшилган биопруд ўтлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказининг юкори ўтлар ўстириш тажриба ховузидан елим қопларда олиб келинди.



1-расм. Дастребаки ишлов беришда биореакторга солиш учун тайёрланган органик чикинди таркибидаги pH миқдорини ўтлаш

Юқори сув ўтлари ҳисобланган пистя ўтининг ҳар бири оғирлиги ўртача 1-1,5 кг. ни ташкил қилди. Органик чиқиндиларни биореакторга солишдан олдин майдаланган биопруд ўтлари билан аралаштириш микдори КЮД миқдорининг 5 ... 20% ини ташкил қиласидиган тартибда тажрибалар ўтказилди. Биореакторга КЮДга қўшиб солинган майдаланган биопруд ўтлари ёрдамида 4 суткадан бошлаб pH микдори 7,2 гача туширилди.

Натижалар солиширилганда биопрудлардан чиқаётган юқори сув ўтларни КЮД га қўшилганда биореактордан чиқаётган газ микдори кескин кўпайиб (биореакторнинг фойдали ҳажмига нисбатан 1,2...1,7 ортганилиги), ишлов берилган биомассанинг таркиби (ранги очик кулранг бўлиб, кескин хиди камайди) бирмунча яхшилангани маълум бўлди [5,6,7]. Демак, биореактордаги биогаз ҳосил қилувчи бактерияларнинг мўътадил шароити (pH микдори 6,5 ... 7 оралигида) биологик газ олиш миқдорини ортишига ва метаногенез яхши ривожланиши ҳолатига олиб келишини курсатади.

**Хуносалар.** Дунё амалиётида метан ҳосил қилувчи бактерияларни текшириш, уларни кўпайтириш ва ривожлантириб биореакторларга жорий қилиш жараёни жадал равишда амалга оширилмоқда. Уларнинг морфологияси, биокимё ва геокимёси ҳаракатларини ўрганишда муҳим натижалар олинмоқда. Улар метан ҳосил қилувчи бактерияларни ўстириш ва органик чиқиндиларга ишлов бериш технологияларини ривожлантиришнинг асосини ташкил қиласиди. Аммо шу вактгача метаноген бактериялар ривожи учун факат ҳарорат ва намлик даражаси (кисман аралаштириш тезлиги) асосий рол уйнайди бед келинмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Mortreuil P., Baggio S., Lagnet C., Schraauwers B., Monlau F. Fast prediction of organic wastes methane potential by near infrared reflectance spectroscopy: A successful tool for farm-scale biogas plant monitoring (2018) Waste Management and Research, 36 (9), pp. 800–809.
1. Schmidt, T., McCabe, B.K., Harris, P.W., Lee, S. Effect of trace element addition and increasing organic loading rates on the anaerobic digestion of cattle slaughterhouse wastewater (2018) Bioresource Technology, 264, pp. 51–57.
2. Shamurad B., Gray N., Petropoulos E., Tabraiz S., Acharya K., Quintela-Baluja M., Sallis P. Co-digestion of organic and mineral wastes for enhanced biogas production: Reactor performance and evolution of microbial community and function (2019) Waste Management, 87, pp. 313–325.
3. Имомов Ш., Усмонов К. Биогаз: экологияорганикўғит. – Тошкент: “FARZAY-POLIGRAF”, 2016. – 258 б.
4. Имомов Ш. Технологические основы рекуперации тепловых отходов биогазовых установок. Ташкент: Фан, 2011. – 136 с.
5. Дубнова О.С. Тенденции и перспективы развития мирового рынка биотоплива: автореф. дис.... канд. экон. наук / МГИМО.-М.,2010.-20c.
